

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САНОБАР ЖЎРАЕВА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ
ХУДУДЛАРИДАГИ ЗИЁРАТГОҲЛАР
ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ
АҲОЛИ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

Монография

ТОШКЕНТ
«О‘ЗКИТОВ САВДО НАШРИЙОТ
МАТБАА ИЖДИЙ УЙИ»

2021

УДК 725.94(09)(575.1)

КБК 63.3(5Ў)

Ж 96

Жўраева С.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни [Матн]: Монография / С. Жўраева. -Тошкент: “O‘zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyі”, 2021. - 352 б.

Масъул муҳаррир:

Х. Юнусова *тарих фанлари доктори, профессор*

Тақризчилар:

Ў. Мавланов *тарих фанлари доктори, профессор*

Н. Мусаев *тарих фанлари доктори, профессор*

Н. Мухамедов *тарих фанлари доктори*

Ушбу монографияда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидан етишиб чикқан алломалар шахсияти, уларнинг ислом фани ва маданияти ривожига кўшган ҳиссалари, олимлар ижодининг маънавий-тарбиявий аҳамияти, улар яшаган манзилларнинг зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжо объектларига айланиши масаласи тадқиқ этилган. Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари зиёратгоҳлари билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари ҳолати, уларнинг сони, тарихи, бугунги кунда мазкур зиёратгоҳларнинг туризм соҳасини ривожлантиришдаги ўрни ҳамда ушбу маданий мероснинг ёшлар маънавий тарбиясидаги аҳамиятини кўрсатиб берувчи масалалар ёритилган.

Китоб зиёратгоҳлар тарихи билан кизикувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ушбу монография Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Илмий-техник кенгаши-нинг 9-сонли баённомаси (2021 йил 24 сентябрь) қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7614-2-1

СЎЗБОШИ

Дунё миқёсида диний қадриятлар жамият аъзоларининг тарбиявий-ахлоқий маданиятини шаклланишига ҳамда маданий-маърифий ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Дин билан боғлиқ бўлган зиёратлар, уларнинг тарихини ўрганиш халқнинг моддий ва маънавий бойлигини оширишда ҳамда ушбу масканлар инсоният маданиятининг ажралмас бўлагига айланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Диний урф-одатлар ва уларнинг мазмун моҳиятини тўғри талқин қилиш ахборотлар асрида турли диний оқимларга қарши ҳимоя воситаси вазифасини ҳам бажаради ва алоҳида тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

Дунё мамлакатларида исломшунослик, ҳадисшунослик, калом илми каби фанлар йўналишида ислом дини маданияти, фани ривожига ҳисса қўшган ва бугунги кунда зиёратгоҳ манзилига айланган буюк уламоларнинг фаолияти, илму-ирфонларини ўрганиш етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Абу Туроб Нахшабий, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Абул Муъийн Насафий каби уламолар асарларининг турли хорижий тилларга таржима қилиниши умуминсоний ғоялар ва маънавий қадриятлар тиклашга қратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ўлкамиз тарихи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, жаҳонга машхур тарихий-меъморий объектларни қайта тиклаш бўйича қилинган ишлар миллий тарихий меросимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг намунасидир. Хусусан, “Қашқадарё воҳаси 2700 йилдан зиёд тарихга, қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарига эга Нахшаб, Насаф, Кеш каби шаҳарларда фаолият кўрсатган, диний ҳамда дунёвий илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Туроб Нахшабий, Нажмиддин Насафий, Сайидо Насафий, Абу Муҳаммад Кеший каби алломаларни етиштирган бебаҳо замин ҳисобланиб¹, Сурхондарё воҳаси Бактрия, Кушон каби тарихий давлатлар, Олтинсой, Сангардак,

¹ Мирзиёев Ш.М. Ҳар қандай синовларни энгишга қодир халқ (Қашқадарё вилояти) // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 303-336.

Боботоғ каби гўзал табиати жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири эканлиги, бу ҳудудларда қадим замонлардан бошлаб юксак тараққиёт мавжуд бўлган¹. Шундай келиб чиққан ҳолда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида туғилиб, ижод қилган олимлар, хусусан, Насафий, Термизий, Нахшабий, Кеший нисбаси билан машҳур бўлган, ҳадис, фикҳ, тасаввуф каби ислом илмларининг ривожланишида катта ҳисса қўшган, ҳозирда улар жойлашган манзил зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжо сифатида маҳаллий аҳоли орасида фойдаланилиб келинаётган шахсларнинг илмий меросини тадқиқ қилиш, жану-бий воҳа тарихини ўрганиш билан бир қаторда, олимларнинг ислом илмлари ва маданиятида тутган ўрнини аниқлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 16 апрель ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 3 февраль ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 9 февраль ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 23 июнь ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сон “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 3 мартдаги 119-сон “Моддий-маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Мирзиёев Ш.М. Окқўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти) // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Бугунги кунда туризмни ривожлантириш жаҳон давлатларида устувор масалага айланган бир пайтда, туристик соҳада мамлакатимиз салоҳиёти жуда юқори. Ўзбекистоннинг жанубий худудлари ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида илму ирфон вакиллари ва ислом дунёсида машҳур бўлган алломалар етишиб чиқган. Уларнинг номи билан боғлиқ ислом меъморчи-лигининг ноёб архитектура ёдгорликларини асраб авайлаш, обод этиш, бу жойларда зиёрат туризмни ривожлантириш, нафақат вилоят, республика, балки хорижлик туристларни ҳам жалб этиш, давлатимиз қадим тарихи, маънавияти, маданияти ва гўзал табиатини хорижга кўрсатиш орқали иқтисодиёт ривожига улкан ҳисса қўшиш имконияти яратилади.

Тадқиқотда ўрта аср манбалари, сайёҳлар эсталиклари, Совет даври адабиётлари ҳамда Ўзбекистон Миллий архиви, Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги архив ҳужжатлари, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари туризм ва спорт бош бошқармаси, “Вақф” хайрия жамоат фонди маълумотларидан, шунингдек, дала тадқиқотлари доирасида зиёратгоҳларнинг ҳолати юзасидан олиб борилган суҳбат натижаларидан фойдаланилди.

І БОБ. ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТГОҲЛАР: МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚИ

1.1. Ўзбекистонда зиёратгоҳлар масаласига доир қарашлар ва унинг назарий-методологик асослари

Тарих фанининг ривожланиши – бу илмий тадқиқотларнинг замонавий ва услубий муаммоларини таҳлил қилиш, тарихий жараёнларни ўрганишнинг назарий-услубий асосларини янгича ёндашув ва қарашлар асосида аниқлаш заруратидан иборат бўлган тарихий тадқиқотлар назарияси ва методологиясини қўллаш, тадқиқ қилишни доимий такомиллаштириш жараёнидир. Сўнгги йилларда дин ва унинг назарий масалаларини эмпирик тадқиқотлар базасида фанлараро ўрганиш фаннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда¹. Шу жиҳатдан, жаҳон тамаддунининг ажралмас қисми ҳисобланган Марказий Осиё халқлари диний-маънавий ҳаётида ибодат ва диний эътиқод масаласини, жумладан, зиёратгоҳларни тарихий ракурсада тадқиқот объекти сифатида ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди². Зиёратгоҳлар ва уларда аҳолининг иштироқи, яъни уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти масаласини фалсафа, маданиятшунослик, психология, социология, антропология, дин

¹ Бу ҳақда қаранг: Timur Dadabaev. Religiosity and Soviet 'modernisation' in Central Asia: locating religious traditions and rituals in recollections of antireligious policies in Uzbekistan // Religion, State and Society, 2014. 42:4, – pp. 328-353; David W. Montgomery, John Heathershaw. Islam, secularism and danger: a reconsideration of the link between religiosity, radicalism and rebellion in Central Asia // Religion, State & Society, 2016. 44:3, – pp. 192-218; Коптелова Т.И. Методология изучения религиозного сознания в теории этногенеза Л. Н. Гумилева // Вестник РХГА. – 2015. №4. – С.170-176; Ситников А.В. Методы изучения религии в социальной теории П. Бурдьё // Вестник РУДН. Серия: Социология. – 2017. №1. – С. 38-50.

² Аширов А.А. Еще раз о проблемах этнологии в Узбекистане // Этнографическое обозрение. – 2006. №3. – С. 107-127; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 272 б.; Ўша муаллиф. Традиционные религиозные воззрения и обрядность узбекского народа // Исламские ценности Центральной Азии: толерантность. Историко-философские аспекты. Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2008. – С. 194-200; Ўша муаллиф. Ethnology in Uzbekistan: Achievements, Problems, and future Progress // Selected Bibliography of Central Asia and Kazakhstan (Modern History, Religion, Ethnicity). – Praga, 2009. – pp. 148-151.

феноменологияси ва тарихи нуқтаи назаридан турли назарий методологик асосларда ва позицияларда тадқиқ этишни талаб этади.

Муаммони турли фанлар кесимида ўрганиш диндаги моддий ва маънавий кадриятларнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш ва улардаги комил инсон ғоясини, ватанпарварлик, бағрикенглик, толерантлик, эзгулик каби олийжаноб ғоялар орқали ёшларни тарбиялашни кўзда тутати.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида дин билан боғлиқ анъана, урф-одат, маросим ва байрамлар кишилар турмуш тарзининг ўзига хос ҳодисаси сифатида намоён бўлади¹. Ўзбек халқи турмуш тарзида ҳам тарихий минг йилликлар давомида ўз миллий ва диний урф-одат, расм-русумлар билан боғлиқ анъаналар сақланиб қолган. Ана шундай кадриятлардан бири муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш одати ҳисобланади.

Ислом энциклопедиясида зиёрат сўзига қуйидагича таъриф берилади: зиёрат (араб тилида – бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш) – муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб, муайян расм-русумларни бажариб келишни англатади. Зиёрат маросими одатда қабр тепасида Куръоннинг айрим суралари (айниқса, Фотиҳа сураси)ни ўқиб, марҳум ҳаққига дуо қилиш, шунингдек, хайр-эҳсон, садақа бериш қабилардан иборат. Ислом дини ақидасига кўра, азиз-авлиёларнинг мақбараларига зиёрат учун борилганда, уларнинг руҳларидан мадад сўраш, ҳожатлар раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилиши каби илтижолар, ножоиз ҳисобланади. Зиёрат қилинувчилардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуои хайр қилиш, садақа-эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир. Ислом динида шахсга ибодат қилиш ширк саналади. Жумладан, Муҳаммад (с.а.в.) ўзларининг бир ҳадиси шарифларида таъкидлайдиларки, “қабристонларни зиёрат қилиб турингизлар,

¹ Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.8.

зеро у охиратни эслатади”¹. Охиратни эслаш эса, кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради².

Маҳаллий аҳоли ҳаётида диний культ сифатида зиёратнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этишда диншунослик фанининг дин тарихи, социологияси ва антропологияси каби фан тадқиқот усуллари ёрдамида диннинг маданий-маънавий аҳамиятини тадқиқ қилиш, диний эътиқод ва культларнинг шаклланиши ва ривожланиши, шахс култи билан боғлиқ ибодатлар, зиёрат билан боғлиқ ходисалар, маросим ва жараёнларни тушуниш мумкин бўлади. Диний культларнинг жамиятдаги вазифаси ва аҳамияти тўғрисида тадқиқотчи олимлар томонидан у ёки бу тарзда фикрлар билдириб келинмоқда. Бироқ, бундай қарашлар орасида бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи ва ҳатто бир-бирига зид келувчи фикрлар ҳам учрайди.

Хусусан, диннинг жамият ҳаётидаги вазифаларига оид назарий масалаларни ўрганишда М.Вебер, Э.Дюркгейм каби социологларнинг ғоялари ҳозирга қадар тадқиқотчилар томонидан асос сифатида фойдаланиб келинмоқда³. Шунингдек, дин социологиясида кишиларнинг диний даражаси концепциясини яратган Т.Лукман ва П.Бергерлар диннинг жамиятдаги аҳамиятини таҳлил қилган ҳолда, диний ибодат бу сифат, инсоннинг ўзига хос руҳий ҳолати бўлиб, унинг қай тарзда акс этиши мазкур жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлишини қайд этадилар⁴.

Сўнги йилларда постмодерн жамиятда диннинг аҳоли турмуш тарзидаги аҳамияти масаласи ўз хусусиятига кўра дин даражасининг ўзгариши, диний жараёнларнинг тарқалиши

¹ Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи. – Тошкент: «Hilol-Nashr», 2021. – Б. 129.

² Ислом / Энциклопедия. З.Хусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2004. – Б. 93-94.

³ Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. – М.: Наука, 1991. – 572 с.; Кудрявцев В.А. Мировоззренческие основы возникновения социологии (на примере творчества О. Конта, Г. Спенсера, Э. Дюркгейма, М. Вебера) // Вестник Моск. Ун-та. Сер. 18. Социология и политология. – 1999. №3. – С. 141-152; Вебер М. Избранное. – М.: РОССПЭН, 2006. Ч.3. Наука как призвание и профессия. – С. 529-546; Кравченко А.И. Социология: учебник / А. И. Кравченко; МГУ им. М.В. Ломоносова. – М.: Проспект, 2012. – 534 с.

⁴ Бергер П., Лукман Т. Конструирование социальной реальности. – М.: «Медиум», 1995. – 323 с.

ўртасидаги боғлиқликни кўриб чикмоқда. Бу жиҳатдан, А.Кураева, Т.А. Бажан, Н.А.Ворошилова, М.Штерин каби олимларнинг мазкур масала юзасидан назариялари муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, дин билан боғлиқ жараёнларни ўрганишнинг концептуал асосларига доир қарашларда (Л.Н. Митрохин, Е.Г. Балагушкин, М.П. Мчедлов, П.С. Гуревич ва бошқ.) диннинг инсон ҳаётидаги феномени, назарий тушунчалар синтези ва эмпирик тадқиқотларни таҳлил қилиш (А.Қырлежов, А.Кураев, Т.А. Бажан, Н.А. Ворошилова. Ю.Д. Синелина) кўрсатилади¹.

Диннинг жамиятдаги тутган ўрни ва аҳамиятини тушунишнинг асослари XX асрнинг 60-70 йилларида яратилган бўлса-да, масаланинг худудий ва анъанавий хусусиятларини ҳисобга олиб, мазкур муаммо юзасидан турлича ёндашувлар қайд этилади. Масалан, Г.Ленски, Ч.Глок, Р.Старк, Дж.М.Йингер, Д.Дэвидсон ва бошқаларнинг ёндашувларида мазкур масала юзасидан турлича ғоялар илгари сурилади². Дин фалсафасини тадқиқ қилган олим Н.А. Ворошиловнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда дунёда диний қарашнинг энг кенг тарқалган шакли диний онгдир. Диний ҳаракатларнинг (зиёрат ёки ибодат) оқилона томонлари ва диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлган ноаниқ жиҳатларини намоён қилади³.

Инсон ҳаётида диннинг вазифаларини эмпирик тадқиқ қилишнинг энг тўлиқ усули Ч.Глок ва Р.Старк томонидан яратилган бўлиб, Ч.Глок диний ибодатнинг бешта асосий ўлчовини таклиф қилди:

а) тажриба ўлчови (experiential dimension) – субъектив эмоционал шахсий динийликни акс эттирувчи диний тажриба;

¹ Вебер М. Социология религии. (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. – Москва, 1994. – С. 41-42; Дюркгейм Э. Элементарные формы религиозной жизни // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии / Сост. В.И. Гараджа и Е.Д. Руткевич. – Москва, 1996. – С. 438-441, – С. 469-471; Дуглас М. Чистота и опасность. Анализ представлений об осквернении и табу. – Москва, 2000; Лич Э. Культура и коммуникация. Логика взаимосвязи символов. – Москва, 2001; Рэдклифф-Браун А. Структура и функции в примитивном обществе. – Москва, 2001. Гл. 7, 8. – С. 69.

² Социология религии Вебер М. Социология религии. (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. – Москва, 1994. – С. 41-47.

³ Ворошилов Н.А. Религиозное сознание и способы его существования. – Красноярск, 2002. – С. 26.

б) ритуалистик ўлчов (ritualistic dimension) – диний урф-одатлар, ҳаракатлар, маросимларда иштирок этиш, масалан, диний маросимларда қатнашиш;

с) мафкуравий ўлчов (ideological dimension) – маълум бир эътиқод тизимини қабул қилиш;

д) интеллектуал ўлчов (intellectual dimension) – иймон ҳақида билим, хабардорлик;

е) оқибатлар, натижавий ўлчов (consequential dimension) – оқибатлар, натижаларнинг диннинг юкоридаги кўринишларини тадқиқ қилади¹.

Бундай ўлчов белгилари нафақат аҳолининг дин билан боғлиқ ҳаётини ўрганиш, балки (Р.Старк, Ч.Глок усуллари) шахснинг “маросимларда иштирок этиш”, “жамият ҳаётида иштирок этиш” ва “жамият қадриятларига содиқлик” каби кўрсаткичларни ҳам тадқиқ қилишга ёрдам беради. Шунингдек, тадқиқотчи олим Д.Батсон томонидан тақлиф этилган динийликни ўрганишнинг “квест” шкаласи 3 та ўқни, яъни “дин мақсад сифатида”, “дин восита сифатида” ва “дин изланиш сифатида” ўрганишни белгилайди².

Диний ва ижтимоий ўзгаришларнинг бир-бирига муносабатини тадқиқ қилган немис социологи, файласуф, тарихчи олим М.Вебер (1864-1920)нинг фикрича, диннинг ижтимоий роли, жамият тараққиётидаги аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, дин ҳар доим ҳам консерватив куч бўлавермаслигини, аксинча, диний илдишларга эга бўлган ижтимоий ҳаракатлар кўпинча жамиятда сезиларли ўзгаришларга олиб келишини, замонавий жамиятда кундалик ҳаёт қоидалари анъанавий бўлиб сақланиб қолишини қайд этади³. Социолог К.Ривьер ҳам ўз тадқиқотларида буни тасдиқлаб, дунёвий жамиятда мавжуд бўлган тартиблар йўқолиб

¹ Хлопкова О.В. Современные проблемы исследования религиозности // Современные исследования социальных проблем. – 2012. №9(17), – С.1-6; Ворожейкина Л.И. Анализ типов религиозной концепции // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 9-5. – С. 1101-1108.

² Batson D. Religion and the individual. A social-psychological perspective / D. Batson, P. Schoenrade, W. Ventis. - New York: Oxford University Press, 1993. – 427 p.

³ Antes P.A Survey of New Approaches to the Study of Religion in Europe. New Approaches to the Study of Religion: In 2 vol. V. 1: Regional, Critical, and Historical Approaches / Ed. by Peter Antes. – Berlin; N.Y.: Walter de Gruyter, 2004. – P. 43-62.

кетмаслиги, аксинча у янги формада, ишонч билан чегараланмаган ҳолатда бўлишини таъкидлайди¹.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар бир жамиятнинг ўзига хос қонун-қоидалари, яшаш шароити, диний қарашларининг сақлаб қолиниши инсонлар ҳаётида диний ибодатлар, жумладан, зиёратларга муносабатни ҳам ҳудудий жиҳатдан турли ўзгаришларга учрашини кузатишимиз мумкин. Мазкур концепцияларнинг натижаларини Ўзбекистондаги зиёратгоҳларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида маънавий тарбиявий аҳамияти юзасидан ҳам ўрганишимиз мумкин эканлигини кўрсатади.

Маълумки, дунё динлари – христианлик, ислом ва буддавийликда диний маъбудларга ибодат ва зиёратгоҳларга ташриф буюриш диний амалиёт ҳисобланади. Ислом динида “зиёрат” истилоҳи мусулмонларнинг “муқаддас” жойларга боришини англатади. Баъзи тилларда “ҳаж” ва “зиёрат” сўзлари (hajj, pilgrimage, паломничество) бир маънода ишлатилади². Ислом динида эса, ҳаж зиёрати масаласида қатъий қоидалар ўрнатилган бўлиб, Қуръони каримда ҳаж зиёратини амалга ошириш ислом рукнларидан бири эканлиги таъкидланади³. Мусулмон мамлакатларидаги муқаддас жойларнинг аксарияти Али ва Фотима (р.а.), Пайғамбар (с.а.в.)нинг бошқа авлодлари, хўжа ва саййидлар ҳамда уларнинг авлодларига тегишли қабрлардан иборат.

Марказий Осиё аҳолиси ҳаётида зиёратгоҳлар тарихий шахслар (Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Накшбанд⁴ ва б.) билан боғлиқ турли мазорлар, айрим табиат ҳодисалари ва предметлари билан боғлиқ жойларни⁵ (тешик тош, тузли мазор ва б.) ташкил этади.

¹ Ривьер К. Социоантропология современности / Пер. А. В. Тавровского // Журнал социологии и соц. антропологии. — СПб: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 1999. — С. 117-128.

² Niu. Gamil Metwally. Hajj and Its Impact on International Relations // Journal of Middle Eastern and Islamic Studies (in Asia), — 2016. 10:4, — pp. 39-65.

³ Қуръони Карим. Бақара сураси. 196-оят.

⁴ Акимушкин О.Ф. ал-Қадирийа. Каландарийа.ал-Кубра. Кубравийа. Накшбанд. Накшбандийа // Ислам.

Энциклопедический словарь. — Москва, 1991; Муминов А.К. О происхождении братства йасавийа // Ислам и проблемы межкультурных взаимодействий. — Москва, 1994; Муминов А. Центральная Азия // Ислам на территории бывшей Российской империи. Вып. 1. — Москва, 1998. — С. 17-29.

⁵ Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане // Центральная Азии и Кавказ. — 1999, № 1(2). — С. 184.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон ҳудудида зиёратгоҳлар масаласини ўрганишда зиёратгоҳ номи билан боғлиқ шахсни (авлиё, пир, саййид, хўжа) мақоми ва даражасини тадқиқ қилиш ҳам муҳим саналади. Мазкур тадқиқ фанда персонификация – шахслаштириш (лотинчада *персона* “юз”, *фацио* “мен қиламан”) деб номланиб, бунда объектлар, мавҳум тушунчалар инсонлар қиёфасида акс эттириш, уларнинг инсоний хусусиятларини тан олиш, инсон психикаси хусусиятларини реал ёки хаёлий дунё объектлари ва ҳодисаларига, ҳайвон, ўсимликлар ва табиат ҳодисаларига боғлаш назарда тутилади. Шахслаштириш мифология, дин, эртақ, афсона, масал, сеҳр, культ ва бошқа адабиётларда кенг тарқалган¹.

Персонификацияда шахснинг ўзига хослиги, индивидуаллиги кучаяди ва юксак идеалларнинг Худо билан алоқаси тушунилади². Шу жиҳатдан, зиёрат объектларида шахслар номи билан боғлиқ жойларни, яъни уларнинг исми шарафи номларни илмий изоҳлашни назарда тутади.

Шу маънода, Ўзбекистонда зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини юқорида келтирилган назария ва методология асосида ўрганиладиган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида зиёрат, унинг аҳоли ҳаётида тутган аҳамияти масаласида турли хил қарашлар ва ёндашувларни кузатиш мумкин.

Айтиш мумкинки, ўлкада ислом дини кириб келгунга қадар маҳаллий аҳоли орасида турли диний қарашлар билан боғлиқ культлар (санам, уй хўжалиги воситалари) мавжуд бўлган ҳамда маҳаллий аҳоли орасида диний эътиқодлар зиёрат кўринишида сакланиб қолган. Кейинги жараёнларда араблар ва мўғуллар истилоси даврида ҳам бундай одатлар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ислом дини ўлкада тўлиқ қарор топгандан сўнг, қадимий диний тасаввурлар ва уларнинг маҳаллий аҳоли анъанавий турмуш тарзидаги кўринишлари жиддий ўзгаришларга учраган. Улар

¹ Блондель Ж. Политическое лидерство: Путь к всеобъемлющему анализу / Пер. с англ. Г.М. Квашнина. – М.: РАУ, 1992. – 135 с.; Казаков М.А. Персонификация как тенденция современного политического лидерства: особенности проявления и восприятия // Вестник Нижегородского университета. Социальные науки, 2018. №1(49). – С. 54–61.

² Хлопкова О.В. Современные проблемы исследования религиозности // Современные исследования социальных проблем. (Эл. науч. журнал.). – 2012. №9(17), – С. 1-7.

янги дин шакллари билан қоришган ҳолда маҳаллий аҳоли ҳаётида регуляторлик (бошқарувчилик) вазифасини бажариб қолган.

Илк исломда бундай эътиқод шакллари учрамайди, кейинги даврларда маҳаллий диний культлар ва анъаналар таъсирида шакланган авлиёлар ва уларнинг мазорларига, қадамжоларга ташриф, у ерларни зиёрат қилиш, жонлик сўйиш, чирок ёқиш, чалпак қилиш ва бошқа диний урф-одатлар кенг тус олган.

Мусулмонларларнинг шариат қонунларида зиёратгоҳларга ташриф ҳақида сўз юритилмаган ва бу ислом динида “азизлар” қабрига бориш қонунийлаштирилмаганлигини кўрсатади. Тадиқотчи М.Тастанбековнинг фикрича, “Муқаддас жойлар”га ибодат қилишга қарши мусулмон мазҳаблари ўртасида шиддатли кураш олиб борилган¹.

Б.Тожибоевнинг қайд этишича, Аҳли сунна вал жамоа номи билан машхур тўрт мазҳаб олимларининг барчаси қабр зиёрати фойдали ва савобли эканлигини айтиб, бир қанча фатволар берган. Масалан, Ҳофиз Бағдодий айтадики, Имом Шофийий деганди: “Мен Абу Ҳанифа Раҳматуллоҳ билан табаррукланар эдим. Деярли унинг қабрини ҳар куни зиёрат қилар эдим, бирон бир хожатим бўлса, икки ракат намоз ўқиб, сўнгра Абу Ҳанифа Раҳматуллоҳнинг қабри олдига келардим ва ўша ерда хожатимнинг раво бўлишини Аллоҳдан сўрардим, хожатим раво бўларди”. Қорилар шайхи Ҳофиз Жазарий “Ҳиснул ҳасийн” китобида шундай ёзганки, “Солиҳ инсонларнинг қабрлари дуо ижобат бўладиган жойлардир”². Инсон гуноҳларини тан олиб, ўзига нисбатан Аллоҳга яқинроқ бўлган авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиб, у ерда Худога ёлворар экан, Аллоҳ Таоло ўша авлиёлар ҳаққи ҳурмати унинг дуосини ижобат қилади. Бу эътиқод кўриниши исломда “васила” дейилади. Яъни Аллоҳдан хожатини сўрашда банда ўзи ва Худо орасига бирорта авлиёни восита қилади³.

¹ Tastanbekov M.M., Dinashva L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89. – 2013. – Pp. 667-675.

² Тошқубри Зода. Аш-Шақоикун-н-Нуъмания фи уламои давлати-л-Усмония. – Байрут: Дору-л-китоби-л-арабий, 1975. – Б. 29

³ Тожибоев Б. Қабр зиёрати ва васила // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2013, 4-сон. –Б. 271-272.

Француз олими Д.Сурдел исломдаги муқаддас культларда ибодат, зиёратгоҳлар ва уларга ташриф масаласида фикр билдириб, диний ритуаллар авлиёларга ибодат қилиш маҳаллий шомонлик анъаналари билан интеграциялашганини, бу янгилик халқлар орасида тарқалиб кетгандан сўнг каноник амалиёт сифатида қабул қилинганини таъкидлайди¹.

Ҳозирги кунга қадар турли дин уламолари орасида авлиёларга ибодат қилишни ижобий ёки салбий баҳолайдиган қарашлар илгари сурилади, бироқ бошқа томондан зиёратга бориш маҳаллий аҳолининг маънавий-маърифий ҳаётида муҳим саналади. Шу маънода, айнан Ўзбекистон мисолида зиёрат объектиларига ташриф давомида унинг регуляторлик, воситачилик, даволовчи ва коммуникация функциясини кўри-шимиз мумкин.

И.Голдциернинг фикрига кўра, эски эътиқоднинг баъзи шакллари динга кириб бориши учун ибодат муҳим саналган. Муслмон аҳолиси илгари кўп ҳудудлик эътиқодига риоя қилган мамлакатлар ва ерларни забт этар экан, бу динларнинг турли унсурлари исломга кириб келганини ва кўшилиб кетганини таъкидласа, М.Б. Пиотровский эса муқаддас культ зиёрати одамларнинг эътиқодлари, қадимги урф-одатлари ва маросимларини бирлаштирганини қайд этади. Бироқ у каноник эмас, анъанавий исломда, Аллоҳга шафоат қилувчиларга ибодат қилиш тўғрисида доғмалар тарқатилганини айтади. “Халқ исломи”да бундай ҳимоячилар валий, деб номланган, валий култи исломдан олдинги сақланиб қолинган шомонлик эътиқодларига тегишли эканлигини таъкидлайди².

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, олимлар томонидан зиёрат объектиларининг пайдо бўлиши тўғрисида турли фикр-мулоҳазалар билдирилса-да, маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёратгоҳлар руҳий-психологик покланиш муҳим феномен сифатида ва маънавий-маърифий вазифани бажаришда давом этади.

Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида зиёратгоҳлар масаласини ўрганган М.М. Тастанбеков тадқиқотларида, минтақада диний ибодат зиёрат қилиш анъанаси ислом пайдо бўлишидан анча

¹ Доминик Сурдель. Ислам. Перевод с французского. – Москва, 2004. – С.70.

² Pitrovsky M.B. Islam - belief and a way of life // Islam. Short directory. – М., 1983. – Рр. 45.

олдин шаклланганини келтириб, ўзларини мусулмон деб атаган кўчманчи халқ ҳаётида ибодат элементлари диний онгининг бир қисми сифатида сақлаб қолингани, бу кўчманчи ва мусулмонларнинг диний эътиқоди “folk Islam” (халқ исломи) симбиозининг мавжудлигини англатиши, шунинг учун “муқаддас жойлар”, зиёрат амали ва урф-одатлар орқали амалга ошириш рад этилмаётгани айтилади¹.

Мазкур масалада Совет этнографи В.Басилов уни қуйидагича баҳолаб, мазкур культ (зиёрат ибодати) ёрдамида ўлкада мусулмончиликкача бўлган эътиқод ва маросимлар ислом динига мослаштирилди ва бу унинг янги ҳудудларга тарқалиш имкониятини берганини қайд этади².

Таъкидлаш лозимки, “муқаддас жойлар”га зиёрат масаласининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалишида сўфийлик³ ҳам муҳим роль ўйнади. Бу ҳақда В.В. Бартольднинг келтиришича, Қуръонда расмий таъқиқ бўлганига қарамай (авлиёлар мазорига ташриф – С.Ж), сўфийлик исломдан олдинги диний таълимотга яқинроқ ҳисобланади⁴.

Масалан, Ибн Баттутанинг ёзишича, Ўрта Осиёнинг ҳар бир шаҳрида жуда кўп азиз-авлиёларнинг қабрлари учрайди. Бу шаҳарлардаги авлиёларнинг қабрларига бутун ислом оламидан зиёратчилар келиб туради. Шу билан бирга, баъзи шаҳарларда фақат маҳаллий аҳоли танийдиган ва тавоф этадиган авлиёларнинг қабрлари ҳам борлиги айтиб ўтилади⁵.

Этнолог тадқиқотчи С.Н. Абашин ҳам ўз тадқиқотларида бунини тасдиқлаб, Марказий Осиёда сўфийлик авлиёлар культининг шаклланишига ҳисса қўшган омил эканлигини келтиради. Яъни ўзининг таквоси, чуқур билими билан машҳур бўлган суфийлар

¹ Tastanbekov M.M., Dinashva L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89. – 2013. – Pp. 667-675.

² Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – Москва, 1970. – Б. 61.

³ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М., Наука. 1965. – 521 с.; Кныш А.Д. Суфизм // Ислам. Историографические очерки. – Москва, 1991. – С.153.; Arberry A. J. Sufism. An Account of the Mystics of Islam. This edition first published by Routledge New York NY. – 2008. – pp.142.

⁴ Бартольд В.В. Ислам. Соч. Т.6., – Москва, 1966. – С. 115.

⁵ Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. – Тошкент: Шарк машғали, 1993. – Б. 52-53.

(муршид, шайх, пир, эшонлар) ҳаёти давомида ёки вафотидан кейин авлиё сифатида ҳурматга сазовор бўлиб, уларнинг қабрлари ибодат объектига айланди¹. Шу тариқа сўфийлар томонидан авлиёларга ибодат қилиш ижтимоий ҳаётда мустаҳкам ўрнашганлигини қайд этади.

Бундан кўринадики, сўфийлик тариқатлари гуллаб яшнаган даврда, исломда “ширк” ҳисобланган азиз авлиёларнинг кадам-жолари, мазорларини зиёрат қилиш кучайган. Шу билан бирга, исломдан аввалги қадимий эътиқодлардан қолган муқаддас ерларни эъзозлаш ҳам урфга кирди. Бу ислом динидан аввалги урф-одатларнинг қолдиғи сақланиб, янгича тус олганлигини кўрсатади.

Шунингдек, тадқиқотчи А.В. Сызранов ҳам бу масалада фикр билдириб, Астрахан ҳудудида мусулмон авлиёлари ва уларнинг зиёрат объектлари ўрта асрларда Ўрта Осиё сўфийлик мактаби анъаналарининг кучли таъсири остида шаклланишини қайд этса², тадқиқотчи В.Литвинов, Туркистон мусулмонларининг “муқаддас жойларга”, зиёрат объектларига ибодатини исломнинг “Туркистон модели”, деб номлайди³. Мазкур тадқиқот натижалари Марказий Осиёда зиёрат культининг шаклланишида сўфийлик анъаналари элементи муҳим рол уйнаганлигини кўрсатади.

Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида зиёратгоҳлар ва “муқаддас” деб аталган кадамжоларнинг характеристикасидан келиб чиқиб, олимлар томонидан турлича классификация берилади. Улар ўз ичига мазорлар⁴, яъни мусулмон қабрлари, “азиз” жой, зиёрат ва бошқа атамаларни бирлаштиради. Масалан, М.Тастанбеков тадқиқотида, Марказий Осиё аҳолиси ҳаётида кадамжолар сифатида қабрларни “муқаддас” ёки азиз ҳамда оддий қабристон сифатида ажратадилар.

¹ Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. – 2001. № 2. – С. 128-131; Ўша муаллиф. "Народный" суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. Ташкент, ИФЕАК – 2004. – С. 1-11.

² Сызранов А.В. Культ мусульманских святых в Астраханском крае // Этнографическое обозрение. – 2006. №2. – С. 127-143.

³ Литвинов В.П. «Святые места» мусульман Туркестана как центры антироссийской деятельности турецкой агентуры (вторая половина XIX - начало XX в.) // Вестник РУДН. Серия: История России. Том 15, №2, – 2016. – С. 45-54.

⁴ Дастлабки ислом даврида қабрларга нисбатан мазор атамаси киритилди. Бу атаманинг қисман таржимаси оғиш жойи деб номланган ва шарафлаш маъносига ишлатилади.

Шунингдек, исломнинг муқаддас жойлари гумбаз, мақбара, гўр, сага, мавзолей атамалари билан ҳам қўлланилиши айтилиб, уларнинг барчаси мусулмонларнинг зиёрат қилиш объектини белгиламаслигини қайд этади¹.

Хоразм ўзбеклари маҳаллий аҳолиси ҳаётидаги зиёрат масканлари ҳисобланган мазорларни ўрганган дастлабки совет этнографи С.П. Снесарев мазорларнинг исмлари билан боғлиқ бўлган авлиёлар ҳақидаги тарих асосида уларнинг 4 та асосий турини ажратиб кўрсатади:

а) “азиз авлиёлар”, уларнинг шакл-шамойили аниқланмаган ва ҳатто уларнинг ҳаёти ҳамда ўзига хос исмлари ҳақида ҳам маълумот йўқ;

б) “Бошқа динлар билан боғлиқ шахслар”, мазкур гуруҳга авлиёлар, исломнинг дастлабки тарихига доир қаҳрамонлари киритилган;

с) авлиёлар, ўрта асрда машҳур бўлган ҳамда маҳаллий сўфийлар;

д) “маҳаллий ҳокимият вакиллари”, улардан баъзиларининг мақбаралари одат бўйича ибодат объектига айланган”²лиги келтирилади.

Олим А.Раҳмонов ўз тадқиқотида, диний афсоналарга асосланиб, Хоразм зиёратгоҳлари мисолида, уларни “муқаддас” жойлар, мазор, мақбара, “муқаддас”лаштирилган туз кони ва шифобахш булоқлар каби турларга ажратади³.

Россиялик этнолог В.Огудин зиёратгоҳларни аҳоли маданий, маърифий ҳаётидаги вазифасига кўра куйидагича таснифлаган:

1. Бирлаштирувчи – зиёрат объекти маълум бир ҳудудда диний жамоа ва қон-қариндош гуруҳлар учун жипслаштирувчи марказ бўлиб хизмат қилади;

¹ Tastanbekov M.M., Dinashева L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89, – 2013. – Pp. 667-675.

² Снесарев С.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва, 1969. – С. 11.

³ Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда “муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон нашриёти. 1963. – 29 б.

2. Воспитачилик хусусияти – зиёрат объекти ёки эътиқод жойи диний тизимда Тангри ва инсон ўртасида воситачи вазифасини бажаради;

3. Коммуникатив (ўзаро алоқа функцияси) умумлаштирувчи – эътиқод объекти жамият ҳаётининг маркази сифатида фаолият юритади.

4. Ҳимояловчи хусусияти – маълум ҳудудда яшовчи ва қайсидир ижтимоий гуруҳга кирувчи инсонларни зиёрат объекти ёки унинг “ҳомий авлиёси” ҳимоя қилади;

5. Даволовчи хусусияти – зиёрат объекти инсонларга касалдан фориғ бўлишга ёрдам беради (асосан фарзандсизлик ва руҳий касаллар);

6. Табиатни муҳофазаловчи хусусияти – эътиқод жойи ўзини ўраб турган ҳудудидаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга ва кўпайтиришга имконият яратади¹.

Исломушunos олим Б.М. Бобожоновнинг қайд этишича, Марказий Осиёда зиёрат объектларининг энг кенг тарқалгани бу “муқаддас қадамжолар” ҳисобланади. Уларнинг номлари мазор, мақбара, авлиё, жой деб ҳам аталади. Зиёратчиларнинг доимий ташриф буюрадиган ибодат ва маросимлар ритуаллар ўтказадиган жой зиёрат (зийара) деб аталади. Мазкур жойлар “муқаддас” ҳисобланган ёки рамзий пайғамбарлар қабрлари билан боғлиқ жойларни ташкил этади. Ёки улар табиатнинг “мўъжиза”лари (оддий бўлмаган кўринишдаги қоя ёки тош, шифобахш булоқ ёки дарахт) билан яратилган. Мазкур объектлар ўзининг сони жиҳатдан масжидлар билан тенглаша олади. Айниқса, аксарият масжидлар (шаҳар ташқарисидаги) шундай муқаддас жойларда барпо этилган. Тадқиқотчи уларни алоҳида масала сифатида кўриб ўтилишини зиёратчиларнинг мазкур жойларга ташрифи фақат муқаддас руҳгагина яқинлашиш эмас, балки бу ерда савдо, ишлаб чиқариш, касалликлардан даволаниш ва кундалик ҳаётдаги юмушларига ёрдам сўраб, мурожаат қилишни англатишини ҳам таъкидлаб ўтади².

¹ Огудин В. Место поклонения Фергани как объект научного исследования // Экономическое обозрение. – 2002. №1. – С. 72-74.

² Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С. 626-627.

Мазкур маълумотдан шу нарса кўринадики, зиёратгоҳлар аҳоли маънавий-маърифий ҳаётида нафақат руҳий балки психологик жиҳатдан коммуникатив аҳамияти юқорилигини кўрсатади.

Фарғона воҳаси мисолида зиёратгоҳлар масаласини ўрганган Н.Абдулахатов зиёратгоҳларни пайдо бўлишига кўра, уларни Қуръонда зикр этилган пайғамбарлар билан боғлиқ; Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг муборак мўйлари билан боғлиқ; Ҳазрат Али авлодлари, саҳобалар, тобеъинлар, авлиёлар, дин уламолари, аёллар ва шаҳидлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар каби турларга бўлади¹.

Шу жиҳатдан, биз томонимиздан зиёратгоҳларни ўрганиш жараёнида бир феноменга дуч келиндики, бу – бир шахсга тегишли бир нечта қабр ёки мақбаранинг зиёратгоҳ сифатида мавжуд бўлиши ҳолати кузатилди. Бу жараённи биз қуйидагича изоҳлаймиз:

а) минтақамизга ислом дини кириб келишидан аввал бор бўлган муқаддас қадамжони сақлаб қолиш мақсадида, бу ерни бирор саҳобийнинг номи билан боғлаш амалиёти юз берган;

б) халқ орасида ҳурмати баланд бўлган кишига муайян жойда зиёратгоҳ ташкил этиш ҳолатлари ҳам кўплаб учрайди;

в) айрим ҳолларда бирор шахс томонидан моддий манфаатдорлик мақсадида зиёратгоҳлар ташкил этилган;

г) зиёратгоҳ ўз номи билан муқаддас қадамжо бўлиши мумкин, яъни бу жойга номи қўйилган шахснинг жасади тушган эмас, балки қадами теккан, дея таърифланади.

Зиёратгоҳларда амалга ошириладиган маросимлар масаласида совет этнографи В.Басилов ва Г.Снесарев фикр билдириб, авлиёларни зиёрат қилаётганда, мусулмон аҳоли турли маросимларни: Қуръондан суралар ўқиш ва намозни адо этиш, қабр атрофида юриш, уни безаш, шунингдек, қурбонлик ва садақа тарқатиш одатга айланган. Қабрларни зиёрат қилишда, аксарият мусулмонлар марҳумлардан ўз эҳтиёжларини қондиришларини, сажда қилиш ва қабрга кўзларини суришлари орқали тўғридан-тўғри илтимос қиладилар, бу ҳолатни илоҳиётшунослар

¹ Абдулахатов Н. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фарғона вилояти зиёратгоҳлари материаллари асосида). Тарих фан.ном....дисс. – Тошкент, ФАТарих институти 2008. – 190 б.

бутга ибодат қилиш билан тенглаштирадilar. Бошқалар эса, азизлардан Аллоҳ олдида шафоатчи-воситачи сифатида фойдаланиб, ибодат қилишган¹. Шунингдек, ўтказилган сўров натижалари асосида айтиш мумкинки, мусулмонлар орасида азизларнинг қабрлари ёнидаги ибодатларни яхшироқ қабул қилади, деган фикрлар ҳам кенг тарқалган.

Қабрга боришдан олдин зиёрат одоб-ахлоқ қоидалари сифатида ғусл, яъни танани тўлиқ таҳорат қилиш мақсадга мувофиқ, мустаҳаб ҳисобланган. Мақбара йўлида ислом тавҳидига содиқлигини таъкидлаш учун юз марта такбир (Аллоҳу Акбар) ўқиш керак. Масжидда имом, унинг қариндоши ёки шериги қиблага қаратиб, икки ракат намоз ўқиб, сўнгра шу жойда кўмилган авлиёга бағишланган зиёрат матнини ўқиши керак. Азизларнинг дафн этилган жойида муҳим шахсий ибодатлар ва илтимослар билан Аллоҳга мурожаат қилиш тавсия этилади².

Ўзбекистон ҳудудида зиёратгоҳларда ибодат қилиш анъанаси узоқ ўтмиш даврлардан давом этиб келаётган бўлса-да, маҳаллий аҳолининг зиёратлардаги иштироки тўғрисида дастлабки маълумотлар мустамлака даврида ўлкани ўрганган этнограф, географларнинг асарларида келтирилади. Улар маҳаллий аҳолининг зиёратгоҳлардаги иштирокини қуйидагича баҳолайдилар:

Сартларнинг³ диний ишларидан яна бири бу зиёратдир. Асосан, бу жараёнда, аксарият аёллар иштирок этади. Сарт аёллари зиёрат амалларида иштирок этишни нафақат диний эътиқод нуқтаи назаридан, балки ёқимли ишга машғул бўлганларидек, жуда қизиқиш билан адо этадилар. Агар бундай муқаддас жойда дарахт ўсган бўлса, бу муқаддас ҳисобланиб, урф-одатга кўра, ҳар бир зиёратчи ушбу дарахтнинг шохларига турли рангдаги мато ёки рўмолларни ният билан боғлайдилар. Сартлар орасида муқаддас жойлар кўп бўлиб, уларни турли даволовчи ёки мўъжизакор ҳисоблайдилар. Масалан, бош оғриғи, кўк йўтал ёки сил касаллигидан даволанишда ҳамда ибодат қилувчига бойлик

¹ Басилов В.Н., Снесарев Г.П. Введение // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. – М., 1986. – С. 3-5.

² Васильев А.Д. Паломники из России у шиитских святынь Ирака. Конец XIX века // Восточный архив №1 (27), – 2013. – С. 9-18.

³ Маҳаллий аҳолига нисбатан сарт, тузем терминлари ишлатилган. Қаранг: Этнический атлас Узбекистана / Ответ. ред. А.Ильхамов. – Тошкент: Узбекистан, 2002. – 451 р.

келтиради, деб ишонадилар. Шунингдек, бундай зиёратни амалга оширишда пиёда бориш диний ибодатни кўчайтиради, деб ўйлайдилар. Узоқ худудларга зиёратни амалга оширишда аёллар арава ортидан боришган, у ерга бориб, биринчи навбатда, ибодатни амалга оширганлар, сўнг қурбонлик келтириб, дин вакиллари ҳам меҳмон қилганлар. Зиёратгоҳда овқат пишириб, ейиш сартлар учун диний эътиқоднинг кўриниши ҳисобланган¹.

Совет йиллари адабиётида муқаддас жойларга зиёрат масаласи эксплуатацияга асосланган ижтимоий тузумнинг махсули сифатида қаралиб, атеистик жамиятда унга қарши курашиш лозимлиги илгари сурилади². Бу даврдаги адабиётларда зиёратгоҳлар масаласи кескин танқид остига олинаб, “муқаддас” мазорлар ва “қадамгоҳлар” каби жойлар тарих ҳақиқатларига тамомила зид ва уйдирмалардан иборат эканлиги, текин томоқ руҳонийлар томонидан фақат ўз шахсий манфаатлари учун “муқаддас”лаштирилган зиёратгоҳ жойлардан бири сифатида таъкидланади. Мақбара ва мазорларга зиёрат чоғида мазор тепасига ҳар хил рангдаги латта-путталар, сигир қуйруқлари ва кўчқор шохлари осиб қуйилганлиги салбий баҳоланган³. Бундай манзилларда дин вакиллари ана шу мазорларни ўзларига қурол қилиб олиб, баъзи бир қоқоқ кишиларни ишонтириб келмоқдалар. Лекин шу ерлардаги партия ва жамоат ташкилотлари бундай диний урф-одатларга қарши турли агитация ва пропаганда ишларини зарур даражада тушунтириш ишлари олиб бормаётгани айтилади⁴. Бу даврда Хоразмда зиёратгоҳларни ҳолатини ўрганган А.Раҳмонов ва С.Юсуповлар аҳолининг зиёрат объектларига ташрифини, асосан диний хурофий урф-одатлардан қутула олмаган хотин-қизлар ташкил этганлигини таъкидлайди⁵.

¹ Вульфсон Э.С. Как живут сарты. – М.: Изд.А.С.Панафидиной. 1908. – С. 26-29.

² Ёқубов Б. Халқ байрамлари ва урф-одатлари. – Тошкент: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти. 1965, – Б. 5-7.

³ Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда “муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон нашриёти. 1963. – 29 б.

⁴ Ўрунхўжаев М. Ислоҳ дини хусусида. – Тошкент: Ўз КИМК нашриёти, 1968. – Б. 29-30.

⁵ Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда “муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон нашриёти, 1963. – 19 б.

Совет йилларидан фарқ қилган ҳолда, мустақиллик йилларида аҳолининг миллий-диний қадриятларининг қайта тикланиши билан муқаддас ҳисобланган қадамжолар ва зиёратгоҳлар фаолияти қайта тикланди. Халқ муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни нопок қилмишлардан узоқ юришга, инсофли, диёнатли бўлишга чақирishi, ўзидан фақат яхшилик қолдириш, хайрли ишларга чорлаши билан аҳоли орасида олийжаноблик туйғуларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ҳудудида зиёрат қилинадиган тарихий обидаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: *биринчиси*, ислом оламида юксак маънавий мерос қолдирган буюк уламо-ларимиз номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар бўлса, *иккинчиси*, мўъжизавий кароматлари ва башоратлари билан халқ орасида муқаддас ҳисобланган афсонага айланган шахслар, яъни саҳобалар, пайғамбар авлодлари, шайхлар, валийлар ва сўфийларнинг номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар ташкил этади.

Республикада дин билан боғлиқ бундай масканлар сони мингдан ортиқ бўлиб, улар кўпчиликка маълум. Ўзбекистонда маданий мерос объектларининг ҳолати ва архитектурасини тадқиқ қилган тадқиқотчи Р.Абриев республикада 10 мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар борлигини қайд этади. Унинг фикрича, мазкур объектлардан 7570 таси давлат муҳофазасига олинган бўлиб, уларнинг 2330 таси қадимги архитектура ёдгорликлари, 3945 та археологик, 1138 таси ҳайкалтарошлик, монументал санъат асарлари, 157 та диққатга сазовор жойлар, 700 мингдан ортиқ кўчма маданий мерос объектлари ҳисобланди¹.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳларнинг муҳим хусусияти, унда рамзий қабрларнинг мавжудлигидир. “Рамзий қабр” арабча “рамз, белги, ишора” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тили этимологик луғатида кўра, “ишора қилиб турувчи” маъносини билдиради, яъни умумий тушунчада, хурмат ишораси, белгиси сифатида ўзлаштирилган.

¹ Абриев Р. Ўзбекистонда тоат-ибодат билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари хусусида // Имом ал-Бухорий сабоклари. 2015, 4-сон. – Б. 35-37.

Қандай эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, қадамжолар¹ (аниқроғи рамзий қабрлар) пайдо бўлганига доир тарих ёки қайдлар манбаларда учрамайди. Бу ҳол, бир томонлама мулоҳаза учун ҳам асос бўлолмайди. Чунки бу қабрлар тарихий хотирага айланган. Миллий ва маънавий кадриятнинг руҳий бекати ҳисобланади. Қабр аҳли барча моддий эҳтиёждан мосуводир. Агар ҳаётликларида амалга оширган ишлари вафотларидан кейин ҳам элига ва халқига нафли, намунали ҳисобланса, уларнинг хотираларида яшаб, миллий тимсолга айланган. Мухлислари ихлосдан фойз, фахрдан муҳаббат ҳосил этганлар. Улар авлиё, азизлик мартабасига етиб, қабрлари табаррукланиб, зиёратгоҳларга айланган².

Зиёратларга муносабат турличалиги сир эмас, мақсадимиз, уларни ёқлаш ёки инкор этиш ҳам эмас. Балки шундай жойнинг борлиги, ҳаёт тарзи нисбат берилган шахснинг мухтасар тарихини баён этишдан иборат. Зиёрат қилинувчи зотлардан баъзилари жисмонан диёримизга келмаган бўлсаларда, уларнинг рамзий зиёратгоҳлари ибратланиш, фойз ва намуна олишга манба ҳисобланади³. Бу эҳтиром ва ихлос кадрият шаклига айланиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади.

Зиёратгоҳлар ва уларда маҳаллий аҳолининг иштирокини ўрганишда тарихий шароитда диннинг вазифасини аниқлаш механизмнинг ишлаб чиқиши, аҳолининг социал ҳаёт даражаси, турмуш тарзи, мавжуд бўлган урф-одатлари динамикаси, янги диний ҳаракатларнинг пайдо бўлишини ҳисобга олиниши талаб этилади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда диннинг маданий-маърифий вазифасини аниқлашнинг тадқиқ қилиш методлари ҳамда турли ижтимоий-сиёсий факторларнинг Марказий Осиё зиёратгоҳлари мисолидаги ҳолатни зиёратгоҳларнинг аҳамияти ва диний-маданий тарихининг мазмунини очиқ беришда антропология, этнология, диншунослик, ижтимоий психология ва социология

¹ Қадамжо ва рамзий қабр тушунчалари маълум даврда шаклланиб, ўзаро бир-бирини тўлдирди. Қадамжо кадам етган жой тушунилади. “Қадамжой” арабча-форсча “қадама” феълидан олинган бўлиб, яъни “ олдинга борди” маъносига тенг. “Жой” форсча-тожикча, “манзил, макон”ни билдиради. Яхлит маънода, қадамжой “оёқ етиб келган жой” маъносини билдириб, рамзийликни англатади.

² Суяндик Мустафо Нуротой. Мунаввар қадамжолар. – Тошкент: Noshirlik yog’dusi, 2011. – Б. 5.

³ Ўша асар. – Б. 7-8.

каби фан йўналишлари тадқиқот усулларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида, тадқиқотчи тарихий жараёнларни босқичма-босқич таҳлил қилиб, сифат жиҳатдан синтез асосида муаммонинг ҳар бир томонларини алоҳида ёритиш имконига эга бўлади.

Ҳозирги модернизациялашган жамиятда анъанавий ислом қадриятларини сақлаб қолиб, унинг замонавий жараёнлар орқали тараққиёт ютуқларини жалб қилган ҳолда халқнинг маънавий-маърифий қадриятлари билан бирга ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараёнда, зиёратгоҳларнинг аҳоли турмуш тарзида ахлоқий-тарбиявий вазифаси мавжудлиги жамият учун муҳим ҳисобланади. Қашқадарё ва Сурхондараё вилоятларида мустақиллик йилларида қайта тикланган зиёратгоҳ ва қадамжолар миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, динимизнинг бир бўлаги сифатида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда зиёратгоҳда ётган шахснинг фаолияти, илму амали, асарларида келтирилган ғояларни ёшлар таълим тарбиясига қўллаш аҳоли маънавиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Таҳлиллар асосида, Ўзбекистон ҳудудида зиёратгоҳлар масаласининг турли жиҳатлари тадқиқи кўриб ўтилган бўлсада, этнограф ва ислом олами мутафаккирларининг маънавий мероси ва турли ғоялари ҳозирги кунга қадар аҳоли ўртасида, айниқса ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти муҳим эканлигини айтиш мумкин.

1.2. Жанубий Ўзбекистон зиёратгоҳлари тарихининг манбашунослиги

Тарихий жараёнларни ёритишда манбалар, бевосита шу давр воқеа-ҳодисаларини ўзида акс эттирибгина қолмай, балки жамият ўтмишининг турли жиҳатларини ўрганиб, бугунги саволларга жавоб топишда восита ҳисобланади. Манбалар ёрдамида халқларнинг урф-одат, анъаналари, тили ва моддий маданият буюмлари, ёзма ёдгорликлари аниқланади. Улар ҳар қандай тарихий тадқиқотнинг асоси ҳисобланиб, жамият ривож тарихини ёритишда, шакл ва мазмунини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳимдир. Австриялик машҳур тарихчи Э.Бернгейм манбани уни тарихни тиклаш учун энг муҳим материал сифатида

баҳолаган¹. Тарихчи манбашуносликнинг манбалар хусусиятини ўрганар экан, турлича ижтимоий ахборотларни олувчи, уни танкидий нуктаи назардан текширувчи ва талқин қилувчи усулларини ишлаб чиқади. Шу маънода, турли тарихий даврларда, Марказий Осиё халқлари ҳаётида зиёратгоҳлар масаласи ва уларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ахамияти борасида турлича муносабатлар бўлганлигини кузатиш мумкин. Умуман олганда, тарихий манбалар – бу тарихий жараёнлар, алоҳида фактлар, содир бўлган ҳодисаларни ўзида мужассам этган моддий маданиятга тегишли ҳужжат ва предметларнинг бир-бирини тўлдирувчи мажмуидир. Уларнинг асосида у ёки бу тарихий давр ҳақидаги тасаввурлар шакллантирилиб, турли тарихий воқеаларни келтириб чиқарган сабаб ва оқибатлар ҳақидаги илмий гипотезалар илгари сурилади. Шунинг учун ҳам манбанинг ҳаққонийлиги ва аслиги даражасини аниқлаш уни танкидий ўрганишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Тарихий манбалар сифатида хизмат қиладиган археологик ва ёзма манбаларнинг вазифасига қараб таснифлаган олимлар уларнинг орасида қабрлар, ибодатхоналар, ғорлар, петроглифлар (қояларга чизилган расмлар) ва аҳоли турмуши билан боғлиқ алоҳида топилмаларни ажратиб кўрсатишган².

Хусусан, зиёратгоҳлар масаласининг турли жиҳатларига доир маълумотлар асосан ислом манбаларида келтирилган³. Масалан, Сурхондарё вилоятида Термиз шаҳри яқинидаги Пайғамбар Зу-л-Кифл номи билан боғлиқ зиёратгоҳ ҳақида ислом манбаси бўлган Қуръони Каримда маълумотлар келтирилади. Унда Зу-л-Кифл номи Қуръони Каримда келтирилиб, унга кўра “Исмоил, Идрис ва Зу-л-Кифлни эсланг! Барчалари сабр қилувчилардандир. Биз уларни ўз раҳматимизга дохил қилдик, дарҳақиқат, улар солиҳ зотлардандир”⁴, дейилади.

¹ Бернхейм Э. Введение в историческую науку / Пер. с нем. В.А. Вейнштока; под.ред. В.В. Битнера. Изд. 2-е. – М.: URSS Либроком, 2010. – 69 с.

² Источниковедение: Теория. История. Метод: Учебное пособие / И.Н.Данилевский, В. В.Кабанов и др. – Москва, 1998. – С. 21-27.

³ Бу ҳақда тўлиқроқ: Самарқандий А. Матлаи саъдайн мажмаи баҳрайн. II жилд 1-қисм, 1405-1429 йиллар воқеалари /Форс тилидан таржима А. Ўринбоев. – Тошкент, 2008. – 354 б.

⁴ Қуръони карим, 21: 85–86. 38: 48.

Жанубий Ўзбекистон худудида зиёратгоҳлар масаласига доир маълумотларни ёзма манбалар бўлган эсдалик, хотира, ҳисобот, сайёхатнома, қозилик ва вақф ҳужжатлари орқали аниқлаш ҳам мумкин. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё худудидаги зиёратгоҳлар тарихини ёритувчи манба ва адабиётларни характериға кўра, қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ўрта асрлар тарихига оид манбалар. Таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда, Қашқадарё воҳаси тарихини ёритувчи маълумотлар худуд топонимикаси, географияси, аҳоли турмуш тарзи ва жой номлари билан боғлиқ маълумотларни ўз ичига олади. Жумладан, дастлабки маълумотлар X асрда Кешга (ҳозирги Шаҳрисабз) келган араб сайёҳи Ибн Ҳавқал асариди келтирилиб, унда Кеш шаҳри кўхандиз, ҳисна ва работдан ташкил топганлиги, шаҳар Мадина работ билан туталиб кетганлиги айтилади. Ички шаҳар ва кўхандиз хароба ҳолатда бўлиб, шаҳарнинг барча иморатлари лойдан ва ёғочдан қурилган¹.

Кеш шаҳридаги қишлоқларнинг аҳолиси ҳақидаги маълумотлар, бу ерга ташриф буюрган яна бир араб сайёҳи Муқаддасий (X аср), Табарий (839-923) ва Истаҳрий (ваф. тах. 957) асарларида ҳам учрайди².

Абдулкарим ас-Самъоний XII аср ўрталарида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф, Кеш ва Термиз шаҳарларига ташриф буюриб, Қарши воҳасида бўлган вақтида, у ернинг шаҳар ва қишлоқларини, олим ва фузалоларини ўрганган, улар билан танишиб, суҳбат қурган. Унинг “Насабнома” (“ал-Ансоб”) номли қимматли асариди, Самарқанд, Насаф ва кешлик 90 та алломанинг номи зикр этилади. Жумладан, Қарши туманидаги ҳозирги Қовчин (аввалги Ибсан қишлоғи)дан етишиб чиққан алломалар ҳақида ҳам маълумот беради³. Абдулкарим ас-Самъонийнинг маълумотиға кўра, 834 йил Насафда биринчи

¹ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. – Тошкент: Мовароуннаҳр. 2011. – Б. 65-66.

² Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южнога Согдиана и Тохаристана арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. – Ташкент, 1996. – С.18-30.

³ Самъоний Абдулкарим. Насабнома (ал-Ансоб). – Бухоро, 2003. – Б. 225-226. Тўлиқроқ: Холиқова Р.Э. Абдулкарим ас-Самъонийнинг “Насабнома” (Ал-ансоби) асариди термизлик олимлар шарҳи // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври. Халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 50-52.

марта шайх Абу Абд ар-Раҳмон Муъоз ибн Ёқуб Косоний жомеъ масжиди, унга яқин жойда сўфийлар учун работ, кудук ва таҳоратхоналар курдирилган¹.

Маълумки, ислом дини ривожига ҳисса қўшган тасаввуф шайхларининг давлат подшоҳлари олдида ҳам обрўи баланд бўлган, улар ислом уламоларини жуда ҳурмат қилиб ўзларига пир деб билган, пир-муридлик даражаси ривожланган. Айнан шу асосда, машхур авлиёларнинг қабрлари вафотларидан кейин ҳам катта зиёратгоҳ бўлиб қолган. Уларнинг халқ орасидаги обрўи, кўрсатган кароматларига қараб, зиёратгоҳнинг мавқеи кўринган. Бошқа давлатлардан келган элчи, сайёҳлар ҳам ислом оламида машхур бўлган шахс ҳурмати учун уларнинг қабрларини зиёрат қилган.

Айтиш мумкинки, ҳозирги Сурхондарё ҳақида манба ва адабиётларда ҳам алломаларнинг номи мавжуд бўлиб, жумладан, IX-X асрларда араб тарихчи ва географлари Ибн Хўрдодбех, Табарий², Балазурий, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Мақдисий, Ибн Фақих, Жайхуний ва бошқалар эски Термиз ва у ердаги маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида ўз асарларида қимматли маълумотларни келтирганлар. Масалан, IX асрда Термизга келган Абдулқосим Убайдуллоҳ ибн Хўрдодбех (820-913) “Китаб масолик ул-мамолик” асарида, Термизни Балх билан Амударё ўзаро боғлаб туриши, у ердан ҳар икки томонга сув орқали ўтиш жойи борлигини қайд этади³.

Мақдисий (947-990) Термизга сув йўли орқали кемалар келишини, бу даврда четга совун, елим ва қайиқ сотилганини қайд этади⁴. Ибн Ҳавқал ҳам бу маълумотни тасдиқлаб, Термиз

¹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. – Ташкент, 1996. – С. 52-53.

² Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ул-умам ва-л-мулк. – Байрут: Дор ул-кутуб ул-илмийя, 1407/1986. V. Биринчи нашр. – Б. 658-663; Абулаббос Аҳмад ибн Яхё ибн Жобир Балазурий. Футух ул-булдон. – Байрут: Муассасат ул-маъорий, 1407/1987. – Б. 589.

³ Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Изд. Н. Велихановой. – Баку, 1986. – Б. 66.

⁴ Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Банно Башшорий Мақдисий. Аҳсан уг-такосим фий маърифати-л-аколим. М.Ж.Де Гуге нашри асосида. – Кохира: Мактабат ул-мадбулий, 1411/1991. Учинчи нашр. – Б. 291.

работларида саёҳатчиларнинг тўхтовсиз оқими туфайли у шаҳарга кўп даромад келтирганини ёзади¹.

Термизда бўлган Жайхуний (X аср) “Ашкол ул-олам” асарида, Термиз қаъла, мадина, работдан иборат эканлигини, шаҳарда уйлар пахсадан қурилганлиги, кўчалар майдонлар ва бозорлар эса пишган ғишт билан қопланганини таъкидлайди². Жайхуний ва Истахрий (ваф. 957) Термизни деярли бир хил таърифлаган, иккаласи ҳам шаҳарда жомеъ масжид борлигини, бозор ва кўчаларга ғишт тўшалганини ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумотлар келтиради³. Мазкур маълумотлар Термизнинг ўрта асрлар савдо ва маданиятдаги аҳамияти юқори бўлганлигини кўрсатади.

Шунингдек, Термиз атрофида Табарий (839-923) ва Балазурий (ваф. 892) Термиз ёнидаги орол ҳақида маълумот берса⁴, Тарихчи Ҳофиз Абру (1362-1431) “Ашкол ал-Ақолим” (Иқлимлар шаклу суратлари) асарида, Пайғамбар оролидаги кечув гузаргоҳи бўлган Келиф ҳақида маълумот берган⁵.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Термиз ва унинг атрофида ўрта асрларда ислом маданияти шакллангани, бу даврда шаҳарлар қурилишида ишлатилган хом ғишт бевосита мақбара ва қабр атрофида ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Абдулкарим ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг “Насабнома” (ал-Ансоб) асарида шаҳардан кўплаб уламо, машойих ва фозиллар етишиб чиққанини, олимлардан: Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Жабала ибн Божавайҳ Термизий, Аҳмад ибн Ҳасан Термизий, машойихлардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий ва улардан бошқа кўплаб кишилар номини қайд этади⁶.

¹ Камолитдинов Ш.С. Историческая география Южнога Согда в Тохаристана по арабоязычным источникам начала IX-XIII вв. – Ташкент, 1996. – Б. 98.

² Мухтаров А.М. Джейхани о городах Мавераннахра // Позднефеодальный город в Средней Азии. – Т., 1958. – Б. 18.

³ Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Форисий Истахрий Кархий. Китоб масолик ул-мамолик. – Лейден: Брилл, 1870. – Б. 298.

⁴ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 154.

⁵ Ҳофиз Абру. Ашкол ал ақолим. – ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма. №5361. – Б. 290.

⁶ Абу Саъд Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ал-Ансоб (6 жилдли). – Ж. 1 / Муҳаммад Абд ал-Қодир Ато хошиялари билан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1419/1998. – Б. 482–485.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-мухаббат” (1496) асарида, термизлик алломалардан Ҳаким Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Абу Зарр Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий (Термизий алломаларнинг ҳаммаси IX асрда яшаган – С.Ж.), Абу Наср Муҳаммад Термизий (IX-X аср), Саййид Бурхониддин Термизий (XIII аср), Абу Исо Термизий (IX аср) ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган¹.

Тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг “Абдуллонома” асарида, XV асрнинг бошларида, Темурийлар даврида Ҳаким Термизий мақбарасида амалга оширилган қурилиш-таъмир ишлари ҳақида келтириб ўтади². Шунингдек, Бухорийнинг 1527 йилда ёзилган “Шарафномаи шоҳий” (Подшони шарафловчи китоб) номли асарида, Термизнинг топографик ўрни, келтириш билан бирга, бу даврда, Термиз Балх ҳукмдорига буйсунганини ва Абдуллахон шаҳарни қамал қилишдан олдин Ҳаким Термизий ва Абу Бакр Варроқ мазор шайхларини катта совғалар билан сийлаб, ҳурмат кўрсатганини қайд этади³. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий Абу Варроқ Термизийнинг қабри Термизда эканлигини, у Имом Абу Исо Термизийнинг тоғаси бўлганлигини таъкидлайдилар⁴. Мазкур маълумотлар таҳлили асосида айтиш мумкинки, Термизийлар нисбаси билан улуғланган уламолар орасида Ҳаким Термизий ва Абу Варроқ Термизий ижоди ва фаолияти ҳозирги кунда шу номда аталувчи зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади.

Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида, 1399 йилнинг 11 сентябрида Кешдан Балхга бораётган Амир Темур бир нечта термизлик алломаларнинг қабрини зиёрат қилганини келтиради. Унинг ёзишича, булар Ҳаким Термизий ва Шайх Абу Бакр Варроқ қабрлари бўлиб, 1404 йилда орқага қайтаётганда,

¹ Навоий А. Насойим ул-мухаббат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 42-157.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 2 ж. – Т: Фан, 1969. – Б. 310.

³ Холиков З., Дежимуродов Х. Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлардаги тарихий географияси // *Moziydan sado*. – 2004, 2-сон. – Б. 22-24.

⁴ Навоий А. Насойим ул-мухаббат. Нашрга тайёрловчилар. С. Ганиева, М. Мирзаахмедова. Арабча ва форсчадан таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир С. Рафиддинов. XX жилд – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 82-79; Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс мин хазарот ил-кудс. – Қоҳира: Азҳари шариф, 1409/1989. – Б. 417.

термиз саййидларидан Худовандзода Аъло ал-Мулк хонадониди тўхтаб ўтган¹.

Шунингдек, Сурхондарёда Хожа Алоуддин Аттор номи билан аталувчи зиёратгоҳ ҳақида ҳам манбаларда маълумотлар учрайди. Масалан, Муҳаммад Дорошукўҳнинг “Сафинат-ул авлиё” (XVII аср) ҳамда Абу Тохирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асарида ёзилишича, Хожа Алоуддин Аттор Аҳрор Мавлоно Яъқуб Чархийнинг муриди бўлган, Яъқуб Чархий эса, Алоуддин Аттор суҳбатида камол мартабага етган². Хожа Алоуддин Аттор XIV асрнинг 90-йилларида нақшбандия тариқатини ёйиш учун Чағониённинг Холчаён деган жойига келади. Унинг вафотидан кейин ўғли Ҳасан Аттор Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф аҳли орасида машҳур бўлган. Фахриддин Али Сафий “Рашахот айн ул-ҳаёт” асарида, у кишини отасининг “валийлик дарахти самараси эди”, деб таърифлайди³. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида, Ҳасан Аттор ҳақида гапириб ўтади⁴.

Сайёҳ Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома”сида, Термизда энг обрўли ва мўтабар шайхлардан бири жуда кўп экинзорлар ва вақф мулкларига эга бўлган “поқдомон шайх Азизон” зовиясига жойлашганлигини, зовия маблағлари ҳам зиёратчиларни меҳмон қилишга сарфланганини қайд этади⁵. Ибн Батута айтган Шайх Азизон зовияси, ҳозирда Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Султон Содот зиёратгоҳи бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) набираси Ҳусайн авлодига мансуб Термиз саййидлари мақбаралар мажмуасидир.

Милодий 1403 йилда Кастилия киролигидан Амир Темур ҳузурига элчи бўлиб келган Испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо Термизга келган ва кўп аҳоли яшайдиган шаҳар

¹ Алиев Б., Холиқов З. Термиз ва Чағониён тарихий манбаларда // Moziydan sado. – 2001, 4(12)-сон. – Б. 5-9

² Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. Муъин ал-фуқаро. Тарихи муллозода (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 154-155.

³ Фахриддин Али ас-Сафий. Рашахот айн ал-ҳаёт /Таржима муаллифи Домла Худойберди ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Нашрга тайёрловчи Ҳасанов М., Умрзоқов Б. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 16.

⁴ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 123.

⁵ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. – Тошкент: Шарк машғали, 1993. – Б. 50-51.

эканлигини, қишлоқларнинг жуда ободлигини қайд этади¹. XVII асрда Маҳмуд ибн Вали Термизда зиёратгоҳларнинг асосий қисми жойлашганлигини, зиёрат объекти бўлган мақбалар IX-XII асрларда шаклланган, деб келтиради². Мазкур манбалар ислом уламоларининг шахси, насаби, илму ирфони тўғрисидаги маълумотларни бойитишга хизмат қилади.

XVI асрда яшаган турк адмиралли Сайёҳ Сейди Али Раиснинг “Миръотул мамолик” (Мамлакатлар кўзгуси) асарида ҳам Мовароуннаҳрга ташрифи чоғида, Хожа Яъқуб Чархийнинг қабрини зиёрат қилганини, ундан Чағониёнга, яъни Ҳисори Шодмонга ўтганини, у ердан Темур Султон номи қўйилган жойга келиб, Сангардак тоғидан ошганини, тоғдан ёмғир ёққандек, сув томчилаб тинмай оқиб туришини томоша қилганини айтади³.

Сейди Али Раиснинг келтирган маълумотларидан шу нарса аниқ бўладики, бу даврда Хожа Яъқуб Чархий қабри, Чағониён⁴, яъни Сурхондарё худудидаги Сангардак тоғидаги Сангардак шаршараси, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухородаги азиз-авлиёларнинг қабрлари мунтазам равишда аҳоли томонидан зиёрат қилиб турилган. Мазкур маълумотлардан саёҳатчи, ташрифидан олдин бу тўғрида маълумот олган ва у ерга борган бўлиши керак деган хулосага келишимиз мумкин. Бу шу даврда ҳам зиёратгоҳлар аҳамиятининг мавжудлигини кўрсатади.

II. Тарихий-бадиий асарлар.

а) Тарихий-географик асарлар. Маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган сиёсий, биографик асарлар ҳамда хорижлик сайёҳларнинг ҳисоботларида, зиёратгоҳлар ва уларнинг халқ ҳаётидаги ўрни тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бундай турдаги манбаларда, биографик шахслар номи ҳамда авлиё, пир, сиғиниш масканлари тарихини ёритувчи номлар қайд этилади. Зиёратгоҳлар номи билан боғлиқ уламолар тарихи, биографияси,

¹ Руи Гонсалиес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Рус тилига И. И. Срезневский томонидан қилинган Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалиги” таржимасининг 1881 йилдаги нашридан ф. ф. д., пр. О. Тоғаев таржимаси. – Тошкент: Ozbekiston, 2010. – Б. 143-144.

² Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Введение перевод примечания, указатели Б.А. Ахмедова. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 34.

³ Сейди Али Раис. Миръотил мамолик. – Тошкент: ЎзФан академияси, 1963. – Б. 97.

⁴ Манбаларда Чағониён ҳақида: Маҳмуд ибн Вали. Бахр ул-асрор. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 89.

олимларнинг асарлари ҳамда ўлкадаги аҳолининг маданий ҳаётини ёритувчи манбалар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида¹ Ҳофиз Абрунинг “Ашқол ал-ақолим”, “География”, “Худуд ул-олам”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” қўлёзма манбалари² сақланади. Мазкур манбалар ҳам ўлка аҳолиси тарихига доир маълумотларни сақлаши билан қимматли ҳисобланади.

Шарқшунослик институти жамғармаси, унда сақланаётган ёзма ёдгорликлар миқдори ва уларнинг илмий-тарихий аҳамияти жиҳатидан дунёда энг бой ва бетакрор хазина ҳисобланади. Унинг таркибида ягона ва нодир асарлар ҳам талайгина. Жумладан, Ёқут Ҳамавийнинг (XII аср охири – XIII аср боши) “Муъжам ал-булдон” асарида, Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан, Насаф, Кеш ва Термизга борганининг изоҳи билан бирга, аҳолига доир шу ерда яшаган атоқли шахслар, зиёратгоҳлар, ёдгорликлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади³.

Темурийлар даврида сарой тарихчиси бўлган Ҳофиз Абру (1362-1431) кўп марта саёҳатга чиққан ва кўп жойларни кўрган. Унинг “Зубдат ат-таворих” асари тарихий-географик манба бўлиб, унда Кеш-Шаҳрисабз, Нақшаб-Кеш атрофида мадрасалар, хонақоҳлар, работлар ва ҳовузлар курдилар⁴ деб қайд этса, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида⁵ XVII асрда яшаган тарихчи Маҳмуд ибн Вали асарида, Қарши ҳақида маълумотлар келтирилганини⁶ кўриш мумкин.

Айтиш лозимки, зиёратгоҳлар номи турли авлиё ва валийлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, авлиёлар ҳаёти ва қароматларига доир Фаридиддун Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида, 72 авлиё тўғрисида маълумот келтирилса, Рушдий тазкирасида, 95 авлиё

¹ Ҳофиз Абру. Ашқол ал-ақолим. – Ўз.Р.ФАШИ. Қўлёзма. №5361. – Б. 290.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 2 ж. – Тошкент: Фан, 1969. – 310 б.; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шохий»). Биринчи китоб; Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 65.

³ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 143.

⁴ Ҳофиз Абру (ЎзФАШИ, №5361,4 а-бет, А. Ўринбоев таржимаси); Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 154.

⁵ Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 54.

⁶ Аҳмедов Б. Маҳмуд ибн Вали. – Тошкент: Фан нашриёти, 1966. – Б. 37.

зикр этилади¹. Мазкур манба ҳам айнан Қашқадарё воҳаси авлиёлари номи билан боғлиқ маълумотларни ўзида бирлаштиради.

Абдурахмон Жомий қаламига мансуб “Нафоҳат ул-унс”да 618 авлиё зикри берилган². Авлиёлар ва уларнинг ҳаётига оид маълумотлар, шунингдек, авлиёларнинг инсон турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларга доир қарашлари зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда ёрдамчи материал вазифасини бажара олади. Шунингдек, 1496 йилда Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” номли таъкирасида, 770 авлиёнинг таъриф ва тавсифини келтирган³. Мазкур асар ҳам Ўрта Осиё худудида авлиёлар номи билан боғлиқ топонимика, агиография ва персонификация таҳлилига қўшимча манба вазифасини бажаради. Манбада, Термиз, Кеш алломалари ҳақида ҳам сўз боради.

Таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳлар масаласини ўрганишда зиёратгоҳ таъмири билан боғлиқ вақф хўжалиги маълумотлари ҳам муҳим ҳисобланади. Шу маънода, Хожа Аҳрор Валийнинг вақф ҳужжатлари ҳам қимматли манба вазифасини ўтайди. Мазкур китобда Хожа Аҳрор Валийга тегишли Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Афғонистонда жойлашган ер мулки, шаҳар атрофидаги боғлар, савдо-ҳунармандчилик расталари (тим), ҳаммомлар, тегирмонлар ва бошқа мулклар қайдга олинган ҳужжатлар сифатида берилган. Мазкур мулклар масжид, мадрасалар қуриш ва авлиёлар қабри учун вақф қилингани таъкидлаб ўтилган⁴.

Тарихий манбаларда айнан Ўзбекистоннинг жанубий худудларидаги зиёратгоҳлар масаласининг барча жиҳатларини қамраб олган материаллар ёритилмаса-да, бироқ ушбу

¹ Фаридуддин Аттор. Ибодати исломия. – Тошкент: Фафур Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 464 б.; Тазкират ал-аулия, или Рассказы о святых. Пер. Ольги Васильевой. Автор: Фарид ад-дин Аттар. – М.: САМПО, 2005. – 240 с.

² Абдурахмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафаҳот ул-унс. – Душанбе: Адиб, 1990. – 584 б.

³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент, 2001. – 590 б.

⁴ Самарқандские документы XV–XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистана). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д.Чехович. – М.: Наука, 1974. – 631 с.

маълумотлар муаммонинг тарихий боскичларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, кейинги давр манбалари бўлган Рўзбекхоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида¹, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида² географик ва этнографик маълумотларда Бухоро таркибидаги Қорақўл, Қарши ва Ғузор аҳолисининг ижтимоий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

б) Илмий-оммабон, биографик характердаги рисоалар. Бу туркумдаги манбалар ўз ичига шеър, ҳикоя ва насрий асарларни олади. Кўриб ўтилаётган даврда яратилган айрим бадиий асарларда диний культ билан боғлиқ воқеалар, урф-одатлар ва уларнинг асл ҳикоялари, авлиёларнинг шахсий ҳаётини ёритувчи мисоллар кўрсатиб берилган³. А.Чориевнинг “Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир монокиби” асари, Садриддин Салим Бухорийнинг “Боҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир”, Ж.Мирзониинг “Термиз саййидлари”, Идрис Шоҳнинг Нақшбандия тариқатини ёритувчи рисоласи, И.Райҳоновнинг Қашқадарё воҳасида ижод қилган Ҳазрат Жунайд Бағдодийнинг ҳаёти ва меросига доир асари, Ш.Шарипов, И.Хошёронинг “Исҳоқ бува зиёратгоҳи”, Муҳаммад Усмон Жамолнинг “Буюк донишманд”, Менқул Ханжарнинг Вахшивор ва Сўфи Оллоёр шахсига доир асари, Мирзо Аҳмад Хушназарнинг “Қабристон зиёрати одоби” шулар жумласидандир.

в) Эсдалик тарзида ёзилган адабиётлар. Мазкур турдаги адабиётларнинг асосини этнограф, географ ва тарихчиларнинг

¹ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент, 2001. – 352 б.

² Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти. 1989. – 334 с.

³ Садриддин Салим Бухорий. Боҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Тошкент: Ёзувчи, 1993.; Менқул Ханжар. Вахшувор ва Сўфи Оллоёр. – Термиз: Жайхун, 1993.; Садриддин Салим Бухорий. Табарраку зиёратгоҳлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. –48 б.; Идрис Шоҳ. Нақшбандия тариқати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.; Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир монокиби. – Тошкент: Шарқ, 1996.; Мирзо Ж. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Ўзбекистон Республикаси ФА. Ғ.Ғуломов ношидаги Археология институти, 2001.; Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005.; Муҳаммад Усмон Жамол. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2009. – Б. 8.; Шарипов Ш, Хошёрон И. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Тошкент: Voris-nashriyot. 2016. – Б. 6-7.; Исмоил Хожий Райҳонов. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 14.

эсдалик кўринишида ёзилган хотира ва ҳисоботлари ташкил этади.

Маълумки, XV-XVI асрларда Ўрта Осиёга Рус ва Европа давлатларидан элчилар келиши кўпайган. Мазкур элчилар ўз маълумотларида, зиёратгоҳлар ёки ислом оламидаги шахслар бўлган авлиё, пирлар тўғрисида батафсил тўхталмаса-да, аммо Ўзбекистон жанубий ҳудудларининг этник ҳолати, дини, аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумот келтириб ўтганлар. Албатта, бундай маълумотлар муаммонинг тарихий босқичларидаги деталларни аниқлашга ёрдам беради.

Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалиги”да айтилишича, XV аср бошларида Испаниядан келган элчига Амир Темур давлати ва Усмонли Турк султонлиги ҳақида аниқ маълумотлар олиб келиш топширилган эди. Элчи Руи Гонсалес ўз асарида, Кеш (Шахрисабз) ҳақида¹ маълумот берса, Е.К. Мейендорфнинг, “Россия элчилигининг Оренбургдан Бухорога 1820 йилги саёхати” (Путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году) номли монографик тавсифида, Бухоро, Янги Урганч, Хива, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Бойсун, Шеробод ва бошқа шаҳарлар ҳақида қизиқарли шарҳлар келтирган². Хусусан, унда Кешдаги Темурбек томонидан қурилган масжид ва унинг отаси дафн этилган мақбара борлиги ҳамда Амир Темур амри билан қурилатган бу мақбара ҳали битмагани айtilган. Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо шу масжидда дафн этилгани ҳамда масжидда ҳар куни отаси ва ўғлининг хотирасига атаб, элга худойи ош берилгани қайд этилган³.

Ўзбекистон тарихига оид манбаларнинг яна бири – XVII асрдан бошлаб, минтақага ташриф буюрган сайёҳларнинг сафарномалари бўлиб, уларнинг катта қисми рус, инглиз, немис,

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406). Маъсул муҳаррир Муҳаммад Али; сўзбоши ва изохлар муалл. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Тошкент: Ozbekiston, 2010. – 264 б.

² Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. Предисл. Н. А. Халфина. – Москва, Главная редакция восточной литературы издательства Наука, 1975. – 182 с.

³ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406). Маъсул муҳаррир Муҳаммад Али; сўзбоши ва изохлар муал. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Тошкент: Ozbekiston, 2010. – Б. 146-147.

француз тилларида ёзилган. Мазкур минтақага қизиқиш, айниқса, XIX асрда кучайиб, бу даврда хориждан турли мақсадларда кўплаб экспедициялар уюштирилган, тадқиқотчи, сайёҳлар ташриф буюрганлар.

Марказий Осиёни ўрганиш учун юборилган йирик тадқиқотчилардан яна бири бу Шарль Эжень де Южфальви де Мезо-Ковезддир (1842–1904)¹. Француз ҳукумати томонидан Ш.Южвальфи раҳбарлигида Туркистонга 1876 ва 1887 йилларда икки маротаба махсус илмий экспедиция жўнатилган. Бу икки экспедициянинг натижалари “Француз илмий экспедицияси Россия, Сибир ва Туркистонда” номли олти жилддан иборат асарда Туркистонни ўтган икки йил давомида этнографик нуқтаи назардан, урф-одатлари, анъаналари ва эътиқодларини ўрганган. Бунинг натижасида, Марказий Осиё этник атласи яратилган.

1867 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг шахсий топшириғи билан Россия империяси бошқарув аппаратини Туркистон ўлкаси ҳаётига оид турли хил маълумотлар билан таништириб бориш мақсадида “Туркистон тўплами” – тарихий хорижий нашрлар жамланмаси тузилиб², унинг 555, 566-569, 584, 589- жилдларни этнография қисмини ҳудуд аҳолиси зиёратгоҳларига ташрифи масаласига доир мақолаларни қайд этади.

Шунингдек, ўлкада яшаган рус шарқшунос олимлари, асосан, маҳаллий аҳоли ҳаёти турмуш тарзи, жумладан, уларнинг авлиё пирларга муносабати, аҳоли турмуш тарзида ибодатнинг аҳамияти, зиёратгоҳларга ташриф масалаларини кенгроқ ёритганлар. Мазкур масала юзасидан А.Г.Арендаренко, А.И.Бряннов, В.Духовская, А.Н.Куропаткин, Н.С.Лькошин, Г.П.Федоров,

¹ Nebenzahl Kenneth. Mapping the Silk Road and Beyond. 2000 years of Exploring the East. – New York, 2005. – 176 p.

² Касымова А.Г. Туркестанский сборник. – Тошкент: Фан, 1984. – 30 с.

В.Наливкин, М.Наливкина, Н.П.Остроумов, Н.Маллицкий, В.А. Парфентьев асарларида ҳам кенг маълумотлар учрайди¹.

Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг 1899 йилда ёзилган “Ислам в Туркестане” асарида, аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифи қуйидагича баҳоланган: тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туземликлар касалликларни даволашда ўз хоҳишлари билан рус тиббиётчиларнинг хизматларидан фойдаланмоқда, бироқ даволаниш тугаши билан улар (Туркистон мусулмонлари – С.Ж.) даволаш натижалари янада яхшироқ бўлиши учун албатта “муқаддас жой”ларга ташриф буюришади. Бундай жойлардан маҳаллий аҳоли ўз дардларидан фориғ бўлишни иштади². Эсдалик тарзида ёзилган адабиётлар ҳам ўлка аҳолиси турмуш тарзи, дин амалларининг бажарилиши, зиёратгоҳларга ташриф масаласида қизиқарли маълумотларни бирлаштиради.

III. Расмий ҳужжатлар. Маълум тарихий даврда кечган жараёнларни ўрганишда мазкур вақт оралиғида яратилган ҳужжатларнинг бекиёс ўрни бор. Тарихий ҳужжатлар мазмунига кўра, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётни акс эттиради ва шу билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. Айни вақтда ҳужжатларнинг катта қисми расмий манба сифатида ҳам ҳаққоний тарихни ёритишда муҳим далил ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий архивининг (кейинги ўринларда – ЎЗМА) жамғармаларида мустахлак, совет ва мустақиллик йилларида Қашқадарё ва Сурхон воҳаси этнографияси,

¹ Остроумов Н.П. Характеристика религиозно-нравственной жизни мусульман, преимущественно Средней Азии // Православное обозрение, 1881; Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886; Арндаренко А.Г. Досуги в Туркестане 1874-1889. – СПб, 1889; Сарты. Этнографические материалы. т.1. – Ташкент, 1890; Маллицкий Н. Ишаны и суфизм. Сборник материалов по мусульманству. – СПб, 1899; Брянов А.И. На память о Фергане. Новый Маргилан, 1901; Парфентьев В.А. Селение Вуадиль. (Статистический очерк). – Ежегодник Ферганской области. Т.3. – Новый Маргилан, 1904; Духовская В. Туркестанские воспоминания. – СПб, 1908; Современное правовое положение мусульманской женщины. – Казань, 1911; Федоров Г.П. 36 лет службы в Ташкенте. – СПб, 1913; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913; Современное правовое положение мусульманской женщины. – Казань, 1911; Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – СПб. 1917; Куропаткин А.Н. Семиречье Из дневника // Военная мысль, 1920, №1, Дневник // Красный архив, 1923, № I (20); Айни С. Бухара. Воспоминания. – М., 1960.

² Духовский С.М. Ислам в Туркестане. – СПб, 1899. – С. 4-6.

бинолар архитектураси, давлат ва дин муносабатларига доир қимматли материаллар сақланади. Масалан, ЎзМА архив хужжатлари 34-фондда ТАССР Маориф Халқ комиссарлигининг 1917-1924 йилдаги вақф хужжатлари Туркистондаги область ва уездларга доир маълумотларни бирлаштириб, унда зиёратгоҳлар учун ажратилган вақфлар ҳақида хужжатлар мавжуд. Шунингдек, 394-фондда санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) жамғармаларида 1920-1928 йиллардаги Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий обида ва ёдгорликларнинг сақланиши, уларнинг рўйхати, давлат муҳофаза-сидаги ҳолати тўғрисида маълумотлар сақланади.

Совет йилларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари ҳолати, уларнинг муҳофазаси юзасидан маълумотларни 2761-фондда «Республиканское правление общества охраны памятников истории и культуры» (Маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Республика бошқармаси) жамғармаларида учратиш мумкин. Шунингдек, 2296-фондда «Главное управление по охране памятников и изобразительного искусства Министерство культуры УзССР (1957-1976)» (ЎзССР маданият вазирлиги тасвирий санъат ва ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси) жамғармаси ҳам ўзида қимматли маълумотларни бирлаштирган. Унда ёдгорликларни сақлаш юзасидан буйруқлар, таъмирлаш (реставрация) жараёнлари, уларга ажратилган маблағлар, шу даврдаги ёдгорликларнинг расмий рўйхати келтирилган. Шунингдек, ЎзМАда, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи билан бевосита боғлиқ архив хужжатлари жамланган М-фондлар ҳам архитектура, маданият қурилиш соҳасига доир тарихий ва бошқа жараёнларга тегишли маълумотларни ўзида қамраб олган. Масалан, М-7, М-38 фондлари Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги жамғармасида ҳамда М-35 фондда ҳам «Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству» маданий-тарихий бойликларни сақлаш юзасидан давлат аҳамиятига оид фармон, қонун ва фармойишлар, уларнинг бажарилиши юзасидан тадбирлар, Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликлар рўйхати оид хужжатлар мавжуд.

Шунингдек, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси бўлимлари маълумотлари ҳам мазкур маълумотларни тўлдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари муаммосини ўрганишга бағишланган расмий ҳужжатларни мазмуни ва характериға кўра, куйидаги гуруҳларға бўлиш мумкин:

а) зиёратгоҳлар фаолиятиға оид ҳукумат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатлар. Ҳукуқий ҳужжатлар – юқори ҳокимият томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларни бирлаштирувчи тарихий манбалар туридир. Мазкур ҳукуқий ҳужжатларға низомилар, шартномалар, уставлар, фармонлар ва кодекслар киради. Улардан мавзуга алоқадор кўплаб далилларни олиш мумкин. Масалан, урушдан кейинги йилларда ЎзССР архитектура бошқармаси томонидан ҳудудлардаги тарихий-маданий ёдгорликларни руйхатға олиш масаласида, Шаҳрисабздаги Кўк Гумбаз масжиди, Ҳазрати имом мажмуаси ҳамда Оқ Сарой ёдгорликлари ҳолати ҳам қайд этилган¹.

б) зиёратгоҳлар реставрацияси таъминоти учун ажратилган молиявий маблағлар тўғрисида маълумотлар. Бу турдаги ҳужжатларда тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар ва бошқа чиқимлар борасидаги маълумотлар келтирилган. Статистик маълумотларни рақамларда таққослаш орқали давлатнинг зиёрат жойи ҳисобланган мақбара, тарихий жойларни сақлаш, таъмирлаш юзасидан муносабати, уларнинг шу даврдаги ҳолатини ўрганиш мумкин. Масалан, Ўрта Осиё халқлари материал маданиятини ўрганиш мақсадида Средазкомстариснинг 1927 йил 9 майда бўлиб ўтган йиғилишида ЎзССР Наркомпрос томонидан Л.В.Ошанин раҳбарлигида Қашқадарё ҳудудида антропологик экспедиция ўтказиш ва маҳаллий аҳолининг этнографиясига оид материалларни йиғишға руҳсат берилиши қарор қилинган ва 500 руб маблағ ажратилгани келтирилади².

IV. Даврий матбуот материаллари. Мустамлака, совет йиллари ва мустақиллик даври давий матбуотида зирётгоҳлар масаласининг ёритилиши юзасидан маълумотлар. Хусусан,

¹ ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 37-иш, 104-105 варақлар.

² ЎзМДА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 204-иш, 2-3 варақлар.

мустамлака даври газеталарида, зиёрат масканлари этнографик, географик нуқтаи назаридан берилган бўлса, совет йиллари матбуотида, динга қарши курашда тарғибот орқали атеизмнинг моҳиятини тушунтириш ишлари кучайтирилган. Шу мақсадда, даврий нашрларда махсус буйруқ асосида динга қарши мақолалар¹ кенг ўрин олган бўлса, мустакиллик йилларида чоп этилган “Ислом нури”, “Имом Бухорий сабоқлари” журнали саҳифаларида зиёратгоҳлар тарихи, исломда авлиёлар, зиёрат одоблари тўғрисида маълумотлар қайд этилган.

V. Дала тадқиқотлари. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари Қашқадарё ва Сурхондарё аҳолиси ҳаётида зиёратгоҳларнинг аҳамиятини ўрганишда аҳоли билан олиб борилган шахсий суҳбатлар, интервью, анкета сўровнома ҳам ислом динида диний культ тарихига доир маълумотларни бойитишга хизмат қилади. Масалан, суҳбат орқали маҳаллий аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифидан асосий мақсади, валий шафоатчи ёрдамида ният-мақсадларини амалга оширишда ёрдам сўраши ва турли касалликларни даволашда ташрифи ҳақида муайян маълумотлар олинадиган ва тадқиқотга жалб қилинади.

VI. Фотосуратлар. Ўзбекистон давлат архивларидан яна бири, бу юқорида номи қайд этилган Ўзбекистон Республикаси кино, суръат, овозли ҳужжатлар, Марказий давлат архиви (ЎЗР КСОҲМДА) бўлиб, унда фотоплёнка, фотосуратлар, электрон дисклар ва бошқа шу туркумдаги ҳужжатлар мавжуд. Масалан, Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига биноан тузилган А.Л.Кун “Туркистон альбоми” тадқиқотчиларига, Ўрта Осиё аҳолиси ҳаёти билан ҳар томонлама танишиш имконини берди². Унда ислом динида ибодат, маҳаллий аҳоли ҳаётида дин вакиллари валий, авлиё каби улуғланган шахслар қабрини, ҳолатини акс эттирган фото суратлар тарихий жараёнларни очишга хизмат қилади. Гарчи шахсий хотира ва эсдалик тарзида ёзилган асарларда муаллифнинг бадиий эмоционал муносабатлари акс этганлиги туфайли улар субъектив характерга эга бўлса ҳам, бундай турдаги манбалар ислом динида зиёратгоҳлар ҳолати тарихини ёритишда муҳим ўрин тутади.

¹ Совет Ўзбекистони газетаси, Ислом нури газетаси (1991-2020 йй.).

² Абашин С.Н. Власть и фотография: визуальная репрезентация в имперской рамке // Неприкосновенный запас. – 2012, 4(84). – С. 120-138.

VII. Назарий-методологик асарлар. Тадкикотнинг назарий-методологик асосини Ш.Мирзиёевнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураимиз” номли асари ташкил этади ва муҳим манба вазифасини ўтайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар сайловчилар вакиллари билан ўтказган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари “Оққўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти” (Сурхондарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ), “Ҳар қандай синовларни енгишга қодир халқ” (Қашқадарё вилояти сайловчилар билан учрашувдаги нутқ) ҳам мустақиллик даври Ўзбекистон жанубий ҳудудлари ҳақидаги маълумотларни жамлайди¹.

Умуман, зиёратгоҳлар тарихи ва ислом дини культининг аҳоли турмуш тарзи, маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганишда юқорида келтирилган архив ҳужжатлари ва тарихий-бадиий адабиётлар муҳим манба вазифасини бажаради. Маълумотларнинг аксариятини этнографик кузатувлар асосида амалга ошириш, манба ва адабиётларда келтирилган маълумотларни солиштириш ва объектив маълумотларни аниқлаб олиш имкони пайдо бўлади. Бунда социологик сўров, кузатиш (эксперимент), анкета саволлари билан текшириш, маросим иштирокчилари билан суҳбат (интервью) усулларида фойдаланиш муаммонинг янги жиҳатларини очишга, манбаларда келтирилган маълумотларни факт билан мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Айтиш мумкинки, ислом манбалари орқали зиёрат термини, унинг мазмун-моҳияти, дин қонун-қоидаларида мазкур ибодатнинг келиб чиқиши ва шаклланишига муносабат кўрсатиб

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Ўша муаллиф. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 123 б.; Ўша муаллиф. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.; Ўша муаллиф. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. // Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

берилади. Бошқа томондан, жанубий Ўзбекистон ҳудудида яшаб, ижод қилган ислом уламоларининг асарлари орқали тарихий жараёнларни баҳолайди ва зиёрат тарихининг янги қирраларини очиб беради. Шу маънода, ислом манбалари диний эътиқод култининг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатларини ўрганиш имкониятини беради.

1.3. Қашқадарё ва Сурхон воҳаси зиёратгоҳларининг тарихшунослиги

Ўзбек диний, миллий ва маънавий кадриятларининг бир бўлаги ҳисобланган зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар тарихини ўрганиш, халқимиз тафаккурини шаклланишига кўрсатган таъсирини тадқиқ қилиш ўзбек халқи миллий менталитети, ўзлик масаласининг тарихий илдизларини очиб беришга имкон беради. Муқаддас қадамжоларнинг тарихи ва уларнинг зиёрат объектига айланишини ўша даврдаги тарихий жараёнлар, аҳолининг менталитети, халқнинг руҳияти ва кайфиятини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш катта аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан шаклланиб, такомиллашиб келган анъанавий кадрият ва урф-одатларнинг жамият ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларидаги ўрнини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур мавзу юзасидан турли кўринишдаги адабиёт ва тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларда Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида зиёратгоҳ масаласи, унинг келиб чиқиши ва аҳолининг муносабати Фарғона, Қўқон, Хоразм, Бухоро зиёратгоҳлари мисолида тадқиқ этилган.

Мазкур мавзунинг долзарблиги шундаки, айрим кичик ҳажмдаги илмий мақолаларни инобатга олмаганда, ҳозирги қадар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Россия империяси (1867–1917), совет ҳокимияти (1917–1991) ҳамда мустақиллик йилларида, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар масаласи этнографик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинмаганлиги ва бу борада, яхлит мустақил тадқиқотнинг мавжуд эмаслиги мавзунини тадқиқот даражасида ўрганишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, зиёрат масаласи, бевосита диний ибодат билан боғлиқ бўлиб, диншунослик йўналишида яратилган адабиётларда турли динларнинг келиб чиқиши, тараққиёти тарихи, таълимоти, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, маълум халқ ҳаётида тутган ўрни дунё динлар тарихи мисолида кўрсатиб берилган. Мазкур турдаги асарларда, ислом дини ва унинг тарихи таҳлил қилиниши баробарида ислом динида ибодатнинг турлари сифатида ҳаж ҳамда мусулмонлар орасида қабр зиёрати масаласининг умумий жиҳатлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган¹.

Шунингдек, исломшунослик йўналишида, буюк алломалар ижодий меросига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилиб, нафақат умумий тарих ҳажмида, балки ислом дини таълимотида муҳим ўрин тутган шахслар, яъни авлиё, пир даражасидаги уламолар ва уларнинг таълимоти, жумладан, зиёратнинг турлари, исломда қабрларни зиёрат қилиш масаласи, тасаввуф ва тариқатларнинг тарқалиши билан боғлиқ қарашлар асосидаги хулосалар илмий тадқиқ қилинади². Мазкур турдаги адабиётлар зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши, авлиёлар, пирлар номи билан боғлиқ муқаддас жойлар ҳамда ислом оламида машҳур тасаввуф вакиллариининг фикрлари борасида янги маълумотларни олиш имкониятини яратади.

¹ Самыгин С.И., Нечипуренко В.И., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов-на-Дону; Феникс, 1996. – 672 с.; Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М., 1996; Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Тошкент, 1999; Йўлдошхўжаев Ҳ, Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик маърузалар матни. – Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000; Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.; История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвкочев. – Тошкент, 2006. – 227 с.; Диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги. / Мухарр. З.Исломов. – Тошкент, ТИУ, 2008. – 134 б.; Исломшунослик комусий луғати. – Тошкент: Movogounnahr. 1-жилд, 2013. – 136 б.

² Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. – Тошкент: Ф.Ғулом номли «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993.; Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Тошкент, Маънавият, 1994. – 23 б.; Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. – Самарқанд: Сугдиёна, 1994. – 93 б.; Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. – Тошкент, 1995.; Уватов У. Имом Мотурудий меросининг моҳияти. – Тошкент, Маънавият, 2000. – 16 б.; Исҳоқов С. Бурхониддин Маргиноний ва фикҳ илми. – Тошкент, Адолат. 2000. – 136 б.; Исломий Ҳ, Абу Мансур Мотурудий. – Тошкент, 2000. – 28 б.; Ҳасаний М., Қиличева К. Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида. – Тошкент, Фан. 2003. – 50 б.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг жанубий худудидаги зиёратгоҳлар масаласининг тарихшунослигини тадқиқ этишда, уни нафақат мустақиллик даври, балки мустамлака ва совет йилларида унга бўлган муносабатни кўрсатувчи адабиётларни ҳам алоҳида таҳлил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу жиҳатдан, мавзу объекти мустақиллик даврига тегишли бўлса-да, унинг келиб чиқиши, ривожланиши ва тарихий асосларини аниқлашда ёрдамчи ҳисобланган илмий тадқиқотларни асосан йўналишлар бўйича хронологик ва муаммовий жиҳатдан 3 та гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим:

а) совет йиллари (рус ва маҳаллий тарихшунослик);

б) мустақиллик даври (маҳаллий ва замонавий рус адабиётлари);

с) хориж тарихшунослиги.

Марказий Осиё мусулмонлари яшайдиган худудларнинг Россияга қўшиб олинishi олимларнинг тарих, маданият ва аҳоли турмуш тарзини ўрганишга бўлган қизиқишини орттирди. Улар ўз хизматлари давомида, маҳаллий аҳоли билан бирга яшаб, уларнинг турмуш тарзини ўрганганлар ва хулосалар асосида, Туркистон мусулмонларининг зиёратгоҳлари, мазор, муқаддас жойлари тўғрисида маълумот берганлар. Мазкур тематика муаллифлар томонидан маҳаллий аҳоли ҳаётига ёки унинг ислом динига нисбатан муносабати баъзи ўринларда салбий баҳоланган, баъзан этнографик нуқтаи назаридан баён этилган¹.

Масалан, худудий зиёратнинг ўзига хос хусусиятларини академик В.В.Бартольд² асарларида тилга олинса, Туркистон

¹ Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб, 1871; Белявский. Материалы по Туркестану. – СПб, 1884; Гродеков Н.И. Киргизы и кара-киргизы Сырдарьинской области. Т.1 Юридический быт. – Ташкент, 1889; Маллицкий Н. Ишаны и суфизм. Сборник материалов по мусульманству. СПб, 1899; 1914; Михайлов Ф.А. Религиозные воззрения туркмен Закаспийской области // Сборник материалов по мусульманству. Т.2, – Ташкент, 1900; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. В 3-х т, – СПб, 1906; Любимов П.П. Религии и вероисповедный состав населения Азиатской России. – Петербург, 1914.

² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения в 9 томах, т 1, – Москва, 1963; История Туркестана (конспект лекций) т 2, ч 1, – Москва, 1964; Культура мусульманства. Ислам. Бартольд В.В. Сочинения. Том II, часть 2. – М., 1964; История культурной жизни Туркестана. Фергана. т.2, ч.2, – Москва, 1964; Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. т. 5, – Москва, 1968; Рецензия на книгу Н.П. Остроумов Исламоведение. Т.1. Аравия. Колыбель ислама. – Москва, 1966.

мусулмонларининг зиёрат масаласи Ч.Валихонов¹ тадқиқотларида бериб ўтилади. Шунингдек, айнан шу даврда маҳаллий аҳоли турмуш тарзига оид асарларда муқаддас жойлар тўғрисида фрагментар эслатиб ўтилган маълумотлар рус муаллифларининг географик-статистик характерга эга бўлган маълумотларида ҳам акс этади².

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда зиёратгоҳлар фаолиятининг айрим жиҳатлари ёритилган совет йилларидаги адабиётларда, нафақат Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди, балки зиёратгоҳнинг умумий хусусияти ва аҳолининг муносабати таҳлил қилинган. Туркистон мустамлака даври зиёрат масаласини тадқиқ қилган олим В.Литвинов ҳам ўз тадқиқотида, муаммонинг ўрганилиш жиҳатларини таъкидлаб, Совет тарихшунослигида, зиёрат масаласи ҳукумат сиёсати даражасида ўрганилмаганлигини қайд этади. XX асрнинг 20-йилларида мусулмонларни инқилобий ўзгаришларга жалб қилиш мақсадида партия ва совет адабиёти бу масалани ўргана бошлаган. Б.Л. Куфтининг “Қозоқ маданияти ва ҳаёти” тўғрисидаги китобида халқнинг муқаддас жойларга ташрифи ҳақида қисқа эслатиб ўтилади. Кейинги йилларда мусулмон руҳонийлари фаолияти кескин таъкиб остига олинди, мазор ва қабрларга ташриф қолоқлик ва жоҳиллик белгиси, деб баҳоланди. 1936 йилда Л.И. Климович “Ислам в царской России” асарида бу ҳақида қисқача маълумотларни берса-да, муқаддас жойларга зиёрат тўғрисидаги маълумотларга илмий нуқтаи назардан эмас, “шахсга сиғиниш”нинг сабабларини синфийлик мисолида кўрсатиб берган³.

Таъкидлаш ўринлики, XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган барча адабиётлар жамиятдаги сиёсий ўзгаришлар ва коммунистик

¹ Валиханов Ч.Ч. Сочинения в 5 томах, Т.1-5. – Алма-Ата, 1985; Записки о дикокаменных киргизах. Т.2, О мусульманстве в Степы. Т.4. – СПб, 1899.

² Путешествие по окраинам Русской Азии и записки о ней. – СПб, 1868; Григорьев В.В. Россия и Восток. Сборник исследований и статей по истории, этнографии и географии. – СПб, 1876; Миропиев М.А. О положении русских инородцев. – СПб, 1901; Радлов В. Образы народной литературы северных тюркских племен. Ч.5. – СПб, 1885; Веселовский Н. Памятник Ходжа Ахрара в Самарканде. Восточные заметки. – СПб, 1895; Россия и Восток // Сборник географических и политических статей. – СПб, 1896; Черванский В.В. Мир ислама в его пробуждении. В 2-х частях. – СПб, 1901.

³ Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865 - 1917 гг. Дисс.кандист. наук. – Москва, 2007. – 26 с.

партиянинг ғоявий таъсири остида дин билан боғлиқ эскилик сарқити сифатида баҳолаиб, ёритилган. Тадқиқотларнинг асосий объекти сифатида ислом дини ва унинг тарихини ўрганиш белгиланган бўлиб, хусусан Т.Саидбаев, О.Сухарева, М.Жалолов, А.Аҳмедов, Р.Мавлютов, У.Юсупов каби муаллифлар ўз илмий ишларида ислом дини ва у билан боғлиқ маросимлар тарихини салбий баҳолаб, таҳлил қилганлар¹. Масалан, Р.Мавлютов “Ислом” номли рисоласида, маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёрат феномени тўғрисида фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, мусулмонлар ўзларининг аввалги аجدодларидан қолган диний эътиқод анъаналарига амал қилиб, турли қадимий иншоотлар, қабрлар, қабристонларни ҳамда дарахт, тош ва бошқаларни муқаддас жойлар (мозорлар) сифатида ҳурмат қилишган. Одатда, бу мозорлар афсоналар билан муқаддаслаштирилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида илк бор VII-VIII асрларда мусулмон мозорларига сиғиниш сифатида пайдо бўлгани қайд этилган².

Айтиш лозимки, зиёрат ва у билан боғлиқ маросимлар, нафақат ўзбек халқи орасида, балки ўлкада яшовчи турли миллат вакиллари орасида сақланган ва ҳозирга қадар қўлланиб келинаётган урф-одатлардан бири ҳисобланган. Шу жиҳатдан, Россия тарихшунослигининг совет йиллари адабиётларида, бошқа ҳудудлар аҳолиси (қозок, қирғиз, туркман, тожик халқлари) мисолида, муаммонинг айрим масалалари ёритилган³. О.Муродов тадқиқотида, Зарафшон тожиклари мисолида диний культнинг келиб чиқиши шомонлик дини илдизлари билан

¹ Қаранг: Алиев М. Ислам и его обряды. – Ташкент, Қзыл Узбекистан и Узбекистон сурхи, 1956. – 84 б. Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Ташкент, 1960. – 85 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М., 1974. – 168 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М., 1974. – 168 с.; Саидбаев Т.С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. – М., 1984. – 302 с.; Ахмедов А. Ислам и современной идейно политической борьбе. – М., 1985. – 240 с.; Джалолов М. В тени ислама. – Ташкент, 1987. – 104 с.; Саидбаев Т.С. Диалоги об исламе. – Ташкент, 1988. – 74 с.

² Мавлютов Р.Р. Ислам. Изд. 2-е. – М., Политиздат, 1974. – С.100-110.

³ Муродов О. Шоманский обрядовый фольклор у таджиков средней части дошны Зеравшана// Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М: Наука, 1975; Толстов Л.С. Отголоски массагето-аларского субстрага в фольклоре тюркоязычных народов Хорезмского оазиса // Этногафии и археология Средней Азии. – М., 1979.; Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.

боғланса¹, Л. Толстов тадқиқотида, Хоразм воҳаси туркий тилли аҳолиси ўртасидаги диний ибодат шаклларининг тарқалиш асосларини халқ фольклори билан боғлаб, унинг тарихий ўтмишини массагет қабиласига бориб тақабган². С.Абрамзон диний ибодатда культ масаласини қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқи турмуш тарзидаги диний элементлар мисолида қиёсий таҳлил қилиб, унинг асосларини бевосита қадимги тарихий жараёндаги диний эътиқод илдизлари қолдиқлари билан боғлиқлигини кўрсатиб берган³.

Совет йилларида нашр қилинган Ўзбекистон тарихига доир адабиётларда⁴ ҳам мазкур мавзу аҳоли ижтимоий-маданий ҳаёти ёки шаҳар архитектурасида тарихий ёдгорликлар мисолида Тошкент⁵, Бухоро⁶, Фарғона муқаддас қадамжолари ва диний культлар мавзуси ёритилган.

¹ Муродов О. Шоманский обрядовый фольклор у таджиков средней части дошны Зеравшана// Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М: Наука, 1975.

² Толстов Л.С. Отголоски массагето-аларского субстрага в фольклоре тюркоязычных народов Хорезмского оазиса// Этногафия и археология Средней Азии. – М., 1979.

³ Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.

⁴ История народов Узбекистана т.2. – Ташкент, 1947, История Туркменской ССР Т 1, кн.2, – Ашхабад, 1957; Очерки истории Каракалпакской АССР. Т.1. – Ташкент, 1964; История таджикского народа. Т.2. – М., 1964; История Узбекской ССР. Т.2. – Ташкент, 1968; История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней. Т.3. – Алма-Ата, 1979; История Таджикской ССР. – Душанбе, 1982; История Киргизской ССР. Т.2, – Фрунзе, 1986; История Каракалпакской АССР. – Ташкент, 1986.

⁵ Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Очерки социально-экономической и политической истории. – Ташкент, 1959; Алескеров Ю. Самарканд. Страницы истории. – Ташкент, 1967; Соколов Ю.А. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Ташкент, 1965; Чеботарева В.В. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1968; История Самарканда. Т.1. – Ташкент, 1969; История Ташкента с древнейших времен до победы Февральской буржуазно-демократической революции. – Ташкент, 1988; Саидкулов Т. Самарканд во второй половине XIX- начале XX вв. (Из социально-экономической и политической истории средней части Зеравшанской долины). – Самарканд, 1970; История Коканда (с момента присоединения Средней Азии к России до настоящего времени). – Ташкент, 1984.

⁶ Сухарева О.А. Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). – Москва, Наука. 1966. – 328 с.; Кармышева Б.Х. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухараского ханства в конце XIX-начале XX века // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма – М.: Наука, 1985.

Мазкур тадқиқотлар орасида совет этнографи Г.П.Снесаревнинг илмий изланишлари¹ Хоразм худуди зиёратгоҳлари мисолида ўрганилган бўлса, В.Н.Басилов тадқиқотларида, муқаддас авлиёлар образи, унинг тарихий илдизлари бевосита шомонлик билан боғлиқ эканлигини қайд этилган². Умуман, совет даври адабиётларида жанубий Ўзбекистон мисолида зиёрат масаласи тадқиқот сифатида ўрганилмаган, ҳатто буни тадқиқотчи олим В.П.Литвинов ҳам баҳолаб, Туркистондаги дин билан боғлиқ эътиқодлар этнографик йўналишда фақат бир худуд доирасида ўрганилгани, яъни олимлар худудларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга эътибор қаратганини таъкидлайди. Унинг фикрича, тадқиқотчиларнинг камчилиги шундаки, муқаддас жойларга зиёрат масаласи махсус чуқур ўрганилмаган ва ундаги ёндашувлар партия ғоявий мафқураси нуқтаи назардан баҳоланиб, эскилик сарқити, жамиятдан орқада қолиш ғоялари билан ёритиб берилган³.

Совет йилларида нафақат дин билан боғлиқ зиёрат тарихи, балки Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасининг қадимий обидалари ва тарихий жойлари архитектураси, санъат, маданият ва диний этнографиясининг маълум масалаларини ёритган илмий адабиётлар яратилди⁴. Айниқса, 1968-1970 йилларда Ўзбекистонда турли кўринишдаги этнографик экспедициялар ташкил этилиб, аҳолининг этник состави, хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти, оила ва оилавий турмуш тарзи тўғрисида катта

¹Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва, 1969;

Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – Москва, 1983.

²Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – Москва, 1970; Басилов В.Н., Снесарев Г.П. Введение // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. – Москва, 1986. – С. 3-5.

³Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865 - 1917 гг. Дисс.канд.ист. наук. – Москва, 2007. – 26 с.

⁴Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – ТОШКЕНТ: Издательство литературы и искусств им. Г.Гуляма, 1982. – 150 с.; Басилов В.Н. Легенда: Верить или не верить? // Советская этнография. – М., 1974 №1.; Моногарова Л.Д. Семья и семейный быт // Этнографические очерки Узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969.

хажмли маълумотлар йиғилди¹. Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалари тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш 1870 йилда Чор Россияси томонидан Шахрисабз ва Китоб бекликларининг тугатилиши, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганидан кейин бошланган. Шахрисабзга дастлаб ташриф буюрган табиатшунос А.Л. Кун (1870), В.Н. Литвинов (1895-1910), И.А.Кастанье (1916), сураткаш Г.Е. Кривсов, топограф Н.Ф. Ситняковский, ёзувчи В.В. Крестовский бу шаҳарда ўзлари кўрган меъморий обидалар тўғрисида умумий маълумотлар қолдиришган, холос. Жумладан, Насаф ва Кеш шаҳарлари, қишлоқлари тарихий топографияси билан дастлаб ёзма манбалар асосида В.В. Бартольд², Л.А. Зимин³ шугулланган. 1927 йилда Шахрисабзнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари Б.Н. Засыпкин, 1930 йилларда Я.Ф. Фуломов, Т. Мирғиёсов, С.К. Кабановлар⁴ томонидан тадқиқ этилган. 1942 йилда М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова⁵, В.Л. Воронина⁶, 1948 йилда эса О.А. Сухарева Шахрисабзнинг маҳаллалари, гузарлари, тарихий топографияси ва шаҳар аҳолисининг этник қатламларини ўрганган⁷.

¹ Этнографические изучение быта и культуры узбеков. Ред. Х.Зияев и Б.В. Лунин. – Тошкент: Фан. 1972. – 161 с.

² Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра. Соч., Т.1. – Москва, 1963. – С. 187-197.; Бартольд В.В. Соч. том 1, – М., 1960. С. 188-196.

³ Зимин Л.А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности В. В. Бартольду. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Ташкент, 1927. – С. 127.

⁴ Кабанов С.К. Описание архитектурных памятников низовьев реки Кашка-Дарья. – Ташкент, 1947. – С. 16; Кабанов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи. Труды института истории и археологии. Вып.7. – Ташкент, 1955. – С.77-114.

⁵ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Ташкент, государственное издательство художественной литературы Узбекистана, 1958. – 292 с.; Пугаченкова Г.А. Холчаян. – Ташкент, 1966. – С. 241; Пугаченкова Г.А. Термез, Шахрисабз, Хива. – М.: Издательство Искусство, 1976. – 208 с.; Проект районной планировки Китабского района Кашкадаринской области Узбекской ССР. Том 1. – Ташкент, 1971.; Пугаченкова Г.А. Ак-Астана баба // Советская археология. – Т., 1960. №3.; Пугаченкова Г.А. Холчаян. – Т., 1966. – С. 241; Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Архитектурное наследие Темура. L'Héritage architectural de Timour – Т., Главная редакция энциклопедий. 1996. – С. 22-34; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – ТОШКЕНТ: Государственное изд. худож.лит.Узбекистана, 1958. – 292 с.

⁶ Воронина В.Л. Архитектура Средней Азии XVI-XVII вв. // ВИА, Т.8. – М.: Издательство литературы по строительству, 1969. – 492 с.

⁷ Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент, 1958. – С. 128-139.

Тадқиқотлар орасида археолог Л.Ю. Маньковскаянинг “Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари” китоби¹ муҳим ҳисобланади. Унда худуддаги темурийлар даври ёдгорликлари, Хўжа Имканагий, Абулқосим Хожа хонақоҳлари ҳолати тўғрисида кенг маълумот берилади. Археолог олим М.Е. Массон Қашқадарё воҳаси Шахрисабз худудидаги қабрлар (Ҳазрати Имом, Султон Содот) ҳолатини ўрганиб, хулосалар беради².

Шунингдек, археолог олимлардан Р.Абдурасулов, Л.Ремпель, Л.Маньковская томонидан Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина қишлоғида жойлашган Ҳазрати Қусам Шайх меъморий ёдгорлигидаги энг қадимги макбаралар X-XI асрда бунёд этилганлиги аниқланган³.

1963-1966 йилларда ТошДУнинг ёш археологик, топографик экспедицияси (КАТЭ) аъзоларидан М.Е. Массон⁴, С.Б. Лунина⁵, З.И. Усманова⁶, Н.И.Крашенинникова⁷ ҳамда XX асрнинг 70-йилларида Б.Д. Кочнев томонидан мазкур худуд ёдгорликлари ўрганилган⁸. Кейинги йилларда, яъни 1980-90 йилларда Ш.С.

¹ Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Тошкент: Узбекистан, 1971, – 56 с.; Его же. Архитектурные памятники Шахрисабза. – Тошкент: Узбекистан, 1986. – 40 с.

² Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке // Труды САГУ, вып. LXXIX, – Ташкент, 1953. – С. 32; Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.)). – Тошкент: Фан, 1973. – 99 с.

³ Абдурасулов Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. ИЗУ (Искусство зодчих Узбекистана). Вып.1. – Ташкент, 1962. – С.30.; Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Ташкент, 1979. – С. 98-99.

⁴ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого -топографической экспедиции ТашГУ (1963-1967гг.)). – Ташкент, 1973. – С. 61.

⁵ Лунина С.Б. Города Южного Согда. – Ташкент, 1984. – С. 14-26.

⁶ Усманова З.И. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных. Архология Средней Азии // Сборник научных трудов ТашГУ, №533. – Ташкент, 1977.; Археологическое изучение Шахрисабза. Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. (Материалы Всесоюзного совещания 13-15 мая 1981г.). – Алма-Ата, 1983.

⁷ Крашенинникова Н.И. Маршрутное обследование Китабского района. АО1976. – М., 1977.; Работы в Китабском и Шахрисабском районах. АО 1981 г. – М., 1983.

⁸ Кочнев Б.Д. Исследования средневекового Несефа. Археологические открытия 1974 года. – М., 1975.

Камалиддинов мазкур мавзуда изланишлар олиб борган¹. Сўнгги йилларда археология соҳасида қилинган тадқиқотларда, бу масалага доир маълумотлар ва таҳлиллар қайд этилган².

Сомонийлар (IX-X асрлар), Қорахонийлар (XI-XII асрлар), Ғазнавийлар ва Салжуқийлар (XI-XII асрлар) даврида Сурхон воҳаси меъморчилиги ривожланиб, аллома ва авлиёлар қабри устига макбаралар қурилган. Бундай тарихий обидаларнинг асосий қисми Термизда жойлашган. 1936 йил Термизда М.Е. Массон бошчилигида Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) М.Е. Массон³, Г.Ф. Парфенов, В.А. Шишкин ва 1938 йилда Г.А. Пугаченкова археологик ёдгорликлар ҳақида муҳим маълумотлар ёзган⁴. 1960 йилда Г.А. Пугаченкова⁵ раҳбарлигидаги экспедиция Холчаён тепалигини текширишга киришди. 1960-1962 йилларда Л.И. Ремпель бошчилигидаги санъатшунослик экспедицияси⁶ Сурхондарёдаги кишлоқлар архитектурасини ўрганишни бошлади. 1968 йилда З.А. Ҳақимов, 1977 йилда эса Э.В. Ртвеладзе⁷ ва В.А. Аршавская илмий изланишлар олиб борганлар⁸. Мазкур археологик қазилмаларда, ҳозирги кунда зиёрат маконига айланган тарихий ёдгорликлар ҳам ўрганилган.

Айтиш мумкинки, муаммонинг айрим жиҳатлари хориж тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Хориж (инглиз-америка)

¹ Камалиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда в Тохаристана Арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. – Ташкент, 1996. – С. 36.

² Яркулов А. Нахшабнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихидан // O‘zbekiston arxeologiyasi/ Археология Узбекистана. – 2011, 1 (2) сон. – Б. 135-141.; Абриев Х. Амир Темур ва темурийлар даври меъморий обидалари бунёд этилиши ҳамда таъмирланиши тарихидан // Imot Vuxoriy saboqlari. 2018, 1-сон, – Б. 45-47.

³ Массон М.Е. Городища старого Термеза и их изучение. Труды Уз ФАН СССР, сер.1 вып.2. – Ташкент, 1940. – С. 113-126.

⁴ Пугаченкова Г.А. Памятники искусства Советского Союза: Средняя Азия. – М.: Эдесан Лейпцик, 1983. – С. 256.; Термиз. Шахрисабз. Хива. – М.: Искусство, 1976.

⁵ Пугаченкова Г.А. К исторической географии Чаганиана. Труды ТашГУ, вып.200. Археология Средней Азии, т.1. – Ташкент, 1963. – С. 58-63.

⁶ Ремпель Л.И. Народная архитектура предгорной зоны Юга Узбекистана // Искусство зодчих Узбекистана. Вып. 4., 1969. – С. 156-191.

⁷ Ртвеладзе Э.В. К периодизации раннесредневекового Чаганиана. Раннесредне вековая культура Средней Азии и Казахстана. Тез.докл. конф. Душанбе, 1977. – С. 114-119.; Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Ташкент, 2020. – 144 с.

⁸ Аршавская В.А, Ртвеладзе Э.В, Ҳақимов З. А.Средневековые памятника Сурхандарьи. – Тошкент: Издательство литературы и искусство им.Г. Гуляма, 1982. – С. 105-108.

тадқиқотчилари А.Беннигсен¹, Ж.Уилер², У.Коларз³, С.Уимбуш⁴, М.Олкотт⁵ каби олимларнинг изланишларида аҳолининг зиёрат жойларига ташрифи тазйиқ остига олингани қайд этилган. Хориж олимларининг мавжуд адабиётлардан фойдаланиш ва этнографик тадқиқотлар олиб бориши учун имкониятлар етарли бўлмаганлиги сабабли уларда аҳолининг иштироки масаласи батафсил таҳлил қилинмаган.

1991 йилдан сўнг Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви тарихий жараёнларни ҳолислик нуқтаи назаридан ўрганишни янги босқичга кўтарди. Жумладан, маҳаллий тарихчилар томонидан ислом дини илмига ҳисса қўшган, халқаро ислом дунёсида ўз ўрнига эга бўлган машҳур муҳаддис олимлар, тасаввуф намోёндалари асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиши халқнинг ўз қаҳрамонлари билан яқиндан танишиш имконини берди.

¹ Bennigsen A (co-authorship Lemercier-Quelquejay Ch). Islam in the Soviet Union. – New York: Praeger, 1967. – 272 p.; Bennigsen A., Wimbush S.E. Muslim National Communism in the Soviet Union. A Revolutionary Strategy for the Colonial World. – The University of Chicago Press, 1979. – 267 p.

² Wheeler G. Russia and Islam: new trends in soviet policy // Central Asian Review. – Oxford, 1956. Vol. 4. № 1. – P. 1-3.; Wheeler G. The modern history of Soviet Central Asia. – New York: Frederick A. Praeger, 1964; Wheeler G. The Russian Presence in Central Asia // Canadian Slavonic Papers. – Carleton University, 1975. Vol. 17. № 2-3. – P. 189-217.

³ Kolarz W. Islam in the Soviet Union, 1917-1960. – Karachi-Dacca, 1960. – 72 p.; Kolarz W. Religion in the Soviet Union. – New York: St. Martin' Press, 1961. – 518 p.; Kolarz W. Russia and her colonies. – Hamden, Conn: Archon Books, 1967. – 334 p.

⁴ Wimbush S.E. The politics of identity change in soviet central Asia // Central Asian survey. – London, 1984. – Vol. 3. – № 3. – P. 69-78.; Wimbush S.E. The Soviet Muslim Borderlands / The Last Empire. Nationality and the Soviet Future. Edited by Robert Conquest. – California: Hoover Institution Press, 1986. – P. 218-234.

⁵ Olcott M.B. Soviet Islam and world Revolution // World Politics. – 1982. Vol. 34. № 4. – P. 487-504; Olcott M.B. Women and Society in Central Asia // Soviet Central Asia. The Failed Transformation. Edited by William Fierman. – Boulder: Westview Press, 1991. – P. 235-254.

Бошқа томондан, мазкур тадқиқотнинг объекти ҳисобланган Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди этнографияси¹, топонимикаси², тарихи, муқаддас қадамжолари³ номи билан боғлиқ авлиёлар, табаррук шахслар ҳақида маълумотларни жамлаган адабиётлар ва рисолалар чоп қилинди. Жумладан, С.Турсунов, Э.Қобилов, Т.Пардаев, Б.Муртазоевнинг Сурхондарё тарихи ва этнографиясига доир тадқиқотлари⁴, А.Холмирзаевнинг табаррук зиёратгоҳларга доир рисоласи⁵, М.Пардаевнинг Олтинсой зиёратгоҳлари⁶, А.Набиевнинг тарихий ўлкашунослик масаласига доир илмий изланишлари⁷, Ж.Мирзаевнинг Термиз олимлари ва саййидлари, уларнинг фаолияти ва асарлари асосида ёритилган тадқиқотлари⁸, Насаф ва Кеш алломалари номли электрон

¹ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёхати. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. – Б. 77.; Илак йўли афсоналари. – Тошкент: Фан, 1993; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кузгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 14; Исаев А., Эргашева С., Исаев О. IX-XII асрларда Термиз маданияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 30.; Мирзаев Ж. Термиз Саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 16; Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 41-71; Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё-этнографик макон. – Тошкент: Академ нашр, 2012.

² Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 66; Мирзаев Ж. Термиз Саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 16.; Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Т: Шарқ, 2001. – Б. 41-71.

³ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996; Турсунов С. Қобилов Э. Пардаев Т. Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 58.; Мухаммад Усмон Жамол. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий Ҳалқаро Маркази, 2009. – Б. 8; Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тўплами нашрга тайёрловчи. А.Бердиев. – Тошкент, 2013.; Шарипов Ш., Хошёрв И. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Тошкент: Voris-nashriyot. 2016. – Б. 6-7.; Мирзо Кенжабек. Термиз таскироси. Буюк Термизийлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017; Исмоил Хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайд ал-Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 14.

⁴ Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё-этнографик макон. – Тошкент: Академ нашр, 2012.; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 58.; Исаев А. Эргашева С., Исаев О. IX-XII асрларда Термиз маданияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 30

⁵ Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, 2001. – Б. 33

⁶ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она кишлогим. – Тошкент: Ёзувчи, 2003. – Б. 35.

⁷ Набиев А. Тарихий ўлкашунослик (Ўлкани ўрганишнинг асосий манбалари) – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.38.

⁸ Мирзаев Ж. Термиз Саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 16; Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Т: Шарқ, 2001. – Б. 41-62-71.

қўлланма¹ қизиқарли маълумотларни ўзида жамлаган. Шунингдек, А.Чориев, Садриддин Салим Бухорий, Ж.Мирзо, И.Райхонов, Ш.Шарипов, И.Хошёрв, Муҳаммад Усмон Жамол, Мирзо Аҳмад Хушназар ва бошқалар ҳам зиёратгоҳлар ҳақида у ёки бу даражада маълумотлар тақдим этишган². Бирок, бу маълумотлар фрагментар даражада Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари тарихи ва уларнинг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ёритиб бермайди.

Мустақиллик йилларида, диний эътиқодлар ва зиёратлар масаласининг турли жиҳатлари ҳудудий тадқиқотларда ҳам ўрганилиши давом этмоқда. Ўзбек этнографи И. Жабборов аҳоли турмуш тарзида зиёрат масаласини тадқиқ қилган ҳолда, ўтган аждодлар арвоҳига ибодат қилиш, уларни хотирлаш, табиат кучларига сиғиниш натижасида жуда кўп муқаддас жойлар ва авлиёлар вужудга келганлигини таъкидлайди³. Шунингдек, олим ўзбеклар орасида машҳур бўлган муқаддас қадамжолар, дарахт, тош, ғор, пир авлиёлар, нарса-буюмларга ишонишни фетишизм реликти билан боғлайди ва у нафақат исломда, балки бошқа динларда ҳам унинг элементлари кузатилишини таъкидлаб ўтади⁴. А.Аширов тадқиқотларида, қадимги диний маросимлар ва ибодатлар масаласи таҳлил қилиниб, зиёрат масаласи, унинг

¹ Имом Бухорий сабоқлари. – 2006. 4-сон. – Б. 265-268.

² Идрис Шох. Нақашбандия тариқати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Менкул Ханжар. Вахшувор ва Сўфи Оллоёр. – Термиз: Жайхун, 1993; Садриддин Салим Бухорий. Бохоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Тошкент: Ёзувчи, 1993; Садриддин Салим Бухорий. Табаррук зиёратгоҳлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 48 б.; Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир монокиби. – Тошкент: Шарқ, 1996.; Мирзо Ж. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Ўзбекистон Республикаси ФА. Ғ.Ғуломов ношидаги Археология институти, 2001.; Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005; Муҳаммад Усмон Жамол. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий Ҳалқаро Маркази, 2009. – Б. 8.; Шарипов Ш., Хошёрв И. Исхок бува зиёратгоҳи. – Тошкент: Voris-nashriyot. 2016. – Б. 6-7.; Исмоил Хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 14.

³ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 236.

⁴ Джаббаров И. Узбеки. (Этнокультурные традиции, быт и образ жизни) – Тошкент: Шарқ, 2007. – С. 209-210.

аҳоли турмуш тарзидаги аҳамияти юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилади¹.

Тадқиқотларда, нарса-буюм номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар масаласи ҳам ёритилиб, масалан, Фарғонада дарахт билан боғлиқ диний қарашлар² тадқиқот сифатида ўрганилиб, аҳоли турмуш тарзида ҳалигача дарахтларда ўзига хос бўлган руҳлар мавжудлигига ишонч мавжудлиги қайд этилади. Мазкур ҳолат шомонлик диний эътиқоднинг атрибутлари³ сифатида баҳоланади. Самарқанд зиёратгоҳларининг ҳолати ва тарихини тадқиқ қилган Х.Аблокулов, М.Бузруков, Р.Мирзаев олдинги тадқиқотчилардан фаркли равишда, биринчи марта Самарқанд зиёратгоҳлари орасида “Таллақ ота” зиёратгоҳи, Чўнқаймиш қишлоғи ёхуд Сўфи Оллоёр қадамжолари тўғрисидаги маълу-мотларни илмий муомалага жалб қиладилар⁴. Шунингдек, Самарқанд зиёратгоҳларини ёдгорлик-меъмуриал комплекс сифатида Ш.Кулматов, А.Бердимуродов томонидан Самарқанд ёдгорликлари археологияси ва меъморчилиги нуқтаи назаридан ўрганилади⁵. Мазкур тадқиқот сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишлар натижаларига асосланган ҳолда, Самарқанддаги

¹ Аширов А.А. Еще раз о проблемах этнологии в Узбекистане // Этнографическое обозрение. – 2006. №3. – С.107-127; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 272 б.; Ўша муаллиф. Традиционные религиозные воззрения и обрядность узбекского народа // Исламские ценности Центральной Азии: толерантность. Историко-философские аспекты // Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2008. – С. 194-200; Ўша муаллиф. Ethnology in Uzbekistan: Achievements, Problems, and future Progress // Selecteb Bibliography of Central Asia and Kazakhstan (Modern History, Religion, Ethnicity). – Praga, 2009. – pp. 148-151.

² Халмуратов Б. Фарғона аҳлининг дарахт билан боғлиқ қарашлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2013, 1-сон. – Б. 78-79.

³ Дунё халқларининг дарахт билан боғлиқ урф-одаат ва маросимлари ҳақида тўлиқроқ: Зеленин Д.К. Темеи деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – Москва, Л. 1937; Чоршамбиев М. Ўзбек фольклориди дарахт билан боғлиқ тотемистик қарашлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1998, 6-сон. – Б.32-33.; Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007. – Б. 9-31.

⁴ Мирзаев Р. Чўнқаймиш қишлоғи ёхуд Сўфи Оллоёр қадамжоларидан хабарлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2007, 4-сон. – Б. 309-311; Аблокулов Х. Самарқанд зиёратгоҳлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2009, 2-сон. – Б. 89-91; Бузруков М. “Таллақ ота” зиёратгоҳи хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2015, 1-сон. – Б. 39-40.

⁵ Кулматов Ш., Бердимуродов А. Самарқанд ёдгорликлари. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2017. – 260 б.

тарихий жойлар ва зиёратгоҳлар тўғрисида кенг маълумотни ўзида жамлайди.

Шунингдек, тадқиқотлар орасида Тошкент қадамжолари¹ ҳам алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиб, Ў.Султонов мақоласида зиёрат маросимларининг ўзига хос ҳудудий хусусиятлари очиб берилган. Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари У.Уватов тадқиқотларида², Бухоро ҳудудида жойлашган зиёратгоҳ ва қадамжолар тарихи Л.Асророва³, Г.Таниева тадқиқотларида, зиёратгоҳлар ва ҳаж тарихи ёритилган⁴. Тадқиқотчилар зиёратгоҳларнинг тарихи, археологияси ва меъморчилигига доир маълумотларни илмий рисола кўринишида тақдим қилганлар.

Ўрта асрларда Қашқадарё воҳаси ислом дини ва маданиятининг равнақиға ҳисса қўшган Нахшабий, Насафий, Кеший, Киссий каби буюк уламолар М.Азизов тадқиқотида, биргина Шаҳрисабз ҳудудида олтмишдан ортиқ олиму фозиллар, азизавлиёлар етишиб чикқанлигини қайд этади⁵.

Таъкидлаш керакки, тадқиқотлар орасида катта ҳажмли, илмий тадқиқот даражасида ўрганилган ишлар ҳам талайгина. Жумладан, зиёратгоҳлар масаласининг ҳудудий жиҳатлари Хоразм зиёратгоҳлари мисолида З.Абидова томонидан тадқиқ қилинган бўлса⁶, Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг

¹ Султонов Ў. Тошкент қадамжолари ва мазорлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2007, 2-сон. – Б. 101-105.

² Мотурудия таълимоти ва Абу Муъин Насафий илмий мероси. – Тошкент: ТИУ нашриёти, 2018. – 304 б.; Ҳаким Термизий. – Тошкент: Тафаккур нашриёти. 2019. – 95 б.; Уватов У. Мовороуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни. (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий). – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – 207 б.

³ Асророва Л. Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019; Архив ҳужжатларида Бухоро зиёратгоҳлари масаласи. Ислом тафаккури. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – Б. 19-21.; Бухорони шариф этган зот – Сайфиддин Бохарзий. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – Б. 196.; Тарикатнинг етти пири. Китоб-альбом. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – Б. 150.; Тарикатнинг етти пири. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – Б. 280.

⁴ Таниева Г. XVI-XIX асрларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги муқаддас масканлар зиёрати тарихидан // Ислом тафаккури Маҳсус сон. (Бухоро ислом маданияти пойтахти.) 2020. – Б. 24-28.; Ўша муаллиф. Тасаввуфда ҳаж масаласи: таълимот ва сафар // Имом Бухорий сабоқлари. – 2020, 4-сон. – Б. 27-29.

⁵ Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машҳур сиймолари. – Тошкент, 2014. – Б. 12-13.

⁶ Абидова З.Қ. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тарих фан.фалс доктор. Дисс. – Т., Урганч давлат университети, 2018. – Б. 144.

ўрни контекстида Н.Абдулаҳатов номзодлик диссертацияларида¹, Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари мисолида Ф.Ақчаев номзодлик ишида², Қўқон хонлигида ислом дини ва зиёратгоҳлар масаласига доир ёндашувлар Б.Бабаджановнинг докторлик диссертацияларида таҳлил қилинган³. Шунингдек, И.Усмонов тадқиқотида, Ҳаким Термизий шахси тасаввуф илми ва мазкур ҳудудда дин билан боғлиқ ибодатлар масаласида фикр билдирилган⁴. Тадқиқотчилар, нафақат зиёрат масаласига доир фикрларни, балки зиёрат билан боғлиқ тадқиқотларни қандай ўрганиш кераклиги тўғрисида ҳам мулоҳазалар келтириб ўтганлар. Масалан, исломшунос олим Б.Бобожонов ўз тадқиқотида, зиёратгоҳлар масаласи эски замонлардан қолган қолдиқ сифатида тушунилган ва илмий адабиётларда, жамиятнинг қолиб кетган анъаналари сифатида баҳоланган. Тадқиқотчи, “оддий динга ибодат қилувчиларнинг” ритуал ҳаракатларни исломдан ташқари ёки исломгача бўлган реликт ва бошқалар деб аташ эмас, балки тадқиқотчининг вазифаси илмий таҳлилда уни танкидий томонларидан воз кечиб, бундай кўринишдаги ритуалларни маҳаллий жамиятда худди ишонч, иймоннинг намоён бўлиши сингари ислом одат-анъаналари сифатида ўрганишни тавсия қилади⁵.

Тадқиқотчи З.Абидова тарихий этнологик тадқиқот сифатида Хоразм воҳасидаги зиёратгоҳлар ва қадамжолар масаласини таҳлил қилар экан, ҳудуднинг зиёратгоҳларини бошқа ҳудудлардан ажратиб турадиган жиҳатларига алоҳида эътибор бериб, муқаддас қадамжоларни характеристикасига кўра таснифлайди. Муаллиф Хоразм воҳаси қадамжо ва зиёратгоҳлари, маҳаллий хусусиятларини тарихий-этнологик материаллар асосида ўрга-

¹ Абдулаҳатов Н. Фаргона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фаргона вилояти зиёратгоҳлари материаллари асосида). Тарих фан.ном....дисс. – Тошкент, Тарих институти 2008. – 190 б.

² Ақчаев Ф.Ш. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари. Дисс.тарих фан.док. – Тошкент, Жиззах давлат педагогика институти. 2020. – 165 б.

³ Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С. 626-627.

⁴ Усмонов И. ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари – ҳадис, тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан.ном. ... дис. автореф. – Тошкент, Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 13-14.

⁵ Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С. 626-627.

ниш асносида сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларда ўзгаришлар ва инновацияларни аниқлаган¹.

Тадқиқотчи Н.Абдулахатов Фарғона водийси мисолида зиёратгоҳлар масаласини тадқиқ қилиб, муқаддас жойларни зиёрат қилгани келган маҳаллий аҳоли бу ерга ким ва қачон, қандай қилиб дафн этилганлигини ва у Пайғамбарнинг қайси бир асҳоби эканлигини ишонч билан айта олмаганини келтиради. Бундай муқаддас жойларга хизмат қилувчи ходимлар ҳар доим бир хил жавобларни ривоят кўринишида айтишини қайд этади².

Ф.Ақчаев тадқиқотида эса Жиззах воҳаси қадамжолари ва зиёратининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, зиёрат соғлиқни тиклаш, маънавий ва руҳан таскин топиш, ҳомий руҳлар ва аждодлар удумини давом эттириш, келажакка умид қилиш (фарзанд, мушкулни осон қилиш, ёшлар орасида ўқишга кириш ва ҳ.) каби мақсадларга кўра амалга оширилганлиги айтилади. Тадқиқотчи, ҳудуднинг ўзига хос хусусияти сифатида зиёрат маросимида ис чиқариш, шам ёқиш, турли предметларни кўзга суртишни қайд этади³. Бирок, бу нафақат Жиззах воҳаси, балки бутун Марказий Осиё аҳолиси зиёрат ибодатининг умумий хусусияти эканлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотлар орасида Ф.Раҳмоновнинг Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари диссертация иши ҳам мавзуга алоқадор муаммоларни ўзида жамлайди⁴. Тадқиқот ишининг даврий чегараси XIX асрнинг охири – XX аср бошларини қамраб олади ва илмий изланишда диний культлар билан боғлиқ маросимлар тавсифи берилди.

¹ Абидова З.Қ. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тарих фан.фалс доктор. Дисс. – Тошкент, Урганч давлат университети, 2018. – Б. 144.

² Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганского вилоята). Автореф. дис...канд ист. наук. – Ташкент, Институт истории АН РУз, 2008. – С. 18.

³ Ақчаев Ф.Ш. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари. Дисс.тарих фан.док. – Тошкент, Жиззах давлат педагогика институти. 2020. – Б. 32-37.

⁴ Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (XIX асрнинг охири–XX аср бошлари).: Тарих фан. номзоди ... дис. – Тошкент, 2001. – 146 б.

Шунингдек, Ж.Чўтматовнинг Термизийлар тарихига доир манба-шунослик ишида ҳам бу ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади¹.

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси тарихий объектларини меъморчилик, архитектура нуктаи назаридан ўрганиш олим И.Азимовнинг тадқиқотида кўзга ташланади. Хусусан, унда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги ёдгорликлар тўғрисида ҳам хулосалар бериб, бу ҳудуддаги масжидлар конструкция ва безаклари хилма-хил бўлганлиги, симметрик, ассиметрик, устунли гумбазсимон ганч ва ёғочга ўйилган ёзувли тасвир кўринишида эканлигини айтади². Мустақиллик йилларида А.В.Арапов, М.С.Булатов ва Ю.Г.Тўйчиева илмий мақолаларида Оқ Остона бобо зиёратгоҳи билан боғлиқ хулосалар келтирилади³.

Тожикистон олимлари томонидан ҳам муқаддас зиёратгоҳлар тарихи масаласида тадқиқотлар ўрганилиши давом этмоқда. Бу борада, Б.Турсунов тадқиқотини келтириш ўринли⁴. Тадқиқотчи Хўжа Такровут мазори мисолида зиёратгоҳларнинг ҳолати ва бугунги кунда унга ташриф этувчиларнинг мақсадларини таҳлил қилган.

Россия тарихшунослигида ҳам Ўзбекистонда ислом диний эътиқодлари билан боғлиқ жараёнлар тарихи борасида янги талқинлар ва қарашлар билан бойитилган тадқиқотлар яратилиши давом этмоқда. Жумладан, ўзбек халқи этнографияси бўйича етук олим С.Абашиннинг тадқиқотлари ҳам бу борада жуда кўп масалаларга ойдинлик киритади⁵. Тадқиқотчи Ўзбекистон ҳудуди

¹ Чўтматов Ж.О. VII-IX асрлар Термиз маънавий муҳити тарихи: анъаналар, тадриж ва янгиланиш. Тарих фан.фал.докт.(PhD)дисс. – Термиз, 2020. – 193 б.

² Азимов И. Архитектура Узбекистана XVIII-нач. XX вв.: Традиции и локальные особенности. Докт. Дисс. Архитект. Наук. – Ташкент, 1999. – 343 с.

³ Арапов А.В., Булатов М.С., Тўйчиева Ю.Г. Забытый "язык" символов. Ак-Астана баба // Мозийдан садо. – 2000. № 2/(14). – Б. 12.

⁴ Турсунов Б.Р. Из истории святыни Канибадамского оазиса (на материалах мазара Ходжа такровут). – Худжанд: Ношир. 2007. – С. 34-35.

⁵ Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. – 2001. № 2. – С. 128-131; Абашин С. "Народный" суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. – Ташкент, ИФЕАК. 2004. – С. 1-11; Абашин С.Н. Занги-ата // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 3. – Москва, 2001. – С. 41; Абашин С.Н., Бобровников В.О. Соблазны культа святых (вместо предисловия) // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе/Сост. С.Н. Абашин, В.О. Бобровников. – М., 2003. – С. 3-17.

ислом дини маросимлари билан боғлиқликда, балки тарихи, маданияти, яшаш турмуш тарзи бир хил бўлган Марказий Осиё халқлари ижтимоий ҳаётидаги ўрни билан солиштирган ҳолда келтирилади.

Мазкур тадқиқотлар орасида В.Литвиновнинг Туркистонда ҳаж ва муқаддас жойларга зиёрат масаласига бағишланган изланишларида, мазкур масаланинг турли жиҳатлари ёритиб берилган¹. Жумладан, олимнинг келтиришича, Россия империясининг Туркистондаги мусулмонларга муносабати ҳар доим ҳам ёмон бўлмаган, ислом динига оид масалаларда ҳудудий ишларга аралашмаган бўлса-да, ҳаж зиёрати ва муқаддас жойларга зиёрат масаласида аҳолининг тиббий соғлиғини сақлаш мақсадида баъзи чекловлар ўрнатган. Хусусан, турли эпидемияларнинг тарқалиши муносабати билан аҳолининг зиёратлардаги иштирокида чекловлар белгиланган. Бундан ташқари, Чор Россияси даврида аҳоли ўртасида авлиё қабрларига, мазорларга бориш кенг тарқалганини таъкидлайди².

С.Житинев маданиятшунослик йўналишида зиёратдаги диний культлар турли дин элементларини ўзида бирлаштириб, бу маданиятларнинг ривожланиши учун асос бўлишини кўрсатиб беради³. Маданиятшунослик контекстида қилинган Е.Калужникова тадқиқотида эса, зиёрат ритуал маросимларни амалга ошириш маскани сифатида унинг моҳияти ва тарихий тузилиши кўриб чиқилади⁴. Ҳар иккала тадқиқотда ҳам асосан христианлик, ислом ва бошқа динлар мисолида зиёратгоҳ масаласи таҳлил қилинган.

¹ Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865 - 1917 гг. Дисс.канд.ист. наук. – Москва, 2007. – 26 с.; Литвинов В.П. Власть и паломничество мусульман в Русском Туркестане // Власть. – 2014. №6. – С. 88-93; Литвинов В.П. Санитарно-эпидемиологические меры власти в системе паломничества мусульман русского Туркестан // Власть. – 2017. №5. – С. 210-216.

² Литвинов В.П. Власть и паломничество мусульман в Русском Туркестане // Власть. – 2014. №6. – С. 88-93; Литвинов В.П. Санитарно-эпидемиологические меры власти в системе паломничества мусульман русского Туркестан // Власть. – 2017. №5. – С. 210-216.

³Житинев С.Ю. Религиозное паломничество: межкультурные коммуникации и цивилизационный контекст. Дисс... канд. культурологии. Гос. акад. Славян культуры. – Москва, 2011. – 186 с.

⁴ Калужникова Е.А. Паломничество как ритуал: сущность и культурно-исторические типы. Дисс...канд культурологии. – Екатеринбург, 2007. – 167 с.

Астрахан мисолида муқаддас диний культлар масаласини таҳлил қилган тадқиқотчи А.В.Сызрановнинг қайд этишича, Қуйи Волгада туркий халқлар орасида исломнинг кириб келиши ва ўрнатилиши Ўрта Осиё сўфийлик анъаналарининг кучли таъсири остида шаклланган, деган хулоса келади. Қуйи Волга ва Марказий Осиё мусулмонларининг маданий анъаналари бирлиги ҳақида айтиб ўтиб, миграция жараёнлари, улар билан диний алоқаларнинг узилиб қолганлиги, давлатнинг динга қарши сиёсати ва совет давридаги тузум анъаналарнинг унутилгани билан изоҳланади¹.

Хорижлик тадқиқотчилар томонидан сўфийлик тариқатлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар, уларнинг эпитафикаси, у ердаги урф-одат ва маросимлар ҳамда вақфномалар бўйича Джо-Анн Гросс (АҚШ), Юрген Паул (Германия), Тьерри Заркон, Ҳабиба Фатҳи (Франция), Яёи Кавахара (Япония)нинг тадқиқотлари зиёратгоҳларни ўрганиш бўйича муҳим аҳамият касб этади². Шунингдек, хориж тарихшунослигида ислом динида зиёратгоҳлар ва у билан боғлиқ масалаларга доир айрим маълумотлар илмий мақола кўринишида ҳам таҳлил қилинган. Масалан,

¹ Сызранов А.В. Культ мусульманских святых в Астраханском крае // Этнографическое обозрение. – 2006. №2. – С. 127-143.

² Gross J.A., Urumbaev A. The Letters of Khawaja ‘Ubayd Allah Ahrar and his Associates. – Leiden-Boston-Koln, 2002. – P. 21–22; Гросс Дж. Мусульманская Центральная Азия: Религиозность и общество. – Душанбе: Деваштич, 2004. – С. 77; Schaibanidishe Grabinschriften. Herausgegeben von Babadjanov B., Muminov A., Paul J. – Wiesbaden, 1997. – P. 17; Zarcone T. Farg’ona valiyolari // Qodiriya tariqati. – Istanbul, 1997. – С. 27–29; Кавахара Я. Офок хожанинг ўгли Хожа Ҳасан шажараси ҳақида // Шарқшунослик. – Тошкент, 2004. – № 12. – Б. 98–103; Хабиба Фатҳи. Значение женских ритуалов «Биби Мушқулкушод» и «Биби Сешанбе» в современной Центральной Азии // Ўрта Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-кисм. – Тошкент, 2005. – Б. 15; Kawahara Y. Tadhkira of Khwaja Hasan Sahibqiran: Study on Private Manuscript in Ferghana Valley // Journal of Asian and African Studies. – Leiden-Boston-Koln, 2006. – №. 71. – P. 26–30.

Д.ДеУиз¹, Д.Монтгомери², М.Ибади³, Т.Дадабаев⁴, Д.Абрамсон, Э.Каримов⁵ тадқиқотларида ҳам зиёрат масаласининг турли жиҳатлари юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган. Жумладан, Д.Абрамсон ва Э.Каримов ҳаммуаллифлигида ёзилган мақолада, Марказий Осиё халқлари ҳаётида зиёратнинг аҳамияти, турли даврларда унга бўлган муносабат ва мустақиллик йилларида зиёратгоҳларнинг ҳолати тадқиқ қилинади. Муаллифлар асосий объектлар сифатида Бухоро, Хива, Қўқон шаҳридаги машҳур тарихий-маданий жойларни тадқиқ қиладилар.

Умуман, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар масаласининг айрим жиҳатлари фрагментар даражада тадқиқотчилар томонидан кўриб ўтилган бўлиб, бу Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси ҳудуди зиёратгоҳлари тарихи ва унинг аҳоли маънавий-маърифий ҳаётида туганган ўрни каби масалаларни бутун ҳолатини кўрсатиб бермайди.

Тарихшунослик таҳлилига тортилган адабиётлар хулосаси Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари тарихи ва маънавий-маърифий ҳаётдаги аҳамиятини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳимлигини кўрсатади. Тадқиқотларда акс этмаган баъзи масалаларни архив ҳужжатлари ва манбалар ёрдамида таҳлил қилиш орқали диний культларнинг келиб чиқиши, мазор, қабр, мақбара номи билан боғлиқ шахслар персонификацияси масаласини (психология, этнология, социология, диншунослик фанлар кесимида) зиёратгоҳ номи билан боғлиқ шахс насаби, илму ирфони, қилган амаллари, қолдирган адабий меросининг мазмун моҳиятини ўрганиш орқали ёшлар

¹ DeWeese D. Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tiikles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition. – Pennsylvania, 1994. – Pp.73-78.

² David W. Montgomery, John Heathershaw. Islam, secularism and danger: a reconsideration of the link between religiosity, radicalism and rebellion in Central Asia // Religion, State & Society – 2016. 44:3, – pp. 192-218.

³ Mehdi Ebadi. Shrine Pilgrimage (Ziyārat) in Turco-Iranian Cultural Regions // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 4: Iss. 1, Article 7. Volume 4(I) – 2016. – pp. 70-77.

⁴ Timur Dadabaev. Religiosity and Soviet 'modernisation' in Central Asia: locating religious traditions and rituals in recollections of antireligious policies in Uzbekistan // Religion, State and Society, – 2014. 42:4, – pp. 328-353.

⁵ Abramson D., Karimov E. Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State. Eds. Sahadeo, Jeff, Russell Zanca. // Everyday Life in Central Asia Past and Present. – Bloomington: Indiana University Press, 2007. – pp. 319–338.

онгига ватанпарварлик ғоясини сингдиришда, аҳолининг маънавий тарбиявий онгини ошириш имконини беради. Юқориди кўрсатилганидек, Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари зиёратгоҳларини ёритувчи илмий ишлар, тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, айнан Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳларини тарихини ва бугунги ҳолатини ёритувчи тадқиқот яратилмаганлигини исботлайди. Бу эса сўнгги йилларда давлатимизнинг зиёрат туризми соҳасидаги ислохотларини амалга оширишда муҳим ва илмий ва амалий аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР:

1.Маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётида зиёратгоҳлар аҳамияти ва диний маданий тарихининг мазмунини очиб беришда антропология, этнология, диншунослик, ижтимоий психология ва социология каби фан йўналишлари доирасида зиёратгоҳ, зиёрат билан боғлиқ маросимлар, тўғрисида уларни таснифланиши С.Абашин, Б.Бобожонов, Д.Огудин, Н.Абдулахатов томонидан тақлиф этилган Марказий Осиё зиёратгоҳлари классификацияси асосида Қашқадарё ва Сурхондараё вилояти зиёратгоҳлари (ислом уламолари, алломалар, саҳобалар, пайғамбарлар, тарихий шахслар номи билан аталувчи, рамзий қабрлар, номаълум бўлган, ривоят, афсонавий номи билан аталган зиёратгоҳлар, даволоччи, табиат ҳодисалари номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар) ўрганиш мумкинлиги аниқланди. Ўзбекистон халқлари маънавий-маърифий ҳаётида ҳозирги кунга қадар тарбиявий роль ўйнаб келаётган дин билан боғлиқ одатлар даврлар ўзгарган ҳолатда ҳам ўз кўринишларини ҳозирги кунга қадар сақлаб келаётганлигини кузатишимиз мумкин. Асрлар давомида у аҳолининг мавжуд анъаналари ва турмуш тарзининг бир қисмига айланиб қолган. Зиёратгоҳларда авлиё ва зиёрат объектларига ибодат ислом дини тартибларида бутунлай салбий муносабатда бўлинмаса-да, у ҳозирги даврда янги кўринишда ва талқинда аҳоли ҳаётида шаклланиши давом этган.

Аксарият тадқиқотчилар томонидан зиёратларга ташриф масаласига ҳудудда исломдан олдин мавжуд бўлган шомонлик ва бошқа динларнинг элементлари сифатида қаралса-да, Ўзбекистон ҳудудида уларнинг ёйилиши ва тарқалишини баъзи олимлар

сўфийлик билан боғланганлар. Марказий Осиё халқлари ҳаётида зиёрат ва муқаддас қадамжолар фаолиятининг кенгайиши тасаввуф вакилларининг авлиё, пир даражасидаги мақомга эга бўлиши билан баҳоланган. Зиёрат унинг амаллари масаласида ҳам турли фикрлар илгари сурилсада, мазкур масалани ўрганишда тадқиқотчиларнинг ўз ёндашувлари билан муаммога доир қарашларини беришлари талаб этилади. Масалан, тарихчи олим, Б. Бобожонов ҳам ўз тадқиқотида буни тасдиқлаб, маҳаллий аҳоли ҳаётида муҳим диний элемент ҳисобланган зиёрат масаласини ўрганишда ҳар бир тадқиқотчи ўз ёндашувидан келиб чиқиб мулоҳаза қилиши, бунда исломнинг “соф ислом” анъаналарига мос келмайдиган жиҳатлари эмас, зиёрат маросимларини халқнинг шаклланиб келган ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ўрганишни тавсия этади.

2. Мавзунинг манбашунослигига доир ЎзМА ҳужжатлари (ҳисобот, қарор, буйруқларни, жой номи архитектураси билан боғлиқ ҳисоботлар), қўлёзма манбалар мустамлака даври шарқшунос, географ олимларнинг этнографик, географик характердаги ҳисобот ва маълумотлар, шунингдек, қўшимча манба ва адабиётлар (шахсий хотиралар, эсдаликлар, суҳбатлар, визуал ҳужжатлар) газета мақолалари) муҳим рол ўйнайди. Айтиш мумкинки, келтирилган маълумотларнинг барчаси ҳам илмий нуқтаи назардан тўғри, деб бўлмайди, масалан, ўлкани ўрганиш учун юборилган географ, шарқшунослар уни (зиёратгоҳларга ташриф) маҳаллий аҳоли турмуш тарзидаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб эмас, балки Россия империяси маъмурияти қарашлари билан баҳолашга ҳаракат қиладилар. Турли кўринишдаги мазкур ҳисобот, ёзишма, эсдаликларда ўлка халқлари ҳаёти, уларнинг турмуш тарзида зиёратнинг турлари, зиёрат жараёнида амалга ошириладиган маросимлар ёритилиб, бу орқали тадқиқотчи кейинги даврларда, унинг мазкур ибодат иштирокчиларининг диндорлик динамикасидаги ўзгаришлар, совет ва мустақиллик даври маълумотлари билан солиштирган ҳолда, бундай ўзгаришлар руй бериш сабабларини аниқлай олади. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар қандай кўринишдаги манбаларни тарихийлик ва объективлик принциплари асосида таҳлил қилиш орқали илмий ҳолисликни тиклаш имкони

яратилади, чунки манбаларнинг айримлари ўзида муаллифнинг ички кечинмаларини сақлайди. Шу маънода, зиёратгоҳлар тарихи, аҳолининг ундаги иштирокига оид маълумотларни қўшимча манба ва адабиётлар (сухбат, эксперимент усуллари) билан қиёслаш ёрдамида муҳим тарихий жараёнларни яратиш мумкин бўлади.

3. Мавзунинг тарихшунослигига оид рус, хориж, ўзбек тилида ёзилган 20 дан ортиқ диссертация иши, 100 га яқин рисола, этнография, тарихга оид 300 дан ортиқ адабиётлар ўрганилди ва уларнинг Жанубий Ўзбекистон ҳудудида тегишли қисмлари киритилди. Ўзбекистонда зиёратгоҳлар масаласининг айрим жиҳатлари фрагментар даражада тадқиқотчилар томонидан кўриб ўтилган, бироқ бу жанубий Ўзбекистон ҳудуди зиёратгоҳлари тарихи ва унинг аҳоли маънавий-маърифий ҳаётидаги туган ўрни каби муаммоларни бутун манзарасини кўрсатиб бермайди. Мустамлака, совет ва мустақиллик даври адабиётларини ўз ичига олган тадқиқотнинг даврий чегарасида, шу пайтгача Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари тарихининг барча масалаларини қамраб олган комплекс тадқиқот амалга оширилмаган. Амалга оширилган диссертацион ишлар эса, турли ҳудудлар (Хоразм, Фарғона, Тошкент, Бухоро)нинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш билан чекланган. Тадқиқотларнинг характерли жиҳати шундаки, зиёрат тарихи билан боғлиқ масалалар нафақат тарих, балки диншунослик, исломшунослик, социология, этнография, психология йўналишларида ўрганиш мумкинлигини яна бир марта тасдиқлайди. Мустамлака ва совет даври адабиётларида, аҳоли турмуш тарзида диний зиёрат масаласи шу давр сиёсати нуқтаи назаридан баҳоланиб, уни “эскилик сарқити, социалистик жамиятнинг кушандаси” сифатида изоҳланади. Ватан тарихшунослигида мавзунинг у ёки бу жиҳатларини ёритган тадқиқотларда зиёрат одатининг айрим масалалари этнографик таҳлиллар асосида ва ҳозирги ҳолати юзасидан хулосалар келтириб ўтилади. Россия ва хориж (инглиз) тадқиқотларининг манбавий асоси чегараланган бўлиб, муаммони таҳлил қилишда тадқиқотчилар совет даврида яратилган адабиётлардаги қарашлар билан чегараланадилар.

II БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР, УЛАМОЛАР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЗИЁРАТГОҲЛАР КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ

2.1. Қашқадарё вилояти зиёратгоҳларининг географик жойлашуви ва персонификацияси таснифи

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан бири ҳисобланган Қашқадарё воҳаси кўп асрлик тарихи мобайнида ислом қадриятлари ва анъаналари тизимининг бир бўлагини ташкил этибгина қолмай, ислом илмларининг ривожига ҳисса қўшган олиму фузалоларни етказиб берган ўлка ҳисобланган. Мазкур ҳудуд тарихига доир маълумотлар қадимги ва ўрта аср манбаларида тилга олиниб, жанубий Турон заминининг марказий шаҳри сифатида қадимдан Ерқўрғон (жанубий Сўғд), Нахшаб (Насаф)¹, Шуллуктепа ёдгорлиги², Узунқир, Наутака, Бактрия подшолиги манзиллари шаклланган бўлиб, Буюк ипак йўли кесимида бу ўлка нафақат савдо ва хунармадчилик, балки илм-фан, маданият марказларидан бири бўлган³. Шунингдек, ҳудуд насафийлар, кешийлар, косонийлар қолдирган моддий ва маънавий меросни ўзида мужассамлаштирган.

Ҳозирги даврда вилоят ҳудудидаги асосий шаҳарларни Қарши, Шахрисабз, Китоб, Косон, Яккабоғ ташкил этиб, ҳар бир ҳудуднинг ўз топонимикаси, тарихи, географияси, афсона ва диний қарашлари билан боғлиқ тарихий ва маданий манзилгоҳлари бўлган. Улар ўзида аллома ва авлиёларнинг шахси, насаби, улар яшаган давр билан боғлиқ тарих, ислом оламида ёки умуман илм-фан йўлида уламолар қолдирган меросни жамлаб, халқимиз миллий ва маънавий қадриятларининг муҳим элементи сифатида асраб келинмоқда.

¹ Бу ҳақда тўлиқроқ қаранг: Зоҳидов М.С., Собиржонов А.С. Қарши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 4-5; Насриддинов Қ. Қарши калъаси. – Қарши: Насаф, 2005. – Б. 15.

² Пулатов С. Бўтаев А. Қарши-қадимий шаҳар. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 4.

³ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 85.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида “Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё воҳасида йўқолиш арафасида турган жами 1195 та маданий мерос объектлари аниқланиб, улардан 175 таси меъморчилик, 948 таси археология объектлари, 50 таси ҳайкалтарошлик санъат асарлари рўйхатга олинган¹.

Тадқиқотчи А.Чориев Қашқадарё вилоят худудида сақланган тарихий обидалар ва зиёратгоҳ қадамжоларнинг умумий сонини 78 та кўрсатиб, энг қадимийси III-XII асрлар, аксарияти XVI ва XIX асрлар меъморий ёдгорликлари ташкил этишини қайд этади². Айнан шундай маданий мерос объектлари орасида зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар ҳам киритилиб, уларнинг тарихи қадимий ўлка ижтимоий-маданий ҳаёти тўғрисида кенг маълумотларни очиб беради.

Ўрганилган ва тадқиқотга жалб этилган Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларининг тарихи ва ўзига хос хусусиятларини куйидаги гуруҳлар асосида таснифлаш мумкин:

1) Сўфийлик ва тасаввуф тариқатлари вакилларининг номи билан боғлиқ қадамжолар.

2) Ислом оламида фан, ҳадисшунослик илмига ҳисса қўшган шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар.

3) Авлиё, пир даражасидаги шахслар номига алоқадор зиёратгоҳлар.

4) Хўжа, сайид, саҳобалар номи билан боғлиқ қадамжолар.

5) Тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар.

6) Адабиёт, тарих фани ривожига ҳисса қўшган олимлар номи билан боғлиқ жойлар.

7) Афсона, ривоятлар ва жой номлари билан боғлиқ қадамжолар.

8) Воҳада жой номлари топонимикаси билан боғлиқ зиёратгоҳлар.

¹ Дармонова М.А. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент: Лессон пресс, 2016. – Б. 278-281.

² Чориев А. Ҳазрати султон Мир Ҳайдар ота манокіби. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 347-349.

9) Шахси аниқланмаган ёки расмий маълумот сақланмаган зиёратгоҳлар.

Юқориди санаб ўтилган қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тафсилотини куйида бериб ўтиш мақсадга мувофиқ.

1) Сўфийлик ва тасаввуф тариқатлари вакилларининг номи билан боғлиқ қадамжолар. VII асрда ислом дини таъсирида вужудга келган тасаввуф таълимоти фаол ижтимоий ҳаётдан воз кечиш орқали Худо билан ўзини бирлаштириш ва ҳақиқатни англашга йўналтирилган. Сўфийликка эришиш шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини амалга оширишни назарда тутди. Ўзини суфийлик йўлига бағишлаб, юқори даражага эришганлар пир (валий), дарвеш мақомига кўтарилади, улар ҳаётлигидаёқ, азиз шахсга айланади¹. Шу ўринда Қашқадарё вилоятида ҳам тариқат вакиллари, пир-муршидлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Жумладан, ана шундай валийлик даражасига етган Хуросон тасаввуф мактабининг йирик намояндаси, IX асрнинг буюк машойихларидан бири Асқар ибн Ҳусайн Абу Туроб Нахшабийдир. У тахминан 191/806 йили Нахшаб (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилган. Бухоро ва Сарахс мадрасаларида таҳсил олган. Фикҳ илмини Аҳмад ибн Ханбалдан ўрганган. Басрада Шайх Ҳасан Басрийдан таълим олган. Абу Туроб Нахшабий футувват ва таваккул назариётчиси, илм, фатво, зуҳд ва таквода машҳур бўлган. Абу Туроб Нахшабий тахминан 274/887 йилда Басра йўлида ибодат вақтида вафот этган². Сулабий ўзининг “Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида муқаддима” асарида, алломани “сўфийларнинг машойих ва олимларидан эди”, деб айтган³.

Абу Туроб Нахшабий тўғрисида Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида маълумотлар келтириб,

¹ Далиев М. Критика культа святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана. Дисс. Канд. Фил. Наук. – Тошкент: Институт философии и права. 1966. – С. 54-56.

² Қаранг: Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 70-71.; Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. (IX-XX асрлар): Тазкира – Тошкент: 2006. – Б. 7-8.

³ Имом Абдурахмон Сулабий Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида муқаддима /Таржимон ва изоҳлар муаллифи Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. – Тошкент: Nilol nashr 2020. – Б. 43.

алломани эҳтиром билан тилга олган¹. Фаридиддин Аттор олимни тасаввуфга асос солган илк сўфийлар қаторига киритганини айтиб, “у бало сафларини бузувчи, тақво девонининг ягонаси, Ҳақ Набийнинг меросхўри, замона шайхи, валийлик саҳросининг сайёҳи, фақир дарёсининг кемачиси, машойих улуғларидан, Хуросон тупроғидан эди, деб таърифлайди².”

Тадқиқотчи К.Раҳимов Абу Туроб Нахшабийни “Қашқадарё сўфийлик мактабининг асосчиси”, деб баҳо берган³. Ҳозирда Нишон тумани Эски Нишондан 2 километр чамаси узоқликда, собиқ Қарри Нишон мавзесида 2018 йилда Абу Туроб Нахшабий Насафий деб ёзилган қабртош топилган⁴. Юқоридаги маълумотлар таҳлиliga асосланиб айтиш мумкинки, ҳозирда мазкур мажмуа зиёратгоҳ “Шаҳид ота” ёки халқ орасида “Чилламозор” деб ҳам аталади.

Қашқадарё вилояти Нишон тумани, эски Нишондан бир неча чақирим узоқликдаги Откудук қишлоғи яқинида тариқат вакиллари билан бири Жунайд Бағдодийнинг зиёратгоҳи жойлашган⁵. Шарқда “Тож ул-орифийн”, “Султон ул-муҳаққиқийн”, “Устод ул-тариқат” номи билан машҳур бўлган жунайдия тариқати асосчиси Абу-л Қосим Жунайд ибн Муҳаммад ал-Бағдодий 207/822 йилда Бағдодда туғилган. Бағдод мадрасаларида таълим олган. Жунайд Бағдодий руҳий покланишга алоҳида эътибор қаратиб, тасаввуф амалиётини исломга мослаштирган. Бағдод аҳли Жунайдни “Саййид ут-тоифа” деб атаган. У 91 йил умр кўриб, 298/910 йилда Бағдодда вафот этган⁶.

¹ Навоий А. Насоийм ул-муҳаббат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.28-31.

² Фаридуддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А. Мадраимов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 30.

³ Раҳимов К. Мовороуннаҳр тасаввуф тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VI-XI асрлар) – Тошкент: Академнашр, 2020. – Б.45.

⁴ Райҳонов И. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 6.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Нишон тумани. 2019 йил 30 август. 4-дафтар.

⁶ Қаранг: Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 100-101; Райҳонов И. Ҳазрат Жунайд ал-Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – 48 б.; Навоий А. Насоийм ул-муҳаббат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 28-29; Обидов А, Бобоҳонов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. – Тошкент: Navro‘z, 2018. – Б. 20-23.

Жунайд Бағдодий жунайдия тариқати асосчиси бўлиб, унинг асл қабри Ироқнинг Бағдод шаҳрида бўлса-да, Нишон тумани Откудук қишлоғи яқинидаги зиёратгоҳни таъмирлаш давомида “Жунайд ал-Бағдодий” номи ёзилган қабртош топилган. Шунинг учун мазкур зиёратгоҳ рамзий қабр сифатида аҳоли орасида муқаддас ҳисобланади.

Тариқат мактаби вакилларида яна бири Шайх Шаҳобуддин Умар Сухравардий¹ бўлиб, ҳозирги Ғузур шаҳри Ғузурдарё чап қирғоғи юқори қисмида, Мардтепа қишлоғида аллома ҳоки жойлашган қабр мавжуд². Мазкур зиёратгоҳ, атоқли файласуф олим, тасаввуф алломаси ва шоири Сухравардий сиймосини ўзида мужассамлаштирган мажмуа сифатида ўз даврининг илмий-маънавий ва адабий ҳаётида катта ўрин тутган.

Тарихий тадқиқотларда Шаҳобуддин Умар 1144 йилда Эроннинг Жабал вилоятига қарашли Сухравард қишлоғида дунёга келган³ ва “Низомия” мадрасасида таҳсил олиб, ислом оламида машҳур Сухравардия тариқатининг асосчиси ҳисобланиши қайд этилади⁴. Шаҳобиддин борлиққа хилма-хил тезликдаги ранглар мажмуи сифатида қараб, “Ишроқ” (порлаш) ҳақидаги қарашни илгари сурган. Шунинг учун уни “Шайх ул-ишроқ”, деб ҳам аташган⁵.

Шаҳобуддин Умар Сухравардий Боғдоднинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашган, мўътадил қарашларни тарғиб қилган, 35 ёшидаёқ, Боғдодда “Шайхлар шайхи” даражасига кўтарилган⁶. Шаҳобуддин Умар ҳозирги Ғузур худудига келиб қолади ва Амир Жонд қабристонига дафн этилиши келтирилади⁷. Мазкур қабрда олимнинг ҳоки бор-йўқлиги ҳали исботланмаган бўлса-да, бу жой ҳозирги вақтда зиёратгоҳ бўлиб қолмоқда. Аҳоли орасида Соҳиби

¹ Сухравардий насаби билан ислом тасаввуфида Шаҳобуддин Умар Сухравардий ва Шаҳобуддин Яхё Суравардий номлари улуғланади. Бу ҳақда батафсил қаранг: Даминов И. Шаҳобуддин Умар Сухравардий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У. Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 264-272.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур шаҳри. 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

³ Эргашев А. Мири-Жанда ота мажмуаси. – Тошкент: Qaqqus media, 2019. – Б. 9.

⁴ Ўша манба. – Б. 9-13.

⁵ Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 122-123.

⁶ Абдурашулов Р., Ремпел Л. Неизвестные памятники бассейна Кашкадарья // Искусство зодчих Узбекистана. – Тошкент: АН РУз, 1962. – С. 24-30.

⁷ Эргашев А. Мири-Жанда ота мажмуаси. – Тошкент: Qaqqus media, 2019. – Б. 23.

хирқа даражасига етган, унинг зиёратгоҳи “Мири-Жанда ота” деб ҳам айтилади¹. Шайхнинг “Ҳикмат ул-ишроқ” китоби энг нодир маънавий манбалардан бири ҳисобланади ва мазкур асар нафақат ахлоқий тарбиявий балки фан нуқтаи назаридан ҳам шу даврдаги билимлар мажмуасини ўз ичига олади.

Яккабоғ тумани Хонақоҳ қишлоғида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг замондоши, мурид даражасида бўлган Бобо Шоди ёки Шоди Шайх зиёратгоҳи жойлашган. Бобо Шодининг XV асрда яшаб ўтганини тахмин қилган ҳолда Бақир ибн Муҳаммад Алининг “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарида, Шайх Шоди ва унинг устози Баҳоуддин Нақшбанд муносабатлари акс этган кўплаб тарихий лавҳалар учрайди².

Китоб шаҳридан чамаси 17 километр жануби шарқда Хўжа Исфароз (Хўжа аз-фароз) қишлоғида “Оқ-сув” зиёратгоҳи жойлашган³. Маҳаллий халқ бу ерда Шайх Шамсиддин ва фарзандлари Шайх Нажмиддин, кейинчалик учинчи улуғ пир Дарвеш Муҳаммад ҳам дафн этилган, дейишади. Ҳазрати Хожа Шайх Шамсиддин (ваф.1501 йил май) Фаробга яқин Хеззан (Тожикистон) қишлоғида таваллуд топган. Аниқ туғилган йиллари ҳақида маълумот йўқ. Шайх Шамсиддин “Қол ва ҳол” (тасаввуфий талқинда, зоҳирий ва ботиний илм) илмларига эга бўлган. У киши Кешда Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир (1368-1464) отага шогирд тушган. Шайх Шамсиддин бот-бот ҳар жойда бўлганликлари ҳақида Собир Парранда авлоди сабаб “Парранда”, деб исмларига қўшиб айтилган. Амир Темур Оқ-сувнинг чап соҳилида масжид ва мадраса қурдирган. Ота-болалар шу ерда хизмат қилишган. Улар вафотидан кейин “Оқ-сув”даги мадрасани Дарвеш Муҳаммад бошқарган.⁴

Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий Яъқуб Чархийнинг насаб силсиласидан, улар асосан Чағаниённинг Вахшувор қишлоғида ва Ҳисори Шодмон томонларда яшаган. Вахшуворий нисбати

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур шаҳри. 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

² Абул Мухсин Муҳаммад Бақир. Баҳоуддин Балоғардон. – Тошкент: Ёзувчи. 1993. – Б. 566.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 21 август. 4-дафтар.

⁴ Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида // Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тўплами нашрга тайёрловчи. А.Бердиев. – Тошкент, 2013 – Б. 88-91.

шундан бўлиб¹, вафотлари эса, хижрий 970, милодий 1562 йилда Дасфирорда бўлган². Дарвеш Муҳам-маднинг тасаввуфдаги қарашлари инсон камолоти, маънавияти ва одоб-ахлоқини тарбия этишда хизмат қилган.

Мавлоно Абдулбоқий Ҳожагий ибн Дарвеш Муҳаммад Имканагий йўналишидаги нақшбандия-муҷдадия тариқатининг машҳур вакилларида бири бўлган Ҳожагий Имканагий Китоб туманидаги Хўжа Имкана кишлоғида 1512 йилда таваллуд топган. Шу кишлоқда м. 1600 йилда вафот этганлар. XIX асрга қадар бу кишлоқ тарихий асарларда Имкана, деб аталган³. Мавлоно Абдулбоқий Ҳожагий Имканагий Дарвеш Муҳаммаднинг фарзандлари бўлиб, Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган, усул (фуруъ), калом, тафсир, ҳадис илмларини ўрганган⁴. Ҳожагий Имканагий Нақшбандий тариқатидаги силсилаи шарифнинг йигирма иккинчи рутбасида турганлигини мавжуд барча манбалар тасдиқлайди⁵. “Нақшбандия тариқатига оид қўлёмалар фикристи” китобида, Ҳожагий Имканагий ибн Дарвеш Муҳаммаднинг “Интиҳоб ас китоби-н Насама” (Шабодалар китобидан сайланма) асари бўлганлиги ҳақида маълумот берилган⁶. Ҳозирда мазкур асарнинг маълум бир қисми Шарқшунослик институтининг қўлёмалар фондида №500 XVIII-рақами остида сақланмоқда. Ўз даврида Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Ҳуросон, Туркия халқлари Ҳожагон Нақшбандия йўлидаги тасаввуф тарбиясини Мавлоно Ҳожаги Имканагий мактабидан олганлар. У киши ташкил этган мадрасада фикҳ ва ҳадис илмидан ташқари дунёвий илмлар ҳам ўрганилган.

Айтиш мумкинки, Ғузур халқи орасида тасаввуф вакили сифатида улуғланган халифа Қамариддин зиёратгоҳи ҳам мавжуд. Ўз даврида етук тариқат вакили сифатида обрў топган халифа

¹ Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 39-41.

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Hilol-nashr, 2016. – Б. 128.

³ Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машҳур сиймолари. – Тошкент: 2014. – Б. 33-34.

⁴ Уватов У. Мовлоно Абдулбоқи Ҳожаги Имканагий ибн Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вохшуворий ҳазратлари ҳақида // Конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2013. – Б. 11.

⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Hilol nashr, 2018. – Б. 129.

⁶ Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 47.

Қамариддин 1181/1767 йилда Ғузорда туғилган. Ғузор шахрида мустақил нақшбандия сулукини давом эттирган. У умрининг сўнгги йилларини Ғузорда ўтказган ва 1280/1863 йил бошида вафот этган¹. Тадқиқотчи М.У. Амонов мазкур шахс билан боғлиқ зиёратгоҳни XVIII-XIX асрларда нақшбандия-муҷаддия силсиласининг Сўфи Оллоёр тармоғида фаолият олиб борган Азизи Ғузорийнинг мақбараси, деб келтирган. Саййид Хожа (Саййидои) Каррухий қаламига мансуб “Ганжнома” асарининг ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида инв. №4361 рақам остида сақланаётган нусхасининг 80-а varaғида “Ганжномаи Саййидо ба фармуаи халифа Қамариддин”, деб келтирилган. Бундан англашимиз мумкинки, Саййидо Каррухийнинг “Ганжнома” (Саййидои Каррухий, ЎзФАШИ к.ф. инв/ 7029/П, 11308/VI) асарининг ушбу нусхаси бевосита халифа Қамариддин сўзи билан номаълум хаттот томонидан тасниф этилган².

Қашқадарё вилояти Косон тумани Бўлмас қишлоғида Оллоёр Эшон зиёратгоҳи бор³, бу зиёратгоҳ рамзий қабр бўлиб, нақшбандия тариқатининг муршиди, комил, зоҳир ва ботин, шариат ва тариқат илмларида нодир аллома Сўфи Оллоёр (1644-1713) номи билан аталади. Аммо шайхнинг ҳақиқий қабри Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғидадир⁴. У шайх даражасига кўтарилган, Қашқадарёнинг Ғузор туманидаги Қоратикан қишлоғида бир неча ой истиқомат қилган⁵. Сўфи Оллоёр 1713 йилдан кейинги умрини Ҳисор тарафидаги Мавлоно Муҳаммад Зоҳид Вахшуворий⁶ остонасини макон қилиб, мужоҳида ва риёзат билан ўтказган⁷.

¹ Мирзо Мероҷиддин. Сўфи Аллоҳёр ва Исломи шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 63.

² Амонов М.У. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддия тариқати билан боғлиқ меъморий ва эпиграфик маълумотлар // *Xoqazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi* – 2020. 11-сон. – Б. 114-122.

³ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

⁴ Жўраева С. Сурхондарёдаги муқаддас зиёратгоҳ Сўфи Оллоёр мажмуи // Тошкент Исломи университети. Илмий-таҳлилий Ахбороти. – 2004, 3-сон. – Б.41.

⁵ Мирзо Меъмўриддин. Сўфи Оллоёр ва Исломи шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б.15.

⁶ Мавлоно Зоҳид ҳижрий 935 йилда Бахшуворда вафот этганлар. Бу ҳақда батафсил қаранг: Носуриддин Бухорий. Тухфат уз-Зоъирин. – Б. 63.

⁷ Мақсуди Бухорий. Равоийх ул-Қудс. – Б. 216.

2) *Ислом оламида фан, ҳадисишунослик илмига ҳисса қўшган шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар.* Ўрта асрлар даврида ҳозирги Қашқадарё ҳудуди ислом дини фани ва маданиятининг равнаки йўлида хизмат қилган буюк уламоларни тарбиялаган. Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Сайидо Насафий, Абул Муъийн Насафий, Абул Баракот Насафий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Абу Мутиъ Макхул Насафий, Абу Шакур Солимий Кеший, Лутфуллоҳ Насафий, Султон Мир Ҳайдар каби аллома, фузалоларни етиштирган¹. Қашқадарё вилояти Муборак тумани Хўжа Муборак қишлоғида ислом илми билимдонларидан бири. Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг зиёратгоҳи жойлашган². Ислом маданияти ва тамаддунига катта ҳисса қўшган муҳаддис, фикҳшунос, луғатшунос, шоир, тарихчи, комусий олим, буюк имом мақомига эришган аллома 736 йили Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий Туркманистоннинг қадимий шаҳарларидан бири Марвада туғилган. У бутун умрини ислом илмларини ўрганишга бағишлаган³. У ҳадисларни тўплаб, “Амир ул-мўъминин” унвонига сазовор бўлган. Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий 799 йили 63 ёшида Ироқдаги Фрот дарёси бўйида жойлашган Ҳийт деган шаҳарчада вафот этган ва ўша жойда дафн этилган. Ибн Муборак асарларининг сақланиб қолган айрим қўлёзмалари Дамашқ ва бошқа шарқ кутубхоналарида сақланади. Улар орасида “Китоб ал-Арбаъийн ҳадис”, “Китоб ал-Истийзон” (Изн сўраш ҳақида китоб), “Китоб ал-бирр ва с-сила” (Яхшилик ва

¹ Ўринбоев А. Абу Бакр Наршахий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 87-89; Уватов У. Абул Муъин ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 152-167; Мақсудов Д. Абул Баракот ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 167-172; Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Умар ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 190-199; Уватов У. Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 199-200; Примов С. Абу Шакур Солимий Кеший / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 209-211; Насрулаев Н. Лутфуллоҳ Насафий/ Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 215-219.

² Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

³ Қаранг: Фаридулдин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А. Мадраимов. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги адабиёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 192-203.

меҳрибонлик ҳақидаги китоб), “Китоб ат-тарих” (Тарих китоби), “Китобу Тафсир ул-Қуръон” (Қуръон тафсири), “Китоб ал муснад” (Муснад китоби), “Китоб риқаъ ал-фатова” (Фатволар мажмуаси китоби) каби 10 дан ортиқ илмий асарларини айтиш мумкин¹. Муборак туманида олимнинг рамзий қабри мавжудлиги бу ҳудуднинг ислом оламида ўзига хос ўринга эга бўлганлигини кўрсатади.

Ҳадисшунослик, фикҳ, калом илми равнақиға ҳисса қўшган Абул Муъийн Насафий (1027-1114) номи ҳам ислом маданияти дунёсида алоҳида ўрин тутади². Ҳозирги кунда вилоятнинг Қарши тумани Қовчин қишлоғи Бишкент шаҳридан 5 км узоқликда жойлашган ҳудудда Абул Муъийн Насафий номи билан аталувчи зиёратгоҳ мажмуа мавжуд³. Ўз даврининг етук олимларидан саналган Абул Муъийн Насафий калом илми асосчиларидан бири Имом Абу Мансур Мотуридий (870-944)нинг шогирдларидан бўлган. У имом, фозил, усулиётчи, мутакаллим, факих, ҳофиз, нахв (грамматик) фанларига доир 15 га яқин асар ёзган бўлиб “Табсират ал-адилла” (Далиллар тилга кирганда) асари нодир, йирик асар ҳисобланиб, унинг дин асослари қисми устози Мотуридий услуби асосида шарҳланган⁴. Олим томонидан катта ҳажмли асарлар мерос бўлиб қолган бўлса-да, уларнинг аксарият қўлёзмалари Қоҳира, Дамашқ кутубхоналарида, айримлари ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда⁵.

Шунингдек, Султон Мир Ҳайдар зиёратгоҳи Касби тумани Касби қишлоғида жойлашган⁶. Мир Ҳайдар отанинг аснл исми Амир Шамсиддин Мир Ҳайдар Али Хожа Ҳайдар Хуросоний

¹ Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. (IX-XX асрлар): Тазкира – Тошкент, 2006. – Б. 11-12.

² Маҳмудов Қ. Имом Насафийнинг мероси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2011, 1-сон. – Б. 19-20. Уватов У. Абулмуъин Ан-Насафий ва унинг “Ал-тамҳид ли қавоиди т-тавҳид” асари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2006, 4-сон. – Б. 262-265.

³ Даминов И. Абул Муъин Насафийнинг илмий мероси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2011, 2-сон. – Б. 96-98.

⁴ Буюк юрт алломалари / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – Б. 152-167.

⁵ Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. (IX-XX асрлар): Тазкира – Тошкент, 2006. – Б. 11-12.

⁶ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

(1275\1365)¹ бўлиб, аввал Хуросон Қойим, Маккада, сўнг Миср шаҳрида таҳсил олган. 14 ёшида имом мақомига эришиб, фикҳ, ҳадис, Қуръон ва дин илми соҳиби, олим бўлганлар². Маҳаллий аҳолининг қайд этишича, дастлаб Касбида дафн этилган, бироқ 2 марта турли сабаблар билан ҳоки олиб кетилган, аммо ҳокини олиб келиб яна Касбида дафн этишган³.

3) *Авлиё, нир даражасидаги шахслар номига алоқадор зиёратгоҳлар*. Қарши туман маркази Бишкент шаҳридан 12 километр узоқликда, Қарши шаҳрининг жануби ғарбий қисмидаги Шилви қишлоғида Шайх Шиблий зиёратгоҳи жойлашган⁴. Мазкур кадамжо шарқнинг буюк авлиёлари даражасида бўлган ҳамда тасаввуф, фикҳ илмида барчадан улуғ бўлган машоихлардан бири шайх Шиблий номи билан боғлиқ. Абу Бакр Дулаф ибн Жаъфар Шиблийнинг ота боболари асли ўратепалик бўлиб, кейинчалик Бағдодга кўчиб боришган. Шиблий 258/871 йилда Самарра кентида таваллуд топган. Ёшлигидан илм-маърифатга қизиққан. Бағдод шайхларидан Абулхайр Нассож, Жунайд Боғдодий унинг устози бўлган. Ундан кўплаб китоб ва ҳикматлар қолган. Шайх Шиблий 345/956 йил 87 ёшида вафот этган. Асл қабри Боғдод яқинидаги Ҳизрон қабристонига жойлашган⁵.

Яссавий тариқатининг тарғиботчиси, улуғ авлиёлардан бири Хонзода Муҳаммад Машҳур Куррахожа Атоийи ўғли Қусам шайх XI асрнинг охири (1198-1199) ёки XIV асрнинг ўртасида (1336-1338 йилларда) яшаган ислом оламидаги шайхлардан биридир. Қусам шайхнинг фаолияти Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина қишлоғи ҳадисшунослик мактаби билан боғлиқ бўлган⁶. Қусам шайхнинг мударрислик фаолиятини эътироф этган ҳолда Пудинадага ўз мактабига асос солганини таъкидлаш лозим.

¹ Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота манокими. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2017. – Б. 20-21.

² Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2014. – Б. 82.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Касби тумани. 2019 йил 18 август. 4-дафтар.

⁴ Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. – Б. 148.

⁵ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 56-57.

⁶ Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина қишлоғида яшовчи, зиёратгоҳ мутаваллиси, 1952 йилда тугилган Норов Рўзимурод ака билан бўлган суҳбат. 2019 йил 19 август. 4-дафтар.

Ҳазрат ўз хизматининг эътирофи мукофоти тариқасида “Шайхлар-шайхи” деб аталган. Қусам Шайх зиёратгоҳи Қарши шаҳридан 15 км шимоли-ғарбда Косон тумани Пудина қишлоғида жойлашган.¹

Айтиш мумкинки, мазкур ҳудудда пир ва муршидликка асосланган тариқатда машҳур неъматуллоҳийлар йўналиши ҳам бўлган. Ҳозир бу таълимотга қисман Марказий Осиё, Ҳиндистон, Покистон халқлари амал қилади. Қашқадарё вилоятида мазкур йўналиш билан боғлиқ зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, Китоб тумани марказидан 23 километр узокликдаги Мўғул қишлоғининг шимолий қисмида Хўжа Неъматуллоҳ зиёратгоҳи жойлашган². Халқ орасида Неъматуллоҳ Валий ҳам деб аталиб (1330-1431) – сўфий, шоир, неъматуллоҳий тариқати асосчиси ҳисобланади. Ироқда, сўнгра Маккада Шайх Абдуллоҳ Ёфёбий (1298-1367) кўлида таҳсил олган. Ироқ, Миср, Табриз, Ардабил, Мовароуннаҳрда бўлган, туркий қабилалар орасида исломни фаол тарғиб қилиб, ёйган³.

Неъматуллоҳ Валий 554 та рисола ёзган, шундан 110 га яқини бизгача етиб келган. Моҳон қишлоғида дарвешлар учун катта хонақоҳ ва масжид қурдирган. 1431 йилда вафот этган, ўша жойда дафн этилган⁴. Нематуллоҳ Валий Қашқадарё вилояти, Китоб тумани Мўғул қишлоғида 6 йил яшагани, тасаввуф тариқатидаги мавқеи, маҳаллий аҳоли билан пир ва мурид алоқалари туфайли у кишига шу қишлоқда рамзий қабр қилинган.

Нақшбандия таълимотида ёрқин из қолдирган забардаст авлиёлардан бири Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир Ҳазрати Баҳовуддин Балогардон бўлиб, у киши ислом оламида “Мири Ҳақиқат” мақомига эга бўлган. Ҳазрати Башир (1368-1464) оталари Хўжа Ҳасан 90 ёшда, оналари Биби Малокат 80 ёшда бўлганларига қарамай, фарзандлари бўлмаган. Бола туғилгач, унга Саид Аҳмад, деб ном қўйишган. Оналари Биби Малокатдан сут келмагач, ёш Саид Аҳмад сутсиз вояга етган. Шунинг учун

¹ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 21 август. 4-дафтар.

³ Қаранг: Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017. – Б. 251-266.

⁴ Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 357.

номларига Башир (Бешир – сутсиз дегани) тахаллуси қўшиб айтилган¹.

Ҳазрати Баширға ҳол илми ёшлигидан аён бўлиб, улғайган сари салоҳиятлари ортиб, эътиқод қилувчилар кўпайиб борган ҳамда кароматгўй авлиё бўлган. Ҳазрати Башир 1464 йил оламдан ўтганлар. Башир қишлоғидаги Ниёзтепада дафн этилган². Ҳазрати Башир зиёратгоҳи Китоб шаҳридан 30,5 километр шимолий-шарқда Хабаш ва Кўл тоғлари оралиғидан оқиб ўтувчи Қашқадарё соҳилидаги Ҳазрати Башир қишлоғида жойлашган³.

Миришкор тумани Помуқ чўлининг “Нор ўлди” худудида “Исҳоқ бува” зиёратгоҳи жойлашган⁴. Исҳоқ буванинг ким бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо халқ орасида Исҳоқ бува ҳаққа етишган авлиё киши бўлганлиги ва у асли Эроннинг Исфажонидан эканлиги тилга олинади. Шу билан бирга, жасади солинган туянинг Жайхун дарёсидан ўтиб, Турон заминининг Помуқ чўлларидаги “Исҳоқ бува” қадамжоси билан боғлиқ маконга чўкканлиги ҳақида гаплар бор. Маҳаллий аҳоли Исҳоқ бувани ҳаққа етишган инсон сифатида билиб, доимий зиёратга келишган⁵. Шунингдек, авлиё даражасида улуғланган яна бир валий Касби туманида Содир Ислом ота зиёратгоҳи бўлиб, Зангиотанинг учинчи шогирдларидан бири сифатида танилган. Устозлари Саййид Валий дунёдан ўтгач, Мир Ҳайдар отани пир деб тутган, авлиё насаблари Амирул-муъминин Алига тақалади⁶. Маҳаллий аҳолининг фикрича, Хожа Султон Мир Ҳайдар ота Қашқадарё воҳаси Касбига келгандан сўнг бу жойга осойишталик, тотувлик, қут-барака олиб келган⁷.

¹ Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир монокиби. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 178-179.

² Пормонов О, Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан, 1996. – Б. 30-31

³ Абдурасулов Р, Ремпел Л. Неизвестные памятники бассейна Кашкадарьи // Искусство зодчих Узбекистана. – Тошкент: АН РУз, 1962. – С. 24-30.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Миришкор тумани. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

⁵ Шарипов Ш., Холиёров И. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Тошкент: Voris nashriyot, 2016. – Б. 6-7.

⁶ Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-9685 фонд, 13-руйхат, 34-иш, 20-24 арақлар.

⁷ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Касби тумани. 2018 йил 18 сентябрь. 5-дафтар.

4) Хўжа, саййид, саҳобалар номи билан боғлиқ қадамжолар.

Воҳада саййид, хўжа, саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам мавжуд бўлиб, “хўжа” сўзи форсча “обрў эътиборли киши”, “сохибу фахрий” унвон ва мурожаат шаклидир. Марказий Осиёда XX аср бошига қадар хўжалар Хулофои-рошидийн (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али)нинг Муҳаммад (с.а.в.) қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари, авлодлари даъво қилувчи шахсларнинг фахрий унвони ҳисобланган. Бошқа манбаларда, хўжалар арабларнинг фатҳий юришларига бошчилик қилган саркардаларнинг авлодлари, деб келтирилган¹. Шу ном билан боғлиқ яна саййидлар авлоди ҳам мавжуд бўлиб, М.Далиевнинг ёзишича, улар ўзларини Муҳаммад (с.а.в.)нинг авлодлари, деб билишади ва шунинг учун оддий мусулмонлардан ўзларига нисбатан муносиб ҳурмат ва эҳтиромни талаб қиладиган мусулмонларнинг махсус табақаси ҳисобланади².

Қашқадарё вилоятида ислом оламида ислом ҳимоячиси, шижоатли ва машҳур мужоҳид, буюк саркарда, одил инсон сифатида танилган шахс номлари билан боғлиқ комплекслар мавжуд бўлиб, улар рамзий қабрларни, зиёратгоҳларни бирлаштиради. Масалан, айнан шундай шахслардан бири Абу Убайда ибн Жарроҳ (?-639. Урдун (Иордания) Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бўлиб, ислом динини ёйишда кўрсатган жасорати учун халқ орасида эъзозланган. Асл қабри Шариат дарёсининг ғарб томони, Амё кишлоғида (Иордания) жойлашган бўлса-да³, Қарши шаҳри Гулшан маҳалласи, Жайхун кўчасида Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи номи билан аталувчи рамзий қабр мавжуд⁴. М.Е. Массон Хўжа Убайда қабристони Қарши шаҳридаги йирик Катта Хўжа

¹ Вахабов М. Формирование узбекской социалистической нации. – Ташкент, 1961. – С. 82; Абашин С. Национализм в Средней Азии: в поисках идентичности. – СПб: Алетейя, 2007. – 304 с.

² Далиев М. Критика культа святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана. Дисс. канд. фил. наук. – Тошкент: Институт философии и права. 1966. – С. 96-100.; Ахмедов Б.А. Роль джуйбарских ходжей в общественно-политической жизни Средней Азии XVI-XVII веков // Духовенство и политическая жизнь ... С. 21.

³ Қаранг: 101 улуг саҳобий. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 147-151.

⁴ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

Рушноий мозори таркибига киришини айтади ва Жарроҳ номи саҳобанинг тиббиёт билан шуғулланганини кўрсатади, деб қайд этади¹.

Шу билан бирга, Қашқадарё вилояти маркази Қарши шаҳридан 15 километр жанубий-ғарбда Патрон қишлоғида қадимий ёдгорликлардан бири “Етти туғ ота” зиёратгоҳи жойлашган². У ерда Ҳазрат Алининг Ҳасан ва Ҳусайн ўғиллари шажарасига туташадиган, кейинги асрларда “Етти туғ ота” номи билан машҳур бўлган, авлиё Мирсайид Фатхулла ва унинг авлодлари, саййидзодалар номи билан аталувчи қабрлар мавжуд³. Бу ҳолат Қашқадарё воҳасида алавийлар култи (Али авлодларини ҳурматлаш) ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Дехқонобод тумани Хўжаипок қишлоғи тоғ худудида Хўжаипок ота зиёратгоҳи жойлашган⁴. Бу қадамжо халқ орасида араб истилосидан кейин X-XI асрларда ислом динини тарғиб қилиш учун келган етти хўжалардан бири Хўжаипок отага тегишли эканлиги айтилади⁵. Тахминимизча, бу ердаги қабр рамзийдир, чунки илмий изланишлар натижасида Хўжаипок ота ҳақида тадқиқотларда маълумотлар учрамади.

Қабри Охунд зиёратгоҳи Китоб шаҳри марказидан 2-3 километр масофада жойлашган бўлиб, бу ерда Китоб аҳлининг пири-муршиди Абу-Бақр Китобий, ёзувчи, табиб Жўнайдулло Ислошайх ўғли Ҳозик, шунингдек, Китоб беклари Дўстмуҳаммад ибн Анис Муҳаммад, Муҳаммад Хумом ибн Хожи Абдуллоҳ, Аҳмад Бобожон ибн Дўстмуҳаммадлар дафн этилган. Халқ Абу Бақр Китобийни эъзозлаб, мулла Дарвеш Охунд, деб атаган. Вафотларидан сўнг қабрлари устида мақбара қурилиб, XVII асрдаёқ зиёратгоҳга айланган. Мулла Дарвеш Охунд

¹ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.) – Тошкент: Фан, 1973. – С. 85-86.

² Акбаров Р. Шамсидинов Н. Етти туғ ота шажараси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2015. – Б. 3.

³ Равшанов П., Ўроков Р. Аждодларимиз кадри. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 11-25.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Дехқонобод тумани. Хўжаипок ота қишлоғи. 2019 йил 24 август. 4-дафтар.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Хўжаипок ота қишлоғи. 2019 йил 7 август. 4-дафтар.

Махдуми Аъзамнинг етук шогирдларидан бири сифатида кадрланган¹.

Кумчўп ота зиёратгоҳи Ғузор туманида Кумчўп қишлоғида жойлашган. Бу ердан Ғузор-Қарши қарвон йўли ўтган. Аввал қишлоқнинг номи Қовчин бўлган, чунки бу ерда Қовчин уругига мансуб аҳоли яшаган. Мазкур жой ўтган асрнинг 70-йилларидан зиёратгоҳ номи билан Кумчўп қишлоғи дейилган². Ҳазрати Кумчўп отанинг асл исмлари Абу Али Саиди деб аталган. Тахаллуслари Кумчўп, Кумойтон ота деб аталган. Кумчўп отанинг келиб чиқишлари саййидлардан бўлиб, Ҳазрати Али авлодидан эканлиги ҳақида халқ орасида гаплар бор³.

Китоб туманининг шимолий-шарқида Ҳазрати Султон тоғи жойлашган, у денгиз сатҳидан 4135 метр баланд бўлиб, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларининг айрилиш жойида Ғова чўққисига туташган⁴. Бу жой Ҳазрати Султон номи билан боғлиқ қадамжо бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “Кўҳи тавба”, “Авғойи қиёмат” деб атайд⁵. Тоғнинг баланд чўққиси 70-80 киши намоз ўқиши учун тошни тарашлаб қўйгандек текис, супанинг ғор, яъни қибла томонида қабр бўлиб, унга Имом Ҳусайннинг боши қўйилганлиги айтилади⁶.

Саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар бутун республика бўйича кўплаб учрайди. Таъкидлаш ўринлики, X-XI асрларда ислом динини мустаҳкамлаш учун саҳобаларга рамзий қабрлар қилиниб, уларнинг халқ орасидаги образи гавдалантирилган. Ислом дини саҳобаларидан бири Хўжа Ҳасан Илғорий рамзий зиёратгоҳи Яккабоғ туманида шу номдаги қабристон худудида бунёд этилган⁷. Хўжа Ҳасан Илғорий 582-630 йилларда яшаб

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Деҳқонobod тумани Хўжаипок ота қишлоғи. 2019 йил 7 август. 4-дафтар.

² Эргашов М. Ғузор меъморчилик тарихи. – Т.: Nilol mediya, 2019. – Б. 49-50.

³ Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси таъминоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 21 август. 4-дафтар.

⁵ Пормонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 37.

⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Иккинчи жуз. – Т.: Nilol-nashr, 2018. – Б 34.

⁷ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

ўтган саҳобалардан бири, исломни кенг тарғиб қилишда катта куч сарфлаган, бир қанча жангларда Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)га ёрдам берган ҳамда ўта довюраклик ва жасурлик билан жасорат кўрсатган шахсдир. Хотираси кучли бўлиб, ҳар қандай маълумотни ёдига сақлай олган. Шу билан бирга, ислом илми билимдонларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам унга Хўжа Ҳасан Илғорий (тез илғовчи, англовчи, зийрак), деган тахаллус кўйилган¹.

Яккабоғ тумани Имом Ёқуб кишлоғида худди шундай ислом уламоларидан бири бўлган Имом Абу Юсуф зиёратгоҳи жойлашган². Абу Юсуф, тўлиқ исми Ёқуб ибн Иброҳим Қуфий Ансорий (731, Кўфа – 799 ёки 804) факих, қози ул-Қуззот бўлган. Абу Ҳанифага шогирдликка тушиб, 15 йилга яқин унинг шогирди бўлган. Халифа Маҳдий (775-785) Абу Юсуфни Бағдод қозиси этиб тайинлаган, халифа Ҳорун ар-Рашид (786-809) унга қози ул-Қуззот мансабини берган. Абу Юсуф Абу Ҳанифа назарий қарашларини амалиётга қўллаган. У “Китоб ал-Харож” (Хирож ҳақида китоб) асари муаллифидир³. Асл қабри Кўфада бўлиб, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги зиёратгоҳда рамзий қабр килинган⁴.

Чирокчи шахридан 4-5 км ғарбда Қахрамон кишлоғи худудида Кўктош ота зиёратгоҳи жойлашган⁵. Зиёратгоҳда ҳоки ётган киши ҳақида тўлиқ маълумот бўлмаса ҳам халқ орасида бу зиёратгоҳ “Кўктош ота”, “Кўктўнли”, “Кўктуғли” деб номланганлиги учун Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларидан бўлган Мусъаб ибн Умайр (р.а.) тарихда Кўктуғли, яъни “кўк байроқ эгаси” деб номланганлиги учун ўша кишининг рамзий қабри бўлиши мумкин, деб тахмин қилинади. Манбаларда Пайғамбар (с.а.в.) қўлларини Мусъабнинг кўксига қўйганлари, Мусъаб иймон калимасини айтиб, ислом динини қабул қилиб, Расулulloҳнинг энг биринчи элчиларидан бўлганлиги келтирилади.

¹ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она кишлоғи. – Т.: 2003. – Б. 24.

² Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти маълумоти. – Тошкент шаҳри, 2019 йил 15 апрель.

³ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 28-29.

⁴ Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. (IX-XX асрлар): Тазкира – Тошкент, 2006. – Б. 11-12.

⁵ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

Мусъаб ибн Умайр (р.а.) Бадр жангида ислом лашкарларининг олдинги сафида барчага муносиб ўрناق кўрсата олган. Мусъаб ибн Умайр (р.а.) 625 йили бўлиб ўтган Ухуд жангида шахид бўлган¹.

5) Тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Таъкидлаш лозимки, Қашқадарё воҳасида нафақат тариқат вакиллари ёки ислом олами уламолари номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, балки тарихий жараёнларда ўлканинг сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим роль ўйнаган тарихий шахслар номи билан боғлиқ қадамжолар ҳам мавжуд. Уларнинг аксарияти ўрта асрлар Темурийлар маданияти билан боғлиқ бўлиб, кўпчилиги Шахрисабзда жойлашган. М.Далиевнинг таъкидлашича, Амир Темури томонидан Самарқанддагина эмас, Шахрисабзда ҳам ажойиб қурилишлар қилинган. Бундай жойлар мақбара, сарой, қабрларни бирлаштириб, шу даврдан мукаддас жойлар сифатида улуғлана бошланган².

Шахрисабздаги “Дор ус-саодат” (Саййидлар уйи) мақбарасида Амир Темурининг тўнғич ўғли, валиахд шахзода Жаҳонгир Мирзо (1356-1376) дафн этилган. Амир Темури 1378-1380 йилларда Жаҳонгир Мирзонинг қабри устига мақбара барпо этган. Шу ерда ўзи учун ҳам ер ости даҳмасини қурдирган³. Тарихий манбаларда, бу “Дор ус-саодат” деб номланиб, халқ орасида “Ҳазрати Имом” номи билан ҳам аталади⁴.

“Дор ут-тиловат” – Куръон ўқиладиган, тиловат қилинадиган жой маъносида бўлиб, Шахрисабзнинг марказида, “Дор ус-саодат” мажмуаси ғарбидаги Темурийлар даврига оид иншоот,

¹ 101 улуғ саҳобий (Матн); диний-маърифий тўплам. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 234.

² Далиев М. Критика култы святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана. Дисс. Канд. Фил. Наук. – Тошкент: Институт философии и права. 1966. – С. 117.

³ Пугаченкова Г.А. Термез. Шахрисабз. Хива: Художественные памятники I-XIX веков. – М.: Искусство, 1976. – 208 с.

⁴ Пугаченкова Г.А. Темурининг меъморий мероси. Архитектурное наследие Темура. L’Héritage architectural de Timour – Тошкент: Главная редакция энциклопедий. 1996. – С. 22.; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Тошкент: Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1958. – С. 139-141.

зиёратгохдир¹. У ерда Шамсиддин Кулол макбараси, Гумбази Саййидон ва мадраса ўрнида барпо этилган Кўк Гумбаздан иборат мажмуаларни бирлаштиради².

Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида берган маълумотга кўра, 1373-1374 йилда Амир Темур Шамсиддин Кулол қабри устига макбара қурдирган ва отасининг ҳокини ўша ерга кўчиртириб, Шамсиддин Кулол қабрининг қибла (ғарб) томонига дафн этган³. Макбара ёнида масжид ҳам бўлиб, 1925 йилда академик В.В.Бартольд ва археолог В.Л.Вяткин томонидан ўрганилган. Бу масжид Шамсиддин Кулол масжиди бўлиб, XV асрда Темурнинг набираси Улуғбек томонидан қурилганлиги аниқлаган⁴.

Шахрисабз марказидаги “Дор ут-тиловат” мажмуасининг бир қисмини “Гумбази саййидон” (Саййидлар гумбази) ташкил этади. Макбара ичидаги сағаналарда (XV-XVIII асрга оид) термизлик саййидлар авлоди (Амир Абдул Муоний, Муҳаммад Саййид ва Маъруфжон Муоний) номлари ёзилган⁵. Амир Темур тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзони яхши кўрган, ўғлининг ўлимидан каттиқ таъсирланган. Шу сабаб унинг номига хилхона қурдирган⁶, бу жой темурийлар даври моддий маданиятининг ёрқин кўриниши сифатида темурийлар дафн этиладиган манзил бўлиб қолган⁷.

Шунингдек, темурийлар ҳамда шайхлар авлодига тегишли макбара Лангар ота зиёратгоҳи номи билан юритилади⁸. Мазкур зиёратгоҳ Қамаши тумани Катта Лангар қишлоғи, Кўкбулок тоғининг (Доққи тоғи) олд қисмида жойлашган⁹. Т.Нафасов “Лангар” сўзининг қадимдан ибодатхона, қарвонсарой, хонақоҳ,

¹ Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. – Тошкент: Узбекистан, 1986. – С. 66-67.

² ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 13-16 varaқлар.

³ Ислам энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 565.

⁴ ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 129-иш, 44-варақ.

⁵ Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти маълумоти. – Тошкент, 2019 йил 15 апрель.

⁶ ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 13-16 varaқлар.

⁷ ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354- иш, 268-269 varaқлар.

⁸ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

⁹ Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти маълумоти. – Тошкент шаҳри, 2019 йил 15 апрель.

ғариб ва мискинларга овқат улашадиган ғарибхона, қабр, гўрхона, йўлдаги бекат, емхона тушунчаларини ҳам ўзида жамлашини таъкидлаган. Одатда машхур шайхлар, сўфийлар кўним топган жой “Лангар” дейилган. Шайхлар Лангарда фақиру-фуқароларга, вақф мулклари ҳисобидан озиқ-овқат тарқатган бўлиши мумкин. М.Массоннинг қайд этишича, XIX асрнинг 70-йилларида Бухоро хонлигига тегишли Китоб ва Шахрисабз бекликларида бу ўлкада 3 та лангар бўлганлигини қайд этишади. Китобдаги эски Лангар, Шахрисабз Яккабоғдаги Лангар ва Қамашадаги Катта Лангар номларини айтиб ўтади¹.

Мақбарада бешта қабр бўлиб, асосий жой уч шайх учун ажратилган. Академик М.С. Массон 1961 йил олиб борган тадқиқотларига кўра, қабрлардан бири Бекиса Бибига тегишли бўлиб, ёдгорлик Амир Темурнинг набираси Мироншоҳнинг қизи учун қурилган. Ўртадаги қабр шайхлар шайхи Абул Ҳасан ибн Илёс (ваф.1491-1492 йил)га тегишлидир. Шайх қабрининг кун чиқар томонида ўғли Шайх Муҳаммад Содик ибн Абдул Ҳасан (1545 йилда вафот этган), қибла томонида набираси Шайх Абул Ҳусайн ибн Муҳаммад Содик (ваф.1560 йил) кўмилган². Қабрнинг жануб томонида Амирбек Содик ибн Баҳодир (ваф. хижрий 914)нинг қабри жойлашган. У ердаги бешинчи қабр Шайбонийлар хонадонидан Шайх Муҳаммад Содикқа тегишли. Катта Лангар мақбарасининг ташқи томонида бир нечта ноёб қабртошлар сақланган бўлиб, уларнинг бири Мархума Шайх Муҳаммад Саиднинг қизи Моҳ биби (980/1566 йиллар) қабридир³.

Қашқадарё вилоятида Лангар ота номи билан боғлиқ яна бир зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, Чирокчи туманидаги тоғли Лангар ота қишлоғидаги мазор ҳудудида, баланд тепалик устида жойлашган. У ерда иккита хонақоҳ бўлиб, кичиги 4 та, каттасида 8 та сағана бор. Кичик хонақоҳдаги сағаналардан бирида Ҳазрат Мириш шайх ётганлиги тахмин қилинади. Қабртошлардаги ёзувлар бу

¹ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша // Археология Средней Азии. 7-том. Вып. 295. – Тошкент: Фан, 1966. – С. 66-67.

² Соатов А. Лангар ота табаррук манзилгоҳи ёхуд Идрок Шамчироғи. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – Б. 72.

³ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша // Археология Средней Азии. 7-том. Вып.295. – Тошкент: Фан, 1966. – С. 66-105.

маконда дафн этилган шайхлар сўфийликнинг Ишқия тариқатига мансублигини кўрсатади. Ишқия тариқатидаги шайхларнинг қабрлари Шахрисабз туманидаги Қиёмиддин шайх мазориди, Катта Лангарда (Қамаши тумани) ва Самарқанддаги Остона ота мазориди ҳам учрайди¹.

1640 йилда тарихчи Махмуд ибн Валининг ёзишича, Аштархонийлар даврида Катта Лангарга нисбатан Эски Лангар шайхларига кўпроқ эътибор қаратилган. Айнан ўша даврда Эски Лангар шайхлари қабристонига 2 та катта-кичик мақбара қурилган ва мақбара ўртасида Қули шайх бобо шайх Ишқий (мил.1629-1630 йил) ёзувли қабртош қўйилган². Таъкидлаш ўринлики, ишқия силсиласи XV асрда Ўрта Осиёда ёйилган бўлса, XVI-XVII асрларда асосан Кеш-Шахрисабз вилоятида кенг тарқалганлиги тўғрисида тарихий манбаларда маълумотлар қайд этилади³.

Аштархонийлар вакили номи билан боғлиқ Кўктош ота зиёратгоҳи Яккабоғ тумани Эски Яккабоғ кишлоғи (қўрғони)нинг ғарб томонидаги тепалик устида жойлашган⁴. Битикларда қабртош соҳибаси Сафийабону хоним аштархоний Нодир Муҳаммадхон (1593, вафоти тах. 1651)нинг қизи экани баён қилинган. Қабртошнинг синиқ бўлагиди “Абулғози Баҳром Муҳаммад... (ибн) Абулғози Нодир Муҳаммад” сўзлари ёзилган. Эски Яккабоғ халқи худди шу тошлар соҳибини “Кўктош ота” деб ҳам атайди⁵.

б) Адабиёт, тарих фани ривожига ҳисса қўшган олимлар номи билан боғлиқ жойлар. Ўлка ҳаётида, нафақат ислом илмлари ривожига ҳисса қўшган алломалар, балки шеърят, адабиёт, тарих билан шуғулланган шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам мавжуд. Жумладан, Қарши туманидаги қадимдан машҳур бўлган Нукрабод кишлоғида, форс адабиёти

¹ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

² Ғози Раҳмон. Лангар ота тарихи. – Т.: Кураш, 2006. – Б. 18.

³ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша // Археология Средней Азии. 7-том. Вып.295. – Тошкент: Фан, 1966. – С. 81-83.

⁴ Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти маълумоти. – Тошкент, 2019 йил 15 апрель.

⁵ Жуманазар А., Тухлиев Ш. Яккабоғ: Соҳибқирон камол топган юрт. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 66-75.

ёркин намоёндаларидан бири Ҳофиз Шерозий номи билан аталувчи зиёрат манзили жойлашган¹.

7) *Афсона, ривоятлар ва жой номлари билан боғлиқ қадамжолар.* Таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳлар номи ва жойи билан боғлиқ афсона, ривоятлар ҳам мавжуд. Ғузур тумани Қарши-Қамаши йўлининг 25-кмдаги Дўнг Қовчин қишлоғида йўлнинг ўнг томонида севги-муҳаббат тимсоли Тоҳир-Зухра қабри зиёрат масканига айланган бўлса², Яккабоғ тумани Дархон қишлоғидаги Додқуш қабристонида жойлашган Дархон момо зиёратгоҳини Амир Темурга насихатлар қилган Дархон момога тегишли деб билишган³. Шу билан бирга, Чирокчи тумани Зарбдор қишлоғидаги Оқ туяли зиёратгоҳ ҳам ривоятлар асосида бунёд этилган⁴.

8) *Воҳада жой номлари топонимикаси билан боғлиқ зиёратгоҳлар.* Улардан бири Дехқонобод тумани Қорадахна (“Дахна” сўзи форсча “қора” маънони билдириб, қишлоқ дара ва қирлардан иборат бўлгани учун “Қорадахна” дейилган) қишлоғидаги Хўжаи Ипакконсой зиёратгоҳидир.⁵

9. *Шахси аниқланмаган ёки расмий маълумот сақланмаган зиёратгоҳлар.* Воҳада шахси аниқланманган, бироқ аҳоли томонидан зиёратгоҳ сифатида эъзозланадиган манзиллар ҳам учрайди. Яккабоғ тумани Тутбулоқ қишлоғида Саховат ота зиёратгоҳи жойлашган⁶. Шунингдек, Ўғлонжон ота зиёратгоҳи (Қамаши тумани Пасттол қишлоғи), Тезоб ота зиёратгоҳи (Яккабоғ тумани Хўжа Илғор қишлоғи XVII асрга ёдгорлиги)⁷, Мушкул ота зиёратгоҳи (Қамаши тумани Чимқўрғон (Бердоли)

¹ Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. – Б. 125.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани. 2019 йил 29 август, 4-дафтар.

³ Жуманазар А., Тухлиев Ш. Яккабоғ: Соҳибқирон камол топган юрт. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 64.

⁴ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

⁵ Тошқулов Н. Қадимий ва навқирон Дехқонобод. – Тошкент: Turon Zamin Ziyoi, 2015. – Б. 19.

⁶ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти. Яккабоғ тумани. 2019 йил 29 август, 4-дафтар.

⁷ Маданий мерос департаменти архиви. КД-9733 фонд, Ю-руйхат, 12-иш, 34-38 varaқлар.

қишлоғи)¹, Назар Берган зиёратгоҳи (Касби тумани Назартепа қишлоғи), Фозил зиёратгоҳи (Касби тумани Пахтакор қишлоғи), Сийпантош ота ёдгорлиги (Чирокчи тумани Қуруқсой қишлоғи)², Хўжа Мурод Баҳши ота зиёратгоҳи (Касби тумани Майманок қишлоғи), Мусофир ота зиёратгоҳи (Ғузур тумани Амир Темур маҳалласи)³, Кўктош ота зиёратгоҳи (Қамаши тумани Пастгол қишлоғи)⁴, Хўжа Шамсиддин зиёратгоҳи (Қарши тумани Қовчин қишлоғи)⁵, Ғойиб ота зиёратгоҳи (Косон тумани Месит маҳалласи)⁶, Ҳазрати Исоҳон ва Мусахон зиёратгоҳи (Косон тумани Команди қишлоғи)⁷ мавжуд.

Умуман, Қашқадарё воҳасида тарихий минг йилликлар давомида юз берган сиёсий-ижтимоий, маданий ўзгаришлар ҳудудда илм-фан ва маданиятнинг юксалишига сабаб бўлган. Воҳа ҳудудида жойлашган олим, авлиё, пир, саид, хўжа, тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар аҳоли турмуш тарзининг бир бўлагига айланиб, таширф давомида зиёратчилар нафақат табаррук зотларга бўлган ҳурматни, балки ислом маданиятига ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг фан йўлидаги хизматлари, уларнинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлардан ҳам хабардор бўладилар. Энг муҳими, Насафий ва Муборак Табризий каби олимларнинг ислом фани йўлида қолдирган маданий мерослари, ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари ёшлар, маҳаллий аҳоли учун ўрнак бўлиб қолади.

¹ Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти маълумоти. Тошкент, 2019 йил 15 апрель.

² Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

³ Қашқадарё вилояти Ғузур тумани Мири Жанда масжиди имоми, 1975 йилда туғилган Ганжиев Анвар билан бўлган суҳбат. – 2019 йил 22 июль.

⁴ Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти маълумоти. – Тошкент шаҳри, 2019 йил 15 апрель.

⁵ У киши ҳақида қабртошидаги “Хўжа Шамсиддин Холвоний Соҳибул каромат, кофифул асрор...” сўзидан бошқа маълумот йўқ. Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Қарши тумани. 2019 йил 30 август. 4-дафтар.

⁶ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

⁷ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Косон тумани. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

2.2. Зиёратгоҳларнинг шаклланиши ва тарихий ривожининг археологик ва архитектура фанлари юзасидан илмий тадқиқи

Ўрта Осиёдаги маданий ёдгорликлар ушбу минтақа халқлари ҳаётида диний тасаввурларнинг бой ва хилма-хил бўлганидан далолат беради. Бундай ранг-баранг ҳолатнинг вужудга келиши асрлар давомида маҳаллий аҳолининг касб-машғулотлари, давр ўзгаришлари, халқларнинг кўчиши, турли халқлар этикодларининг маҳаллий анъаналар билан трансформацияга учраши минтақа учун янги тизимларнинг тарқалиши сабаб бўлган. Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, Мовароуннаҳрда маҳаллий анъана ва қадриятлар “ислом маданияти” билан уйғунлашди¹. Унинг жанубий худуди бўлган Қашқадарё воҳаси ҳам ўзининг бой тарихи, ноёб маданий ва маънавий мероси, анъаналарига эга ўзига хос қурилиш услуги ва меъморчилиги ривожланди.

Таъкидлаш ўринлики, ўрта асрлар мобайнида воҳа сўғд, турк ҳоконлиги, араб халифалиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Қарлуклар, Хоразмшоҳлар, Чингизийлар, Темурийлар салтанати ва Бухоронинг турли сулоалари каби шарқнинг йирик давлат бирлашмалари таркибида бўлиб келган. Шарқнинг буюк сиймолари шу ерда таваллуд топган бўлиб, вилоятнинг бир қатор меъморий ёдгорликлари уларнинг номи билан аталади². Шу билан бирга, воҳада ислом олами намояндalари: тасаввуф вакиллари, саҳобалар, саййидлар, хўжалар номлари билан боғлиқ ҳақиқий ва рамзий қабрлар бўлган макбаралар ҳам мавжуд.

Худуд архитектура меъморчилиги IX-XII асрларда, асосан Сомонийлар давридан аллома ва авлиёлар қабри устига маркази хонаси гумбазсимон услубдаги макбаралар қурилиши билан бошланган бўлса, макбаралар атрофи масжид, азон айтадиган

¹ Джаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. – Тошкент: Узбекистон, 1993. – С. 73-76.

² Сулейманов Р.Х. Карши-Насаф-Нахшаб в системе мировой цивилизации. Роль города Карши в истории мировой цивилизации. – Ташкент-Карши, 2006; Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен / Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.) – Ташкент, 1973; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX - начала XIII вв. – Ташкент, 1996.

минора, сувдан фойдаланиш учун ховуз, тахоратхона, баъзи жойларда тасаввуф вакилларининг чилла сақлаши, ибодат қилишлари учун чиллахоналар, ҳатто мадрасалар ҳам бўлганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, айнан Қашқадарё воҳаси ислом маданиятининг меъморий услуб намуналарини бирлаштирган ёдгорликлар Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган. Хорижлик тадқиқотчи Ганс Роберт, Амир Темур ва Темурийлар даврида мусулмон архитектураси юқори даражада ривожланганини, улар ўзидан олдинги ислом меъморчилиги анъаналарини давом эттириб, янги меъморчилик услубини яратиб, Темурийлар даври ренессансига асос солганини қайд этади¹. Ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган бу ёдгорликлар, маҳаллий аҳоли томонидан зиёрат объекти сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Воҳада зиёратгоҳларнинг шаклланиши ва тадқиқи тарихига назар ташласак, мустахлак даврида, яъни 1867 йилда Туркистон қадимий ёдгорликларини ўрганиш учун империя вакили шарқшунос П.И.Лерх жўнатилганган бўлса, генерал Ф.Кауфман томонидан 1871 йилда рухсатсиз қазилар текширувлар амалга оширилган бўйича қонун қабул қилинган². 1895 йилда Тошкентда Туркистон археология тўғараги, 1916 йилда рус географик жамиятининг Туркистон бўлими ташкил этилиши билан тарихий ёдгорликларни рўйхатга олиш ва сақлаш ишлари бошланди. Собиқ шўро даврида воҳа ёдгорликларини фоторасмлари билан проф. Б.П. Денике ва немис олими доктор Кон Винер шуғулланган бўлса, 1920 йил 31 январда МИҚ Туркистондаги музей ишлари ва табиат, санъат ва ёдгорликларини сақлаш ишлари Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) ташкил этилди³. Айнан шу ташкилот томонидан 1923-70 йилларда Ўзбекистон шаҳарларида жумладан, Қашқадарё ҳудудида ҳам археологик экспедициялар олиб борилиб, тарихий-маданий ёдгорликларни топиш, уларни рўйхатга олиш, сақлаш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланилди. Жумладан, 1925 йилдан

¹ Roemer H.R. The successors of Temur. The temurid and Safavid periods, in the Cambridge history of Iran. Vol. VI. Eds. P.Jackson & L.Lockhart. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – Pp. 98.

² ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 20-21 varaқлар.

³ ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 123-иш, 1-5 varaқлар.

академик В.В.Бартольд ва археолог В.Л.Вяткин томонидан Шахрисабз тарихий ёдгорликларини ўрганиш бошланган¹ ва Средазкомстарис ташкилоти Шахрисабздаги Оксарой обидаси, Имом Зода мақбараси, Гумбази саййидон мазори, Шамсиддин мазори, Кўк Гумбаз масжиди, Қарши шаҳридаги Абдуллахон масжид ва мадрасаси, Намозгоҳ масжиди, Заҳоки марон ва Шуллуктепа ёдгорликлари рўйхатга олинган².

ЎзССР олий Советининг 15 май 1968 йилда “Маданият ёдгорликларини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, ЎзССР Министрлар Советининг “Республика моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклашни янада яхшилаш чоралари ҳамда ёдгорликлар ва монументларнинг лойиҳаларини тузиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисида”ги қарори қабул қилинган³. Айнан шу қарор асосида Қашқадарё воҳасида 1969 йил ҳудудда 187 та архитектура, 183 та археология, 2 та революция ёдгорлиги рўйхатга олинди, Қарши туман Москва колхозидagi Ҳазрати Султон мақбараси, Касбидаги Султон Мир Ҳайдар ансамбли, Косон Пудина қишлоғидаги Қусам шайх ота ансамбли, Чироқчи Ангар қишлоғидаги “Қўш хонақоҳ”, Ғузор туманидаги мадраса ва ўнлаб обидалар жамоатчилиқ ёрдами билан таъмирлангани қайд этилади⁴. Мазкур маълумот совет йилларида мазкур обидаларнинг меъморчилиқ талаблари асосида таъмирланмагани, давлат томонидан алоҳида эътибор берилмаганлигини исботлайди. Шунингдек, бу даврда М.Массон раҳбарлигида Қашқадарё воҳаси шарқий ҳудудларини ўрганиш мақсадида КАТЭ – Кеш археологик-топографик экспедицияси ташкил этилган эди⁵. Мазкур экспедиция томонидан асосан, теурийлар даври ёдгорликлари тадқиқ қилиниб, уларнинг ҳолати ва таъмирлаш ишлари юзасидан илмий хулосалар берилган. Қуйида воҳа зиёратгоҳларининг турли асрларда шаклланган ва қайта ишланган архитектурасига доир маълумотларни таҳлил қиламиз.

¹ ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 190-иш, 64-70 варақлар.

² ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 20-21 варақлар.

³ ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-руйхат, 39-иш, 3-варақ.

⁴ ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-руйхат, 37-иш, 1-6 варақлар.

⁵ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТошГУ КАТЭ по изучению восточной половины Кашкадаринской области Уз ССР. – Москва, 1967. – С. 39.

X-XIV асрларга доир зиёратгоҳлар архитектураси. Айтиш мумкинки, воҳада асосан Темурийлар даври билан боғлиқ зиёратгоҳлар аксариятни ташкил этсада, ундан олдинги асрларда шаклланган ва аҳолининг зиёрат ибодат масканига айланиб қолган тарихий меъморий ёдгорликлар ҳам мавжуд.

Масалан, Қарши тумани Қовчин қишлоғидаги Абул Мўъин Насафий (1027-1144) номи билан боғлиқ зиёратгоҳни Л.Ю.Маньковская “Аъзам даҳмаси-Имом Мўъин комплекси” деб атайти ва XI-XVII асрларга тегишли эканлигини таъкидлайди. Бу жой саҳни девор билан ўраб олинган ташки ҳовли, бир-бирига ёндашиб тушган бир неча хужра, гавжум дарвозали, тўртбурчак ички ҳовли мавжуд. Ҳовлининг ўртасида тўртбурчак ҳовуз бор, ёғочдан қурилган пешайвонли масжид энг қадимий бинолардан биридир. Масжидда мўъжазгина чиллаҳона бўлиб, у Имом Мўъин даҳмасидаги мураккаб бино билан боғлиқ. Даҳма архитектура услуби жиҳатдан ўзига хос баланд кўлоҳи гумбаз билан ёпилган. Даҳма ўймакор ёғочдан солинган, нақшлари бор. Гўрхонанинг шимолий-ғарбий томонига кўпол таъмирланган XI-XII асрга тегишли бино келиб туташган. Шарқ томонида ҳам бино бўлиб, у хонақоҳга бориб тақалади. Унинг бунёд этилган вақтини XVI аср охири – XVII аср деб аташ мумкин¹. Ҳозирги кунда ҳам бу жой ҳалқ орасида “Имоми Мўъин” деб аталади. Мажмуада айни чоғда кириш дарвозаси 3,5×3,5 (XIV аср), масжид, ҳовуз, “Тошқудук” (XIV аср, чуқур-лиги 18 м, эни 0,80 м) ва қабристон бор. Бу ерда талабалар яшайдиган хужралар бўлган. Шунингдек, қарвонсарой ҳам бунёд қилинган. 1968 йилда мажмуа деворининг бир қисми қулаб тушган, девор орасидан XII асрда ёзилган Қуръон китоби топилган. Имоми Мўъин давридаги Балх тут ёғочидан уста Зариф ясаган лаҳв (60×110 см) ҳамда чироғдон топилган².

Шунингдек, Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина қишлоғидаги Қусам Шайх номи билан боғлиқ XI асрга тегишли археологик ёдгорлик намуналари мавжуд³. Қусам Шайх

¹ Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг археологик ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 79-82.

² Қашқадарё вилояти Қарши тумани Қовчин қишлоғида зиёратгоҳ мутаваллиси Қаримов Шавкат билан қилинган суҳбат. – 2019 йил 19 август. 4-дафтар.

³ Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-9720 фонд, 4-руйхат, 97-иш, 13-18 варақлар.

меъморий ёдгорликлар ичида энг қадимийси Исҳоқ ота номи билан юритиладиган мақбара, унга ёндош бўлган иккинчи мақбара бўлиб XI-XIII аср бошлари билан даврлаштирилади¹. Ёдгорлик марказида Қусам Шайх ҳазратларининг мақбараси, зиёратхона ва икки кичик дахма, унинг олдида тўққиз гумбазли масжид жойлашган. Мажмуа ҳовлисида кейинчалик қурилган масжид ва аввалги даврга оид кудук, ҳовуз жойлашган². 1990-1995 йилларда Қусам Шайх мажмуаси қайтадан таъмирланиб, масжид олдидан Севинч ота, Мансур Муҳаммад ҳамда Исҳоқ ота мақбараларига йўлакчалар қурилган.

Мажмуа бир вақтда эмас, XI-XIX асрлар давомида қурилган³. Қусам ота мажмуаси тархи безатилиши нуқтаи назаридан Шоҳи Зиндадаги Али Насафий амалий нақшинкорлигига умумий яқинлиги бор. Бу ёдгорлик Марказий Осиё меъморчилигининг энг қадимий ва ноёб намуналаридар биридир.

Ғузур тумани Амир Темур маҳалласи Абдуллаҳўжа ибн Муҳаммад (тахм. XII аср) номи билан боғлиқ мақбара қадимда тепаликда бунёд этилган бўлиб, устига гумбаз қилинган. Зиёратгоҳ ҳудудида қадимда чиллахона ҳам бўлган, қадимий ҳовузнинг ўрни сақланиб қолган. Ҳовузнинг тахминий ўлчами 10×10 м квни ташкил этган ва бу ерда масжид ҳам бўлган. Масжид паҳса девордан қурилган, у совет даврида бузиб ташланган⁴. Зиёратгоҳ ҳовлисида лойдан супалар қилинганлигини кўриш мумкин.

Косон тумани Команди қишлоғидаги Ҳазрати Исоҳон ва Ҳазрати Мусоҳон номи билан боғлиқ зиёратгоҳ атрофидаги қабристонда 1310-1315 йилларга оид қабр тошларини кўриб, мақбара ва унинг ичидаги қабрларни XIII аср охири – XIV аср бошига тегишли дейиш мумкин. XIII аср зиёратгоҳларнинг шаклланиш ўрнини ўрганиш хулосалари асосида айтиш мумкинки, дастлаб бир аллома ёки авлиё қабри пайдо бўлади, кейин атрофи қабристонга айланади. Тепалик устидаги мақбара оддий

¹ Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 77.

² Абдурасулов Р.Р., Ремпель Р.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. (Искусство зодчих Узбекистана). – 1962, Вып.1. – С. 30.

³ Маданий мерос департаменти архиви. КД-9112 фонд, И-руйхат, 97-иш, 10-16 варақлар.

⁴ Эргашев А. Ғузур меъморчилиқ тарихи. – Тошкент: Hilol media, 2019. – Б. 47-48.

тўртбурчак шаклда қурилиб, усти текис қилиб ёпилган ва унда Ҳазрати Исохон ва Ҳазрати Мусоҳоннинг қабри бор. Атрофидаги қабристонда XIV-XV асрларга оид қабртошлар бор. Қабр қазиш вақтида сопол парчалари, хум идишлар топилган. Мақбарадан пастроқда масжид жойлашган¹. Масжиднинг орқа томонида ғор бўлган. Аввал бу ер чиллахона бўлган. Маҳаллий аҳоли у ердан ер ости йўли бўлганлигини, 1978-1979 йилларда кўмилиб кетганлигини айтишди. 1992 йилда мақбара ва масжид маҳаллий аҳоли томонидан таъмирланган. Бузилган мақбара эшиги остидан эски китоблар чиққан, кейин яна кўмиб юборилган².

Касбида манзил топган 14 ёшида имомлик даражасига эришган, дин илми соҳиби Султон Мир Ҳайдар (1275-1365) номи билан ёдгорлик мажмуи қад ростлаган. Султон Мир Ҳайдар номи билан аталувчи обида турли даврларда қуриб битказилган уч гуруҳ биноларни ўз ичига олади, улар: XIV аср даҳмалари, XV аср қабртошлари, XVI аср масжид биносидан иборат³. Ҳазрат Султон Мир Ҳайдар тарихий-меъморий ёдгорлик ансамбли XI-XVI асрларда барпо қилинган. Мазкур ёдгорликнинг умумий майдони атрофидаги қабристонлар билан бирга 166,4 гектардан иборат. Унинг ёнидаги тепалик эса “Касби кўрғони”, деб аталиб, 2,8 гектарни ташкил қилади. Бу ансамбль атрофида Султон Мир Ҳайдар мақбараси, уч гумбазли мавзолей, чиллахона, Саид Мир Мўъмин Самарқандий қабри, айвон, минора, қишки ва ёзги масжидлар, ҳайит намози ўқиладиган намозгоҳ тарихий ёдгорлиги, иккита ёпиқ ва битта очиқ сардо-балар мавжуд. Ер остидан топилган сардоба Қорахонийлар даврига мансуб бўлиб, VII-IX асрларда қурилганлиги аниқ-ланган⁴. Султон Мир Ҳайдар мажмуасидаги қабр устига қўйилган тўқ кулранг мармар сағанада

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Косон тумани Команди қишлоғи. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Косон тумани. – 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

³ Абдурасулов Р., Ремпел Л. Неизвестные памятники бассейна Кашкадарья // Искусство зодчих Узбекистана. – Тошкент: АН РУз, 1962. – С. 24-30.

⁴ Қаранг: Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 85-89; Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-9685 фонд, 13-руйхат, 34-иш, 20-24 varaқлар.

унинг хижрий 897 йилда (милодий 1491) қўйилгани битилган. Мақбара ёнидаги минора XIX-XX асрга хос¹.

Таъкидлаш лозимки, Султон Мир Ҳайдар мақбаралар мажмуининг қурилиш услуби Шаҳрисабздаги Дор ус-саодат, Косондаги Қусам Шайх ансамблига ўхшайди. Бу услуб XIV асрга хос бўлиб, Темурийлар меъморчилик услубини такрорлайди².

Олим Л.Ю.Маньковская XX асрнинг 50-йилларида Султон Мир Ҳайдар мажмуаси қаровсиз қолдирилгани ва омборга айлантирилганини айтишга журъат топа олган. Султон Мир Ҳайдар ота мажмуаси ҳақида дастлабки тадқиқотларни С.К. Кабанов, 1960 йиллар бошларида Р.Р. Абдурасулов, Л.И. Ремпель, 1970 йилларда Л.Ю. Маньковская, А.З. Зайниддинов эълон қилган³. 1989 йил январидан мақбарани тартибга келтириш, эсдалик лавҳини қўйиш ишлари амалга оширилган. Масжид ва минора йўлаклари тупроқдан тозаланиш даврида турли тарихий осори-атиқалар топилган⁴. Архив ҳужжатларида воҳадаги бошқа меъморчилик обидаларига нисбатан мазкур ёдгорлик ўтган асрнинг 70-80-йилларида археологик ва меъморчилик нуқтаи назаридан кенг ўрганилганлигини кўрсатади⁵.

Амир Темур ва Темурийлар даври зиёратгоҳлари қурилиш меъморчилиги. Таъкидлаш ўринлики, воҳада зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғланади. Амир Темур ва темурийларнинг илм аҳли, аллома ва авлиёларга ҳурмати баланд бўлганлиги боис қабрларни ҳам зиёрат қиладиган даражада муборак масканга айлантирган. Ҳатто, Амир Темур ташаббуси билан ислом олами намояндalари, саҳобалар, авлиёларга бўлган ҳурмат маъносида рамзий қабрлар ҳам ташкил этилган. Бунга мисол тариқасида, Темурийлар даврида, айнан Ўзбекистонинг жанубий ҳудудида бунёд этилган тарихий-маданий обидаларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, Темур-

¹ Маданий мерос департаменти архиви. КД-9686 фонд, 3-руйхат, 34-иш, 5-8 varaқлар.

² Маньковская. Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. – ТОШКЕНТ: 1979. – Б. 87; Раимкулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 48.

³ Маданий мерос департаменти архиви. КД-9712 фонд, 3-руйхат, 34-иш, 81-84 varaқлар.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Касби тумани Касби кишлоғи. 2019 йил 24 август. 4-дафтар.

⁵ Маданий мерос департаменти архиви. КД-9686 фонд, 3-руйхат, 34-иш, 18-37 varaқлар.

нинг шаркка қилган юришлари давомида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири Абу Убайд Жарроҳ (?-639) дафн этилган қабрини зиёрат қилиш учун борган мақбара ва сағананинг таъмирсиз ахволдалигини кўриб, у ерни ободонлаштирган. Амир Темур Абу Убайда ибн Жарроҳнинг қабр тупроғидан олиб келиб, Қаршида ҳам мазкур шахсга бўлган ҳурмат юзасидан рамзий зиёратгоҳ барпо этади¹. 1968-1973 йиллардаги архив ҳужжатларида кўрсатилишича, зиёратгоҳнинг ҳеч қандай белгиси ва ёзувлари бўлмаган қабрдангина иборат бўлган². XX асрнинг бошларида қабрнинг шимолий-ғарбий томонида масжид, унинг ёнида эса, баланд бўлмаган минора жойлашган. Масжид 1926 йилда бузиб ташланган. Унинг жанубида юзаси 16 квадрат метрни ташкил этган ҳовуз бўлиб, М.Массон 70-йилларда аёлларнинг бу зиёратгоҳга ташриф буюрганини, ҳовуз яқинида катта дарахт борлиги, масжид ва бино жойлашганлиги, кейинчалик у ерда минора пайдо бўлганлиги, мазорга кириш жойида бронза билан безалган кўп қиррали халқа мавжудлигини таъкидлайди³. Айтиш мумкинки, мазкур минора ва ҳовуз сақланиб қолган бўлиб, аҳоли ташрифи чоғида дарахтни муқаддас сифатида эъзозлаб келади⁴.

Шунингдек, Амир Темур номи билан боғлиқ яна бир рамзий зиёратгоҳ Муборак тумани Хўжа Муборак қишлоғидан етишиб чиққан аллома Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (736-799) қабри билан боғлиқ. Амир Темур Ироқнинг олис Ҳийт шаҳарчасида дафн этилган Муборак Марвазийнинг қабрини ҳоқидан келтириб, Муборак шаҳри яқинида унга рамзий мақбара бунёд эттирган⁵. Турли даврларда алломанинг ҳаётидан хабардор бўлган маҳаллий аҳоли томонидан мақбара атрофида умумий таъмирлаш ишлари олиб борилган⁶.

¹ Пулатов С., Бўтаев А. Қарши-қадимий шаҳар. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 34.

² Қашқадарё вилояти давлат архиви. 527-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 26-27 varaқлар.

³ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.) – Тошкент: Фан, 1973. – С. 85-86.

⁴ Насридинов Қ., Хўжаяров Ў. Қарши шаҳрининг меъморчилик ёдгорликлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 48.

⁵ Муҳаммад Усмон Жалол. Буюк донишманд (Абдуллоҳ ибн ал-Муборак). – Самарканд: Имом Бухорий Халқаро Маркази, 2009. – Б. 5.

⁶ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Муборак тумани. 2019 йил 22 август. 4-дафтар.

Сохибқирон Амир Темурнинг Ироқ худудига юришлари даврида Моворуннаҳрга олиб келинган Жунайд Бағдодий (882-910) номи билан боғлиқ рамзий зиёратгоҳ бунёд этилганини зиёратгоҳ мутаваллиси Бобоев Воҳидхон эшон тасдиқлайди¹. НБУ зиёратгоҳ Нишон тумани, Откудук қишлоғи яқинидаги Нишон чўлидаги бир тепаликда жойлашган. Алломанинг асл қабри Ироқда бўлиб 1980 йилда ҳукумати томонидан қайта қурилиб, таъмирланган². Ҳозирги кунда Нишондаги мақбара атрофи кенгайтирилиб, обод қилинган. Икки хонали тўрт бурчак шаклда мақбара устига гумбаз билан ёпилган иморат қурилган. Таъмирлаш давомида, қабр бошидан алломанинг исми-шарифи ёзилган қабртош топилган³.

Айтиш мумкинки, Амир Темур томонидан бунёд этилган мақбаралар сони воҳада аксариятни ташкил этади. Жумладан, Ғузор тумани Мардтепа қишлоғидаги “Мири Жанда ота” археологик ёдгорлиги ўрта асрларда яшаб фаолият юритган сўфий, факих, имом “Сухравардия” тариқатининг асосчиси Шаҳобуддин Умар Сухравардий (1144-1234) қабри устига қурилган мақбара ташкил этади⁴. У Марзабони чиллаҳонаси ва ҳужралардан иборат бўлиб, бу ерда ўз даврида шогирдлар таҳсил олишган. Ёдгорликдан фақат мақбара сақланиб қолинган бўлиб, у ўрта аср меъморчилиги услубларини ўзида акс эттирган⁵. Шунингдек, воҳада Амир Темурнинг энг ишончли саркардаси Амир Ҳусайн Қовчин номи билан боғлиқ қабртош бўлиб, у Амир Ҳусайн Қовчин зиёратгоҳи ёки Мусофир ота зиёратгоҳи деб ҳам аталади⁶. Мақбарага кираверишда ўнг томондаги Амир Ҳусайн Қовчин (ваф. 1430) қабртошининг бўйи 170 см, эни 40 см, баландлиги 45

¹ Қашқадарё вилояти Нишон тумани Откудук қишлоғида яшовчи, зиёратгоҳ мутаваллиси, 1981 йилда туғилган Бобоев Воҳидхон эшон билан бўлган суҳбат. – 2019 йил 30 август. 4-дафтар.

² Исмоил Ҳожи Райҳонов. Ҳазрат Жунайд ал-Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 34.

³ Қашқадарё вилояти Нишон тумани Эски Нишонда яшовчи, 1968 йилда туғилган Саидқулов Нуриддинхон эшон билан бўлган суҳбат. 2919 йил 30 август. 4-дафтар. (2019 йил октябрь ойида вафот этган).

⁴ Салоҳиддин Тошқандий. Темурнома. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 348 б.

⁵ Муҳаммадқаримов А., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Navro‘z, 2016. – Б. 25.

⁶ Эргашев А. “Мусофир ота ёхуд Амир Ҳусайн Қовчин” зиёратгоҳи. – Тошкент: Hilol media, 2018. – Б. 4-5.

см.ни ташкил этади. Қабртошнинг икки ён томонида Куръон оятлари битилганлигини кўришимиз мумкин.

Воҳада Амир Темур даврига тегишли рамзий қабрлар, балки тарихий аҳамиятга эга бўлган меъморчилик намуналарини Шахрисабзда бунёд этилганини кўришимиз мумкин. Ана шундай санъат, архитектура ёдгорликлар бугунги кунда нафақат маҳаллий аҳоли зиёрат маскани, балки халқаро микёсида туризм маскани вазифасини ҳам ўтаб келмоқда. Жумладан, Шахрисабздаги Дор ус-саодат археологик ёдгорлиги (XIV аср) Дор утиловат билан бир ансамблни ташкил этган¹. Темурийлар даври архитектурасини ўрганган олим Л.Ю.Маньковская “Дор ус-саодат”ни “Давлатмандлар уйи”, деб атаган². Дор ус-саодат мажмуасининг қурилиши Хоразм меъморий услубида яратилган. Санъатшунос олима Г.А.Пугаченкова Темурийлар даврида қурилган мақбараларни ўрта аср меъморчилигининг энг ажойиб намунаси, деб атайди ва буни Темурийлар даври эркаклар дафн этиладиган мақбара намунасига киритади³.

“Дор ус-саодат” тархи Аҳмад Яссавий мажмуасига ўхшаб кетади. Кириш йўли худойихонага, ундан сўнг Амир Темурга мўлжалланган ер ости сағанасига олиб боради. Мақбара ичкариси мурабба (томонлари тенг тўғри тўртбурчак) тархли, юзи ровоқлар, ичи ва гумбаз ости бағаллари муқарнас билан тўлдирилган. Ташқаридаги 16 киррали пойгумбаз устига баланд кулоҳий гумбаз ўрнатилган. Жануби-ғарбий бурчагида минора сақланган. “Дор ус-саодат” энг улкан бино бўлиб, баландлиги 70 метр, эни эса 50 метр. Жаҳонгир Мирзо мақбараси баландлиги 25 метр, эни 15 метр, Амир Темур гўрхонаси 5×5 метр, масжиди эса, бўйи 35 метр, эни 20 метр. Барчаси бир-бирига такаб қурилиб, ҳашаматли кўринишдан иборат. Мақбара Амир Темур томонидан

¹ Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. – Тошкент: Узбекистан, 1986. – С. 66-67.

² Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архетектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 27.

³ Средняя Азия. Справочник – путеводитель. Сост. Г.А. Пугаченкова. – М.: Искусство, 1983. – С. 34-35; Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Архитектурное наследие Темура. L'Héritage architectural de Timour – Тошкент: Главная редакция энциклопедий, 1996. – С. 22-34. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Тошкент: Государственное изд. худож.лит.Узбекистана, 1958. – 292 с.

1378-1380 йилларда қурилган. XIX аср ўрталарида мақбара ёнига синчкорли катта айвон, хужралар ва гумбазли хонақоҳ-жомеъ масжиди барпо этилган. Масжид қурилиши вақтида Амир Темурнинг ер ости гўрхонасининг куббаси очилган¹.

Дор ут-тиловат (XIV аср) археологик ёдгорлиги катта ансамбл таркибида бўлиб, Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайнинг пири Шамсиддин Кулол (?-1370) номи билан боғлиқ². Амир Темур 1373-1374 йилларда Шамсиддин Кулол қабри устига мақбара қурдирган ва унинг пойига отасини ҳам дафн этган. Мақбара қурилиши Улуғбек ҳукмронлиги даврида ниҳоясига етказилган³. Соддагина таъмир қилинган Шамсиддин Кулол қабри усти кейинчалик икки устунли синчкор том билан ёпиб қўйилган. Кейинги шувокнинг бўртиб турган жойларидан тўртбурчак бинонинг тўртта равоки бўлганини кузатиш мумкин. Асосий кириш эшиги пештоқ кўринишида безатилган. Унинг қаршисида масжид, жанубида яна бир мақбара қад кўтарган⁴. Бироқ бино қадимги асосини сақлаб қолган. Бино анъанавий тарзда чорси хонали қилиб қурилган, тепасига гумбаз беркитилган, равоғи кичикроқ⁵. Мақбара ичида XV-XVIII асрларда бошқа қабристондан келтирилган бир неча сағаналар бор. Ҳовли томонга қаратиб қурилган масжид, мақбаралар, мадрасасининг дарсхонаси, кейинчалик қурилган қўшимча бинолар эгаллаган.

Шахрисабзда қурдирилган бинолар, асосан даҳмалардан иборат. Термиз саййидлари билан боғлиқ Гумбази саййидон (Саййидлар гумбази мақбараси, XV аср)⁶ Дор ут-тиловат

¹ Маданий мерос департаменти архиви. КД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 18 варақ.

² Бабаджанова Г.И., Колбинцев А.П., Манковская Л.Ю. По древним городам Узбекистана: Ташкент. Самарканд. Шахрисабз. Бухара. Хива. – М.: Профиздат, 1988. – С. 196-202.

³ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Тошкент: Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1958. – С. 139-141.

⁴ Маньковская. Л.Ю. Қашқадарё вилоятининг архетектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 33-34.

⁵ Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Архитектурное наследие Темура. L'Héritage architectural de Timour – Тошкент: Главная редакция энциклопедий, 1996. – С. 22.

⁶ Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Тошкент, 2020. – 144 с.

ансамблининг бир қисмини ташкил этади¹. Гумбази Саййидон меъморий ёдгорлиги 1437-1438 йилларда Мирзо Улуғбек томонидан қурилган бўлиб, у бунини “Улуғбек оилавий хилхонаси” сифатида бунёд этган². Мақбара чортоқ тархли (ташқи ўлчами 9×9, ички томони 5,75×5,75 м), пойгумбази саккиз қиррали (празмасимон) гумбаз билан қопланган. Мақбара ички деворларидаги равоқлар икки қатор бўлиб, устидаги бурчакларда тўйнуқ ва кенг тоқчалар мавжуд. Мақбара ичида XV-XVIII асрларда қўшни қабристондан келтирилган бир неча ўзга сағаналар бор. Уларнинг ёзувларда Термиз саййидларнинг номи эслатилади³.

Темурийлар авлоди вакиллари томонидан ҳам ислом йўлида хизмат қилган олим, уламо, авлиёларга ҳурмат маъносида сағана ва қурилиш ишларини олиб боришган. Масалан, Шохруҳ Мирзо Китоб тумани Мўғул қишлоғида Хўжа Неъматилло (Неъматуллоҳ Валий (1330-1431) номи билан боғлиқ олти бурчакли мақбара қурдирган⁴. Қабр устига қўйилган тош ҳозирги кунгача сақланиб қолган⁵. Маҳаллий раҳбарият ташаббуси билан 2013 йил мақбара таъмирланиб, зиёратчилар учун барча шароит яратилган⁶.

Шаҳрисабздаги Кўк Гумбаз меъморий ёдгорлиги (1434-1435)ни Улуғбек Мирзо отаси Шохруҳ Мирзо номидан қурдирган. Пештоқ равоқида уларнинг номлари ва қурилиш вақти битилган тарихий ёзувлар сақланган. Кўк Гумбаз масжиди кўк кошин билан қопланган гумбази (номи ҳам шундан), пештоқининг ўнг ва чап томонидаги устунлари, болохонаси бузилиб кетган. Бинога шарқдан пештоқ (равоғининг кенглиги 10 м) орқали кирилган. Хонақоҳ диаметри (12,7×12,7 м) ғиштин девор бурчакларида 4 та айланма зина орқали айвон томонга

¹ Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана. – Москва, Стройиздат. 1987. – С. 16-17.

² Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Тошкент: Гос.изд.худлит. УзССР, 1958. – С. 139-141.

³ Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 73-75 варақлар.

⁴ Ислом энциклопедияси. – ТОШКЕНТ: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 357.

⁵ Бердиев А. Китоб. Туристик қўлланма. – Китоб, 2019. – Б. 14.

⁶ Дала таджикотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 22 август. 4-дафтар.

чиқилади. Масжид 1970 йилларда қайта таъмирланган¹. Кўк Гумбаз масжидининг меъморий зеб-зийнати ташқи гумбаз устидаги сирдор мовий, кўк ва оқ рангли безаклар, Куръон оятлари ёзилган парчаларга масжиднинг ўзига хос меъморий услубини номоён қилади.

Темурийлар даври архитектураси билан боғлиқ яна бир зиёратгоҳ Яккабоғ тумани Лангар қишлоғидаги Ҳазрати Лангар (XV аср) маскани бўлиб, унда 5 та қабр жойлашган². Мазкур мақбара қабристоннинг қуйи тарафи бўлган адир устида қурилган бўлиб, ўлчами 14×12,5, пештоқи гумбазли, бир хонали (5,2×5,2) тўрт томонлама кесишган равоққа таянган, тоқчалари муқарнас нақшли, равоқлари икки қаватли, рангли ўйма ганч билан кирма усулида безатилган. Мақбара сиртига гиштлар “бандак” ва “мавж” услубида терилган, уни безатишда қизил ва бошқа ранглардан фойдаланилган. Мақбара эшиги арабий ёзув билан безатилган³. Мақбарага тўртта йўлакдан чиқиб-келиш мумкин⁴. Айтиш мумкинки, мақбара ихчам, салобатли бўлиб, унинг ташқи кўриниши Самарқанддаги Остона ота мақбарасига ўхшаб кетади, лекин кўриниши жиҳатдан ундан катта ҳажмга эга⁵.

Таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда қурилган бундай архитектура ёдгорликларининг безак ишлари ранги, мозаикаси ва оҳори ҳозирги кунга қадар сақланиб қолмоқда. Бу шу давр қурувчи ва меъморларининг маҳорати ҳамда табиат билан уйғунликда санъат асарлари даражасида ишлар қилганлигини кўрсатади.

Қашқадарё воҳасида қурилиш услуби Темурийлар даврига оид Миришкор тумани Помуқ қишлоғининг ғарбий томонида жойлашган Исҳоқ бува ёдгорлиги ҳам зиёратгоҳ саналиб, унинг қурилиш даври номаълум, аммо мақбара тузилиши жиҳатидан Ҳазрати Башир меъморий ёдгорлиги билан ўхшаш, мақбарани

¹ Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектураси ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 38-40.

² Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри 2019 йил 19 август.

³ Маданий мерос департаменти архиви. КД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 6-7 ыарақлар.

⁴ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша // Археология Средней Азии. 7-том. Вып.295. – Тошкент: Фан, 1966. – С. 66-71.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани. 2019 йил 23 август. 4-дафтар.

XV аср охири – XVI аср бошига тегишли, дейиш мумкин. Обида тўртбурчак томи икки поғонали тағламага ўрнатилган, усти ясси ва ҳашамли серқирра кўринишга эга. Томининг устида мўрига ўхшатиб қўйилган гумбазча бор. Макбаранинг ички томони шифти ёғочдан ўйиб ишланган нақшлар билан безатилган. Ёдгорлик ичидаги тўрт томонига устун қўйилган ёғоч сағана меъморчиликнинг ноёб усулидир¹.

Китоб тумани Хўжаисфароз қишлоғи Оксув дарёси бўйида Шайх Нажмиддин ва улуғ пир Дарвеш Муҳаммад сағаналари жойлашган. Маҳаллий аҳолининг келтиришича, мазкур қабрлар сағанасининг қурилиши Амир Темур номи билан боғлиқ. Шайхларнинг қабрлари ер устида умумий тўртбурчак шаклда қурилган катта сағана кўринишидаги иншоот ичига қўйилган. Умумий сағананинг баландлиги 4 м, эни тахм. 8 м, бўйи 12 м ни ташкил этади. Умумий сағана мармар билан қопланиб, оқ ва жигар ранг билан ишлов берилган. Сағананинг ёнида учта шайхнинг исми-шарифи ва яшаб ўтган йиллари ёзилган. Сағана олдида ёғочдан туғ қўйилган². Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1961 йили археологик изланиш баҳонасида улуғ шайхларнинг боши устида қўйилган белги-тошлар олиб кетилган³. Ҳозирги кунда зиёратгоҳ худудида фақат масжид бўлиб ичида чиллахона бор ва у яхши сақланган. Қурилиш услубига кўра масжид тўртбурчак шаклда, устига гумбаз ёпилган. Масжиднинг олди очик айвон қилиб ёпилган ва ҳовлисида халқ тилида “Амир Темур томонидан экилган”, деган ном остидаги терак дарахти бор.

XV-XVI асрлар зиёратгоҳлари меъморчилиги. Бу даврга оид зиёратгоҳларнинг аксарияти ўзидан олдинги қурилиш меъморчилик анъаналари услубини такрорлайди. Масалан, Китоб тумани тоғ худудидаги Ҳазрати Башир қишлоғида Ҳазрати Султон Саид Аҳмад (1368-1464) билан боғлиқ археологик ёдгорлик (XV аср) мавжуд бўлиб, у “Шоҳак” деган манзил билан

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Миришкор тумани. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

² Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти китоб тумани Китоб тумани. 2019 йил 21 август. 4-дафтар.

³ Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида // Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагаий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2013. – Б. 88-91.

боғланиб, бу йўл Ҳазрати Башир зиёратгоҳига, иккинчиси Самарқандга олиб боради¹. Ҳазрати Башир қишлоғида XV аср ёдгорлиги бўлган Башир ота сағанаси қўйилган бўлиб, у катта масжид ва мақбарани ўз ичига олади. Бу сағана Ўзбекистоннинг ноёб меъморчилик ва амалий санъат асари ҳисобланиб, мақбара ёдгорлиги XVI асрнинг охири – XVII аср бошларида бунёд этилган, унинг шакли Темурийлар даврида ясалган тош обидаларни эслатади. Бу йирик бирикма (204×84см) икки поғонали тағламага ўрнатилган бўлиб, усти ясси, ҳашамли ва серқирра. Обиданинг узун қирралари бўйлаб учта квадратли безак ўрнатилган². XVIII аср масжиди тўртбурчак (9,78×977 м), синчли, деворлари лойшувоқ қилинган. Унинг ҳар томонидаги (8,2 м тўртбурчак) хонақоҳнинг шипига ясси тоқи териб ёпилган. Масжиднинг шарқий эшиги айвон томонга очилади. Мақбаранинг шакл жиҳатдан ажиб нозиклиги, кучли композицияси кишида кучли таассурот қолдиради. Хонақоҳ марказий тўрт томонлама худуддан иборат бўлиб, унда тўртта устун уч томондан айвон билан ўралган³.

Айтиш мумкинки, Совет даврида динга бўлган тазйиқ туфайли 1940 йилларда бино бузиб ташланган. Ҳозирда Башир ота қабристони жойлашган тепаликнинг пастки қисмида чашма ёнида янги масжид қурилган. Шу ердаги Жунайдулло Ислошайх ўғли Ҳозиқ томонидан 1842-1843 йил қурилган чиллахона (ғор) ҳам мавжуд⁴. Ҳазрати Баширнинг ён томонида икки фарзанди ва бир хизматкорининг қабри бор. Қабрнинг дала қисмида 1450 йилга тегишли мўғул подшоси Саййид Жамолдин қабртоши топилган⁵.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Хўжа Илғор зиёратгоҳи (тахм. XV-XVI асрлар) тепалиги археологлар А.Сағдуллаев, З.Усмонова ва бошқалар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг қайд этишича, тепалик ўрнида кўрғон бўлган ва унда ҳаёт

¹ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри. 2019 йил 19 август.

² Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 6-9 varaқлар.

³ Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1984. – С. 92.

⁴ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани хақида лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 29.

⁵ Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-9712 фонд, 3-руйхат, 34-иш, 81-92 varaқлар.

мил.авв. VI-IV асрлардан, милоднинг XV-XVI асрларигача давом этган, деган хулосага келишган¹. Тепалик доирасимон шаклга эга бўлиб, Хўжа Илғор тепалиги қабристон худуди ҳисобланади. Қабристон ўртасидаги Хўжа Илғор қадамжоси аввал хароба аҳволда бўлиб, мустақиллик йилларида маҳаллий ҳомийлар томонидан янгидан таъмирланган. Даҳма устига шарқона услубда очик айвон қурилган. Унинг атрофида XV ва ундан кейинги даврларга тегишли қабртошлар бор. Қабристоннинг шарқий қисмида тепалик ёнида кичик ўлчамдаги 4 та қабртош бор. Улардан бири чиройли ишланиб, мрамардан ясалган. Қолганлари оқиш-кулранг санги оҳорадан тайёрланган².

Яккабоғ тумани Хонақоҳ қишлоғида Бобо Шоди ёки Шоди Шайх (тахм. XV асрда яшаган) номи билан боғлиқ қадим тарихга эга зиёратгоҳ (тахм. XV-XVI аср) макбара эски бўлиб, ёнида масжид ҳам бўлган. У ўзининг асл ҳолатини сақлаб қолмаган. Зиёратгоҳда ўндан ортик қабртошлар бор, уларнинг еттита сисида тарихий маълумотлар яхши сақланган. Сарғиш тусдаги ёзувлар, мрамартош синиқлари Бобо Шоди ёки Шоди Шайхга тегишли бўлиши мумкин. Бобо Шоди масжиди хонақоҳ ҳам дейилади. Ушбу иккинчи тарафидаги чиқиш жойида ҳамда мазкур тошнинг қаршисида ва йўлакнинг иккинчи тарафида ҳам XVI-XVII асрларга тегишли қабртошлар бор³.

Косон тумани Месит қишлоғида Ғойиб ота номи билан боғлиқ археологик ёдгорлик (тахм. XVI аср) бор. Қабр усти аввал очик ҳолатда бўлиб, ёнида эски масжид бўлган. Масжид усти очилганда, ёғоч устунларнинг бирига ҳижрий 1282 йил деган ёзув топилган. 2006 йил маҳаллий аҳоли Атоев Жума Ҳожи ота томонидан қабр устига тўртбурчак шаклда, усти гумбазли, олдида кичкина айвонли янги макбара қурдирилган. 2008 йилда маҳаллий ҳомийлар томонидан янги масжид қурилган. Масжид

¹ Жуманазар А., Тўхлиев Ж. Яккабоғ: Сохибқирон камол топган юрт. – Тошкент: Akadernashr, 2018. – Б. 9.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани. 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани. 2019 йил 23 август. 4-дафтар.

шарқона услубда, олди катта айвонли, усти гумбазли қилиб бунёд этилган¹.

Китоб тумани Хўжа илмкон қишлоғидаги Мавлоно Абдулбоқий Хожаги Имканагий (1512-1600) номи билан боғлиқ археологик мажмуа (XVI аср) тепаликдаги қабристон ўртасида қад кўтариб турибди. Шайбоний сулоласидан бўлган Мавлоно Абдулқосим маблағи ҳисобидан 1601-1602 йилларда бунёд этилган ушбу масжид ва мадрасага хонақоҳдан 41 зинапоя орқали тушиб келинган. Масжид ва хонақо ўртасида пишиқ ғиштдан ясалган зинапоя остидаги арқдан йўл ўтган. Ҳозирда зинапоя ва чиллахоналар бузиб ташланган. Хонақоҳ тўғри бурчакли (24×20,2 м) тушган, бурчакларида цилиндрик кичик минорачалар-гулдасталари бўлган равоқ-гумбазли бинодан иборат. Унинг олд томонида учли, баланд куббадор пештоқ ён томонга тушган қанослари бор. Бинонинг ичи катта хонадан иборат (11,8×11,8). Хона устидаги гумбазнинг диаметри хонанинг ён томонларига қараганда икки баравар кичик (6,4м). Бинонинг тўрт бурчагида томга олиб чиқадиган ғиштли зина бор². Бино безаклари содда бўлиб, бу қурилиш услуби XVI аср охири – XVII аср меморчилигига оид Бухоро мактабига хослигини кўрсатади³.

Хонақоҳдан 20 метр шарқда XVI-XVII асрлар учун аҳамиятли бўлган ер устида иншоат қурилмаси, Хўжа Имканагий ва ўғли Абулқосим Хожа (ваф. 1621)нинг даҳмаси мавжуд. Археолог олим Л.Ю.Маньковская даҳмаларни меҳробий сағаналар орасида кулранг иккита даҳма сифатда изоҳлайди. Унинг каттаси (12×12 м) шарқ томонда хонақоҳнинг бош фасадидан 20 метр нарироқда, кичиги ундан жануброқда жойлашган. Даҳмалар квадрат пойдеворга ўрнатилган бўлиб, катта призма кўриниш касб этган. Уларнинг иккаласи ҳам мрамар билан қопланган⁴.

Қамаши тумани Катта Лангар қишлоғидаги Лангар ота мақбараси (XVI-XVII асрлар) Кеш вилоятида катта эътиборга эга бўлган шайхлар авлодига тегишли бўлиб, бешта қабр

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Косон тумани Месит қишлоғи. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

² Маданий мерос департаменти архиви. КД-9686 фонд, 3-руйхат, 34-иш, 5-8 варақлар.

³ Маданий мерос департаменти архиви. КД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 11-15 варақлар.

⁴ Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг архетектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 14-16.

сағаналарини ўз ичига олган¹. Эски Лангар макбараси меъморий белгиларига кўра, XVI аср охири – XVII аср бошларига тўғри келади. Қарши ва Бухоро меъморчилиги учун характерли ҳисобланади². Эски Лангардаги хонақоҳлар чортоқ хоналари бўлган пештоқ гумбазли, анча йирик (17,4×11,8×9) иморатлар, унинг таҳмонларидаги дераза эшикларининг тўрт томони ҳам очиқ. Бу икки иморатга Хўжа Илимқон (XVI аср охири) хонақоҳини анча яқин деб қиёс қилинса бўлади, чунки улар умумий кўриниши билан ҳам гумбазларга ўхшаб кетади³. Ҳар иккала макбаранинг ичи меҳробий қабр сағаналар билан тўлган. Масжид макбарадан анча нарида, қишлоқнинг марказида солинган. У кўриниши жиҳатдан шаҳар маҳаллаларидаги намозгоҳларга ўхшайди. Масжид 2 та хонақоҳ (катта масжид ва кичкина масжид), 1 айвон, 4 та меҳроб, 19 та устун ва 7 та эшикдан иборат. Айвонда 1 та меҳроб ва 10 та устун бор⁴. Ўғлонжон ота макбараси (XVI аср) пишиқ гиштдан қурилган, гумбаз томли. Бош тарзидаги пештоғи ясси равокли, бурчакларига гулдаста ишланган. Хонақоҳни тўрт томони равокли, ичида сағана жойлашган⁵.

Юқоридаги маълумотлар таҳлили асосида айтиш мумкинки, XVI асрда қурилган меъморий ансамбллар кўриниши ва қурилиш услуби жиҳатдан бир-бирига ўхшаган. Бу бевосита Бухоро ва Қарши меъморчилигининг намунаси ҳисобланади⁶. Улар аксарияти жануби-шарқ томонга қараб қурилган. Макбаранинг бош пештоқи “п”симон шаклга эга бўлиб, макбаранинг ичида

¹ Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 7-14 варақлар; Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша // Археология Средней Азии. 7-том. Вып.295. – Тошкент: Фан, 1966. – С. 66-105.

² Искусства зодчих Узбекистана. Под.ред. Г.А. Пугаченкова. 4-том. – Тошкент: Фан, 1969. – С. 179.

³ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша // Археология Средней Азии. 7-том. Вып.295. – Тошкент: Фан, 1966. – С. 66-105.

⁴ Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-7086 фонд, Л-руйхат, 11-иш, 7-14 варақлар. Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткичи). – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 57.

⁵ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри 2019 йил 19 август.

⁶ Искусства зодчих Узбекистана. Под.ред. Г.А. Пугаченкова. 4-том. – Тошкент: Фан, 1969. – С. 179-180.

хашам йўк. Меъморлар баланд-паст тепаликлар манзарасига қиёс қилиб, ичига ўзига хос безак берганлигини кўриш мумкин.

XVII-XVIII асрлар зиёратгоҳлар архитектураси. Китоб тумани марказига яқин бўлган Қабри охунд мажмуаси (XVII аср) баландлиги 70-75 метр келадиган тепалик устидадир. XVII асрда қабр устига мўъжазгина мақбара қурилган¹. Зиёратгоҳда яна Китоб беклари: Дўстмуҳаммад ибн Анис Муҳаммад, Муҳаммад Хумом ибн Ҳожи Абдуллоҳ, Аҳмад Бобожон ибн Дўстмуҳаммадлар ҳам дафн этилган. Қабри Охунд ёдгорлиги маҳаллий номларни ўзида намоён қилган зиёратгоҳ бўлиб, у Китоб тумани учун маҳаллий аҳамиятга эга бўлган моддий меросдир.

Яккабоғ тумани Хўжа Илғор қишлоғи тепалик устидаги қабристон ичида XVII асрда пишиқ ғиштдан қурилган мақбара жойлашган. Ичида иккита XVII асрга тегишли сандиқ қабртош бор. Ёзувлари сулс хатида юксак дид билан ёзилган. Қабрлардаги ёзувларда бу ерда ким ётгани ёзилмаган. Маҳаллий аҳоли бу ерда вақтида аҳолининг пири бўлган Тезоб ота ётибди, деб ҳисоблашади².

Мири Жанди зиёратгоҳи ёнида Амир Ғузорий (XVIII аср ўрталари – XIX аср боши) номи билан боғлиқ меъморий обида мўъжазгина, пишиқ ғиштдан тахминан баландлиги 6 метр, тўрт томони ҳам квадрат тарзида, эни 4 метр чамаси мақбара қад ростлаган. Мақбаранинг гумбази тунука билан ёпилган. Унинг атрофида қабрлар мавжуд³. Мазкур зиёратгоҳ меъморчилик услубларини ўрганган М.Амоновнинг таъкидлашича, мақбара ичида умумий тархи 2x2,5, баландлиги 1,5 метр мрамор тош билан ўралган супа шаклидаги қабр жойлашган. Қабртош битикларидаги матнларда қўлланилган сулс услубида тош сиртига форс-тожик тилида марсия битилган бўлиб, қабртош асосий қисмининг 3-қаторидаги тўла сақланмаган матнда

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 22 август. 4-дафтар.

² Маданий мерос департаменти архиви. ҚД-9155 фонд, Ю-руйхат, 12-иш, 11-15 арақлар.

³ Мирзо Меъроҷиддин. Сўфи Оллоҳёр ва Исломи шайх тарихи. – Тошкент: Mashhurpress, 2017. – Б. 63.

“ўзининг умрини ҳақ йўлига бағишлади” жумласи учрайди¹. Тошнинг алоҳида кичик бўлагиди “ад-дин Хузур” сўзларидан кейин “шайх ул-ислом шаҳид кутб...” сўзлари сақланган. Бу маълумот мазкур шахснинг шайх ул-ислом эканлиги ва шаҳид кетганлигидан далолат беради.

XIX-XX асрлар тарихий ёдгорлик намуналари. Косон тумани Пўлати кишлоғида Абдурахмон халифа (тахм. 1788-1790, ваф. 1870) номи билан боғлиқ хонақоҳ масжид XIX асрнинг биринчи ярмида қурилган. Абдурахмон халифа маҳаллий аҳоли орасидан чиққан кароматгўй авлиё бўлиб, шу ердаги “Ғойиб ота” масжидининг имоми бўлган. Масжид қуриладиган жой яқинида ғишт пиширадиган хумдон (ҳозир ҳам ўрни мавжуд) қурдиради. Хонақоҳ масжид дейилишига сабаб, масжиднинг ёнидаги хонада Абдурахмон халифа дафн этилган². Масжид тўғри тўртбурчак шаклда қурилган бўлиб, устига гумбаз қилинган. Ёнидаги кўшимча хона хонақоҳдир. Масжид ичида чиллахона ҳам бор. Собиқ шўро даврида кўпгина обидалар сингари “Абдурахмон халифа” хонақоҳ-масжиди ҳам қаровсиз қолдирилган. Масжид омборхонага айлантирилган ва 1965-1975 йилларда маҳаллий аҳоли томонидан таъмирланиб, кўшимча ҳашаматли айвонлар барпо этилди. Мустақиллик йилларида тадбиркор Обид Чориев томонидан масжид ҳовлисига азон айтиш учун баланд минора қурилган. Бугунги кунда ҳашар йўли билан Абдурахмон халифа хонақоҳ масжидида кўшимча бинолар, кенг айвон, таҳоратхоналар ва бошқа қурилиш ишлари олиб борилмоқда³.

Қарши тумани Нукробод кишлоғида Ҳофиз Шерозий (1329-1389) номи билан боғлиқ XIX аср охири – XX аср бошига тегишли ёдгорлик мавжуд бўлиб, олди очик айвонли бир хонадан иборат. Мақбара ичида оддий сувалган рамзий қабр мавжуд. Мақбара ёнида масжид ва ҳовуз бор⁴.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ғузур тумани Дўнг қовчин кишлоғи яқинидаги Тоҳир ва Зухра ёдгорлиги чангалзор ичидаги

¹ Амонов М.У. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддилия тариқати билан боғлиқ меъморий ва эпиграфик маълумотлар // Хоразм Ма'мун akademiyasi axborotnomasi. – 2020, 11-сон. – Б. 114-122.

² Одилов К., Нурмуродов И. Аждодлар силсиласи. – Қарши: Насаф, 2019. – Б. 23-24.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Косон тумани. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Қарши тумани. 2019 йил 30 август. 4-дафтар.

қабрдан иборат бўлган. Совет даврида эскилик саркити сифатида бир неча бор ўт кўйиб юборилган¹. Тохир ва Зухра қабрининг шимол томони 400-500 метр масофада жойлашган Омонота тепалигидан иборат ва бу тарихий кўрғоннинг қолдиғидир. Ҳозирги кунда бу тепалик қабристонга айлантирилган². Қарияларнинг айтишларича, қабр қазиш вақтида тупроқ остидан турли ҳил буюмлар, ёғоч устунлар чиққан. Тепалик устида катта ҳовуз бўлган. Маҳаллий аҳоли шу кўрғонда Тохир ва Зухра яшаган деб ҳисоблашади.

Косон тумани Бўлмас қишлоғидаги Оллоёр Эшон, яъни тасаввуфчи олим, шоир Сўфи Оллоёр (1644-1713) номи билан боғлиқ обида 1980 йилларда маҳаллий аҳоли томонидан қурилган. Мақбара тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ичида қабр бор устига гумбаз ёпилган³. Қабристон дарвозасидан кирганда, ўнг томонда олди айвонли, усти текис ёпилган масжид бор. У ҳам мақбара билан бир даврда қурилган бўлиб, мустақиллик йилларида мақбара ва масжид таъмирланган⁴. Бу Оллоёр Эшоннинг рамзий қабри бўлиб, асл қабри Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғидадир⁵.

Умуман, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари архитектура меъморий услублари ислом маданиятининг намуналарини бирлаштирган ёдгорликлар ташкил этади. Бундай ёдгорликларнинг аксарияти Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган. Ҳозирги кунга қадар сақланиб келинаётган бу ёдгорликларга маҳаллий аҳоли томонидан катта эътибор қаратилиб, зиёрат ибодат маскани сифатида фойдаланилган. Маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёратгоҳларнинг пайдо бўлишини Амир Темур номи билан ҳам боғлашади, чунки айнан Амир Темур ва Темурийларнинг илм аҳли, аллома ва авлиёларга ҳурмати баланд бўлган. Шу сабаб уларнинг қабрларини ҳам халқ

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Мардтепа қишлоғи. 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

² Эргашев А. Ғузор меъморчилик тарихи. – Тошкент: Nilol media, 2019. – Б. 74.

³ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри. 2019 йил 19 август.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Косон тумани Бўлмас қишлоғи. 2019 йил 31 август. 4-дафтар.

⁵ Жўраева С. Сурхондарёдаги муқаддас зиёратгоҳ: Сўфи Оллоёр мажмуи // Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахбороти. – 2004. 3-сон. – Б. 41.

зиёрат қиладиган муборак масканга айлантирган. Шунинг учун зиёратгоҳларда қурилган мақбаралар тузилиши ва кўриниши Темурийлар даври меъморчилик услуби анъаналарини такрорлайди.

Воҳа зиёратгоҳлари архитектурасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда тарихий шахслар номи билан боғлиқ мақбара, сағаналарда ислом каломи Куръон ва ҳадислардан парча ҳамда оятлар қайд этилиши кузатилади. Бу, бевосита ўрта асрлар даври қурилиши ва безак ишларининг ислом анъаналари билан симбиозини кўрсатади. Шундай бўлса-да, воҳа зиёратгоҳларининг айримларида, хусусан Фарғона, Самарқанд мактабининг ўзи хос баъзи хусусиятлари кўринади. Қашқадарё мақбара ва сағаналари симметрик кўринишли, кириш қисми порталдан иборат ва кубба билан иҳоталанган бўлиб, қабр ёзувлари ва орнамент кўринишларида эпиграфик ёзувлар кўзга ташланади.

2.3. Зиёратгоҳлардаги маданий-маърифий ҳаёт: этнографик ва социологик ҳолати

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида асрлар давомида турли миллат ва дин вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшаб келган. Ўлка нафақат ислом олами, балки инсоният маънавияти ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк уламою фузалолар, тасаввуф пешволарини етказиб берган. Ана шундай шахсларнинг ибратли ҳаёти, илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолияти, бебаҳо ирфоний асарлари, бой меросини тарғиб қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу маънода, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари тарихини ўрганиш, уларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, айниқса, сўнгги йилларда республикада ички зиёрат туризмини ривожлантиришда ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан зиёратгоҳлар тарихини илмий-амалий тадқиқ этиш ва бу маданий меросни халқ оmmasига етказиш, қадам-жоларнинг тарбиявий-маънавий салоҳиятини янада ошириш ҳамда зиёратгоҳлар номи билан боғлиқ тарихий шахсларнинг ибратли турмуш тарзи ва ҳаётини ёшларга ўрнак сифатида кўрсатиш давр талаби ҳисобланади.

Юртимизда мавжуд муқаддас зиёратгоҳлар, мақбаралар, қадамжолар диний ва миллий қадрият саналади. Мазкур жойлардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдизларига эга. Уларни илмийлик асосида чуқур ўрганиш юртимиз маънавий ҳаётининг юксалишига, халқ орасида мавжуд айрим салбий одатларга барҳам берилишига, шу билан бирга, ижобий хислат ва урф-одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёқараш, алломаларимиз меросига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Бошқа томондан, тарихий обидалар, осори-атиқалар, мақбара ва қадамжоларга доир манбаларни таҳлилий ўрганиш мана шу зиёратгоҳлар билан боғлиқ тарихий воқеаларни чуқур англашга ва ўтмиш тўғрисидаги илмий қарашларни янада кенгайтиришга асос бўлади. Айниқса, муқаддас қадамжоларнинг келиб чиқиши, зиёрат объектига айланишидаги кейинги ривожда ўша давр тарихий жараёнлари, аҳолининг менталитети, халқнинг руҳиятида акс этишини ҳисобга олиш муҳимдир.

Зиёрат масаласи, бу нафақат диний ибодат, балки туризм сайёҳатининг ҳам кўриниши ҳисобланади. Зиёрат тарихи маълум бир жамиятга мансуб инсонларнинг маънавий соҳаси билан боғлиқ алоқаларини, шунингдек, ўзида ҳар доим маросим белгиларини сақлаб, ҳаёт тарзи ва услубига хос бўлган ўз мотивларини белгилаб беради. Шахсий ва психологик нуқтаи назардан зиёрат, бу субъектнинг ички ўзгариши ва қайта туғилишини ҳам англатади. Яъни зиёратнинг ижтимоий функцияси, жамиятни умумий ғоялар ва қадриятлар ёрдамида одамларни бирлаштириш зарурати билан баҳоланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, зиёрат тушунчаси дунёвий маънога ҳам эга бўлиб, расмий жамоат аҳамиятига кўра, саёҳатнинг турли кўринишларини ўз ичига олади¹. Лекин бошқа томондан зиёрат билан туризм ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни қайд этиш мумкин. Бу кўпинча психологик томонга ва саёҳатнинг мақсадлари каби омилларга боғлиқ. Сайёҳ зиёратчилар учун муқаддас нарса билан маънавий алоқа, ҳиссий муносабат ва

¹ Уайсова А. Мотивы путешествия и анализ потребителя сакрального туризма // Международный научно-исследовательский журнал. – 2019. Апрель. Часть 2. №4(82). – С. 34-38.

саёҳатдан коникиш, янги таассуротлар ҳам муҳимдир. Зиёрат саёҳатининг элементи – бу авлиёлардан орзу-мақсадларларини амалга ошишини сўраш ёки дарахт, сув, оловни муқаддас билиб, унинг ёрдамига умидвор бўлишни назарда тутати.

Тадқиқотчи Б.Турсуновнинг фикрича, бугунги ўтказилаётган кўпгина иримларнинг таҳлили, уларнинг тарихи жуда қадим замонларга, исломдан олдинги зардуштийлик, улардан ҳам олдинги оловга сиғинувчилар ва ҳатто улардан-да қадимийроқ диний ақидаларга алоқадорлигидан дарак беради. Халқ ижтимоий-маданий ҳаётида зиёратгоҳлар ҳамда у билан боғлиқ ибодатлар руҳиятни кўтариш, келажакка ишончларини оширишда руҳий мадад бериш ва илм-фанга йўналтиришдаги аҳамияти катталигини, халқ хотирасида сақланган тарихимизнинг бу дурдоналарини териб олиш, унинг моҳиятини тўғри ёритган ҳолда аҳли илм ва оммага қайтариш лозимлигини айтиб, муқаддас манзиллар фақат дам олиб, хордиқ чиқарадиган жой бўлибгина қолмасдан, уларнинг асосий вазифаси, халққа маънавий озуқа бериш ва руҳиятимизни аждоқлар хотираси, бой мероси асосида тарбия этиш мақсадларига қаратилганини қайд этади¹.

Зиёрат мақсадлари ҳар доим замонавий дунёда жуда долзарб бўлиб, бу ёшлар тарбиясига, тарих, маданият ва маънавий ўсиш билан танишишга ёрдам беради. Шунингдек, диний зиёратнинг мақсади муқаддас жойларни зиёрат қилиш, маърифий ёки билим мақсадлари билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Зиёратнинг вазифалари ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. А.Уайсованинг фикрига кўра, зиёрат саёҳат когнитив, ижтимоий ва коммуникатив, спорт, эстетик, эмоционал ва психологик, соғломлаштириш, ижодий, зиёрат ибодат каби функцияларни бажаради².

Зиёратгоҳлар аҳолининг кундалик турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётидаги психологик-социологик жиҳатлари, инсонларнинг руҳий мувозанатини сақлаш ва келажакка умид уйғотиш, руҳий кучлантириш, орзу, умидларга ишонтира олган. Зиёратгоҳларга

¹ Турсунов Б.Р. Из истории святыни Канибадамского оазиса (на материалах мазара Ходжа такровут). – Худжанд: Ношир. 2007. – С. 34-35.

² Уайсова А. Мотивы путешествия и анализ потребителя сакрального туризма // Международный научно-исследовательский журнал. – 2019. Апрель №4(82). Часть 2. №4(82). – С. 34-38.

жамиятда инсоннинг ниятларини амалга оширувчи восита ёки амалга ошган ниятларига мадад берувчи куч сифатида қаралса, иккинчи томондан, аждодлар билан кўринмас ришта вазифасини ҳам бажарган.

Тадқиқотчи олимлар томонидан зиёратнинг маданий-маърифий ҳаётда тутган ўрнига ҳудудий жиҳатдан турли тасниф ва таърифлар берилган бўлса-да¹, ушбу қисмда зиёратгоҳларнинг аҳоли маданий-маърифий ҳаётидаги вазифасига кўра таснифи мисолида Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларини таҳлил қиламиз.

Зиёратгоҳларнинг инсонлар ҳаётидаги дастлабки функцияси бирлаштирувчи сиғиниш объекти сифатида маълум бир ҳудудда диний жамоа ва қон-қариндош гуруҳлар учун жипслаштирувчи марказ бўлиб хизмат қилган. Албатта, турли диний байрамларда амалга ошириладиган зиёрат жараёнида, одамлар бир-бири билан алоқа қилиш, ўзаро фикр алмашиш, дийдорлашиш имкониятига эга бўлганлар. Бу эса, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, дўстлик, қариндошчилик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, фикр алмашишга хизмат қилган. Шунингдек, инсонларга рухий-психологик таскин берувчи вазифани ҳам бажарган. Агар буни воҳа зиёратгоҳлари маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрни мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, зиёратгоҳнинг коммуникатив (ўзаро алоқа функцияси), умумлаштирувчи вазифасини яъни қариндошлар ўзаро йиғиладиган ва суҳбатлашадиган жой сифатида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, Қашқадарё воҳасидаги Ғойиб ота, Ҳазрати Башир ота, Лангар ота, Оқ Сув, Султон Мир Ҳайдар, Неъматуллоҳ Валий зиёратгоҳида нафақат шу ерда яшовчилар, балки кўшни вилоятларда истиқомат қиладиганлар ҳам ташриф буюришади. Зиёрат жараёнида масжид ибодат учун фойдаланилади². Зиёратчилар томонидан бу маскан атрофида ис чиқариш, биргаликда овқат пишириш ва диний культ билан боғлиқ амаллар ибодатнинг бир қисми, бошқа томондан эса, аҳолининг дам олиш маскани вазифасини ҳам бажарган.

Айтиш мумкинки, зиёратгоҳларда ўтганлар руҳига атаб дуолар қилиш, уларни эслаш жараёнида коммуникация-алоқа вужудга

¹ Огудин В. Место поклонения Фергани как объект научного исследования // Экономическое обозрение. – 2002. №1. – С. 72-74.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти касби тiumани. 2019 йил 10 август. 3-дафтар.

келган. Зиёратчиларнинг ўзаро бир-бири билан алоқаси ўрнатилиб, бундай ҳолатлар одатда уюшган зиёрат ташрифлари давомида кузатилган. Олиб борилган сўроқларда ахборотчиларнинг фикрига кўра, мазкур зиёрат давомида, асосан катталар ёшларга нисбатан кўпроқ хордик чиқаришган. Улар зиёратгоҳда нафақат авлиё ва тарихий шахсга бўлган ҳурматини, балки ўтган аждодлари номини ҳам эслаганлар. Уларнинг номига дуо ва ижобатлар қилганлар. Шунингдек, оилавий ўтказиладиган мазкур маросимларда, аёллар ўзаро маълумот алмашиш, дўстлик, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш, ўзаро алоқаларни яна ривожлантиришга келишиб олганлар. Бунда яна бир жиҳати, зиёрат жараёнида иштирок этаётган ёшлар ўзининг аждоди тўғрисида, зиёратгоҳ номи билан боғлиқ шахс ҳаёти, уларнинг қилган ишлари тўғрисида маълумотга эга бўлади. Мазкур коммуникация ёши катта авлоднинг ёш авлодга анъаналарни етказишида муҳим вазифани бажариши кўринади.

Зиёратга ташриф давомида яна бир асосий ҳолат кузатиладики, инсонлар ўз муаммоларини ечилиши, руҳнинг нажот топиши, таскин, қийинчиликларни енгиш, юқори кучга эга бўлишлари учун ҳам у ерга ташриф буюрадилар. Бу зиёратгоҳнинг воситачилик хусусиятини кўрсатади. Сиғиниш объекти ёки эътиқод жойи диний тизимда Тангри ва инсон ўртасида воситачи вазифасини бажаради. Бунда асосан, аёллар ва ёши катта авлод кишиларнинг иштироки кўп кузатилади. Шу маънода, айнан Қашқадарё воҳасида авлиё, пир, саййид, саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли руҳий покланиш, руҳий янгиланиш учун ташриф буюришади.

Халқимизнинг ислом динига эътиқоди кучли бўлганлиги туфайли тасаввуф вакиллариининг ислом илмини ривожлантиришдаги роли, буюк саркардаларимизнинг юксак ватанпарварлик хислатларини эъзозлаб, ҳурмат юзасидан зиёратгоҳга ташриф буюрган. Жумладан, воҳада ислом динини ёйиш учун саҳобалар жасоратларини акс эттирувчи Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи¹, Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Мири Жанда ота,

¹ Қаранг: Равшанов П. Қарши тарихи. Нахшаб. Насаф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 505.

Қуссам Шайх, Қабри Охунд зиёратгоҳи ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Айтиш мумкинки, зиёратгоҳ номи билан боғлиқ авлиёларнинг қилган амаллари, уларнинг илми, одоби кишиларни маърифатга, илм олишга қақиради. Қадамжога келаётган зиёратчилар сонига қараб, у ерда ётган аллома ёки авлиёнинг халқ орасида қандай обрўга эга бўлганини билиш мумкин. Шу сабабдан, у ерга яқин яшаган ҳар бир киши вафот этса, қабри мазкур зиёратгоҳ таркибида бўлган қабристонда бўлишини хоҳлайди¹. Сабаби, келган зиёратчилар шу ерда ётган зиёратгоҳ соҳиби руҳига дуо қилиш билан бирга, қабристон аҳлини ҳам дуо қилади.

Шунингдек, худуддаги зиёратгоҳлар орасида дунё маданияти бўлаги ҳисобланган диний йўналишда мактаб яратган арбоблар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам бўлиб, бу соҳада Хожа Имканагий номи машхурдир². Имканагий мактаби вакилларидан бўлган Дарвеш Муҳаммаднинг тасаввуфдаги қарашлари инсоннинг шахс сифатида ҳам диний, ҳам амалий билимларга эга бўлган ҳолда камолотга эришуви, маънавиятли ва одоб-ахлоқли фарзанд тарбия этишда диний билимларнинг аҳамияти юзасидан фикр-мулоҳазалари муҳим ҳисобланган³. Юртимиздан чиққан бундай олимнинг илмий, фалсафий ва диний қарашлари халқимизнинг руҳиятига таъсир қилган. Халқнинг одоб-ахлоқига ижобий таъсир кўрсатиб, дунёқарашини янада бойитган. Шу жиҳатдан, алломанинг маънавий ва моддий меросини ўрганиш, келгуси авлодга етказиш асосий вазифа эканлигини нафақат давлат, балки ҳар бир шахс тушуниб етиши зарур.

Воҳада маҳаллий аҳоли орасида кенг машхур бўлган яна бир авлиё даражасидаги шахслардан бири Ҳазрати Башир ҳисобланади. Мақбара ёнида Ҳазрати Башир ҳассасидан кўқарган арча ва у киши яратган пистазор ҳам бор⁴. Бу зиёратгоҳнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, нақшбандия тариқатини давом эттирган, “Мири Ҳақиқат” мақомига эга бўлган Ҳазрати Башир аслида Мирзо Улуғбек замонида яшаган. Расадхонанинг қуйи қисми

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 10 август. 3-дафтар.

² Обидов А, Бобоҷонов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. – Тошкент: Navro‘z, 2018. – Б. 79-80.

³ Қаранг: Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан. 1995. – Б. 716.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 10 август. 3-дафтар.

“Пойи расад”ни куриб, 7-8 йил Шайх Ҳазрати Султон Саид Аҳмад ҳимоясида иш олиб борган¹. Улуғбек вафотидан кейин шогирди Али Қушчи расадхонадаги китоблар ва секстантини Башир қишлоғидаги Ниёзтепага жойлаштирган. Ҳатто маҳаллий аҳоли мазкур китоблар сақланган сандиқ тоғдаги тошга айланганини ва унинг кўриниши тоғ тошида акс этганини ҳам таъкидлайди.

Шунингдек, зиёратгоҳларга ташрифда унинг ҳимояловчи хусусиятини алоҳида ўрганиш муҳим ҳисобланади. Ҳимояловчи хусусият – бу маълум ҳудудда яшовчи ва қайсидир ижтимоий гуруҳга кирувчи инсонларни сифиниш объекти ёки унинг “ҳомий авлиёси” ҳимоя қилишидир². Бунда авлиё ёки пир шахсияти Худо билан алоқаларда инсон руҳиятига куч беради. Масалан, воҳада бу туркумдаги Нематуллоҳ Валий шахси маҳаллий аҳолиси орасида кенг ном олган. У кишининг каромати билан Ҳазрати Башир дунёга келганлиги сабабли, бу зиёратгоҳга аксарият аҳоли вакиллари Аллоҳдан фарзанд сўраш учун келади. Бошқа томондан, авлиё шахсига бўлган умид туфайли амалга ошадиган ибодатлар уларни турли ёмон қарашлардан ҳимоялашига ҳам ишонишади.

Айтиш мумкинки, воҳа зиёратгоҳлари тарихида саййидлар авлоди номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳам мавжуд. Жумладан, “Етти туғ ота” мажмуасида еттита саййидлар авлоди дафн этилган бўлиб, форс-тожик тилида гаплашадиган улуғлар келгандан кейин бу қишлоқ Патрон, Подарон, яъни “Падарлар – оталар қишлоғи” деб ҳам аталган³. Патрон қишлоғида яшаб фаолият кўрсатган саййидлар авлоди маҳаллий аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган. Аҳолининг динга бўлган эътиқодини мустаҳкамлашда муносиб хизмат қилган. Уларнинг асли ким бўлганлиги ҳақида шажара ҳам мавжуд⁴.

¹ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Тошкент: Фан. 1996. – Б. 28-29.

² Огудин В. Место поклонения Фергани как объект научного исследования // Экономическое обозрение. – 2002. №1. – С. 72-74.

³ Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. – Б. 158.

⁴ Акбаров Р., Шамсиддинов Н. Етти туғ ота шажараси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2015. – 72 б.

Шунингдек, Қашқадарёда ислом оламида машхур бўлган халифа Усмон Қуръони сақланиши билан боғлиқ зиёратгоҳ ҳам бор. Бу Катта Лангар ота мақбараси бўлиб, муқаддас китоб нусхаси 1880 йилларда мақбара ичидаги хирқада сақланган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин шу ерда истиқомат қилувчи Қулпун момо, кейинчалик унинг жияни Тўхта бобо уни сақлаган. 1984 йил ҳукумат вакиллари уни олиб кетган. Бу ерда бир вақтлар Қуръоннинг бир қисми сақланган. 1993 йил вилоят ҳокими вакили бўлган 2 киши Қуръони Каримнинг 13 варақли қисмини масжид имомига топширган. Бу муқаддас китоб 2003 йилгача “Ҳазрати Лангар ота”да сақланиб қолган. Голландиялик шарқшунос олим Ян Вист Виткам 1997 йилда зиёратгоҳга сайёҳ сифатида келиб, Қуръонни расмга олади, 1998 йилда Қуръоннинг суратга олинган рангли нусхасини шу жойга совға қилади. Ҳозирги кунда мазкур Қуръоннинг асл нусхаси Ўзбекистон Мусулмонлар идораси қошидаги кутубхонада сақланмоқда¹. 2021 йилда Саида Мирзиёва ташаббуси ва маблағи ҳисобида мазкур китоб парчалари Франция Лувр музейи ва Британия музейи олимлари томонидан реставрация қилиниб, китоб ҳолатига келтирилди².

Мусулмон кишилар ислом амалиётларини оғишмай бажаришлари учун ислом раҳномосига ёки пирга руҳий нуқтаи назардан муҳтож бўлганлар. Пир ўз муриддини ислом йўлида тўғри бошқарган. Мурид уни устоз сифатида кўриб, ўргатган амалларини тўлиқ бажарган. Шу жиҳатдан, Яккабоғ тумани Лангар қишлоғидаги Ҳазрати Лангар (XV аср) зиёратгоҳ мақбарасида кароматчи пирлар, исломнинг забардаст тарғиботчилари бўлган ишқия тариқати намояндаларининг авлодлари ҳоки бор³. Шу жиҳатдан, тасаввуф тариқати мактаби вакилларининг ҳаёт йўли, қолдирган ҳикматли сўзлари инсонларнинг руҳияти соғлом бўлиши ва қалбининг саломатлигига эришиш учун муҳим ҳисобланади.

¹ Соатов Абдужаббор Ҳожи. Лангар ота табаррук манзилгоҳи ёхуд Идрок шамчироғи. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – Б. 56-57.

² Халқ сўзи. 2021 йил 13 июнь.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани. 2019 йил 12 август. 3-дафтар.

Таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳларнинг ижтимоий ва маданий функциясида тил, қарашлар ёрдамида алоқа ўрнатиш назарда тутилади. Ахборотчиларнинг фикрига кўра, зиёратгоҳларда нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни туман ва республикамиз ҳудудларидан ҳам зиёратчилар ташриф буюришади. Бунда маҳаллий аҳоли билан ўзаро мулоқот амалга оширилиб, маросимлар, яшаш, турмуш тарзи, қарашлар бўйича фикр алмашилган. Шунингдек, деҳқончиликдаги янги усуллар маданият янгиликлари, урф-одатлар ва улардаги ўзгаришлар, савдо алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш имконияти яратилган.

Зиёратгоҳларнинг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги яна бир функцияси даволовчилик хусусияти ёки соғломлаштиришдир. Бу функциясида сиғиниш объекти инсонларга касалдан фориғ бўлишга ёрдам берган (асосан фарзандсизлик ва руҳий касаллар)¹. Зиёратда иштирокнинг даволовчи хусусиятининг Туркистон аҳолиси ўртасида машҳурлигини тадқиқотчи М.Тастанбеков ҳам таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, Туркистон аҳолиси Сулаймон тоғини муқаддас тоғ сифатида ўзлаштириб, зиёрат орқали кўплаб касалликларни даволашга интилиш бўлганлигини таъкидлаган².

Худди шундай Қашқадарё воҳасида ҳам даволовчи хусусият сифатида қараладиган зиёратгоҳлар мавжуд. Масалан, Деҳқонобод тумани Хўжаипок ота қадамжоси тоғ худудида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳ атрофида бир жойдан олтингугуртли сув чиқади ва ундан ҳосил бўлган кўл, балчиқ бор³. 1987 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қаршли Н.А.Семашко номидаги Республика курортология ва физотерапия институти мутахасислари Хўжаипок ота сувининг таркибини ўрганиб, Д.Менделеев жадвалидаги кўп менерал моддаларнинг борлигини

¹ Огудин В. Место поклонения Фергани как объект научного исследования // Экономическое обозрение. – 2002. №1. – С. 72-74.

² Tastanbekov M.M., Dinashva L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89. – 2013. – Pp. 667-675.

³ Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Хўжаипок ота зиёратгоҳ мутаваллиси, Аширов Келдиёр ака билан бўлган суҳбат. 2019 йил 28 август. 4-дафтар.

аниқлаган ва касалликларга шифо бўлиши айtilган¹. Хўжаипок ота суви шамоллаш билан боғлиқ касалликлар, ревматоид (бод касаллиги), полеартрит, турли тери касалликлари, асаб тизими, умуртка остеохондрози, умуртка грижаси, ҳар хил невропатиялар, сурункали холисистид, энтроколитпростати, аднегсит, бурцелоз ва бошқаларни даволашда шифо сифатида қаралган². Хўжаипок ота суви ва иссиқ балчиғи асосан июнь, июль ойларида қуёш нури таъсирида исиб, беморларга шифо бўлиш хусусиятига эга. Олиб борилган сўровларга кўра, маҳаллий аҳоли шифобахш сувни Хўжаипок ота каромати, деб билишади ва ундан фойдаланганда, унинг шифо бўлишига катта умид билдиришади.

Китоб тумани Хўжаисфароз қишлоғи Оксув дарёси бўйида Шайх Нажмиддин ва улуғ пир Дарвеш Муҳаммад сағаналари жойлашган. Оксув дарёси сувининг 200 метри “Оқ сув” зиёратгоҳи номи билан машхур бўлиб, халқ уни Шайх Шамсиддин каромати, деб ҳисоблайди. У ерга ёз ойларида турли тери касалликларига чалинган беморлар келиб, чўмилиб, шифо топишади³. Зиёратгоҳда ҳоки ётган шахслар ўз ҳаёт йўллари, илми, юксак эътиқоди билан дорулфанога кетган бўлса-да, аммо рухан халқни тўғри йўлга бошлайди, эътиқодини тўғрилайди, рухий куч бўлади.

Қашқадарё воҳасидаги энг машхур ва ташрифчилари кўп бўлган Ҳазрати Башир, Катта Лангар зиёратгоҳи, Мири Жанди ота, Насафий мажмуаси иштирок этган маҳаллий зиёратчилар билан олиб борилган суҳбат асосида шу аниқландики, сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми зиёратгоҳлар тарихи билан боғлиқ маълумотга эга эмас, яъни улар мазкур жой зиёратгоҳ эканлиги эшитиб, доимий келиб турадилар, лекин уларнинг 40% зиёратгоҳ тўғрисида диний билимларга ёки маълумотга эга, 60% тўлиқ эмас, балки умумий эшитган маълумотларига эга эканлиги аниқланди⁴. Мазкур савол билан мурожаат қилганимиздан сўнг, сўровда иштирок этганларнинг 80% ташриф буюраётган

¹ Тошқулов К. Қадимий ва навкирон Дехқонобод. Биринчи китоб. – Тошкент: Мухаррир нашриёти, 2012. – Б. 12.

² Тошқулов К. Қадимий ва навкирон Дехқонобод. Иккинчи китоб. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 22.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2019 йил 21 август. 3-дафтар.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузр тумани. 2019 йил 19 август. 3-дафтар.

зиёратгоҳи тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиш истакларини билдиришди. Бундан келиб чиқадики, зиёратгоҳлар тарихи билан боғлиқ рисоаларни ёзиш, зиёратгоҳ худудида ҳар бир маскан тарихи, шаклланиши тўғрисида маълумотномалар осиб кўйилиши лозим. Бунинг учун воҳа зиёратгоҳлар тарихини ўрганувчи тадқиқотларни кенгайтириш, маҳаллий аҳоли тилига яқин, халқчил ёзилган рисоалар нашр этиш лозим бўлади.

Зиёратгоҳларнинг маънавий-маърифий ҳаётдаги когнитив функцияси – бу инсонларнинг идрок этиши, воқелик, тафаккурининг бойиши, билим ва тажрибанинг ошишини англатади. Маҳаллий зиёратчилар билан олиб борилган суҳбат асосида шу нарса аниқландики, зиёратчилар қадамжо ҳақида умумий маълумотга эгалар, улар қабрда ётган кишилар тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслар. Гарчи юқорида айтиб ўтилганидек, бундай зиёратгоҳларда ислом уламолари ва ислом дунёсида машхур бўлган шахслар дафн этилган. Уларнинг асарлари, олиб борган фаолиятлари тарбия мактаби вазифасини бажариши лозим. Маҳаллий аҳоли билан олиб борилган суҳбат асносида аниқландики, аҳоли мазкур шахсни авлиё даражасида буюк ислом уламози сифатида қабул қилган. Бироқ, олимнинг асарлари қўлёзма ҳолида бўлиб, нашр этилиб, оммабоп тилда мавжуд бўлмаганидан, халқ аллома илмий ижоди ҳақида маълумотга эга эмас¹. Жумладан, Абул-баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (ваф. 1310 й.)², ислом илми билимдонларидан яна бири Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий³, Ҳазрат Абу Бакр Шиблий⁴, Ҳофиз Шерозий⁵ каби алломалар асарларини маҳаллий халқчил тилда нашр қилиниши ва ҳикматларини⁶ ёшлар билан таништириш нафақат маданий

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Гузор тумани 2019 йил август. 3-дафтар.

² Уватов У. Абул Муъин ан-Насафий. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 6-12.

³ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

⁴ Исмоил хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайид ал-Бағдодийнинг ҳаёти ва меъроси. – Қарши: Насаф, 2017.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳри. 2019 йил 19 август. 3-дафтар.

⁶ Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 661-662.

мероснинг тикланиши, балки тарбиявий-таълимий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Воҳа ҳудудида жойлашган зиёратгоҳларнинг маънавий аҳамияти куйидагилар билан белгиланади: зиёратгоҳлардаги тарихий шахслар номи уларнинг фаолияти билан боғлиқ тарих, дин уламоларининг амалий ҳаёти, асарларининг мазмуни саҳийлик, саховатпешалик, инсонийлик, диний билимларини ошишига, нима тўғрию нима нотўғри эканлигини тушуниб олишларига имкон беради. Таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳлар билан боғлиқ афсона, ривоят кишиларда, айниқса, ёшларда ватанпарварлик, мардлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, эзгулик, саҳийлик каби эзгу фазилатларни шаклланишига хизмат қилади¹. Масалан, Дархон момо зиёратгоҳи номи билан боғлиқ Соҳибқирон Амир Темурга ибратли насиҳатлар қилган ўша машҳур Дархон момога тегишли деб ҳисоблаб², халқ оғзаки ривоятларида, Амир Темур юришлари даврида бир қишлоққа дам олиш учун тўхтаганида, маҳаллий аҳолидан бўлган бир донишманд кампир Темур ҳақида, унинг шошқалоқлик билан шаҳарларни босиб олгани, аста-секинлик билан олдин кичик шаҳарларни босиб олиши кераклиги ҳақидаги насиҳати билан боғлиқ³. Мазкур образ орқали ёшларда тарбиянинг жасурлик, меҳнатсеварлик, шошма-шошарлик билан эмас, балки ақл, илм билан иш кўришлик, аввал ўйлаб, кейин бирор ишни амалга ошириш кераклигини ўргатади. Бу орқали донишмандлик билан иш тутиш лозимлиги ҳақидаги гўзал тарбияни сингдириш мумкин.

Шунингдек, Мусофир ота зиёратгоҳи билан боғлиқ ривоятлар ҳам бўлиб, маҳаллий аҳоли бу зиёратгоҳни 1130 йилда Самарқандлик Абдулла Хўжа ибн Муҳаммад номи билан боғлайди. У киши ҳаждан қайтаётганида, одамлари билан шу ерда дам олади, очарчиликдан қийналаётган аҳолига отини сўйиб, овқат қилиб тарқатади, кўп ўтмай, шу ерда вафот этади ва дафн қилинади. Маҳаллий аҳоли халоскорининг кимлигини

¹ Терлецкий Н. Знамя для моления (Символизм и функция туга в практике зийарата у народов Центральной Азии) // Лавровский сборник. – СПб, МАЭ РАН. 2009. – С. 18.

² Жуманазар А., Тухлиев Ш. Яккабоғ: Соҳибқирон камол топган юрт. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 64.

³ Ғофуров Ғ., Шаймардонов И., Тухлиев Ж. Яккабоғ тумани. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 68.

билмагани учун бу зиёратгоҳни “Мусофир ота”, деб номлашади¹. Мазкур зиёрат тарихи ёшларни инсонпарварлик, гуманизм, меҳрибонлик, меҳнатсеварликка ундайди.

Ғузур тумани Дўнг Қовчин қишлоғида, халқни вафо, муҳаббат, садоқатга даъват этадиган Тоҳир-Зухра ёдгорлиги мавжуд. Халқ орасида Тоҳир-Зухра зиёратгоҳи ҳақида кўплаб ривоятлар бор, гўёки севги ва муҳаббат рамзи бўлган Тоҳир-Зухра ҳақиқатдан ҳам шу ерда яшаган, деб ўйлашади. Ҳаёти аянчли яқунланган бўлса-да, мазкур афсона халқимиз хотирасида абадий муҳрланган².

Кишилар турмушдаги шахсий мусибат ва омадсизлик, айниқса, бефарзандлик, яқин кишиларининг бахтсизлиги, ҳаёт идеалларидан ажралиб қолиш, касаллик ёки ўлимдан хавфсираш, ёлғизлик ҳис-туйғуси ва шу каби бошқа социал-психологик омиллар инсонларни диний ҳиссиётларга берилиш натижасида муқаддас зиёратгоҳларга бориши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Мазкур жараёнда зиёратгоҳларнинг инсон маънавий ҳаётидаги руҳий-психологик вазифаси муҳим роль ўйнайди, яъни бу инсонларда мушкулларни енгиб ўтиш, кейинги ҳаётга ишонч, умуман, инсон руҳиятини тинчлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқотчи Н.Абдулаҳатовнинг фикрича, мазорлардаги дин пешволари, шайхлар зиёратчиларнинг эмоционал ҳолатидан фойдаланиб, уларнинг ҳиссий туйғуларига таъсир қилишга интиланлар, бу ўринда, муқаддас жойлар ва уларда дафн этилган авлиёлар билан боғлиқ ривоятларнинг роли муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, уларни турли урф-одат ва маросимларга бўлган эътиборини кучайтирган. Бу эса, ўз навбатида, зиёратгоҳларнинг кишилар турмушидаги ўрнини янада муҳим бўлишини таъминлаган.³

Таъкидлаш жоизки, зиёратгоҳларда ислом одатларига мос келмайдиган фетишизм ва бошқа диний шаклларнинг қолдиқлари ҳали ҳамон аҳоли турмуш тарзининг баъзи кўринишларида

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани. 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани. 2019 йил 10 август. 3-дафтар.

³ Абдулаҳатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. – Тошкент: Институт истории АН РУз, 2008. – С. 12.

сақланиб қолмоқда. Бунда, яна дарахт ёки нарса-буюмга сиғиниш мақсад ва кўриниш тусини олган.

Тадқиқотчи С.Мирҳасиловнинг фикрига кўра, маҳаллий ўзбекларда турли диний урф-одатлар бўлиб, хусусан ёмон жинларнинг бўлиши, агар инсон дарахт тагида ухлаб қолса, демак жинлар унга зарар етказиши, бу бахтсизлик олиб келиши ёки касалликка чалинишига сабаб бўлиши мумкин, деган қараш мавжуд. Дарахт култи алоҳида руҳлар яшайдиган ҳудуд сифатида қаралиб, маҳаллий аҳоли у ерда овқат пиширган, ис чиқариб, дуолар қилишган. Дарахтлар магик алоқага эга бўлиб, унга яқинлашган аёл ҳомиладор бўлиши мумкин, деган ишонч сақланиб қолган. Курбон ҳайитида курбонлик қилиш асосан мазорлар ва муқаддас жойларда амалга оширилган. Бунда жонлик сўйилиб, аҳолига тарқатилган. Айниқса, аёллар бу ишга жуда бош бўлиб, камбағалларга овқат тарқатишган, эҳсон қилиб, дуо қилишган, баъзан чироқлар ҳам ёқишган¹.

Хусусан, Қумчуп ота қабри² жойлашган макбаранинг шарқ томонида турли хил тошлар бор, уни одамлар турли номлар билан атаганлар: “Чевар тош”, “Чилла тош”, “Полвон тош”, “Балогардон тош” ва бошқалар. Ҳозиргача халқимиз орасида тошларга сиғиниш одати бор, бу исломдан олдинги даврга оид бўлиб, бизни эътиқодимизга тўғри келмайди. Фақат у ерда ҳар хил рангдаги, турли шаклдаги тошларни табиат мўъжизаси, дейиш мумкин. Зиёратгоҳ ёнида “Мурод кудуғи” бўлиб, одамлар уни ҳам шифо, деб билишади. Макбара ёнида ноёб, кам учрайдиган теракнинг антиқа бир тури ўсади. Уни шу ерлик халқ патта ёки авлиё дарахти, деб атайди³.

Қашқадарё воҳаси аҳолиси орасида ўз аجدодларини унутмаслик мақсадида ислом анъаналарига кўра, Рўза, Ййди Курбон ҳайити ҳамда ота-боболар вафот этган кунларда ва бошқа айрим сабабларга кўра, қабристонга бориб, марҳумларни ёд этишади, хотираларига Қуръон тиловат қилишади. Шунингдек,

¹ Мирҳасилов С. К изучению реликтов доисламских верований у узбеков в дореволюционном прошлом // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. Отв. Ред. Х.Зияев и Б.В. Лунин. – Тошкент: Фан. 1972. – С. 22-32.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани Қумчўп қишлоғи. 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани 2019 йил 11 август. 3-дафтар.

турли фасллар билан боғлиқ диний ибодат кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири дарвешона деб номланади. Ҳозирги қадар воҳа аҳолиси орасида сақланиб келаётган мазкур маросимда, маҳаллий таомлардан ўзбек палови пиширилиб, бўғирсоқ тайёрланади, хўроз суйилиб, қонлик чиқарилади. Қадимдан бу маросим зиёратгоҳларда доимий истиқомат қилувчи дарвешларни овқат билан таъминлаш мақсадида қилинган ва маросим одатда баҳор келиши билан янгиланиш сифатида ўтказилган. Бу нафақат зиёратгоҳлар худудида, балки кўча-куй, маҳаллада ўтказиладиган оммавий маросим ҳисобланади. Яхши ният билан бало-офатларнинг олдини олиш, бошланаётган йил серҳосил келиши учун элга тинчлик, чорвага омонлик, экинга барака тилаб, ҳар йили ўтказилган. Маросимда, ёш-қари баравар иштирок этиши шарт бўлиб, туркийларнинг қадим эътиқоди бўйича ҳосил маъбудлари шарафига қурбонлик келтирилган.

Зиёратгоҳларда қурбонлик маросими ҳам амалга оширилиб, “қурбонлик” сўзи арабча “худога яқинлашиш”, яъни унинг раҳмат-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлик сўйишни аниқлаган¹.

Дала тадқиқотлар жараёнида, Шаҳрисабз туманида зиёрат ибодатида иштирок этаётган онахонлар билан суҳбатлашганда, шу нарса аён бўлдики, жонликнинг қони қурбонлик қилаётган одам номидан унинг жони учун садақа сифатида баҳоланар экан. Қурбонлик қилинган ҳайвон гўшти егим, камбағал, бева-бечораларга тарқатилган ва савобдан умидворлик бўлган².

Қурбонликлар орасида, асосан хўроз сўйилган, бинобарин, хўрозни сўйиб, қон чиқариш одати исломдан олдинги даврлардаги диний қарашлар замирида юзага келган азалий иримлардан бири ҳисобланади. Зотан Олд Осиё ва Марказий Осиё халқларида, эрамиздан аввалги VII-VI асрлардаёқ, хўроз “ёвуз қора кучларни ҳайдовчи парранда” сифатида муқаддаслаштирилганлиги тарихдан маълум³.

¹ Ислом. Энциклопедия /А–Ҳ. 2017. – Б.619–620

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани. 2019 йил 11 август. 3-дафтар.

³ Брагинский И. Из истории таджикской народной поэзии. – М.: Наука, 1956. – 26 б.

Воҳа аҳолиси орасида қурбонлик қилиш билан боғлиқ худойи ёки арвоҳи пир, деб номланган маросим ҳам ўтказилган¹. Аксарият аҳоли уни зиёрат жойида ташкил қилса, баъзилар уйда бажарганлар. Хўроз ёки кўй сўйилиш маросимидан кўзланган мақсад, бошланадиган ишнинг бароридан келиши ёки оилага янги меҳмон – келин, фарзанд келиши учун хайрли бўлишидан умид қилиниб, Аллоҳ йўлида қон чиқариб, ош пишириб, маросим ўтказганлар. Бошқа ҳудудлардан фарқли томони, мазкур маросим асосан эркаклар иштирокида ўтказилган.

Аёллар томонидан “Мавлуд”, “Бибисешанба”, “Мушкулкушод” каби маросимлар ўтказилган. Мавлуд маросими Пайғамбаримиз (с.а.в.) туғилган кунлари сифатида аёллар диний амалиётининг муҳим элементларидан ҳисобланган². Баъзи ҳолларда, бу маросимни воҳа аҳолиси эркаклар учун ҳам ўтказишган. Воҳа аҳолиси томонидан мушкулкушод, баъзи ҳудудларда Бибимушкулкушод (асосан Фарғона, Тошкент ҳудударида) одати ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Аксар ҳолларда, бу маросим сифатида эмас, балки ислом амалларига боғланган ҳолда ишонч, умидворлик каби ижтимоий муносабатлар кўринишида намоён бўлган. Жумладан, масжид, авлиё қабрларида дин билан шуғулланадиган имом ёки шайхларга маҳсулотлар (сув, нон, майиз, ширинликлар, баъзан пул) берилиб, Қуръон оят ва суралари ўқилган, сўнг ихлос билан мушкулларни осон қилиш мақсадида маҳсулотлар истеъмол қилинган. Бибисешанба маросими аёлларнинг турли мақсадлар билан Бибисешанба йўлида қилинадиган эҳсон маросимидан иборат. Бунда аёллар бирор янги ишни бошлашда ёки фарзандларини ёмонликлардан асраш мақсадида, Бибисешанба номига маросим ўтказишга ваъда беришган ва бу маросим, айнан сешанба куни ўтказилган. Маросимда сутли ош, ҳолвайтар, палов асосий таомлардан ҳисобланган³.

Қашқадарёдаги мавжуд муқаддас зиёратгоҳлар маҳаллий аҳолининг олий туйғуларини шакллантиришда, кишиларни

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани. 2019 йил 11 август. 3-дафтар.

² Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент, 1993. – Б. 184-187.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани аҳолиси маросимларида иштирокидан. – 2019 йил 22 август.

ватанпарварлик, меҳр-мурувват, мардлик руҳида тарбиялашда, саҳоват меҳр туйғусини уйғотишда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқот давомида азиз-авлиёлар, уламо-ю алломаларнинг қабрларини зиёрат қилиш давомида, уларнинг хокларига Қуръон тиловат қилиниб, қабрларни зиёрат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги аҳоли онгига сингдирилиб, уларнинг диний-маънавий меросга нисбатан соғлом дунёқарашини шакллантиришда холисона бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам назарда тутиш лозим. Воҳа зиёратгоҳларига ташриф жараёнида яна бир муҳим ҳолат кўзга ташланадики, ҳар бир зиёратгоҳнинг ўзига хос шифобахшлик хусусияти мавжуд. Авлиёлар ва у ердаги сувларга маълум касалликларга шифо топишни, ёки орзу умидларини амалга оширишларида (турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, муродлари ҳосил бўлиши) ташрифни зиёратгоҳни аҳоли орасида тизимлашганини кўрсатади. Бунда асосан аёлларнинг иштироки кўп кузатилади.

Зиёратгоҳ масканига айланган жойда ўзига хос зиёрат билан боғлиқ атрибутлар учрайди. Уларга сағана ўралган мато, меҳроб, шамчирок, баъзи қабрлар ёнида муқаддас, деб қадрланадиган дарахт (/азрати Башир зиёратгоҳида) қабиларни киритиш мумкин. Мақбара сағаналарининг муҳим атрибутларидан бири бу қабрлар турли кўринишдаги матолар (бўз мато, оқ кийим) билан ўраб кўйилганидир¹. Айрим мақбаралар устида алам ва мато бўлаги осилган бўлиб, бу туғ деб номланади. Матолар рангида ҳам ўзига хос рамз мавжуд бўлиб, ёрқин ранглар авлиёнинг (эътиқод учун курашчи) эканини англатади².

Қадамжоларни зиёрат қилишнинг ҳам ўзига хос ахлоқ-одоб нормалари мавжуд бўлиб, уни амалга оширмакчи бўлган шахс, албатта, бу қоидаларга амал қилиши шарт. Қабрни зиёрат қилиш вақтида, орқасини ўгириб чиқмаслик, унинг ичига қираётганда, ўнг оёқ билан қадам босиб, салом бериб кириш ва ўтганлар ҳаққига бағишлаб, дуойи фотиҳа ўқиши, зиёратдан сўнг орқасига ўгирилмасдан чиқиш сингари ахлоқий одатлар туфайли аҳолини қадимдан муқаддас жойларни зиёрат қилишда маълум бир ахлоқ

¹ Дала тадқиқотлари. – Китоб тумани Ҳазрати Башир зиёратгоҳи. . 2021 йил 24 июль. 4-дафтар.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри. 2021 йил 24 июль.

меъёрлари мавжуд бўлган¹. Тадқиқотчи Н.Абдулаҳатовнинг фикрича, бу меъёрларга амал қилиш ва улар билан боғлиқ қарашлар, ўз навбатида, зиёратгоҳлар тўғрисидаги ахлоқ кодексларини ишлаб чиқишига замин яратган. Ахлоқ меъёрларига амал қилмаган кишиларни мазорнинг ўзи жазолаши ҳақида аҳоли орасида қарашлар ҳам мавжуд. Муқаддас мазорларга туфлаш ёки ёмон сўз айтиш, айниқса, у ерларда ҳожатини чиқариш катта гуноҳ, деб қаралган. Кимки, бу таъқиқларга амал қилмаса, тез орада зиён топишига ишонганлар².

Умуман, қабр зиёратидан икки нарса мақсад қилинган: бири охиратни эслаш, дунёнинг ўткинчилигини ҳис этиш бўлса, бошқаси қабр аҳли ҳаққига дуо қилиш, уларга мағфират сўраш, тиловат етказиш назарда тутилган. Қабр зиёратига борган одам, аввало ниятини тўғриламоғи, бу иши билан Аллоҳнинг розилигини кўзламоғи лозим. Зеро, ҳар бир амал ниятга боғлиқдир. Қабр аҳлидан мадад сўраш, уларга дуо қилиш, сиғиниш жоиз эмас, бу ширк амалдир, балки уларнинг ҳаққига дуо қилиш лозим. Қабр аҳлига назр қилиш, жонлиқ сўйиш, шам ёқиш, латта боғлаш каби ишлар оғир гуноҳдир, иймонга хатардир.

Қабр зиёратининг одобларини қуйидагилар ташкил этади: дунё машғулотларини тарк этиб, охиратни ўйлаш; қабр аҳлларига салом бериш; қабристонда виқор билан, сокин юриш; қабрларни босмаслик, уларнинг устига ўтирмаслик; зиёрат қилмоқчи бўлган қабрга оёқ тарафдан келиб, ўнг тарафига туриш ва унга юзланиб, қабрга орқа қилган ҳолда салом бериш; тик туриб дуо қилиш; марҳумларнинг яхши сифатларини эсга олиш; ўзини сарҳисоб қилиш, қабрга қанчалар тайёр эканини ўйлаш; зиёратдан қайтишда вазмин, тафаккур ва тадаббурда қайтиш ҳисобланади³.

Қабр зиёратида ўқиш тавсия этилган суралар: қабр зиёратига келган киши билса, “Мулк” сурасини ўқиса, яхши бўлади. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “У (Мулк сураси) ман қилувчидир. У нажот берувчидир. У қабр азобидан нажот

¹ Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. – Тошкент: Мовароуннахр. 2005. – Б. 9

² Абдулаҳатов Н. Азимов В. Олтиарик зиёратгоҳлари. – Тошкент, 2005. – Б. 14

³ Ҳасанхон Яхё Абдулмажид. Қабристон зиёрати одоблари. Электрон манба: <https://islom.uz/maqola/1605>
Мурожаат (21.12.2020)

беради”, деганлар. Қабр зиёратига келган кишига “Ихлос” сура-сини 3 ёки 11 марта ўқиши ҳам тавсия этилган. Имконияти бўлса, “Ёсин” сурасини ва “Оят-ул Курсий”ни ўқиса, савоби кўп бўлиши айтилади. Қабр олдида Қуръон ўқиганда, тиловатни овоз чиқариб ўқиган афзал, чунки қабр аҳли ундан баҳра олади. Зиёратчи дуо қилганда, Қуръон савобини ўз марҳумига бағишлаганда қабристон аҳлини ҳам унутмаслиги керак. Зиёратчи қабр аҳлига Аллоҳдан мағфират сўрайди, хайрли дуо қилади. Дуо қилганда, қабр эгасига эмас, балки қабр эгасининг ҳаққига дуо қилаётгани намоён бўлиши керак¹.

Қабристонда қуйидаги ишлар мумкин эмаслиги таъкидланади. Жумладан, қабрга чироқ, шам, олов ёқиш, қабрдаги майитдан шифо, ҳожат сўраш, бола кокилини аташ қабилар ширкка яқин гуноҳлардир. Зеро, бундай ишлар Аллоҳ таолодан бошқадан ҳожат сўраш демакдир. Қабр тоши ва темирларини ўпиш, латта боғлаш, қабрни айланиб тавоф қилиш, қабр ёнида суратга тушиш, баланд овозда, хушчақчақ гаплашиш, қабр бошида таом қолдириб кетиш, еб-ичиш, уввос солиб йиғлаш жоиз эмас, чунки бу билан майитга озор бериб қўйиш мумкинлиги айтилади².

Бу борада, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур қабрлар зиёрати охиратни эшлаш учун, аммо қабрлар зиёратининг асл моҳиятини унутиб, улуғ авлиёлар қабрларига бориб, ҳожатларини сўрайдиган, бахтини сўраб, бефарзандлар фарзанд талабида, ишига ривож тилаб борадиганлар, истакларини соҳиби қабрлардан сўрайдиган бўлиб қолишган. Ҳар қандай истак, тилакларни фақат ёлғиз Аллоҳдан сўралиши керак³, деб таъкидлайди.

Шунингдек, касб-корлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам бўлиб, бу ёшларни меҳнатсеварлик, ҳунар олишга бўлган қизиқишини оширади.

Қашқадарё воҳасида тарихий минг йилликлар давомида юз берган сиёсий-ижтимоий, маданий ўзгаришлар ҳудудда илм-фан

¹ Алимов Усмонхон. Ўтганларни ёд этиш инсоний бурч // Ислом нури. 2013 йил 9 май. – Б. 2.

² Суяндик Мустафо Нуротой. Мунаввар кадамжолар. – Тошкент: Noshirlik yog’dusi, 2011. – Б. 77.

³ Шайх Абдулазиз Мансур: «Азиз-авлиёларга атаб қабристонларда қурбонликлар қилиш, қабрларни тавоф этиш бидъатдир <https://www.xabar.uz/madaniyat/shayx-abdulaziz-mansur-aziz-avliyolarga-atab>

ва маданиятнинг юксалишига сабаб бўлган. Воҳа ҳудудида жойлашган аллома, авлиё, пир, саййид, хўжа, тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар аҳоли турмуш тарзининг бир бўлагига айланиб ташриф давомида зиёратчилар нафақат табаррук зотларга бўлган ҳурматни, балки жаҳон ислом маданиятининг бир бўлагига ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг фан йўлидаги хизматлари, уларнинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлардан ҳам хабардор бўладилар. Энг муҳими, олимларнинг ислом фани йўлида қолдирган маданий мерослари, ҳадис илми ривожига қўшган хиссалари ёшлар, маҳаллий аҳоли учун ўрناк бўлиб қолади.

А.Уайсованинг фикрича, дунёда диний туризмнинг асосий йўналишлари муқаддас одамлар, муқаддас жойлар ва диний байрамлар билан алоқалар туфайли ривожланмоқда¹. Шундай экан, ички туризмни ривожлантиришда Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларининг маданий-маърифий аҳамиятидан келиб чиқиб, авлиё, тарихий шахслар номи билан боғлиқ кичик рисола, китоб ва йўл кўрсатгичларни нашр қилиш муҳимдир. Бошқа томондан, зиёратгоҳларнинг аксарияти, таъмирлаш (реставрация) ишларига муҳтож бўлиб, уларни илмий ўрганиш ва кенг омма билан таништириш фан вакиллари, тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Юқорида кўрсатилган факт ва маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, воҳа зиёратгоҳлар персонификациянинг аҳамияти масаласи аҳоли маънавий турмуш тарзида ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун хизмат қилган шахслар фаолияти, уларнинг қилган амаллари, айтган сўзлари бугунги ёшларимиз учун ўғит, насихат, ҳаёт йўлларида йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. Мазкур зиёратгоҳларга ташриф аҳоли ҳаётида нафақат сиғиниш объекти балки ўзаро бирлаштирувчи, даволовчи, когнитив, коммуникация алоқаларини мустаҳкамлашга, энг муҳими руҳий маънавий тарбияланишларида муҳим рол ўйнайди. Ҳудуднинг ҳар бир зиёратгоҳи мақсадларни амалга оширувчи ёки соғломлаштирувчи

¹ Уайсова А. Мотивы путешествия и анализ потребителя сакрального туризма // Международный научно-исследовательский журнал. – 2019. Апрель. Часть 2. №4(82). – С. 34-38.

функцияга эга. Мазкур манзилларни ободонлаштириш ва таништириш муҳим вазифалардан биридир.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР:

1. Қашқадарё воҳасида ўрта асрлар даврига тегишли зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши Амир Темур ва Темурийлар даври билан боғлиқ бўлиб, айнан буюк соҳибкироннинг ўзи авлиё ва пир устозларга нисбатан ҳурмат мақсадида уларнинг қабрларини сағана, мақбараларга айлантирган бўлса, кейинги йилларда маҳаллий аҳоли томонидан XVI-XIX асрларда яшаган тарихий шахслар, ислом оламида шайх, хўжа, саййид мақоми билан авлиё даражасига кўтарилган шахслар номи билан боғлиқ қабрлар зиёрат маскани сифатида улуғланган. Қабрлар орасида афсона мифлар мазмуни билан боғлиқ рамзий қабрлар ҳам бўлиб, бу тарихий шахсларнинг шу ерда туғилганлиги ёки айнан шу ерда бўлганлигини изоҳловчи фактлар билан жой номи аталган. Зиёратгоҳларнинг аксарияти Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманларида жойлашган бўлиб, бошқа туманларда фақат маҳаллий аҳолигагина маълум зиёратгоҳлар бор. Мазкур шахсларнинг қабрлари ва яшаган манзилларида рамзий зиёратгоҳлар ташкил этилган бўлсада, навбатдаги вазифамиз буюк шахсларнинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихини кенг оммага таништириш, мазкур зиёратгоҳларни нафақат республика, балки жаҳон аҳамиятидаги зиёратгоҳлар руйхатига кўшиш, ислом уламолари ҳаётини илмий ўрганиш, авлиё даражасидаги шахсларнинг қилган ишлари, алоҳида аҳамиятга эга бўлган хислатлари ва фаолиятларининг энг муҳим жиҳатларини рисола тарзида нашр қилиш лозим бўлади.

2. Воҳа зиёратгоҳлари архитектура-меъморий услублари ислом маданиятининг намуналарини бирлаштирган ёдгорликлар эканлиги, уларнинг аксарияти Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилганлиги аниқланди. Шунинг учун зиёратгоҳларда қурилган мақбарлар тузилиши ва кўриниши Темурийлар даври меъморчилик услуби аъналарини такрорлайди. Зиёратгоҳлар қурилишининг ўзига хос жиҳати, у ерда мақбара сағаналар билан бирга, албатта зиёратгоҳлар ёнида ибодат учун масжид ҳам бунёд этилган. Худуд архитектура меъморчилиги IX-XII асрларда, асосан Сомонийлар давридан аллома ва авлиёлар қабри устига

марказий хонаси гумбазсимон услубдаги мақбаралар қурилиши билан бошланган бўлса, мақбаралар атрофи масжид, азон айтадиган минора, сувдан фойдаланиш учун ховуз, таҳоратхона, баъзи жойларда тасаввуф вакилларининг чилла сақлаши, ибодат қилишлари учун чиллахоналар, ҳатто мадрасалар ҳам бўлганлигини кўриш мумкин. Даҳма архитектура услуби жиҳатдан ўзига хос баланд кўлоҳи гумбаз билан ёпилган. Даҳма ўймакор ёғочдан солинган, нақшлари бор. Зиёратгоҳ атрофидаги мақбара ва унинг ичидаги қабрларни кўриб, авлиё даражасида шахс дафн этилган жой маҳаллий аҳоли томонидан улуғланиб, унинг атрофида қабрлар пайдо бўлишига ва бу зиёратгоҳ қабристон пайдо бўлишига олиб келади дейиш мумкин. Чунки дастлаб бир аллома ёки авлиё қабри пайдо бўлади, кейин атрофи қабристонга айланади. Шунингдек, мақбараларда сандиқ қабртош кўринишидаги ёдгорликлар ҳам учрайди ва унинг ёзувлари сулс хатида юксак дид билан ёзилган. Бундай ёзувлар одатда, қабрининг кимга тегишли эканлигини билдиради.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, зиёратгоҳларда қабрлар мавжуд бўлган жойларда сув тўпланадиган ховузларнинг бўлиши ҳам ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланган. Ховуз қабрлардан чиқадаган сувларни йиғиш, намликни ва қуруқликни етарли миқдорда таъминлаш, қурилиш-таъмирлаш ишларида сувни сақлаш вазифасини бажарган. Масжид гумбази жамоат намозида овознинг ҳамма жойга бир хил эшитилишини таъминлаган. Қаерда таниқли аллома, авлиё мақбараси бўлса, у ерда масжид, мадраса, дарс хужралари бўлган. Бу ўша жойнинг маънавий марказ бўлганини ҳам кўрсатади.

3. Воҳа зиёратгоҳлари тарихини, унда дафн этилган шахслар номи, фаолияти, илму ирфони, қилган амалларини ёшлар, маҳаллий аҳолига таништириш миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан маъсулиятни, миллий манфаат устиворлигини, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига, қонунларга ҳурмат ва иттиқдорлик, вазминлик, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқаларни шакллантиришга хизмат қилади. Бошқа томондан, мазкур зиёратгоҳларни ёшлар орасида тарғиб қилиш орқали бугунги ёшларимизни тарих билан қуроллан-

тиришимиз ва уларда шундай юрт фарзандлари эканлигини яна бир бор тасдиқлаб, уламою фузало даражасидаги инсон бўлиб етишишлари учун ўқишлари, илм билан шуғулланишларига мотивация беришимиз мумкин бўлади.

Зиёратгоҳларга ташриф жамиятда инсоннинг ниятларини амалга оширувчи восита ёки амалга ошган ниятларига мадад берувчи куч сифатида қаралса, иккинчи томондан, ажодлар билан кўринмас ришта вазифасини ҳам бажаради. Воҳа зиёратгоҳлари орасида Ҳазрат Башир зиёратгоҳи фарзанд кўриш умидида ташриф буюрганлар бўлса, Лангар ота зиёратгоҳлари орзу умидларни амалга ошириш, тарихий зиёратгоҳларда бўлиш мушкулларни осон қилиш функциясига йўналтирилган. Шунингдек, аҳоли орасида даволовчи хусусият сифатида қараладиган зиёратгоҳлар Деҳқонобод тумани Хўжаипок ота қадамжоси, Китоб тумани Оқ сув зиёратгоҳи, Китоб тумани Неъматулло Валий зиёратгоҳларидаги сув булоқлар соғломлаштирувчи, касалликларни даволовчи сифатида фойдаланилади.

Айтиш мумкинки, зиёратгоҳларда амалга ошириладиган турли маросим ва урф-одатлар гарчи тўлиқ ислом қонун-қоидаларига мос келмаса-да, аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифидан асосий мақсад фақат орзу-умидларини амалга ошишини сўрашгина эмас, балки шу ерда ётган табаррук зотларнинг ҳаёти ва фаолиятларини ўрганиш, унинг маънавий-тарбиявий жиҳатларини тарғиб қилиш бўлган. Мазкур жойлардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдизларига эга. Шу маънода, воҳа аҳолисининг ҳаётида, ижтимоий турмуш тарзида муҳим роль ўйнаган диний культ билан боғлиқ масалаларни бугунги кун нуқтаи назаридан ислом уламолари томонидан кўриб чиқиши ва бу йўналишда аҳолига тушун-тириш ишлари олиб борилиши долзарб масала ҳисобланади.

Ш БОБ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ ШАХСЛАР, УЛАМОЛАР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЗИЁРАТГОҲЛАР КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ

3.1. Сурхондарё вилоятида мавжуд зиёратгоҳларнинг географик жойлашуви ва персонификацияси таснифи

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти, нафақат Марказий Осиё, балки шарқнинг қадимги маданий марказларидан бири ҳисобланган. Ҳудуд тарихий-маданий ёдгорликларининг кўплиги ва асрлар оша узлуксиз равишда тараққиёт жараёнларида иштирок этган. Сурхон воҳасидаги муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш ва илмий таҳлил этишда, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уни юзага келтирган ижтимоий-иқтисодий ва маданий воқеликлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Муқаддас зиёратгоҳда дафн этилган шахсларнинг халқ олдидаги хизматлари, тинчликни сақлаш, халқни босқинчилардан ҳимоя қилиш ва ғалабани таъминлашдаги қароматлари, турли хил касалликлар, оғатларни олдини олишдаги ҳаракатлари халқ томонидан эътироф ва ҳурматга сазовор бўлган.

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда Сурхон воҳасининг ўзига хос қадимий, тарихий обидалари қадимшунос олимлар томонидан ўрганилиб, муқаддас зиёратгоҳларнинг ҳудудини, географик жойлашуви, архитектураси, меъморчилигини илмий ўрганиш масаласида бир қатор натижаларга эришилди¹. Чунки Сурхондарёда дунёда машҳур ва мусулмон оламида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган Абдуллоҳ Термизий, Адиб Собир Термизий, Аловуддин Термизий, Аҳмад Термизий², Ҳаким

¹ Бу ҳақда қаранг: Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазов Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б.; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазов Б. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 590 б.; Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2008. – 152 б.; Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 560 б.; Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – 352 б.; Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жаркўрғон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. – 320 б.

² Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2008. – Б. 120-124.

Термизий, Варроқ Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Абу Исо Термизий, Абул Музаффар Термизий, Саййид Бурхониддин Хусайн Термизий, Алоуддин Аттор, Дақиқий, Саййид Аъло ал-Мулк, Саййид Амир Абдулло Хожа Самандар Термизий каби алломалар етишиб чиқкан ва улар ислом илмлари соҳиблари сифатида фаолият олиб борганлар¹.

Сурхондарё вилоятидаги энг йирик зиёратгоҳлар Термиз ва унинг атрофида жойлашган бўлиб, уларнинг сафига Ҳаким Термизий, Зу-л-Кифл, Қирққиз саройи, Султон Содот мақбаралар мажмуи, Кокилдор ота, Мурч бобо сағанаси каби ёдгорликлари киради. Бу объектлар турли давр воқеа-ҳодисалари таъсирида шаклланган бўлиб, ўзининг географик ва тарихий жойлашуви билан бошқалардан ажралиб туради.

Сурхон воҳаси зиёратгоҳларини ўрганиш жараёнида, бир феноменга дуч келиниши мазкур ҳудуд Қашқадарё воҳасидан гарчи улар бир-бирига яқин жойлашган ва маданиятларда ўзаро алоқадорлик бўлса ҳам зиёратгоҳларнинг шаклланиш тарихида хилма-хиллик кузатилади. Бу ҳудудда, бевосита Эрон маданияти, ислом дини ва маданиятининг таъсири остида саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар кўп учрайди. Воҳадаги муқаддас қадамжоларнинг аксариятини рамзий қабрлар ташкил этиб, уларни ўрганишда айнан шу жиҳатига, яъни қабрни мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра, 2 гуруҳга таснифлаш мумкин:

1. Дафн этилган қабрлар (ҳақиқий). Ислом дини уламолари, ҳадисшунос олимлар ва тарихий шахслар номи билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар киради.

2. Рамзий қадамжолар. Рамзий зиёратгоҳга халқ орасида ҳурмати баланд бўлган киши ёки ислом йўлида саҳоба ҳисобланган, пир, тўра, авлиё даражасига кўтарилган шахс номи билан боғлиқ ёки шахси номаълум афсоналарга асосланган ташриф масканлари ташкил этади. “Рамзий қабр” арабча “рамз”, “белги”, “ишора” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тили этимологик луғатида кўра, “ишора қилиб турувчи” маъносини билдиради, яъни умумий тушунчада ҳурмат ишораси, белгиси сифатида ўзлаштирилган.

¹ Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 8-15.

1. Ҳақиқий (дафн этилган) қабрли зиёратгоҳлар. Сурхондарё муқаддас зиёратгоҳлари кесимида бир муҳим ҳолатни кузатиш мумкин. Зиёратгоҳларнинг катта қисмини ислом дини ва маданиятининг таракқиётига катта ҳисса қўшган машҳур шахслар исмлари билан боғлиқ. Термизда ўрта асрларда маданий-маърифий марказ сифатида тасаввуф илми шаклланган бўлса, IX-X асрларда диний илм таълимоти, ҳадисшунослик ривожланган ҳудуд, саййидлар ва фозиллар етиштирган юрт ҳисобланган.

а) ислом фани маданияти ва адабиёти ривожига ҳисса қўшган алломалар зиёратгоҳлари. Воҳада ҳақиқий деб ҳисобланган қабрлардан энг йириги Шеробод туманида ҳадис илмининг буюк асосчиларидан бири, ислом дунёси ҳадисшунослигида Имом Бухорийдан кейин иккинчи ўринда турувчи аллома, кўплаб асарлар муаллифи, муҳаддис олим Абу Исо Термизий дафн этилган (X-XI асрлар) зиёратгоҳ бўлиб, у туманнинг шарқий томони олти километр масофадаги Яхтийўл маҳалласи ҳудудидаги қабристон ёнида жойлашган¹.

Абу Исо Термизий ёшлигидан зийрак, ақл-идрокли бўлиб, аввал Термизда, кейин Бухорода таълим олган. У талабалик йилларида ислом илоҳиётига, ҳадис илмига сидқидилдан эътиқоди кучайган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Ёшлигидан илм-фанга ташна бўлган Абу Исо Термизий 26 ёшидан бошлаб, ислом илоҳиёти ва ҳадиснавислиги билан бирга, Макка, Мадина, Ироқ, Хуросон, Дамашқ каби шаҳарларда бўлганида илмул қироат, илмул баён, фикҳ, тарих, фалакиёт каби фанларни мунтазам ўрганиб, йирик қомусий олим сифатида етишган ва илм оламида машҳур бўлган².

Ислом оламида “Сихоҳи ситта” (Олти ишончли тўплам) номи билан машҳур ҳадис китобларидан бирининг муаллифи, буюк муҳаддис аллома ҳижрий 209 (мил. 824) йилда Термиз яқинидаги

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Яхтийўл маҳалласи. 2019 йил 7 август. 4-дафтар.

² Қодиров Б.О., Ҳайдаров Т.Ҳ. “Саҳиҳи Термизий” – жаҳон илм хазинасининг нодир намунаси // ал-Ҳақим Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 52-55.; Турсунов С. Термизий буюк сиймолар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 20.

Буғ кишлоғида таваллуд топган¹. Ибн Амирнинг қайд этишича, Термиздан олти фарсах (48 км) узоқликда жойлашган Буғ деган жойда (ҳижрий 279 /милодий 892) душанба куни вафот этган². Буюк муҳаддис олим Абу Исо Термизийнинг асарлари ислом дунёсида катта аҳамиятга эга бўлиб, “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” (Ишончли тўплам), “ал-Жомеъ ал-Қабир” (Катта тўплам), “Саҳиҳ ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий” (Термизий суннатлари), “аш-Шамоил ан-Набавия” (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари), “Улум ал-ҳадис” (Ҳадис илмлари), “ал-Илал фил-ҳадис” (Ҳадислардаги иллатлар ёки нуқсонлар) каби номлар билан ҳам юритилган³.

Юқорида таъкидланганидек, Сурхондарё воҳаси термизийлар етиштирган ҳудуд ҳисобланади. Абу Исо Термизий ва кейинги даврда бу ўлкада, ислом илмининг ривожланиши турли соҳаларда термизий олимларни етишиб чиқишига сабаб бўлган.

Айтиш лозимки, бунда Марказий Осиёда айнан тасаввуф таълимоти етакчилик қилган ва ҳақимия тариқати таркиб топишига асос бўлган⁴, Сурхондарё тасаввуф мактаби отаси Ҳақим Термизий бўлиб⁵, Термиз туманида мазкур номдаги X-XIV асрларга тегишли меъморий ёдгорлик намуналарини ўз

¹ Абу Исо Муҳаммад Термизий. Сунани Термизий (ҳадис тўплами) / Тарж.: Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б. 12; Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳақим ат-Термизий). – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 6.

² Асомиддин Т., Жўраев Н. Термизлик буюк сиймолар. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2001. – Б. 18.

³ Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳақим ат-Термизий). – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 11-12.; Уватов У. Имом ат-Термизий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 19-28.

⁴ Раҳимов К. Мовороуннахр тасаввуфи тарихи: таълимнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б. 33.

⁵ Ҳақим ат-Термизий шахси ва ижодиёти ҳақида батафсил қаранг: Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 56.; Аннаев Т.Ж. ал-Ҳақим ат-Термизий. – Тошкент: Мерос, 1998. – 78 б.; Омонтурдиев Ж. Ҳақим ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет. 2000. – 96 б.; Ҳақим ат-Термизий. – Тошкент: Маънавият, 2001; Исаев А., Эргашева С., Исаев О. IX-XII асрларда Термиз маданияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.; Жалол Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд-Термиз, 2001. – 27 б.; Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 128 б.; Турсунов С.Н. Термизий буюк сиймолар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 17.; Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, ал Ҳақим ат-Термизий). – Тошкент: Шарқ, 2005. – 78 б.; Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз таъқираси. – Тошкент: ЎМЭ, 2017. – 528 б.; Турсунов С.Н., Чориев Р.Қ., Муртазов Б.Х., Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. – 288 б.

ичига олган. Зиёратгоҳ IX асрда яшаб, фаолият юритган сўфийликдаги ҳакимийлик тариқатининг асосчиси, машҳур термизлик олим, қатор диний-фалсафий асарлар муаллифи, йирик зоҳид Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн¹ Ҳаким Термизий (ваф. 869)² номи билан боғлиқдир.

Ҳаким Термизий нафақат зоҳирӣ, шу билан бирга, ботиний илмларни чуқур эгаллаган уламолардан бўлганлиги учун “ал-Ҳаким”³, “Донишманд Термиз ота”⁴, “ат-Термизий” лақабини эса, термизлик бўлганликлари учун олганлар⁵. Алишер Навоӣ “Насойим ул-муҳаббат” асарида, Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий иккинчи табақадандур деб, уларни Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Ҳузравайҳ ва ибн Жалло билан суҳбатга киришганлигини ҳамда олимнинг “Хат ул-валоят”, “Наҳаж”, “Наводир ул-усул”⁶ ва кўпгина китоблари борлигини айтади.⁷

Ҳаким Термизий машҳур муҳаддис ва тасаввуф шайхларидан бўлиб, отаси ва онаси ҳадис илмида билимдон бўлганликлари ва дастлабки таълимни улардан олганлиги келтирилади⁸. Аллома 25

¹ Баъзи маълумотларда Ҳусайн баъзиларида Ҳасан номи келтирилади. Бу ҳақда ҳатто таниқли олим У.Уватов ҳам тадқиқотида келтириб ўтади. Қаранг: Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 40-41.

² Олимнинг туғилган йили тўғрисида ҳам турли баҳслар олиб борилиб, VIII асрнинг ўрталарида дунёга келганлиги ёши 120 йил умр кўрганлигини таъкидлайдилар. Қаранг: Муртазов Б.Х. Ҳаким Термизийнинг таваллуди ва вафоти санлари баҳсига доир // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 15-19.

³ Омонтурдиев Ж. ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 6.; Усмонов И. ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 14.

⁴ Чориев З.У. ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганиш тарихидан (тадқиқотлар шарҳи ва асосий вазифалар) // ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 5-8.

⁵ Усмонов И. ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари. дис. автореф. – Тошкент: ТИУ, 2007. – Б. 13–14; Ўзбекистон мусулмонлари идораси маълумотномаси. – Тошкент, 2004 йил, март. – Баённома №2.

⁶ Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 28.

⁷ Навоӣ Алишер. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. – Тошкент: А.Навоӣ номидаги давлат музейи, 2001. – Б. 84.

⁸ Аш Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут, 1993. – Б. 5-6.; Жалолиддин Мирзо. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: San’at jurnali. 2007. – Б. 10-15.

ёшгача Мовароуннахр шаҳарларида таълим олиб, 27 ёшида Маккага Ҳаж амалини ўташ учун йўлга чиқади¹. Ҳаким Термизий Шом, Бағдод, Миср мутасаввуф олимлари билан ҳам мулоқотда бўлиб², Халифа Маъмун Бағдодда таъсис этган илм маскани Байт ул-ҳикмада фаолият кўрсатган олиму фозиллар орасида алоҳида шуҳрат топиб, “Қидват ул-авлиё”, яъни “Авлиёлар йўлбошчиси” деган ном билан танилган³. Ҳаким Термизийнинг таълимоти ибодат ва маросим шариати, тасаввуф ҳамда эътиқод каби уч йўналишдан иборат бўлган⁴.

Ҳаким Термизийнинг 400 дан ортиқ асарлар ёзганлиги, улардан 57 таси бизгача етиб келганлиги ҳақида баҳсли маълумотлар келтирилади⁵. Уларнинг айримлари ҳозирда ЎЗР ФАШИ қўлзёмалар фондида, Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истамбул, Лондон каби шаҳар кутубхоналарида сақланади⁶. Масалан, ҳакимиянинг мақомотлари, низомлари, пир-муридларга қўйиладиган талаблар, зикр ва ибодат усулларига бағишланган “Китоб ан-нажох” (Йўл-йўриқлар китоби), “Хатм ал-авлиё” (Валийлар муҳри), “Адаб ун-нафс” (Нафс одоби)⁷, “Назоир ал-Қуръон”⁸, ақоидга доир “Усул ал-муваҳҳидин”, “Наврўзнама”,

¹ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / Пер. с англ. М.Г. Романова. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2004. – С. 118.

² Раҳимов К. Мовароуннахр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б. 33.

³ Гойипов З. Тафаккур самосидаги ёркин юлдуз // *Moziydan sado*. – 2001, 4 (12)-сон. – Б. 18-19.

⁴ Жумакулов Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг сўфийлик тариқатида валийлик ва каромат тушунчалари (“Кашф ул маҳжуб” асари асосида) // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 24-26.; Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 69.

⁵ Бу ҳақда батафсил: Аш-Шайх Комил Мухаммад Мухаммад Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут, 1993. – Б. 10-11.; Абдуллаев А. Ҳаким ат-Термизий ҳаёти, ижоди ва таълимоти // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 19-21.

⁶ Абдуллаев Р. Ал-Ҳаким ат-Термизий (аллома ҳаётномаси) // *Moziydan sado*. – 2001, 4(12)-сон. – Б. 20-22.

⁷ Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 40.

⁸ Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ал-Усул” асари ҳақида // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 26-27.

“Солнома” каби асарлари машхурдир¹. Ҳаким Термизий Термизга қайтгач, Жайхун яқинида масжид ва хонақоҳ курдирган. Олим вафотидан кейин ушбу хонақоҳда дафн этилган².

Жарқўрғон тумани Ҳайитобод қишлоғидаги Ҳаким Термизий мақбарасига яқин жойда Варроқ Термизийнинг қабри борлиги тўғрисида фикрлар юритилади. Қабр IX-X асрларда мавжуд бўлиб³, қабристон ёнида Ҳайитобод масжиди қурилган⁴.

Аллома тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар сақланиб қолинган бўлиб, хусусан Фаридиддин Атторнинг асарида⁵, Алишер Навоий Варроқ Термизийни асли Термиздан эканлиги, шайхлик даражасига эришган аллома бўлиб, “Варроқ” тахаллусини олишига унинг касб-кори ишора бўлганлигини таъкидланади⁶. Варроқ қадимий ва кўҳна китобларни қайта кўчириш ва муқовалаш билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан ишлатилган⁷.

Абу Бакр Варроқ Термизийнинг (ваф. тах. 907) таваллуд саналари аниқ эмас, бироқ Балх шаҳрининг Аёз деган жойида дунёга келганлиги айтилади. “Шайх ал-ислом” унвонига эга бўлиб, замондошлари уни “Илм ва ҳикмат хазинаси”, деб атаган. Абу Исо Термизийнинг тоғаси бўлиб⁸, Варроқ Термизийнинг “Китоб ал-ихлос”, “Китоб ал-хуроф”, “Китоб ал-ажаб”, “Китоб

¹ Буюк алломаларимиз / Масъул муҳаррир З.Исломов – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 13.

² Уватов У. Ҳаким ат-Термизий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 52-58.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти. Термиз тумани, 2020 йил 19 август. 4-дафтар.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Ҳайитобод қишлоғи. 2020 йил 21 август. 3-дафтар.

⁵ Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 412-416.

⁶ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. Нашрга тайёрловчи А. Мадраимов ва бошқ. – Тошкент: А.Навоий номидаги давлат музейи. 2001. – Б. 84-87.

⁷ Суёнова Ҳ. ал-Ҳаким ат-Термизийга Абу Бакр Варроқ Термизий севимли ва садокатли шогирд сифатида // Давр, замон, шахс Республика илмий- амалий анжумани. Биринчи қисм. – Сурхон нашр, 2016. – Б. 43-45.

⁸ Турсунов С.Н., Чориев Р.К., Муртазов Б.Х., Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. – Б. 176-177.

хақиқат ал-бойин”, “Одоб ал-олим ва-л-мутааллим” каби таснифотлари мавжуд¹.

Кумкўрғон тумани Хўжа қишлоғида, пахта даласининг бўйида Саййид Жамол ва Саййид Камол Термизийларнинг VIII-IX асрларга мансуб қабри бўлиб, маҳаллий аҳоли вакилининг айтишича, Жамолиддин Термизий диний ва дунёвий илм соҳиби бўлиб, фалакиётшунос олим бўлган. У кишининг “Ҳисоботул ал-ҳисоб” асари мавжуд. Камолиддин Термизий мироб бўлган, кўзалар ва сардобалар қурган, Мовароуннаҳр ҳудудида 13 та сардоба қурдирган. У кишининг “Иқлим ал-Мўътадил”, “Иқлим ас-Сиюм”, “Табобат ал-Иқлим” асарлари ёзилган².

Олтинсой тумани Кичик Вахшувор мавзесида нақшбандия тариқатининг “олтинчи силсиласида” йигирманчи пир сифатида тилга олинган аллома Мавлоно Муҳаммад Зоҳид (ваф.936/1529) номи билан машҳур зиёратгоҳ мавжуд. Аллома Яъқуб Чархийнинг³ невараси бўлиб тақво ва илм замонасининг яғонаси бўлган. “Равзат ул-ислом” китоби муаллифи келтиришича, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид Ҳисор вилоятидаги айрим халифалардан тариқат таълимини олади, тунлари бедор бўлиб зуҳд (азоб) чеккан. Шу сабабли ҳам унга Зоҳид исми берилган. Мавлоно Муҳаммад Зоҳид нақшбандийлар раҳнамоси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) суҳбатида бўлиб, иршод олиб қайтган ва ўз юртига шу йўналишда муридлар тарбиялаган⁴. Алломанинг қабри Вахшуворда жойлашганлиги қайд этилади.

Сурхон ваҳоси нафақат диний илмлар балки дунёвий илмлар ривожига ҳисса қўшган олимларни ҳам етказиб берган ва ҳудудда бундай номдаги зиёратгоҳлар мавжуд. Воҳада ўзбек мумтоз адабиёти, тасаввуф илми анъаналари давомчиси, шоир ва

¹ Пардаев Т.Р. Хожа Варроқ Термизий ва унинг маънавий мероси // Ал-Ҳаким Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004. – Б. 48-50.; Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – Б. 56.; Турсунов С. Термизий буюк сиймолари. – Тошкент: Шарк, 2002. – Б. 17.

² Сурхондарё вилояти Кумкўрғон тумани Хўжа қишлоғида яшовчи зиёратгоҳ маъсул ходими Абдираимов Баҳодир билан бўлган суҳбат. – 2020 йил 21 август. 3-дафтар.

³ Қаранг: Саидова Г. Яъқуб Чархий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 245-248.; Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 302-304.

⁴ Асророва Л. Хожа Муҳаммад Зоҳид. – Тошкент: Ўзб халқаро Ислом академияси, 2020. – Б. 4-12.

мутафаккир Сўфи Оллоёр култи салмокли ўрин тутади. Сўфи Оллоёр (1644–1721) зиёратгоҳи Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғида жойлашган¹. Айтиш мумкинки, вилоятда шундай номдаги бир қанча қадамжолар ҳам мавжуд бўлиб, бу олимнинг аҳоли орасида ҳурмат эътибори юксак эканлигидан далолат беради. Масалан, Олтинсой тумани Пахтакор жамоа хўжалиги Оқарбулоқ қишлоғида Масжид ота зиёратгоҳи ҳам Сўфи Оллоёр қадамжоси деб изоҳланади.

Сўфи Оллоёр шахсий ҳаётига доир маълумотлар унинг асарларида тарқоқ ҳолда учрайди². “Рисолаи Азиза” асарида шоир 1634 йилда Миёнкол мавзесида қарашли Минглар қишлоғида таваллуд топган, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган ва Жўйбор шайхлари даргоҳида тарбияланиб диний ва дунёвий илмлардан ўз замонасида учун мукамал таълим олган³. Унинг “Маслак ул-муттақийн” (Такводдорлар маслағи), “Мурод ул-орифин” (Орифлар-донолар муроди), “Маҳзан ул-мутеъин” (Мутелар хазинаси), “Сабот ул-ожизин” (Ожизлар саботи) ҳамда “Қиёматнома”, “Муборак ҳаж сафари” каби асар ва лирик шеърлари мерос бўлиб қолган⁴.

Сўфи Оллоёр Катта Вахшувор қишлоғига 1710 йиллар атрофида келганида айтишларича, у ер илонлар макони бўлган ва аҳоли яшамаган. Шу сабабдан бу жой аҳоли ўртасида “Вахшимор яъни илонлар дараси” деб аталган Сўфи Оллоёр уларни бу маскандан ҳайдаб юборганлиги келтирилади⁵. Мутасаввуф олим ва валий Сўфи Оллоёр авлодлари⁶ ҳозиргача ҳаёт бўлиб, Катта

¹ Меликул Ханжар. Вахшувор ва Сўфи Оллоёр (Тарих хусусида уйлар). – Жайхун-Термиз, 1993. – 28 б.

² Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 370-375.

³ Сувоққулов И. Сўфи Оллоёр / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston 2018. – Б. 407-418.

⁴ Мирзо Меъроҷиддин. Сўфи Оллоҳёр ва Ислому шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 15-30.

⁵ Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Тошкент, Академнашр, 2015. – Б. 10-11.

⁶ Мирзаев Р. Шажара – аждодлар садоси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 20-23. Мирзо Меъроҷиддин. Сўфи Аллоҳёр ва Ислому шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 63.

Вахшувор кишлоғи, Шўрчи тумани ҳамда Самарқанд шаҳрида¹ ҳам истиқомат қилишади².

б) Саййидлар авлодига тегишли зиёратгоҳ мажмуалар.

Таъкидлаш ўринлики, баъзи бир зиёратгоҳлар минтақада машхур тарихий шахслар авлодига тегишли макбараларни ўзда бирлаштиради. Маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос мавқега эга бўлган объект бу Термиз тумани жойлашган Султон Содот мажмуидир. XI-XIX асрлар мобайнида Термиз саййидларининг оила аъзолари дафн этилган. “Саййид” сўзи араб тилида “жаноб” деган маънони англатади, шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.)нинг неваралари Ҳасан авлоди “шариф” ва Хусайн авлоди “саййид” унвонлари билан алавий саййидлар, алоҳида хусайний ёки ҳасайний саййидлар, деб юритилган. Саййидлар Яқин Шарқ ва мағриб ўлкаларида кўпроқ содот, ашраф ёки шариф номлари билан машхур. Тадқиқотчи олим Ў.Султоновнинг фикрича, Ўзбекистон ҳудудида саййидлар авлодининг тарқалиши тахминан IX-XIII асрлар сиёсий ва демографик омиллар таъсирида Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўчиб ҳаракатланган³. Саййид унвонига эга бўлганлар ўрта асрларда Марказий Осиёнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган⁴.

Термиз саййидлари номи асрлар давомида Термизда тасаввуф таълимоти ривожланиб, мактаблар шаклланганлигини кўрсатади. Н.Турсунов XVII аср бошларида, Термиз саййидлари шажараси араб тилидан форс тилига таржима қилинганда, исмларда хўжа термини пайдо бўлганлиги ва бу саййидлар номига хўжалар деб ҳам аташ умумий номда қабул қилинганлигини қайд этади⁵.

¹ Мирзо Меърождин. Сўфи Оллоҳёр ва Ислому шайх тарихи. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 60-76.

² Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она кишлогим. – Б. 14-15.

³ Султонов Ў. Ўрта Осиёда Саййидлар хонадонларининг шаклланиши хусусида // Imom Vixohiy saboqlari. – 2018, 1-сон. – Б. 27-30.

⁴ Бабаджанов Б.М. Содот-и Термез // Ислам на территории бывшей Российской империи. Том 1. – М.: Восточная литература, 2006. – С. 338–341.

⁵ Олим, тадқиқотида саййидлар номи хўжалар номидан юқори бўлганлигини ҳам таъкидлайди. Бу ҳақда батафсил: Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. Т: Akademnashr, 2012. – Б. 383-384.; Турсунов Н. Сурхондараё воҳаси хўжалари // Moziydan sado. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.; Турсунов С.Н., Чориев Р.Қ., Муртазов Б.Х., Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. – Б. 275-287.

Тарихий маълумотларда, Али ибн Абу Толибнинг авлодларидан бўлган Ҳасан Амир Жаъфар Термиз саййидларининг асосчиси деб қайд этилади. Ҳасан Амир 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда 11 йил яшаб, 861 йил Балхга, 865 йилда Термизга кўчади ва шу ерда бутунлай ўрнашиб қолади¹.

Термизлик Саййид Амир Абдулло Исмоил Сомонийнинг қизи Махзумага (ёки Моҳи сиймо) уйланади. Уларнинг фарзандларидан бошлаб термиз саййидлари исми шарифига XVII асргача Худовандзода лақаби қўшилган². Ўрта асарларда ҳозирги Султон Содот мақбараси жойлашган ҳудуд “Шаҳри Сомоний” номи билан ҳам юритилган. Термиз саййидларининг мақбараси ҳисобланган Султон Содот Сомонийлар даврида қурила бошлаган ҳамда Ғазнавийлар даврида мажмуанинг энг муҳим қисми қад кўтарган³.

Термиз саййидлари номи Амир Темур ва унинг хонадони билан ҳам боғлиқ бўлган. Соҳибқироннинг пирлари шайх саййид Барака ва саййид Шамсиддин Амир Кулол номи билан боғланган бўлса⁴, Темур авлодларининг саййидлар билан ўрнатилган никоҳи натижасида Қашқадарёда ҳам саййид авлодларининг вакиллари вужудга келган⁵.

Россия империяси даврида Термиз саййидлари ўзларининг азалий маскани бўлган Саловат қишлоғидан кўчирилган. Шу даврда Султон Содот мақбараси шайхи Азизхўжа Бухоро амири Абдул Аҳад (1885–1910) ҳузурига бориб, Термиз ҳудудидаги ерлар саййидлар сулоласига тегишли эканлиги тўғрисидаги ҳужжатни топширади. Шу тарика Термиз саййидларининг

¹ Жалолиддин Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 25.

² Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси ҳўжалари // Moziydan sado. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.

³ Жалолиддин Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд Термиз, 2001. – Б. 8.

⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Hilol nashr. 2016. – Б. 110-112.

⁵ Баъзи манбаларга кўра, Амир Темур қизи Султон Бахтбегимни Термиз саййидларидан бўлган Ҳасанга никоҳлаган ва Қашқадарё воҳасининг маълум бир қисм ерларини совга тарикасида берган. Саййид Ҳасан у жойда ўз лангарини (сўфийларнинг маконини) қурган. Бу ҳақда қаранг: Турсунов С. Термизий буюк сиймолари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 28–29.

фаолияти барҳам топади¹. XI асрдан то XIX асргача Термиз саййидларининг жасади Султон Содот макбарасига қўйилган.

Воҳада Кокилдор ота зиёратгоҳи (XII аср) ҳам бўлиб, Кокилдор ота Ҳаким Термизийнинг куёви сифатида келтирилади. Унинг асл исми Сомон Ашур Ҳамзаи Ҳофиз Кокилдор бўлиб, у 942 йилда Термизда Ҳамзаи Ҳофиз оиласида таваллуд топган. Сомон Ашур 21 ёшида сочини ўстириб, Кокилдор тахаллуси билан 341/952–53 йилда Қирққиз қалъасига илм ўрганишга ва ўргатишга юборилган. У Қирққиз қалъаси қизларига илми нужум, риёзиёт, хандасадан дарс берган. Шу даврда олимнинг “Шажараи Ҳофизия”, “Ривоёт ал-устоз” ва “Шажарот ал-калом” тарихий асарлари ёзилган. 966 йилда Кўшки Кокилдор макбараси қурилишига рухсат берилган. Унинг ҳоки ўзига атаб қурилаётган Кўшки Кокилдорга қўйилган². 2001 йил август ойида мазкур алломанинг ҳоки Султон Содот кабристонига кўчирилган³. Айтиш мумкинки, мазкур шахснинг мақомоти саййидлик даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Термиз туманидаги IX–XIV асрларга оид ёдгорлик Қирққиз қаласи жойлашган. Бу жой Ҳаким Термизийнинг қизи, Ҳурайда бинт Муҳаммад Ҳаким ва шунингдек, Варроқ Термизийнинг қизи, мазкур қалъа бошлиғи Руҳайда бинт Варроқнинг макбаралари мавжуд. Ҳурайда бинти Ҳаким ва Руҳайдаи Даврон IX аср охири – X аср бошларида яшаган етук олима ва турли шаҳарлардан келган илм толибларининг устози ҳамдир. Нафақат диний, балки дунёвий асарлар яратган Руҳайдаи Даврон “Табобат ул-зан” (Аёллар табобати), “Ривоят-ул ҳакимия” (Ҳакимия ривоятлари), “Ҳикмат ул-зан” (Аёллар ҳикматлари) Тафсири Қуръон “Илм ат-толибу зан” (Илм олувчи аёл одоби) каби асарлар муаллифи ҳамдир⁴.

Жарқўрғон туманидаги Хўжа қишлоғида ўз замонасида машҳур арбоб, элчи, жангчи ва тарихчи олим сифатида танилган, аҳоли томонидан пир деб эъзозланган Хожа Самандар Термизий

¹ Мирзаев Ж. Термиз саййидлари. – Самарканд: Археология институти, 2001. – Б. 16–18.

² Сомон Ашур Ҳамзаи Ҳофиз Кокилдор. Шажарот ал-калом. – Тошкент, тошбосма. – Б. 15–20. Гулсум Хўжашукурова шахсий кутубхонасида сақланади.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри. 2019 йил 28 июнь.

⁴ Хўжамшукурова Г. Қирқ қиз ёҳуд аёллар академияси // Талабалар дунёси. – Тошкент, 2009. №7 (09). – Б. 7.

(XVII–XVIII асрлар) зиёратгоҳи жойлашган. Хожа Самандар Термизий асли Термиз саййидларидан бўлиб, XVII–XVIII асрларда яшаб, салкам юз йил умр кўрган, замондошлари томонидан олов қалб, ўткир тилли, дея таърифланган¹. Мовароуннаҳрда Шайбонийлар сулоласи даврида (1500–1601) Термизда ҳокимият саййидлар қўлидан кетган, Аштархонийлар сулоласи даврида Термиз саййидларидан “Дастур ал-мулук” асари муаллифи Хожа Самандар Термизий яшаган давр эди². Н.Турсунов алломани Жалойир қишлоғи хўжаларидан бўлганлигини келтиради³. XVII аср охирида Бухоро хонлигида сиёсий-иқтисодий таназзул туфайли Термиз саййидлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлган.

в) тасаввуф вакиллари, сўфийлик даражасидаги авлиёлар номи билан аталувчи зиёратгоҳлар. Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Мовароуннаҳрлик мутасаввуф олим, авлиё нақшбандия тариқатининг олтинчи силсиласида ўн еттинчи пир сифатида тилга олинган Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси ва куёви Хожа Алоуддин Аттор дафн этилган (ваф. 1400)⁴. Асл исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад Хоразмийдир⁵. Тадқиқотчи олима Л.Асророва отаси хоразмлик бўлганлиги ва атторлик тижорати билан шуғуллангани қайд этади⁶. Айнан шу ўринда манокиблар⁷ (буюк кишилар, дин намояндалари ҳақида ёзилган хотира асари) ҳам мазкур авлиё ҳақида маълумот берилиб,

¹ Хожа Самандар ат-Термизий. Машриқ замин ҳикмат бўстони (Дастур ул-мулук). – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 18.

² Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма. Форс тожик тилидан таржима Ж.Эсонов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 4-9.

³ Турсунов Н. Сурхондарёё воҳаси хўжалари // *Moziydan sado*. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.

⁴ Маманазаров А., Сатторов Б. Денов дурдонаси. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2001. – Б. 13-16.

⁵ Абдурахим Ҳисорий. Тухфатул Ансоб. ЎзР. ФАШИ Асосий кўлэмза №5432.

⁶ Асророва Л. Алоуддин Аттор шахсияти // *Имом Бухорий сабоқлари*. – 2020, 3-сон. – Б. 44-46.

⁷ Манокиблар ҳақида тўлиқроқ: Khayitov Shavkat. The genre of manokib and the problem of a perfect human being // *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. – Volume 24, Issue 3, 2020. – Pp. 437-442; Асрар фи Манокиб -ал-Ахйар // *Вестник таджикского национального университета №3\3*. – Душанбе, 2017. – С. 15; Farrukhbek Olim. Abdurakhman jami and his children in manokibs // *International Engineering Journal For Research & Development*. – v. 6, n. 2, 31 Mar. 2021. – pp. 4.

Навоийнинг асарида Алоуддин Аттор Бухорий тахаллуси билан келтирилса¹, саййидлар табақасига мансублиги, насаби Али ибн Абу Толибнинг ўғли Имом Хусайнга бориб тақалиши қайд этилади. У ёшлик чоғиданок илмга ташна бўлиб, тафсир, ҳадис, ақоид илмларини ўрганган. Умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1400 йилда касалликдан вафот этган². Қабрлари Денов шаҳрида жойлашган бўлиб, мазкур қабристонда Хожа Алоуддин Аттор авлодлари қўйилган бўлиб, Шайх Аттори Валий ёки Остона бува деб ҳам номланади³.

Йирик сўфий, олим накшбандия тариқатининг улуғ намояндаси Хожа Аҳрор Валий (1404–1490) Ҳиротдан Яъқуб Чархий ҳузурига, Ҳисор водийсига бориб, накшбандия тариқати асосларини ўрганган⁴. У ердан Самарқандга қайтаётганда Чағониёнда маълум вақт яшаган⁵. Сафар чоғида Деновда бўлиб, Хожа Алоуддин Атторнинг набираси Хожа Муҳаммад Аттор билан учрашган⁶. Хожа Аҳрор Валийнинг қабрлари Самарқандда бўлиб, у ер ҳам катта зиёратгоҳга айланган.

2. *Рамзий маънодаги қадамжолар.* Сурхон воҳасида ислом оламида машҳур бўлган пайғамбар, саҳоба, хўжа, эшон, авлиё номлари билан улуғландиган зиёратгоҳлар мавжуд. Улар рамзий маънодаги мажмуалар ҳисобланиб мазкур қадамжоларнинг пайдо бўлиши тўғрисида маҳаллий халқ орасида турли ривоят ва афсоналар келтирилади.

¹ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. – Тошкент: А.Навоий номидаги давлат музейи. 2001. – Б. 265-266.

² Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг маънавий маданият тарғибот маркази, 1994. – Б. 28–30.

³ Маманазаров А., Сагторов Б. Денов дурдонаси. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2001. – Б. 16.; Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маънавий маданият тарғибот маркази, 1994. – Б. 9-13.; Асророва Л. Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бухорий сабоқлари. – 2020. 3-сон. – Б. 44-46.

⁴ Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т: Akademnashr, 2012. – Б. 373.

⁵ Орзибеков Р. Хожа Аҳрорнинг устози – Яқуб Чархий (устоз-шоғирд мактаблари) // Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тугган ўрни. Илмий-амалий анжуман маърузалари, тезислари. – Тошкент: Миллий университет, 2004. – Б. 84.

⁶ Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг маънавий маданият тарғибот маркази, 1994. – Б. 32–34.

а) пайгамбарлар култи.

Самарқанд Ҳазрати Довуд, Ҳазрати Дониёр номи билан аталган пайгамбарлар култи мавжуд бўлса, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ҳам пайгамбар номларига тегишли деб аталдиган зиёратгоҳ масканлари мавжуд¹. Масалан, Қуръони Каримда номи зикр этилган Пайгамбар Зу-л-Кифл номи билан боғлиқ² Термиз шаҳри яқинидаги Пайгамбар оролининг жанубий қисмида Зу-л-Кифл кадамжоси жойлашган³.

Ривоятларга кўра, Зу-л-Кифл мақбарасида Зу-л-Кифл пайгамбар эмас, бошқа бир авлиё қабри борлиги айтилади. Яъни Маккаи Мадинадан тўрт киши чиқиб, улардан бири авлиё бўлган ва у Афғонистон орқали келиб, Амударёдан ўтмоқчи бўлган. Ёўловчилар сувдан ўтишдан олдин сув бўйида дам олишган. Шу пайт авлиёга илҳом келиб: “Менинг жасадимни сандиққа солиб, оқизинглар. Сандиқ қаерда чўкса, ўша жой менинг мазорим бўлади”, дейди. Авлиёнинг ҳамроҳлари васиятга амал қилиб, уни сандиққа солиб оқиздилар ва у бир жойда чўкади. У ерда орол пайдо бўлиб, бу жой “Орол пайгамбар” деган номни олади. Авлиёнинг ҳамроҳлари мазор устига мақбара қуришади, бу жой муқаддас зиёратгоҳга айланади⁴.

Таъкидлаш лозимки, Ироқнинг Ҳилла шаҳри яқинида Зу-л-Кифл зиёратгоҳи, Туркменистоннинг Мари шаҳрида шу номдаги кадамжолар мавжуд. Зу-л-Кифл Термизга келмаган. Унинг зиёратгоҳи рамзийдир. Шунингдек, Олтинсой туманида Хидиршо қишлоғида Хидиршо зиёратгоҳи (XIV)мавжуд бўлиб, унинг номи Хизр пайгамбар исми билан боғлиқлиги ҳам келтирилади⁵.

б) саҳобалар култи. Саҳобалар култининг пайдо бўлиши ва ривожланишида турли конфессиялар ва ақидавий оқимларнинг фаолият кўрсатганлиги ҳам ўлкадаги зоҳидлик ҳаракати ва қа-

¹ Суюндик Мустафо Нуротой. Мунаввар кадамжолар. – Тошкент: Noshirlik yog’dusi, 2011. – Б. 12.

² Қуръони карим, 38: 48.

³ Дамашқнинг шимол тарафида Қосион ал-матал номли тоғ бўлиб, ундаги жойларнинг бири Зу-л-Кифл деб номланади Қаранг: Доктор Шавкий Абу Халил. Атлас ал-Қуръон. – Дамашқ, 2001. – Б. 100.; Обидов Р. Пайгамбарлар тарихи. Исломият тарихидан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 133.

⁴ Ислон энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 189-190.

⁵ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Тошкент: Ёзувчи, 2003. – Б.15.

рашларининг шаклланиши ва такомиллашуви муҳим ўрин тутган¹. Саҳобалар муқаддас ислом динини бутун башариятга етказиш йўлидаги барча машаққатларни зиммаларига кўтарган ҳамда бу вазифани тўла-тўқис адо этган зотлардир. Саҳобаларни яхши кўриш ва уларни пайғамбарлардан кейин энг афзал инсонлар бўлган² деб эътикод қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи ҳисобланади.

Сурхон воҳасида саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг бир нечтаси мавжуд бўлиб, Ангор туманида Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурахмон ибн Авф, Шеробод туманида Атоулла Саид Ваққос, Узун туманида Абу Хурайра, яъни Оқ остона бобо, Олтинсой туманида Саъд ибн Абу Ваққос, Хўжа Илғор, Хўжаипок зиёратгоҳлари, худди шундай номдаги Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Навоий вилоятларида ҳам мавжудлигини кўриш мумкин³. Аксарият зиёратгоҳлар номида “Ашша-раи мубашшара” (Жаннатий экани башорат қилинган ўн саҳоба) деб зикр этилган саҳобаларга урғу берилади. Ашараи мубашшара ислом дунёсида ҳаётлик чоғида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан жаннатий бўлганлиги башорат қилинган ўн саҳоба номи билан боғлиқ⁴.

Ана шундай зиёрагоҳлардан бири⁵ – Абдурахмон ибн Авфга (ваф. 654/32 хижрий) атаб барпо этилган Олтинсой туманидаги Хўжаипок зиёратгоҳидир. Абдурахмон ибн Авф Ҳабашистонга ва Мадинага хижрат қилган муҳожирлардан бўлиб, Бадр, Ухуд ва бошқа жангларда Муҳаммад пайғамбарнинг ёнида бўлган. У худ жангида 20 жойидан яраланган. Дастлаб фақир бўлган, кейинчалик тижорат билан шуғулланиб, бойиб кетган. Хайр-эҳсонни кўп қиладиган зот бўлган⁶.

¹ Раҳимов К. Мовороуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б. 35-39.

² Абдулқодир Абдул Раҳим. Эътикод дурдоналари. “Бадъул амалий” шарҳи. – Тошкент: Шарқ, 2016. – Б. 294.

³ Сунондик Мустафо Нуротой. Мунаввар қадамжолар. – Тошкент: Noshirlik yog‘dusi, 2011. – Б. 33-36.

⁴ Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳақида қисса. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1994. – Б. 23-27.; 101 улуғ саҳобий. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт бирлашмаси, 2018. – Б. 115-119.

⁵ Ўша манба. – Б. 115-119.

⁶ Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳақида қисса. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1994. – Б. 20-21.

Гарчанд Абдурахмон ибн Авф Мадинадаги Бакиъ қабристонига дафн этилган бўлсада, бироқ саҳийлик борасидаги эзгу хайрли ишлари туфайли мусулмон дунёсининг турли худудларида ўрта асрлардаёқ унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар вужудга келган.

Марказий Осиё худудида ҳам Абдурахмон ибн Авф номи билан боғлиқ бир нечта зиёратгоҳлар мавжуд. Масалан, Тожикистоннинг Ашт туманидаги Бобойи-об зиёратгоҳидан ташқари Шахристон ва Ҳисор туманларида ҳам унга атаб кадамжолар барпо этилган¹. Тарихчи Ҳ.Камолнинг таъкидлашича, Қурама ва Ҳисор тоғларидаги саҳоба Абдурахмон ибн Авф номи билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг пайдо бўлишининг сабаби унинг мусулмон дунёсида ғоят саҳийлиги билан машҳур бўлганлигидир².

Олтинсой тумани мукаддас зиёратгоҳларга бой бўлган худудлардан ҳисобланади. Туманда VI–VII асрларда яшаган саҳобалардан бири, ислом динини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган Хўжа Ҳасан Илғорий шарафига барпо этилган “Каптархона” номи билан танилган зиёратгоҳ (XIX–XX асрлар) мавжуд. Шунингдек, Хайробод тепа яқинида Хўжа Соат маҳаллада машҳур саҳоба Саъд ибн Абу Ваққос (ваф. 674) номи билан боғлиқ зиёратгоҳ бор³.

Саъд ибн Абу Ваққос номи ҳам “Ашараи мубашшара”дан (Жаннатий экани башорат қилинган ўн саҳоба)дан бири сифатида тан олинган. У маккалик илк мусулмонлардан саҳобалар орасида тўртинчи бўлиб исломга кирган⁴. Ҳижознинг Ақиқ деган жойида вафот этиб, Мадинада дафн этилган. Саъд ибн Абу Ваққоснинг вафот санаси бўйича икки хил маълумот мавжуд. Воҳидийнинг

¹ Сейди Али Раис. Миръотул мамолик (Мамлакатлар кузгуси). Таржима ва изоҳлар муаллифи Зуннунов Ш., Азимжонов С. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963. – Б. 97.; Абдулазизов С. Ҳақиқат дар бораи мазорҳо. – Душанбе: Ирфон, 1970. – Б. 7.

² Хамза Камол. История Северного Таджикистана. – Душанбе: Деваштич, 2005. – Б. 132.

³ Суюндик Мустафо Нуротой. Мунаввар кадамжолар. – Тошкент: Noshirlik yog‘dusi, 2011. – Б. 35-36.

⁴ Ибн ал-Асир. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1996. 2-ж. – Б. 452–453; Аҳмад Лутфий. Саодат асри киссаси. Интизор кутилган тонг. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 243–244; Абу Исо ат-Термизий. Суан ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997. 5-ж. 607-ҳадис.

айтишича, 55/674–75 йилда (83 ёшида) Абу Намининг фикрича эса, 58/677–78 йилда вафот этган¹.

Узун туманида Сурхон дарёсининг чап қирғоғидаги Оқ остона бобо қишлоғида машхур саҳоба, ровий, фақиҳлардан бири бўлган Абу Ҳурайра (602–679) номи билан боғлиқ Оқ остона бобо зиёратгоҳи (X–XI асрлар) жойлашган². Оқ остона бобо номи билан аталадиган қадамжо машхур саҳоба Абу Ҳурайра номи билан боғлиқ бўлиб, ҳаётлари давомида 5374 та ҳадис ривоят қилганлар³. Абу Ҳурайра култи тарқалиши сабаблари ҳозиргача яхши ўрганилган эмас⁴. Ҳар ҳолда у ҳадис илмининг Марказий Осиёда VIII–IX асрлар ислом дининг ривожланиши ва муваффақият қозониши билан боғлиқдир.

Шеробод тумани Чигатой қишлоғида Муҳаммад пайғамбарнинг сарбози, Ҳазрат Алининг яқин қариндоши, саркарда Ахтам саҳобага атаб курилган Ахтам саҳоба зиёратгоҳи (X–XI асрлар) жойлашган⁵. Шунингдек, Шеробод туманида Атоулла Саид Ваққос, Сулаймон ота, Жамолмерган ота, Хўжамукон ота, Хўжанқо ота, Қайриёғоч ота, Саййид ота, Қурбон Соат остонаси, Боботепа, Чўпон ота, Қирқчилтон ота, Кўктош Валий, Чўлпон ота, Работак қабристонини каби зиёратгоҳлар мавжуддир. Аҳоли уларни саҳобалар, илк араб саркардалари номлари билан боғлайди. Эътироф этиш лозимки, Ахтам саҳоба (Наманган, Тошкент вилоятлари), Чўпон ота (Самарқанд вилояти), Қирқчилтон ота култилари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам маълумдир.

в) насаблар (авлиё, эшон, хўжа) номи билан боғлиқ қадамжолар.

Воҳада дин йўлида хизмат қилган, муқаддас жойларда қароматли авлиёлар, тасаввуф намояндлари, олимлар, эшонлар

¹ Ибн ‘Асқалоний. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1995. 3-ж. – Б. 63–64; Ашараи мубашшара: жаннатий бўлган ўн саҳоба ҳақида қисса. – Тошкент: Мовароуннахр, 1994. – Б. 3.

² Пугаченкова Г.А. Ак-Астана баба // Советская археология. – Тошкент, 1960. № 3. – Б. 24.

³ Муҳаммад Абдурахмон ал-Муборақфурий. Тухфат ал-Ахвазий би-шарҳ Жоми‘ ат-Термизий. Зухд боби. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1990. 7-ж. – Б. 244.

⁴ 101 улуг саҳобий. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Тошкент халқаро ислом академияси, 2018. – Б. 151-158.

⁵ Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – Б. 79.

дафн этилган қабрлар ҳам мавжуд. Марказий Осиё эшон насабли аҳолининг аксарияти қишлоқда истиқомат қилгани фанда “Марказий Осиё қишлоғига хос тасаввуф” деб ҳам юритилади. Сурхондарё воҳаси хўжаларини тадқиқ қилган олим Н.Турсунов уларни мурид овламайдиган хўжалар ва мурид овлайдиган хўжалар ёки “эшонлар”га ажратади¹.

Қадамжолар орасида номлари номаълумлари ҳам учрайди. Лекин маҳаллий аҳоли уларни “авлиё” сифатида қабул этади. Жумладан, Ангор туманида Хўжа Рўшноий зиёратгоҳи XI–XII асрларга оид бўлиб, макбарада хоки ётган одамнинг асл исми номаълум. Аммо у ҳақда баъзи ривоятлар мавжуддир. Уларга биноан, мазкур авлиё кароматлари билан машхур бўлган. Шунингдек, Термиз шаҳрининг Адиб Собир Термизий кўчасида жойлашган Мурч бобо² зиёратгоҳи мавжуд. Мурч бобо макбара-расида, нақл қилишларича, сўфий Саййид Абдували Самарқандий дафн қилинган. Абдували Мурч бобо Самарқанддан Балх орқали ҳажга борган. Ҳаждан қайтишда йўлда қароқчилар белидаги тугунини кўриб, у кишини ўлдирган. Жасадларини шу ерга кўмиб, белидаги мурчни қабр устига сепиб ташлаган. XIX аср охирида Имом Али бой қабр устига макбара қурдиртиради ва фалажликдан вафот этади. Шу пайтдан бошлаб, бу жой зиёрат жойга айланади³.

“Такия” ва “работак” сўзлари сўфийлар қароргоҳи маъносини билдиради. Қизирик тумани Охунбобоев жамоа хўжалигининг Такия ота маҳалласида жойлашган Такия ота зиёратгоҳи⁴ (тахм. XII) аҳоли орасида маълум бўлиб, макбарада дафн этилган киши ҳақида айрим ривоятлар сақланиб қолган⁵.

Бойсун тумани Омонхона қишлоғида жойлашган Ҳазрат Султон Валий (XIV аср) зиёратгоҳи ҳақида ёзма тарихий

¹ Турсунов Н. Сурхондарё воҳаси хўжалари // *Moziydan sado*. – 2018, 3(79)-сон. – Б. 45-46.

² Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазев Б. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 130.

³ Чори Тоғаев. 1977 йилда туғилган. – Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, 2020 йил, 19 август. 3-дафтар.

⁴ Турсунов С.Н., Чориев Р.К., Муртазоев Б.Х., Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. – Б. 118-123.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Қизирик тумани Такия ота қишлоғи. 2020 йил, 18 август. 4-дафтар.

манбаларда маълумотлар мавжуд эмас. А.Холмирзаевнинг маълумотича, ўлимидан сўнг Султон Валий шу ерда дафн этилган¹. Ривоятларга кўра, Ҳазрат Султон Валий XIV асрда Балхда туғилиб, ўзига устоз излаб, Сиддиқ саҳоба билан бирга ҳозирги Омонхона дарасига келиб жойлашган². Шу ерда қирк кун чиллада ўтириб, “Балогардон” лақаб отига эга бўлган. Бойсундаги Паданг қишлоғида жойлашган Хўжақўшқарон объекти³ муқаддас зиёратгоҳ сифатида маҳаллий аҳоли томонидан эъзозланиб келинади. Аммо дафн этилган шахс ҳақида маълумотлар унинг тарихини аниқлаш имконини бермади.

Музработ туманида Навбаҳор маҳалласи Музработ қишлоғида XV асрга оид Музработ ота (Бузрук ота) муқаддас жойи жойлашган. Олтинсой тумани эшонлар ва уларнинг авлодлари дафн этилган катта гумбазли Қорахон Эшон бобо зиёратгоҳи (XVI аср) бор⁴. Сариосиё тумани худудида (XVII–XIX асрлар) Хуфтор қишлоғида яшаган, авлиё сифатида катта хурматга сазовор бўлган – Каримқул домла зиёратгоҳи мавжуд⁵. Шунингдек, халқ томонидан зиёрат қилинадиган, аммо шахси номаълум бўлган Ҳазрати Султон зиёратгоҳи, Миршоди қишлоғи Хўжайгор ёки Авлиё ота зиёратгоҳи (XVIII–XIX асрлар) мавжуд⁶. Шунингдек, ўлкада аёллар номи билан боғлиқ Бойсун тумани Ширинобод қишлоғида Бибиширин зиёратгоҳи жойлашган⁷.

Сурхондарё вилояти Юрчи кўрғони Дўстлик қишлоғида Биби Сарпуш⁸, Денов тумани Номозгоҳ маҳалласи Хайдарқул хожи бобо қабри⁹, Шеробод тумани Хўжамуқон қишлоғида Хўжа-

¹ Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 2001. – Б. 33.

² Зарипова М. Муқаддас зиёратгоҳлар халқимиз маънавиятининг белгиси // “Бойсун баҳори – миллий маънавиятимиз дурдонаси” халқаро илмий анжуманга бағишланган мақолалар тўплами. – Термиз: Сурхон нашр, 2017. – Б. 157–158.

³ Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 377.

⁴ Мирзаев Ж. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001. – Б. 18–34.

⁵ Турсунов С., Қурбонов А., Турсунов Н., Пардаев Т. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қутубхонаси, 2006. – Б. 98.

⁶ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 31–32.

⁷ Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 377–378.

⁸ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи кўрғони Дўстлик қишлоғи. 2020 йил 27 август, 3-дафтар.

⁹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани, 2019 йил 23 июль. 4-дафтар.

муқон ота, Шеробод тумани Талашқон маҳалласида Қирқчилтон ота (Қирқчилтон култи), Дўстлик маҳалласида Кўктош Валий, Навбоғ қишлоғида Чўлпон ота зиёратгоҳи, Бандихон туманидаги Шакарли ота, Бектепа, Улуғсой, Ҳайдарқул хожи бобо зиёратгоҳлари жойлашган. Шунингдек, Хонжизалик алломалар сифатида Сўфий Ҳисорий Хондизағий, Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизағий, Эшони Сафар халифа, Сўфий Айниддин Хондизағий (1869\1938) номларини¹ келтириш мумкин.

э) табиат култи билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Сурхондарёдаги зиёратгоҳларнинг яна бир муҳим хусусияти, уларнинг аксарияти кўпинча баланд тепаликлар ва адир ерларда жойлашиши рамзий маънода табиат култи билан боғлиқ ривоятлар асосида муқаддас қадамжолар ҳисобланади. Зиёратгоҳларда ҳайвонлар култи Кўппак ота зиёратгоҳи², Миршоди қишлоғи Кийик ота зиёратгоҳи (XVIII–XIX асрлар)³, Олтинсой тумани Хўжа Ҳасан Илғорий (VI–VII асрлар) шарафига барпо этилган «Каптархона» номи билан танилган зиёратгоҳ (XIX–XX асрлар), жойлашган. Тоғ, қадимги қалъа култи – Хўжаи Барку тоғи Ушр қишлоғида Хўжаи Ҳисор, Сариосиё тумани тоғ ҳудудида – Хўжаи Илғор зиёратгоҳи, тоғ остида Хўжаи Хубон (яхшилар Хўжаси)⁴, Хурсандтоғ тепасида жойлашган Чош қишлоғида Хўжаи Пирих (Қари муз хўжаси)⁵ зиёратгоҳлари, сув булоқлар култи – Сангардак қишлоғида⁶ Шарра мазор зиёратгоҳи⁷ (Сангардак форсийда «санги гирдак» – «айлана тош, юмалок тош» маъносини билдиради), Хонжиза маҳалласидаги Хонжиза қишлоғида Хурсанд тоғидан оқадиган дарёнинг бўйида Чашми

¹ Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – Тошкент: ЎМЭ, 2017. – Б. 380-391.

² Ит образи сўфийлик таълимотларида кенг тарқалган ҳодиса саналади.

³ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 29–30.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 25 июль.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Чош қишлоғи. 2019 йил 25 июль.

⁶ Саёх Саил Али Раис Санградак шаршараси тўғрисида айтиб ўтади. Қаранг: Сейди Али Раис. Миръот ул-мамолик (Мамлакатлар кузгуси). Тарж. Ш.Зуннунов, сўзбоши С.Азимжонов. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963. – Б. 97.

⁷ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 25 июль.

дивонахо (Девоналар булоғи), Десурх кишлоғидаги Қизилсой бўйида «Оби сурхон», Найҳо тоғининг тагида «Шайхлар булоғи» деб аталувчи булоқлари билан машхур¹, «Кўк тераклар булоғи»² каби зиёратгоҳлар бор. Хонжиза маҳалласи Дебодом кишлоғининг тепасида³ Хўжаи Мурид зиёратгоҳи, Дарвозахо зиёратгоҳлари, Хўжаи Асмин кишлоғи тепасида Кўйи сафет (Оқ тоғ) этагида Қирққиз (Чил духтарон) зиёратгоҳи⁴, Хўжаи Асмин номли авлиё билан боғлиқ зиёратгоҳ кишлоқ тепа қисмидаги Кўйи сафет тоғи этагида жойлашган. Бойсун тумани Темирдарвоза маҳалласи Дарбанд кишлоғида тоғ оралиғидаги дарада Хўжа майхона зиёратгоҳи жойлашган⁵. Даранинг чап томонида тоғ ён бағрида 2 та қабр бўлиб, аҳолининг айтишича бу жой Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг куёвлари Али (р.а.) нинг қабри⁶, иккинчи қабр кимга тегишлилиги ноъмалум. Бирок, тарихий манбаларга кўра Али (р.а.) бу ерга келмаган.⁷

д) шаҳидлар култи. Воҳада шаҳидлар култи – Хонжиза маҳалласида Шоҳидон тоғининг остида шаҳидлар учун тош билан ўралган Шаҳидон мазороти (Шаҳидлар мазори) бўлиб, дарахтлар култи – Хонжиза маҳалласи йўлининг чап томонида, кишлоқдан анча узоқда Мазори Тўқ зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, унинг атрофида дўлана дарахти бор⁸.

Умуман, Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжоларининг шаклланишида маҳаллий халқнинг илм-фан, ислом дини, касб-хунар, тиббиёт, ўзликни англаш, табиат ва жамият ўртасида уйғунликни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшган улуғ инсонлар маҳаллий аҳоли томонидан улуғ, муқаддас

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Десурх кишлоғи. 2019 йил 26 июль.

² Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза кишлоғи. 2019 йил 25 июль.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Дебодом кишлоғи. 2020 йил 25 июль.

⁴ Мухаммад Юсуф Маъюсий Хондизағий. Тачаллои ишқ. – Душанбе, 2003. – 44 б.

⁵ Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 383-384.

⁶ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Бойсун тумани 2019 йил 9 август. 4-дафтар.

⁷ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хўжаи Асмин кишлоғи. 2019 йил 24 июль.

⁸ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза кишлоғи. 2019 йил 24 июль.

даражасига кўтарилган. Зиёратгоҳларнинг аксарияти диний шахс (персона) номи билан боғлиқ бўлиб, бу ерда термизийлар номи билан илм аҳли етишиб чиққанлиги ўлканинг зиёрат масканлари ҳудудий умумий топонимик бирлик асосида шаклланган ўзига хослигини кўрсатади. Ҳудуддаги зиёратгоҳларнинг аксариятини авлиё даражасига кўтарилган саҳобалар номи билан боғлиқ масканларни ҳамда саййидлар насаби улуғланганлигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида учрамайди ва бу ҳудуднинг ўрта асрлардан кейинги йилларга қадар ислом дини ва маданияти кесишган, маҳаллий анъаналари билан Шарқ ислом одатлари трансформацияга учраганлигини кўришимиз мумкин.

3.2. Зиёратгоҳларнинг шаклланиши ва тарихий ривожи: археологик ва меъморчилик фанлари нуқтаи назаридан таҳлил

Сурхондарё ўзининг кулай географик шароити, табиати, иқлими, Шарқ мамлакатларини боғловчи савдо ва маданият кесишган ҳудуд экани ва узоқ ўтмишдан бери маданият шаклланишига ўзининг ҳиссасини қўшиб келаётгани билан ажралиб туради. Хусусан, Буюк Ипак йўлида жойлашган воҳа архитектурасида буддавийлик, зардуштийлик, христианлик ва монийлик каби турли динларнинг таъсирини кўриш мумкин¹. Бунинг натижасида Сополлитепа, Жарқўтон, Айритом, Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа, Қоратепа каби қадимий

¹ Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.; Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения северного Тохаристана. – Тошкент: Фан, 1988. – 82 с.; Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. (Историко-теоритическое исследование) Изд. Второе. – Москва, Наука. 1988. – С. 300-301; Хашимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. – Алматы: САГА, 2001. – С. 8–22.; Древняя и средневековая культура Сурхандарьи // Отв. ред. Э.Д. Ртвеладзе, Ш.Пидаев. Сборник научных статей, посвященных археологическим исследованиям в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001. – 127 с.

археологик ёдгорликлар ўз даврида пайдо бўлиб, кейинчалик зиёратгоҳ жойларга айланганини айтиб ўтиш мумкин¹.

Маълумки, ўлка қадамжолари ва уларнинг ҳолати ҳақида ўрта асрларда географ, сайёҳ ва элчилар кўплаб маълумотларни қайд этадилар. Воҳанинг илмий қимматга эга бўлган археологик ва меъморчилик ёдгорликлари 1925 йилга қадар рус маъмурияти амалдор ва хизматчилари томонидан қолдирилган йўл хотираларида қайд этиб келтирилган². 1926-28 йилларда Б.П. Денике бошчилигида В.Л. Вяткин, Б.Н. Засыпкин, Б.В. Витмаринлардан иборат гуруҳ Шарқ маданияти музейи археологик экспедицияси иш олиб борган³. 1933 йилда М.Е. Массон раҳбарлигида Термиз археологик комплекс экспедицияси Айритомда⁴, 1960 йилда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигидаги экспедиция Холчаён тепалигини, 1960-1962 йилларда Л.И. Ремпел бошчилигидаги санъатшунослик экспедицияси⁵ Сурхондарёдаги қишлоқлар архитектурасини ўрганишни бошлади. Экспедиция Қирққиз саройи, XI-XVII асрлардаги Султон Содот мақбараси ансамбли, IX-XVII асрларда Ҳаким Термизий мақбаралари комплексини ўрганди. Бу экспедиция натижалари археологик меъморчилик ёдгорликларини ўрганиш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбекистон жанубининг меъморчилиги ва санъати ҳақидаги маълумотлар билан тарих фани бойитилди⁶.

¹ ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 253-иш, 9-варак.; Маданий мерос департаменти архиви. СД-6407 фонд, С-руйхат, 48-иш, 4-32 вараклар.; ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 190-иш, 64-88 вараклар. Пидаев Ш. Қадимий Термиз. – Тошкент: Фан, 2001. – 32 б.

² Пославский И.Т. О развалинах Термеза // Среднеазиатский вестник. – 1896. Декабрь. – С. 84-100; Мушкетов И.В. Туркестан. – СПб, 1886. Т.1. – 578 с.; Ананьев А.Г. Ширабадская долина. – СПб, 1914. – С. 13.

³ ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 14-20 вараклар.; Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 1-5 вараклар.; Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 12-13.

⁴ Воронина В.Л. Вопросы охраны и использования памятников народной архитектуры в республиках Средней Азии. Экспресс-Информация, Сер. Музееведение и охрана памятников, Вып. 1. – Москва, 1973. – С. 37-39.

⁵ Ремпель Л.И. Народная архитектура предгорной зоны Юга Узбекистана // Искусство зодчих Узбекистана. Вып. 4., 1969. – С. 156-191.

⁶ Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 8-20, 63-67, 79-91 вараклар.

Шаҳарлар орасида Термиз воҳадаги энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, архитектура комплекслари шаклланган, буюк аллома ва авлиёлар дафн этилган муқаддас зиёратгоҳларни ўзида мужассамлаштирган йирик маданият ўчоғи ҳисобланади. Термиз ва Чағониённинг архитектураси араб истилосидан олдинги давр анъаналари билан чамбарчас боғланиб, меъморий зийнатнинг умумий композицияси буни ўзида акс эттиради. IX-X асрлар меъморчилигига оид қурилишда сифатли ғишт ва ганч ишлатила бошланган¹. Пишиқ ғишт асосан мақбараларни барпо этишда ишлатилиб, X аср иморатларида устунлар ёғочдан қўтарилиб, араб истилоси билан ислом маданиятининг кириб келганини масжид, меҳроб, минбаралар, миноралар марказий қисми устида гумбазларнинг тоқлари пайдо бўлишида кўриш мумкин бўлади².

Кейинги асрларда мазорлар устида мақбаралар бунёд этилиб, зиёратгоҳларда ибодат учун масжид ва хонақолар қурилган³. Архитектор санъатшунос олим Д. А. Назиловнинг фикрича, воҳа масжидлари меҳроблар декоратив безаш учун қўйилган бўлиб, уларнинг ўйиқ жойларида ўсимлик барглари тасвири туширилган⁴. Айнан шундай меъморчилик шакллари воҳа зиёратгоҳ масканлари архитектурасида кузатилади.

А) IX-XII асрларда шаклланган зиёратгоҳлар архитектураси. Сурхондарё вилоятида давлат муҳофазасига олинган маданий мерос объектлари сифатида ҳудудда 494 та тарихий, бадиий ва илмий аҳамиятга эга моддий маданий мерос объектлари санаб ўтилади⁵. Уларнинг орасида ислом оламида олти та машҳур муҳаддислардан бири бўлган Абу Исо Муҳаммад ат Термизий (209\824 – 279\892) мақбараси алоҳида ўрин эгаллаб, у аллома вафотидан 150 йил ўтгач, ҳозирги Шеробод шаҳри

¹ Маданий мерос департаменти архиви. СД-6410 фонд, С-руйхат, 48-иш, 14-21 ва рақлар.

² Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 53-54.

³ Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектура Средней Азии IX-XV вв. (историко-теоритическое исследование) Изд. Второе, – Москва, Наука. 1988. – С. 3-8.

⁴ Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1983. – С. 114-115.

⁵ Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2018-йилдаги фармойишига илова тарзида тасдиқланган объектлар рўйхати.

якинида қабр устига қўтарилган¹. Аллома қабри устида мақбарани XV аср ўрталарида Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф таъмир-латгани ҳақида маълумотлар мавжуд².

Бу мақбара Шеробод шаҳридан жануби-шарқда жойлашган бўлиб, тўрт ҳадли бинодан ташкил топган. Ҳозирги кунда мақбара бир-биридан равоқлар орқали ўтувчи 4 хонали бўлмадан иборат. Хоналар тарҳи 4,3x4,5 мни ташкил этади. Шимоли-шарқий тарафи айвон қурилиши муносабати билан кейинчалик тўсилган. Шунингдек, уч хонали бўлма мураббаъ тарҳли, улардан жанубдагиси гўрхона, унда мармар сағана 3 поғонали бўлиб, муқарнас нақш ва ёзувлар билан пардозланган. Гўрхонадан тор узун йўлка орқали хонақоҳга ўтилади. Хонақоҳ гумбаз томли ва меҳробдан иборат бўлиб, ёнидаги икки хонадан шимоли-шарқий тарафга чиқилади³. Мақбаранинг марказий зали ва масжид, меҳроб билан, жанубдан гўрхона тарафдан эса ғиштли пешток билан, шимол томондан кенг айвон билан ўралган. Учинчи зал ҳам саккиз қиррали пешайвон ҳамда уч ва саккиз қиррали нақшлар билан безатилган.

Мақбара хонасининг устки қисми гумбаз билан ва тўртта хонаси эса тўғри услубда ёпилган бўлиб, хонақоҳ квадрат шаклдаги 24-25x4,5-5 смли пишиқ ғиштдан лой қоришмалари воситасида қад қўтарган. Бинонинг умумий майдони 19,3x6,8 м, учта хона бир хил 4,3x4,3 метрни ташкил этади. Турли даврларда бино талофотларга учраб, шикастланган. Абу Исо Термизий мақбарасининг қурилиши бўйича дастлаб Д.Н Логофет, 1945 йилда В.А. Воронин, 1968 йилда археолог З.А. Ҳақимов, 1977 йилда А. Акименко, И.Гудков ва В.А. Аршавскаялар тадқиқот ишларини олиб борганлар⁴. Бу тадқиқотлар меъморчилик ва археология фанида муҳим маълумотларни берди.

¹ Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Ташкент, 2020. – 144 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

² ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 253-иш, 7-25, 31-32 варақлар.

³ Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Ҳақимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма, 1982. – С. 93-98.

⁴ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйхат, 48-иш, 14-27 варақлар.; Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектура: ўтмиш ва бугун. – Т.: Yangi nashr, 2014. – Б. 54-55.

Ҳаким Термизий¹ мақбараси IX-XV асрларга оид кулът мемориал комплекси бўлиб, ўзида масжид, мақбара, хонақо ва сағанани бирлаштиради². Л.Ю. Манковскаянинг фикрича, мажмуа 3 камерали мақбара, тарихий жараёнларда ўз ҳолатини ўзгартирган масжид, хонақо ва айвондан ташкил топган³. Мақбара ҳақидаги дастлабки маълумотни 1878 йилда А. Быкова аниқлаган бўлиб, 1881 йилда Бухородан афғон амири хузурига кетаётган француз сайёҳи Г. Бонвало ва рассом Канюлар Эски Термиз харобаларини кўздан кечириб, Ҳаким Термизий қабри ёнида кўплаб қабрлар борлигини аниқлашга муваффақ бўлишган⁴.

1926-27 йилларда шаҳар маданият музейи ходимлари Б.П. Денике ва Б.Н. Засыпкин иншоотнинг ўлчамини ўрганган. 1936 йилда ТАКЭ (Термиз археологик комплекс экспедицияси) аъзолари М. Е. Массон бошчилигида тадқиқот ишларини ўтказган. 1938 йилда Г.А. Пугаченкова мақбара ҳақидаги маълумотларни ёзиб қолдирган. 1947 йилда В. П. Петров, 1955 йилда В.М. Филимонов ва К.А. Шахуринлар бошчилигида ёдгорликнинг таъмирланишига оид тадқиқотларни амалга оширдилар⁵.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, IX асрда мақбаранинг шимоли-ғарбий қисмида айвонли масжид қурилган, сайқалланган пишиқ ғиштдан ишланган ва шу ғиштнинг ўзидан ёзма безаклар акс этган⁶. XIII асрнинг бошларида унинг ҳовлиси шаклланади ва бир гумбазли мақбара бунёд этилади. XIV асрнинг охирида хижрий 792 (1389\1390) мақбаранинг шарқий томонига чиллахона барпо этилган. XV асрда мақбарага иккита порталли

¹ Массон М.Е. Надписи и штуке из архитектурного ансамбля у мавзолея Хаким и Термези. – Труды ТашГУ. Новая серия. Вып. 172. Кн.37. Археология Средней Азии. У. – Ташкент, 1960. – С.44-80.

² Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Ташкент, 2020. – 144 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинные А.И. Сурхондарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

³ Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1980. – С. 146-148.

⁴ Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 8-9.

⁵ ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-руйҳат, 39-иш, 12-19 варақлар.

⁶ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9735 фонд, Ф-руйҳат, 53-иш, 1-10 варақлар.

умумий гумбаздан иборат хонақо қурилиши бошланади ва мақбарада оқ мрамрли сағана ўрнатилган¹.

Ҳаким Термизий мақбараси ҳақида меъморий ўлчовлар ва архитектура иншооти ҳақидаги илмий маълумотларни биринчи марта 1955-1956 йилларда архитектор Б.Филимонов эълон қилиши натижасида мақбарада таъмирлаш ишлари олиб борилди ва қурилишга ўзгартиришлар киритилди. Мақбара 5,10x4,70 м кўламда бўлса, ёдгорликнинг умумий ҳажми 28x29 метрга тенг бўлган. 1955-1957 йилларда Ҳаким Термизий мақбараси илмий тадқиқ этилиб, XIV-XV асрлардаги кўриниши қайта тикланди².

Ҳаким Термизий мақбарасини XIV-XV асрдаги ёдгорлиги сифатида баҳолаш мумкин. Даҳма ёнида масжид ҳам бўлиб, мақбара 3 қисмдан иборат, деворнинг пастки қалин қисми ва ўрта қисми саркофагдан иборат тузилмалардан иборат. Мақбара оқ мрамрли плитадан тикланиб, кўп сонли ёзувлар ва орнаментациядан ташкил топган³. Унинг орқа энсиз кўндаланг қисми композицияси жиҳатдан ҳар хил таҳмонлардан иборат. Бинонинг йўқилган дарахтлар билан безатилгани ёғоч устунларни, йўнилган эшиклар, шифт, меҳроб, масжид, ёғочли қабр тошидаги ёзувлардан иборат. Бинони архитектура декорациялашган ёғочлари учун чинор, қайрағоч арча ва теракдан фойдаланилган⁴. Ҳаким Термизий комплексида намозгоҳлар кўп масжид айвонли мажмуаларни ўзида бирлаштириб, айвон П шаклда бўлиб X асрда масжид айвондан ташкил топган⁵.

XI аср охирида Қорахонийлар ҳукмдори фармойишига кўра, даҳманинг ички томони ажойиб ўймакор ғиштлар билан қоплаб чиқилган. Мақбаранинг шимолий ён деворига унча катта бўлмаган масжид туташиб кетган. Масжиднинг қурилиши

¹ Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1969. – С. 401-402.

² Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйҳат, 48-иш, 14-27 ыарақлар.

³ Пугаченкова Г.А. Зодчество в Центральной Азии в XV веке. Ведущие тенденции и черты. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма, 1976. – С. 25-33.

⁴ Денике Б.П. Архитектурный орнамент Средней Азии. – М.: Ленинград, изд. Академии архитектуры, 1939. – С. 116-117.

⁵ Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1980. – С. 114-115.

композицияси Бухоро намозгохи архитектурасига ўхшаб кетади¹. Ҳаким Термизий мақбарасининг асосий қисми Амир Темур даврида 1390 йилнинг август сентябрида қуриб битказилган. Мақбарага мрамор тошлар билан безак берилиб, усти оқ рангли фил суяги ва турли туман ўсимлик ранглари билан безатилган².

XV аср охирида даҳманинг шарқий деворига Халил Султон ҳукмронлиги даврида (1405\1409) пишиқ ғиштдан хонақоҳ қурилган, унга туташ хоналар таъмирланган³. Масжиднинг ғарбий томонидаги девор марказида кенг ҳошияли меҳроб бор. Унда бўртма ёзув, сопол шакллар, оралик заминдаги ўйма ганч безаклар ўзига хос кўринишни акс эттиради⁴. Масжид устунлари ғиштдан безакли қилиб терилган бўлиб, равоқ орқали мақбарага ўтилади. Гумбаз остида куфий хатида Қуръон суралари ўйиб ёзилган. Мақбара ичкарасидаги сағана Темурийлар даври тош ўймакорлиги санъатининг юксак намунаси ҳисобланиб, сағана 3 поғонали, асосий исломий нақш ва ёзувли ҳошиялар, ўрта қисмидаги икки ёни шамчироқ билан безатилган⁵. Кичик мақбарада Абдуллахон ҳукмронлиги даври XVI аср ҳовли ҳудудида 9 гумбазли масжид қурилган бўлиб, олдида енгил равоқ устунли айвон жойлашган. Жануб тарафидан кираверишда яна бир мақбара (гўрхона ва зиёратхонадан иборат) қурилиб, равоқли бўлмалар орқали Термизий мақбараси ва хонақоҳни ўзаро боғлаб туради⁶.

Марказий Осиёдаги тош ўймакорлиги бўйича энг ажойиб ёдгорлик намунаси ҳисобланган Ҳаким Термизий сағанаси устидаги оқ мрамортош насх хатида XIV асрдан олдинги давр деб баҳоланади. Мрамор ўймакорлиги ва қабртошининг тузилиши XIX аср охирилари учун характерли бўлган. Мрамортош XV аср

¹ Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 109-111 варақлар.

² ЎзМА, ф. 2761-жамғарма, 1-руйхат, 39-иш, 17- варақ.

³ Пугаченкова Г. Термез. Шахриябз. Хива. – М.: Искусство, 1976. – С. 36-37.

⁴ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйхат, 48-иш, 14-27 варақлар.

⁵ Пугаченкова Г.А. Зодчество в Центральной Азии в XV веке. Ведущие тенденции и черты. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма, 1976. – С. 25-33.

⁶ Ртвеладзе Л.Л., Ртвеладзе Э.В. Мусульманские святыни Узбекистана. – Ташкент, 2020. – 144 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

бошларида қўйилган деган маълумотлар бор¹. Қабртошда куфий хатининг ислимий гириҳ накши услубида таърих муаммо шаклида битилган “Хамса хамсуна миъатгайн” сўзлари ҳижрий 255/869-870 санада вафот этганини кўрсатади². В.В. Бартольд Ҳаким Термизий қабри устидаги тош ёзувини қуйидагича келтиради: “Унинг номига ҳамду санолар бўлсин. Бу ерда шайх, имом Абу Абдуллоҳ Алининг ўғли Ҳаким Термизий дафн этилган жой, Аллоҳ уни раҳматига олсин. У шайхларнинг буюғи, нотик ва машҳур китоблар муаллифи, фикҳ илмининг билимдони, 255 йилда вафот этди. Худо раҳмат қилсин”, деган ёзувлар бор³.

Бироқ у XV асрдан олдин пайдо бўлмаганини “Зафарнома” асарида учратиш мумкин. Бу мақбаранинг орнаменти Гўри Амир мақбараси тош тўрсимон панжараларга жуда ўхшаш бўлиб, бу Улуғбек даври услубини кўрсатади. Ҳаким Термизий мақбараси ёзувларида Султон Абу Музаффар Аҳмад Тегин номи қайд этилган. Академик М. Е. Массон уни Қорахоний ҳукмдорларидан бири деб изоҳлайди⁴.

Ҳаким Термизий дафн этилган жой араблар босқини арафасида марказий буддавийлик ибодатхоналаридан бири эканлигини, Термиз ибодатхонаси IX аср деб изоҳлайдилар. Кейинчалик бу икки аллома қабрлари атрофида йирик қабристонлар пайдо бўлган⁵. Тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) ҳам ўз қайдномаларида бунини тасдиқлаб, Ҳаким Термизий ва Абу бақр Варроқнинг муқаддас қабрлари Кўҳна Термиз деворига яқинлигини ва қалъанинг шимолий томонида жойлашганини қайд этади⁶.

¹ Маданий мерос департаменти архиви. СД-1589 фонд, Ф-руйхат, 53-иш, 51-67 varaқлар.

² Гойипов З. Тафаккур самосидаги ёркин юлдуз // *Moziydan sado*. – 2001, 4(12)-сон, – Б. 18-19.

³ Шаропов С. Моддий маданият намуналарининг Сурхон воҳасида илмий-тарихий ўрганилишининг аҳамияти // *Давр, замон, шахс: илмий-амалий мақолалар тўплами. Иккинчи қисм*. – Термиз: Сурхон-нашр, 2016. – Б. 54-56.

⁴ Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хақимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 102; Жалолитдин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 44.

⁵ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9735 фонд, Ф-руйхат, 53-иш, 4-31 varaқлар.

⁶ Холиқов З., Дежимуродов Х. Термиз ва Чағониёнинг ўрта асрлардаги тарихий географияси // *Moziydan sado*. – 2004, 2-сон. – Б. 22-24.

X асрдан бошлаб Термиз работи ҳисобланган қисмнинг шимолий тарафида Ҳаким Термизий мақбарасининг гўрхона қисмида аллома Варроқ Термизий дафн этилган ва унинг хоки устида мўъжазгина мақбара бунёд этилган. Бу илк мақбара меъморчилиги Қорахонийлар ва Сомонийлар даври билан боғланади¹.

Маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос мавқега эга бўлган объект – Термиз тумани жойлашган Султон Содот мажмуидир. XI-XIX асрлар мобайнида Термиз саййидларининг оила вакиллари дафн этилган². Тарихчи олим С.Турсуновнинг фикрича, бу мажмуада дастлаб IX асрнинг иккинчи ярмида вафот этган пайғамбар авлод-ларидан бўлмиш Ҳасан Амир мақбараси бунёд этилган³. Ушбу мажмуа 20 га яқин мақбара⁴ ҳамда 170 тагача қабрни ўз ичига олади⁵.

Султон Содот мемориал мажмуаси XI-XVII асрларда Термиз саййидлари сулоласига тегишли мақбара сифатида шаклланган⁶. Б.П. Денике мақбара орнаментларига асосланган ҳолда уни XI асрга мансуб эканини қайд этади⁷. Унинг дастлабки асосини 2 та мақбара (XII аср) ташкил этиб, XV асрда масжид вазифасини бажарувчи айвон билан бирлаштирилган. Тарихчи олим Жалолиддин Мирзо мақбараларнинг энг қадимгиси сомонийлар даврида, асосий қисми Темур томонидан қурилганини қайд этади. У ўз даврининг таниқли меъморлари томонидан ганч-ўймакор безаклари билан ишланган⁸. Мажмуа асоси Пайғамбар авлодларидан бири Саййид Ҳасан Амр сағанаси устида бунёд этилган. 1898 йилда Москва антропология ва этнография жамияти аъзолари томонидан олиб борилган текширувга кўра,

¹ ЎзМА, ф. 2761-жамгарма, 1-руйхат, 39-иш, 17- варақ.

² Маданий мерос департаменти архиви. СД-6405 фонд, Л-руйхат, 65-иш, 4-8 варақлар.

³ Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 55.

⁴ Катта қаср ёки кўрғонни эслатувчи 18 та мақбара қурилганлиги ҳам таъкидланади. Қаранг: Холиёров А., Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области. Қисқача справочник. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – Б. 39-40.

⁵ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9154 фонд, Ф-руйхат, 53-иш, 11-32 варақлар.

⁶ ЎзМА, ф. 2296-жамгарма, 1-руйхат, 253-иш, 9-19 варақлар.

⁷ Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1969. – С. 32-33.

⁸ Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 31-33, 62.

А.А. Семенов марказий порталдаги ёзувларга асосланган ҳолда уни Султон Саййид Муҳаммад, умуман, Ҳасан авлодлари қурдирган мақбара деб изоҳлайди¹. Шунинг учун Ҳусайн мақбараси саййидлар ва маҳаллий мусулмон уламоларининг юқори табақаси, сулоласи ва мақбараси деган ном билан улуғланади.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида Амир Темур вафотидан кейин XV асрда Термизни эгаллаган набираси Халил Султон зиёрат учун келиб, уни қайта таъмирлатгани ва ҳудудни кенгайтиргани ҳақида маълумот келтирилади². Мақбаранинг кўндаланг қисмида меҳроб жойлашган, ҳар иккала мақбарада ҳам марказий композициядан фойдаланилган, пиширилган ғишт конструктив ва безакли материал вазифасини бажарган. Ҳар иккала мақбарада қабр тоши мавжуд бўлиб, у ўз даврининг беағи қандай бўлганини кўрсатиб беради. XV асрнинг бошида мақбара портали юқорига кўтарилиши ва ёрқин рангли майолик плиталардан фойдаланилиши кузатилади. XV асрнинг иккинчи ярмида ҳар иккала мақбарада иккита янги бинони вестибюл бирлаштиради³.

Султон Содот мақбарасининг ўрганилиши дастлаб 1906 йилда Россия география жамияти ва ботаника боғининг кўмагида Р.Ю. Рожевицнинг Термизга келиши билан бошланган ва Султон Содотни энг кўркам ва энг чиройли деб баҳолаган. Унинг фикрича, биринчи қисмида қабрлар жойлашган бўлса, иккинчи қисмида муллалар яшаган. Шуниси диққатга сазоворки, барча бинолар нақшинкор бўлиб, гумбаз ғиштлири бир қатор қилиб терилган. Обиданинг ташки томони рангли кошинкор бўлиб, унда юлдузлар ва маржонсимон гуллар тасвирланган. Рангли кошинларнинг ҳажми 1 смдан 0,5 аршингача (1 аршин 0,71 м) ташкил этади. Кошинлар оқ, кўк, мовий ва тилла рангли қилиб ишланган. Мажмуанинг иккинчи қисмида обиданинг ички

¹ Семенов А.А. По границам Бухары и Афганистана (Путевые очерки 1898 года) // Исторический вестник. 1902. №4. – С. 117.

² Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – Б. 20.

³ Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 116-119 varaқлар.

хоналари сувоқ қилиниб, баъзилари оқ ва кўнғир рангларга бўялган¹.

Мазкур масалада жиддий тадқиқотни А.А. Семенов эълон қилган бўлиб², муаллиф томонидан Термиз саййидлари ёритилган қўлёзмаларнинг ишга жалб қилиниши билан муваффақиятли яқунланган³. 1923 йилда шарқшунослар ассоциацияси йўналиши бўйича ўрганган олим М.Г. Вячеслов Афғонистон билан бирга Термизни ҳам тарихий ракурсада ўрганган. Унинг фикрича, Султон Содот мажмуаси Султон Амир Ҳусайн Саодат ва Ҳўжа Аслар масжидидан ташкил топган. Бундан ташқари, Султон Содотнинг ташкил топиш санасини мусулмон архитектурасининг қадимги даврига тегишли эканини келтиради. 1938 йилда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигида ўтказилган экспедиция мақбарада ҳар жихатдан текширув ишларини олиб борди. 1965 йилги текширувлардан олинган хулосага кўра, Султон Содот мураккаб ва йирик архитектура ёдгорлиги сифатида бир неча асрлар давомида шаклланиб, X-XI асрлар ва XVII асрлар билан яқунланишини қайд этади⁴. Шу даврда Султон Содот ҳовли, айвонли масжид ва пештоқли хоналардан иборат бўлган⁵. Бу мажмуада бошқа ёдгорликларда кузатилмаган композицияли ва техник архитектура ютуқларини кўриш мумкин. Бу мақбарадаги ноодатий иккита бирлаштирилган масжид кўзга ташланади.

Агар мозорларни типологиясига эътибор берсак, уларнинг гумбази бир камерали, кўп хоналилиги билан изоҳланади. Марказий Осиёдаги меъморий ёдгорликларнинг аксарияти айниқса IX ва XX аср бошидаги композициялар бир камерали гумбаздан ташкил топган, X-XIX асрларда конгломерат (кўп томонлама) кўп камерали шаклдан ташкил топган. XI-XVIII асрларга тегишли Султон Содот некрополининг қўш мозордан иборатлиги кўп хонали шаклдан ташкил топганлигини кўрса-

¹ Рожевиц Р.Ю. Поездка ва Южную и Среднюю Бухару в 1906 году. – СПб, 1908. – С. 148.

² Семенов А.А. Происхождение термезских сейидов и их древняя усыпальница Султан-Саадат. Протоколы и сообщения Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент. 1914. – С. 12.

³ ЎЗМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 350-иш, 250-255 varaқлар.

⁴ Пугаченкова Г. Термез. Шахриябз. Хива. – М.: Искусство, 1976. – С. 41-51.

⁵ Маданий мерос департаменти архиви. СД-6405 фонд, 11-руйхат, 65-иш, 5-47 varaқлар.

тади¹. Дахлиз композициялари ўзига хос бўлиб, масалан, Султон Содотда дахлиз йўлак кўриниши композицияни ўз ичига олиб, кенг ва узун хонадан иборат бўлиб, мажмуани бутун интерери билан кўриш имконини беради².

Султон Содот мақбараси нақшинкор пишиқ ғиштдан терилган, девор қисми ўзига хос янги унсурлар билан бойитилган геометрик шаклдаги безаклар билан безатилган. Мақбаранинг олд томони шарққа қаратилган, турли шаклдаги ғиштлар билан ишланган³. Юқори қисмининг икки қатори кенг гумбазли бўлиб, кичик ўрта гумбаз қисми кириш пештоқига уланган. Мажмуанинг энг қадимги қисми XI асрга тегишли мақбарадир. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар (9x9, 05 м ва 10, 15x10,25 м) дан иборат. Ҳовли тўридаги пештоқ ва икки қанотидаги гумбазли мақбаралар бир хил тарҳда, жануб тарафидаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўринади. Шимоли ғарбдаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт (27x27x5 см) дан жуфт-жуфт ҳолда терилиб, мавжли безак ҳосил қилинган ҳамда ички хона девораларига ҳошияли бўртма равоқлар ишланган.

Жануби-ғарбдаги мақбара шимоли-ғарбдагисидан бир оз кичик, шакли оддий, ганч сувоқли. Мазкур икки мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган⁴. XIV асрда икки мақбарани боғловчи равоқ қурилиб, унинг ташқи томони кесма ҳаворанг ғиштчалар билан безатилган. XV асрда безак бериш санъати янада ривож топиши натижасида даҳмага кўшимча чирой берди. Шу даврда термизлик саййидларнинг бошқа даҳмалари ҳам барпо этилиб, уларнинг акса-риятига пуштиранг бўёқ берилган ва гумбазига айланма зинапоя ишланган⁵. 1881 йилда Термизга ташриф буюрган француз сайёҳи Г. Бунвало обида ёнида масжид борлиги ҳақида маълумот бериб, уни Қарши ва Бухородаги масжидлар билан бир хил усулда қурилган деб

¹ Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1980. – С. 134-141.

² ЎзМА, ф. 394-жамгарма, 1-руйхат, 252-иш, 14-20 varaқлар.

³ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9733 фонд, К-руйхат, 12-иш, 4-47 varaқлар.

⁴ Ртвеладзе Э.В., Аршавская З.А. Архитектурный комплекс Зул-Кифл // САУ, – 1978. №1. – С. 36-39.

⁵ Хақимов З.А., Шваб Ю.З. “Султон Саодат” в сборнике искусство зодчих Узбекистана. Вып. 4. – Ташкент, 1969. – С. 29-43.

ҳисоблайди¹. Султон Содот макбаралар мажмуи кейинги йилларда таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди.

Қирққиз ёдгорлиги қишлоқ-қўрғон сарой архитектурасининг ноёб турига мансуб бўлиб, IX-XI асрларга оид Сомонийлар даврига тегишли ҳозирги Термиз тумани ҳудудида жойлашган. У квадрат шаклга эга бўлиб, тўрт томонли икки қаватдан иборат айвонли ҳовлиси кўп қисмли хоналардан ва бирлаштирувчи йўлакдан иборат. Фасадлар хилма-хил бўлиб, ҳар бирининг марказида чуқур гумбазли айвон, деворлар юзаси ёриқлардан, бурчакда думалоқ минора жойлашган². Қурилиш ва безак ашёлари сифатида хом материалдан фойдаланилиб, унинг мураккаб деворларидан куббасимон конструкциялар қилинган³. Археолог санъатшунос олима Е.Г. Некрасованинг таъкидлашича, Қирққиз объекти Султон Содотда жойлашган ансамбларнинг аналогияси, яъни такрори ҳисобланди. У ҳонако ҳужраларини бирлаштирувчи ҳовлидан ташкил топган⁴.

Қирққиз қалъаси йирик шаҳардан ташқаридаги қўрғон-қаср анъанавий меъморчилик услубида қурилиб, араблар келгунига қадар Ўрта Осиё меъморчилик мактабининг стилини такрорлайди⁵. Мазкур бино ўрта асрларда шаҳар ташқарисидаги қўрғон вазифасини ўтаган. Қалъанинг ўзига хослиги шундаки, унда дунё томон кўндаланг қатъий мутаносиб ҳолда бунёд этилган. Қасрнинг пастки ва юқори қаватлари 17 та хонадан иборат, очиқ ва ёпиқ арklar деворларнинг ташки томонини беэаб турган⁶. Марказий Осиё архитектура ёдгорликлари ҳолатини ўрганган Л.Ю. Маньковская Қирққиз XI-XII аср хонақоларига дахлиз билан марказий гумбазли залнинг боғланганини қайд этади⁷. В.Массон Қирққиз ёдгорлигини Б.Н. Засыпкин сингари VIII-IX асрлар эмас, кейинги давр VI-VII асрга тегишли эканини айтса,

¹ Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 8-9.

² Маданий мерос департаменти архиви. СД-6410 фонд, С-руйхат, 48-иш, 21-24 varaқлар.

³ Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1969. – С. 400-401.

⁴ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9743 фонд, Н-руйхат, 48-иш, 4-29 varaқлар.

⁵ Холиёров А., Бичков Д., Бинников А. Сурхондарё области. Маънавий маданият ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – Б. 113.

⁶ ЎЗМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 268-269 varaқлар.

⁷ ЎЗМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 253-иш, 30-34 varaқлар.

Б.В. Веймарн уни карвонсарой бўлганини қайд этади. 1967 йилда З.А. Ҳакимов раҳбарлигида олиб борилган археологик тадқиқотларда жануби-ғарбий даҳлизларга кириш йўлақларидаги шурфни ўрганади¹. Асосий қурилиш материални 30-32х5-6,5 смли хом ғишт ташкил этишини, ғиштга сомон қўшилгани, 2 см қалинликда лой ётқизилгани қайд этилади. Ёдгорликнинг асосий қисмида кириш эшиклари орқали асосий марказий қисмга ўтиш мумкин². Яна айтиш мумкинки, қалъа тўртбурчак тарҳли (53,3×54,8 м) 1 қаватли, фақат йўлақлар умумий баландликда икки қаватли бўлиб, хом ғишт (30×30×5ғ5,5 см) тоқ терилиб, равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилган. Қалин девор билан ўралган (ташки девор қалинлиги 2-2,5 см), бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган; буржлар оралигида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда такрорланувчи туйнуклар очилган. Қалъанинг барча хоналари ва марказдаги саҳн (11,5×11,5 м) ўзаро йўлақлар билан боғланган; марказий саҳн ҳовли ёки гумбазли зал бўлган деб тахмин қилинади. Айвон ва йўлақлар бинони тўрт қисмга ажратган³. Яна шуни маълумот ўрнида келтириш мумкинки, айвон ва йўлақлар бинони тўрт қисмга ажратиб, 40 хонадан иборат бўлгани қирқ асбоб – устурлоб мавжудлиги келтирилади⁴.

Жайхун дарёси ирмоқларидан бирида узунлиги 8, эни 5-6 кмни ташкил этган майдонда оролча бўлиб, уни “Пайғамбар ороли” деб атайдилар. Оролнинг жанубида Зу-л-Кифл номи билан аталувчи мақбара мавжуд. Тадқиқотчи олим В. В. Бартольд Х асрдаёқ Келиф шаҳри яқинидаги Амударёнинг чап қирғоғида Зу-

¹ Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 79-91 варақлар.; Ҳакимов З.А. Памятники архитектуры в Южном Узбекистане // Художественная культура Средней Азии IX-XIII века. – Ташкент, 1983. – С. 29-41; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

² Некрасова Е.Г. Археологическое исследование Кырк-Кыз // Древняя и средневековая культура Сурхандарьи. Сбор. Научн. Стат. Посв. Арх. Исс. Сурханд. Области. РУзб. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2001. – С. 114-121.

³ Древняя и средневековая культура Сурхандарьи // Отв. ред. Э.Д. Ртвеладзе, Ш.Пидаев. Сборник научных статей, посвященных археологическим исследованиям в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2001, – 128 с.; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинников А.И. Сурхондарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

⁴ Пугаченкова Г. Термез. Шахриябз. Хива. – М.: Искусство, 1976. – С. 23-28.

л-Кифл работи бўлгани ва бу зиёратгоҳ кейинчалик Термиз яқинидаги хилват Пайғамбар оролига кўчирилгани, мақбара эса XV асрга оид эканини қайд этади¹. Архитектура ишлари бўйича кўмита қарорларида бу мақбара XII асрга оид эканини айтиб ўтилган². Л.Ю. Маньковскаянинг фикрича, “Пайғамбар орол” даги Зу-л-Кифл мажмуасига алоқадор масжид мўғуллар келишидан олдинги даврда тикланиб, унинг портал гумбаз қисми бурчакли чиқиш қисмдан иборат³. У ўзида масжид, гўрхона ва унга туташ икки хонадан иборат қисмни бирлаштиради. Масжид мураббаъ тарҳли, гумбазли, олди пештоқли, меҳробига ганчқори гириҳ нақш ишлангани билан ажралиб туради. Гўрхона масжид сатҳидан бир метрча баланд қурилган бўлиб, унда сағана сақланган. Гўрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади, хона деворига гиштлар мавжли шаклда терилган⁴. Мақбара таркибига бир-бирига боғлиқ, аммо ҳар хил даврга тегишли симметрик кўринишдаги хоналар барпо этилган. Бу мақбара икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм квадрат шаклида қурилган масжид эканлигини кўрсатади⁵.

Атоулла Саййид Ваққос мақбараси Шеробод туманида жойлашган мақбара X-XI асрларга тегишли бўлиб, саҳобалардан бири Атоулла Эшон Мирҳайдар яъни Саъд ибн Абу Ваққос номига атаб қурилган. Мақбара унчалик катта бўлмасада, бир хонали марказий мақбаранинг кириш йўлаги жануби-шарққа қаратилган. Мақбара квадрат шаклда бўлиб, устига шарсимон гумбаз ёпилган⁶. Хонако пештоқи деворлари бир хил текис қилиб безатилган шарқий томондан деразалар учун ўрин қолдирилган. Бинонинг устки қисмида ярим кубба шаклидаги бўшлиқ бўлиб, ички тарафида уч қатор бош безак терилган. Ички қиёфаси гишт

¹ Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 120-122 varaқлар.; Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 22–25.

² ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 268-269 varaқлар.

³ Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1980. – С. 106-107.

⁴ Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 78-79.

⁵ Ртвеладзе Э.В., Аршавская З.А. Архитектурный комплекс Зул-Кифл // САУ. – 1978, №1. – С. 36-39.

⁶ Маданий мерос департаменти архиви. СД- 1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 8-20 varaқлар.

холида қолдирилган ва ортиқча безак берилмаган. Мақбара хом ғиштдан аркнинг учи ярим кубба шаклидаги бўшлиқ бўлиб, ичи ғишт билан арчасимон қилиб терилган. Мақбаранинг XI асрга тегишли эканини билдиради. Бу мақбарани XV-XVII арларда қурилган архитектуранинг қадимги намунаси десак тўғрироқ бўлади. 1977 йилда В.А. Варшавская дастлабки тадқиқот ишларни олиб борган¹.

Узун тумани Серхаракат маҳалласида жойлашган Оқ остона бобо мақбараси X-XI асрларга оид бўлиб², Абу Хурайра деган номи ҳам бор. Г.А. Пугаченкова Сурхондарё воҳасидаги X асрга тегишли Оқ остона бобо зиёратгоҳи бурчакли қисмлардан иборат бўлгани қайд этади³. Қизиқарли ҳолат шундаки, олима уни Денов туманида жойлашган деб ҳисобласа, ривоятларга кўра 1940 йилларда мазкур зиёратгоҳ ҳозирги Узун тумани Оқ Остана бобо кишлоғи ҳудудига кўчиб ўтганини кўриш мумкин. Л.Ю. Маньковская фикрича, Оқ остона бобо X-XI асрларга тегишли, куб кўринишдаги ҳажм гумбаз билан қопланган. Ярим гумбазли формадаги деворли бўлган⁴. Оқ остона бобо қабри зиёратхонага айланган маскан 2 портал қисмдан иборат бўлиши, некрополь орқали дафн этилган жойга кириб борилиши уни мақбарага айлантирган.

Оқ остона бобо мақбараси квадрат шаклида, ташқаридан 9x8,7 м ва ичкаридан 3,65x5,80 метрни ташкил этади. Тузилиши жиҳатдан кубга ўхшаш, ўқсимон гумбаз билан сайқалланган. XV асрдаги таъмирлаш ишларида жануби-шарқий девор қайта таъмирланиб, қолган уч тарафи хом ғишт билан ўралган, унинг уч бурчагидан (шарқдагисидан ташқари) минорачалар чиқарилган. Айтиш мумкинки, гумбаз ости қисмлари қайта тикланган. Бинонинг олди томони шаклдор нақш билан безатилиб, кенг

¹ Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 63.

² Пугаченкова Г.А. Ак Астана –баба // Советская археология. – 1960, №3. – С. 326.

³ Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1980. – С. 106-107.

⁴ Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Тошкент: Фан, 1969. – С. 358.

вертикал жуфт ғиштлардан ҳам безак берилган¹. Мақбара ичида йирик ҳажмдаги ганч билан сувалган сағана бўлиб, у кечроқ пайдо бўлган². XIX асрнинг охирида юрчилик уста Худойберди ёдгорликнинг ўпирилган гумбаз қисмини қайта тиклаган, бинонинг шарқ томонидан кўшимча кириш йўлаги барпо этилган³.

Шеробод туманидаги жойлашган Ахтам саҳоба мақбараси тахминан X-XI асрларга оид бўлиб, у мақбара, ёзги масжид, ҳовли ва рамзий ўчоқ бўлган хонани ўз ичига олади. Мақбаранинг асосий қисмини квадрат шаклдаги гўрхона ташкил этиб, ичкарида устунли сағана мавжуд. Унинг кириш эшиги жануби-шарқий тарафдан бўлиб. Мажмуа пишиқ ғиштдан қурилган, усти текис қилиб ёпилган атрофи ганч сувоқ билан безатилган. Унинг ўлчами 5,15x4,90 м. Масжиднинг ўлчами 6,90x3,80 м. Рамзий ўчоқ бўлган хонанинг ўлчами 2,85x2,45 м, мажмуа 26x5,5 см ҳажмдаги пишиқ ғиштдан барпо этилган. Мақбара меҳробидан катта ҳажмли томонлари 42,44 м, қалинлиги 6-6,5 см қурилиш ашёси топилган⁴.

Ангор туманида жойлашган Хўжа Рўшноий мақбараси XI-XII асрларга оид квадрат шаклдаги бир хонадан иборат бўлиб. Мақбара пишиқ ғиштдан барпо этилиб, ғиштнинг ўлчами олти метр. Иншоот яхши сақланган ва маҳаллий аҳоли томонидан таъмирланган.

Термиз туманидаги Кокилдор ота мақбараси XII асрда бунёд этилиб, хонақоҳ тўғри тўртбурчак тархли (27, 5x17 м) 5 хонадан иборат. Баланд ва чуқур равоқ пештоқ орқали марказий хонага (7,5x7,5 м) кирилади⁵. Марказий хонанинг гумбази 8 қиррали пойгумбаз устига ўрнатилган бўлиб, икки ён томондан хоналар ўзаро ўхшаш, тенг ҳажмда, калон орқали боғланган орқа ва ён

¹ Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 77-78; Холиёров А., Бичков Д.Д., Блинные А.И. Сурхондарё области. – ТОШКЕНТ: Ўзбекистон, 1974. – 124 б.

² Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма 1982. – С. 59.

³ Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Гафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – Б. 42–43.

⁴ Маданий мерос департаменти. СД-1531 фонд, М-руйхат, 31-иш, 63-67 варақлар.

⁵ ЎЗМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 240-241 варақлар.

эшиклари бўлган. Марказий хона сахнида бир нечта қабр сақланиб қолган¹.

Археолог санъатшунос олима Г. Пугаченкова XVI асрга оид Кокилдор ота мақбарасида узун кириш жойини, асосий зал, вестибюль ва 2 та томондан хоналар ва йўлак бирлаштирганини, асосий фасаднинг кўриниши фронтал бўлиб, текис пештоқли унинг тепасида зал гумбазлари ва ён томондан қанотлари мавжудлигини, интерьерини турлича ганч билан безатилган безаклар ташкил этишини қайд этади².

Қизирик туманидаги Такия ота мақбараси XII асрга оид бўлиб, Салжукийлар даврида қурилган, мақбарага қўйилган кишининг шахси номаълум бўлиб, кўк гумбазли, унинг таг хонасида икки туғ сағана ва икки устун бўлиб, у уч хона ва икки йўлақдан иборат, хом ғишт ва пахсадан қурилган³.

Музработ туманидаги Музработ ота XV асрга оид меъморий мажмуа бўлиб, мажмуа унча катта бўлмаган бир хонали мақбара ва йигирма кадамча жануброқда гумбазли масжиддан иборат. 1996 йилга келиб мақбара 10-15 та қабр кўчирилиб, масжид ичидаги сағана қайта таъмирланди.

Б) XIV-XV асрлар зиёратгоҳлар меъморчилиги. Мазкур даврга оид ёдгорликлар кўп бўлмасада, уларда Темурийлар даври анъаналари, ислом меъморчилиги намуналари кўзга ташланади. Масалан, Олтинсой тумани Хидиршо зиёратгоҳи архитектурасидаги масжид устунларидан бирида 1331 йил деб ёзилган араб имлосида битилган рақамли ёзувгина сақланиб қолган. Зиёратгоҳ қабр ва масжидни ўз ичига олади⁴ ва у тўғрисида кўп маълумотлар ҳужжатларда сақланиб қолмаган.

XV асрга оид Денов туманида катта қабристондан иборат Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳи қабристон, мадраса ва мақбарани ўз ичига олади. Хожа шарафига қурилган мадраса ҳовлиси чуқур равоқли, балхи гумбазли, ганчкор безаклар қўлланиб, ички

¹ Маданий мерос департаменти архиви. СД-6404 фонд, 3-руйхат, 98-иш, 1-28 варақлар.

² Маданий мерос департаменти архиви. СД-2988 фонд, Т-руйхат, 48-иш, 1-9 варақлар.; ИНВ. 4888. Эскизний проект реставрации хонако Кокильдора близ г. Термеза. – Т., 1982. – С. 1-74.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхандарё вилояти Қизирик тумани. 2020 йил 16 август. 5-дафтар.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Сурхандарё вилояти Қизирик тумани. 2020 йил 16 август. 5-дафтар.

бўртма қобирғасимон муқарнас нақшлар солинган¹. Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳида аввал фақат валийнинг сағанаси ва унинг атрофида қабристон мавжуд эди. Ҳозирда бу жой Остона бува қабристони деб аталади.

Бойсун туманининг Омонхона қишлоғида XV асрга оид Ҳазрат Султон Валий зиёратгоҳи бўлиб, унда Султон Валий мазори ва унинг атрофида қабристон жойлашган. Қабрнинг ўнг томонига авлиёнинг халифаси, пойларига фарзандлари қўйилган. Қабрлари устига ёдгорлик бино этилмаган².

В) XVII-XVIII асрларда шаклланган зиёратгоҳлар архитектураси.

Хўжасоат қишлоғининг қуйи қисмида жойлашган Курбон соат зиёратгоҳи XVII асрда барпо этилган, бино атрофи тош девор билан ўралган. Зиёратгоҳга қарашли майдон 1-1,5 гектар ерни эгаллайди. Унинг ёнида масжид бўлиб, орқа томонидан кичик ҳажмдаги остонада бир неча кишиларнинг қабрларини кўриш мумкин. Қабр атрофи пахса деворлар билан ўралган, девор турли офатлар туфайли текисланиб, 1970 йилда тўлиқ таъмирланган³.

Хожа Самандар Термизий мақбараси XVII-XVIII асрларга оид обида бўлиб, Жарқўрғон тумани Хўжа қишлоғидаги дарё бўйида жойлашган. Дарё мақбарага яқинлашгани боис у ердаги қабрлар тепаликка қайта дафн этилган. Хожа авлодлари қабри устига мақбара бунёд этилган⁴. Мақбара квадрат шаклда, усти ўқсимон гулбоз ёпилган.

Катта Вахшувор қишлоғида жойлашган Сўфи Оллоёр Олтинсой тумани (XVII–XVIII асрларда) зиёратгоҳи ўзида мақбара ва масжидни бирлаштириб, қадимшунос олим Л.И. Ремпел масжид устунларидан бирининг ёзувини ўқиш орқали 1713 йили қуриб битказилганини аниқлади. Масжид биноси қурилиши турли вақтларда XIX асрда Файзулла Охунд ва XX аср

¹ Асророва Л. Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бухорий сабоқлари. – 2020, 3-сон. – Б. 44-46.

² Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 33–34.

³ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Тошкент: Ёзувчи, 2003. – Б. 27-28.

⁴ Маданий мерос департаменти архиви. СД-9735 фонд, Ф-руйҳат, 53-иш, 1-10 ыарақлар.

бошида Кўкон эшони томонидан амалга оширилган¹. Зиёратгоҳга киришда дарвоза ва унинг атрофида шоирнинг шеърлари битилган гиштин лавҳлар бор. Тор ва узун йўлак қабристонга қадар чўзилган. Мақбара тепасида тўртта туғ турибди². Масжиднинг шимоли-шарқий қисми икки айвон, қўшимча хона ва ховлидан иборат. Иморат тўғри бурчак шаклида икки ёклама айвон билан туташган. Иморат синчли пахсадан қурилиб, икки қават девор билан ўралган. Масжиднинг ташқи тарафида кулбалар бор, меҳроб қисми жуда тор бўлиб, тўртта устун қўйилган. Айвоннинг диаметри 14,0x16,2 м залнинг диаметри эса 11,1x9,7 м ташкил этади³.

Олтинсой туманидаги Кийик ота зиёратгоҳи XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, Олтинсойдаги Миршоди қишлоғида жойлашган. Зиёратгоҳ сой ёқасида ва оддий пахса девор билан ўралган. Нураган девор ўртасида қабр бўлиб, оддий тупроқ билан кўтариб қўйилган. Тепасига иккита кийик шохи илиб қўйилган. Зиёратгоҳ атрофида қабрлар мавжуд эмас⁴.

Олтинсой туманидаги Хўжайгор ёки Авлиё ота зиёратгоҳи XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, Миршоди қишлоғида жойлашган жар ёқасида ғорда яшаган авлиё ота шу жойга дафн қилинган. Эшон қабри оддий девор билан ўралиб, қабрга оқ байроқ жалов қадалган. Йиллар ўтиши билан бу жойда бошқа қабрлар қўйилиб, кейинчалик катта қабристонга айланган. 1882 йилдан бошлаб бу жой зиёратгоҳга айланган. Маҳаллий аҳоли томонидан қабр устига оддий девордан мақбара қурилган. Бу мақбара йиллар ўтиши билан емирилган бўлса, эшоннинг учинчи авлодларидан бири Ғулмуҳон эшон қабрга кичик, аммо пишиқ гиштдан янги мақбара бунёд этган⁵.

Олтинсой туманидаги Якка тут бобо зиёратгоҳи XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, маҳаллий аҳолига мансуб Садри Халифа уни таъмирлатган, дафн этилган зотнинг қабр атрофи пахса девор

¹ Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Гафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 38–39.

² Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 7-8.

³ Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Тошкент: Изд. Гафур Гуляма, 1982. – С. 68-69.

⁴ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 29-30.

⁵ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 31-32.

билан ўралган, сўнги йилларда текисланиб, қабр ҳам йўқолган. Кейинчалик аҳоли уни тозалаб, зиёратгоҳга айлантирган¹.

Г) XIX–XX асрларга оид зиёратгоҳлар архитектураси. Биби Зайнаб зиёратгоҳи XIX асрда барпо этилган қабр, оддий пишиқ ғишт билан ўралган бўлиб, қабр тепасига бир мушт, бири очик бўлган қўлларнинг рамзий белгиси қўйилган. У Биби авлодлари ва маҳаллий аҳоли дафн этилган қабристон билан туташган².

Олтинсой туманидаги Хўжа Ҳасан Илғорий ёки Каптархона мақбараси XIX–XX асрга оид бўлиб, зиёратгоҳ атрофи шарқона усулда безалган деворлар билан ўралиб, у ерда иккита қабр бор. Биринчи қабр Хўжа Ҳасан Илғорий бўлиб, 3–4 метр узунликда, эни 2 метр, баландлиги 1–1,5 метрни ташкил этади. Қабрнинг барча жойлари цемент билан сувалган. Қабрнинг тепасига тоғ эчкиси ёки кийик шохи қуйилган. Икки шох ўртасига қора тош жойлаштирилган. Қабр олдида кичкина эшикча бўлиб, остига тупроқ солинган. Иккинчи қабр аввал халфага тегишли бўлиб, ҳажм жиҳатдан биринчи қабрдан анча текис. Зиёратхона бошида икки тут дарахти бор³.

Денов туманидаги XIX–XX асрларга оид Қорахон Эшон бобо зиёратгоҳи маҳаллий аҳолига олдиндан маълум, кейинги йилларда унинг устига фақат гумбаз барпо этилган⁴.

Мурч бобо мақбараси Термиз шаҳрида жойлашган бўлиб, 1947 йилда Г. П. Петров, 1966 йилда Ю. З. Шваб, А. Ткаченко, Н.Н. Кузьминалар тадқиқот ишларини олиб борганлар⁵. Мақбара XIX аср охири XX аср бошида қурилган бўлиб, хонақоҳ кун ботиш томонига ёнбош ҳолатда квадрат шаклда бунёд этилган. Мақбара қурилиши архитектура услубида бўлиб, пишиқ ғишдан терилганни кўриш мумкин⁶. Шунингдек, XX асрга тегишли Ангор

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани 2020 йил 18 август. 5-дафтар.

² Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 85–86.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Вахшувор қишлоғи. 2021 йил 17 июнь. 5-дафтар.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Қорахон қишлоғи. 2020 йил 18 август.

⁵ ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 354-иш, 268–269 варақлар.

⁶ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Мурч бобо зиёратгоҳи. 2020 йил 19 август.

туманидаги Абдурахмон ибн Афв зиёратгоҳи макбара ва қабристонни бирлаштиради.

Сурхон воҳаси архитектурасининг ўзига хос хусусияти шундаки, худуд ўзидан олдинги меъморчилик анъаналарини ўзлаштириб, маҳаллий қурилиш услублари билан қоришиб аралашшиш натижасида бетакрор ижод намуналари яратилган. Бунда Султон Содот, Ҳақим Термизий ва Қирққиз макбараси Термиз архитектура меъморчилик ёдгорликларининг энг сара намуналари ҳисобланади. Совет даврида воҳада қадимий ҳисобланган бошқа ёдгорликлар қаровсиз қолиб, вайронага айлантирилиб, улардан отхона ва омборхона сифатида фойдаланилган.

Вилоятнинг меъморий ёдгорликларини ўз хусусиятига кўра иккига ажратиш мумкин. Яъни, асосий ёдгорлик зиёратгоҳлар ҳисобланган Абу Исо Термизий, Ҳақим Термизий ва Қирққиз мажмуаси IX-XII асрларда қурилган ўз даврининг меъморий обидаларидир. Масжидлар ҳашаматли тўртбурчакли, эллин маданияти устунлари ила тўрт томонга кетадиган, кенг равоқлари қалқонсимон, қанотларга ўрнатилган гумбазлар билан ажратилган. Ҳашамдор гумбазли макбара ёки сағаналар кишлоқларда жуда кам учрайди. Асосан айвонли масжидлар кўп учрайди. Рамзий қабрлар билан боғлиқ яна бир ҳолат кузатиладики, қабр жойлашган манзилда аҳолининг шу зиёратгоҳга бўлган ҳурмати ва ишончи билан бир қабр атрофида юзлаб қабрларни вужудга келгани ва қабристонга айланганини кузатиш мумкин. Воҳа зиёратгоҳларининг аксарияти табиат қўйнида жойлашган. Шунинг учун мазкур зиёратгоҳларда фақат оддий қабрларни учратиш мумкин.

3.3. Зиёратгоҳлардаги маданий-маърифий ҳаётнинг этнографик ва социологик тадқиқи

Муқаддас зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ўлка аҳолисининг анъанавий диний тасаввурлари ва эътиқод қарашларини илмий таҳлил этишгина эмас, илмий тадқиқотлар натижаси сифатида моддий-маданият намуналарининг маънавий-маърифий аҳамиятини ёшлар таълим-тарбиясида қўллаш имкониятини ҳам беради. Шу маънода айтиш

мумкинки, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти ўзининг улуғ алломалари, забардаст олимлари ҳамда меҳнаткаш халқи билан жаҳонга танилган. Шуни эътироф этиш ўринлики, бу каби табаррук зотларнинг меросини ва тарихини ўрганиш, пировард натижада дафн этилган гўшаларини обод қилиш, дин-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади¹.

Қадим ҳикматда бир мамлакатга йўлинг тушса, мозори билан бозорини бориб кўр, деган нақл бор. Мозорни кўришдан мурод шу халқнинг аждоглари кимлигини билиш, ўтган донишманд ва фозилларга, тарихий хотирага муносабатларини аниқлаш бўлиб, ўзлигини англаган, муқаддас билган халқ бундай инсонларни улуғлайди. Бу каби охират диёрига олиб борадиган манзилларда кўноқ тутган зотларнинг илмий, меросидан, тафаккурдан ҳосил бўлган самара кўнгилга қувват, ниятга мадад, умидга таянч бўлади². Шунинг учун ҳам оқил ва фозил зотлар, доно ҳукмдорлар улуғлар қабрини зиёрат ва обод этишни ўзларига савоб ва шараф деб билганлар.

Шу жиҳатдан халқнинг ва миллатнинг миллий қадриятлари билан яқинроқ танишишда бошқа муҳим омиллар сингари аҳолининг маънавий-маърифий ҳаётида аҳамиятга эга бўлган муқаддас қадамжоларнинг хизмати ва ўрни катта. Муқаддас объектлар атрофида шаклланган маданият ва жамият тарихида юз берган воқеа-ҳодисалар, уларга муносабат, шу муҳит билан боғлиқ урф-одат, анъана, маросимлар муайян тил ва образлар орқали талқин қилинади.

¹ Ислол маданияти ва тарбияси ҳақида тўлиқроқ: Хўжамуродов И. Ислол миллийлик қадрият (Ислол ва ўзбек халқи миллий ўзлигини англашнинг шаклланиши). – Тошкент: Фан, 1993. – 122 б.; Абдурахмон Қоя. Ислол ахлоқи. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 1997. – 111 б.; Агзамходжаев С. Ёшларга ислол маърифатининг таъсири // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. Тўпл. З.Исломов ва бошқ. – Тошкент: Тошкент ислол университети, 2009. – 444 б.; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш (Сиёсий-фалсафий таҳлил). – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2010. – 171 б.; Қодиров Қ. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислол маданияти. – Тошкент: Тошкент ислол университети, 2011. – 120 б.

² Суяндик Мустафо Нурутотий. Мунаввар қадамжолар. – Тошкент: Noshirlik yog'dusi, 2011. – Б. 5.

Дала тадқиқотлари Сурхондарё вилоятидаги зиёратгоҳларнинг 70 фоизини Термиз, Шеробод, Музработ, Ангор, Бойсун, Олтинсой, Саросиё ҳудудларида жойлашганини аниқлашга имкон яратди. Ушбу ҳудудларда истиқомат қилган алломалар, олимлар, диний билим раҳнамолари фан ва маданиятнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар¹.

Бундай муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар тарихий-географик жойлашуви жиҳатидан куёш нури тик тушадиган, тупроғи ва иқлими тоза, аҳоли зиёрат қилиши учун қулай бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳолининг маънавий дунёкарашига ижобий таъсир этадиган тарбия маскани сифатида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уларнинг баланд тепаликларда жойлашиб, гўзал табиати, сўлим ва салқин ҳавоси экотуристлик йўналишда зиёратчиларнинг йилдан-йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ерда дам олишлари ва тиловат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ушбу зиёратгоҳлар жамиятимиз ривожига, миллий ғоя ва туйғуларимизнинг янада мукамал шаклланишига ҳисса қўшадиган маънавият марказлари сифатида хизмат қилмоқда. Айтиш мумкинки, аҳоли орасида зиёратгоҳга ташриф нафақат диний ибодат, балки халқ маънавияти юксалишида, дунёвий ва диний билимлардан хабардор бўлишларида, одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ғояларини тарғиб этишда муҳим ўрин тутди.

Масалан, VIII-IX асрларда дунё шаҳарлари орасида илмий ва диний фанлар соҳасида илмий кашфиётлар яратган олиму фозиллар билан танилган Термизда мовароуннаҳрлик олимлар билан бир қаторда термизлик олиму мунажжимлар ҳам халифаликнинг марказий шаҳарлари ва расадхоналарида фаолият кўрсатган². Жумладан, Ҳаким Термизий ҳинд халқининг қадимги санскрит ёзувида битилган насрий йилномасини таҳлил қилиб, ўзи узоқ йиллар давомида кузатган самовий jismlарининг одамлар ҳаётига, ахлоқиға, ердаги об-ҳавоға, ҳайвонот оламиға

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Узун тумани. 2020 йил 19 август. 5-дафтар.

² Термизда расадхона фаолияти 800\1397 йиллар билан боғлиқ ва Устурлобий макомининг берилиши ҳақида қаранг: Чўтматов Ж. Термизнинг безавол калъалари ёхуд Термиз тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – Б. 56-59.; Олим биографияси ҳақида батафсил: Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – И.: ЎМЭ, 2017. – Б. 264-266.

таъсирини чуқур мушоҳада этди ҳамда хулоса тарзида самовий ёритгичларнинг қуёшга ва ерга сояси тушишининг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида ёзган фикрлари туфайли илми нўжумда ҳам донишмандлик мақомига эришди¹. Шунингдек, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда асосий талаблардан ҳисобланган қалбнинг покланиши, нафснинг тийилиши устувор мақомга эга, инсон эришиши қодир бўлган билим бу тасаввуфий маърифат ёки ҳикмат ёшларнинг қалбида илоҳий нур билан тенглаштирилади. Ана шу тасаввуфий маърифат ва инсоний маънавият руҳи ҳар қандай дунёвий неъматлардан, нафсоний майллардан покиза, бутун нияти, фикри, зикри ила Аллоҳга интилган кишиларгагина насиб этиши келтирилади².

Жаҳонга танилган Ҳаким Термизий асарлари турли тилларга таржима қилиниб, ўрганиб келинмоқда. Масалан, эронлик олим Абдулҳусайн Зарринкуб “Жустижу дар тасаввуфи Ирон” (Эрон тасаввуфидан изланиш) деб номланган асарида Ҳаким Термизий тўғрисида маълумотларни келтиради. Олмон олими Бернад Рудольф ва Ротка Жон Увкин 1996 йилда Англияда Ҳаким Термизийнинг араб тилида ёзилган “Бадув уш-шаън” ва “Сийрат ул-авлиё” асарларини инглиз тилида китоб ҳолида шарҳи билан нашр этган³.

Маънавий ахлоқий хислатлари илм-фан, жамият тарбияси йўлида қўшган улкан ҳиссаси ҳар жиҳатдан ибрат олишга арзигулик бўлган Мавлоно Муҳаммад Зоҳиддек мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти дастуруламал бўлмоғи лозим. Садриддин Салим Бухорий келтирган маълумотга кўра, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ўз пири муршиди Хожа Аҳрорнинг мана бу ўғитларига бир умр амал қилган: “Хислатларнинг яхшироғи ҳилм (юмшоғлиқ хушфёллиқ) солиқ (тарикат йўлига кирган киши) га тўрт нарса керакдур: илмдурки, риёзатга солур то ани тўғри ва мулоийм

¹ Ғойипов З. Тафаккур самосидаги ёрқин юлдуз // *Moziydan sado*. –2001, 4(12)-сон. – Б. 18-19.; Темурий А., Жўраев Н. Термизлик буюк сиймолар. Биринчи китоб. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 46 б.

² Турсунов С., Муртазов Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2016. – 280 б.

³ Сафаров Ш. Термиз ва термизликлар. – Термиз: Жайхун, 1993. – 128 б.; Турсунов С., Чориев Р., Муртазов Б., Чўтматов Ж. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. – 288 б.

килур; зикрдурки, анга мунис ва ҳамдам бўлур, то ёлғизликда кўркмас; парҳезкорликдирки, ани тўхтатқувчидур, то ҳам ношойистага қарамагай; яқиндурки, анга маркаб ва суворадур, то ҳамроҳлардин кейин қолмагай. Дунёнинг роҳати уч нарасадур: Ҳазрат Ҳақ таоло тоати, Қуръон тиловати ва биродарлар зиёрати¹.

Нақшбандия тариқатининг улуғ тарғиботчиларидан бири Сўфи Оллоёр ижодида ҳам илм-маърифатга чақирриш ғояси тарғиб қилинади². Айтиш лозимки, унинг “Маслак ул-муттақин”, “Сабот ул-ожизин” асарлари ўрта аср мадрасаларида асосий бошланғич манба вазифасини бажарган бўлиб, унда умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ масалалари бадиий талқин этилади. Жумладан, “Сабот ул-ожизин” асарида камтаринлик ҳақида мавъиза ёзилган бўлиб, такаббурлик қилмаслик, кимнингдир ўғлиман деб мактанмаслик, отанинг молига ишонмаслик, қиёматда насаб сўралмаслиги айтилади³.

Вилоятда Қирққизлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар – Термиз туманидаги Қирққиз ёдгорлиги, Бойсун туманида эса Қирққиз тош номи билан аталса, Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Чош қишлоғида қирқ дона арча дарахти билан боғлиқ Қирққиз зиёратгоҳи ҳам мавжуд.

Термиз туманидаги Қирққиз саройи Гулсум Хўжамшукурованинг тадқиқотларида “қадимда қизлар академияси бўлган” деб берилади. У ерда 40 давлатдан қизлар таҳсил олишган. Қизлар академияси таҳсил олаётганларга кейинчалик ўз юртларида худди шундай илм мактаблари ташкил этишларига фатво берилган. Улар муҳри хужжатлар билан қайтишган ва хотин-қизларга ўз юртларида мадрасаи олиялар ташкил этишган⁴. Оғзаки маълумотларга кўра, халқ дostonларида зикр этилган душманлар ҳужумини қайтара оладиган қахрамон қиз Гулойим ва унинг 40 дугонаси айнан шу ерда яшаган. Шунингдек, ХХ

¹ Асророва Л. Хожа Мухаммад Зоҳид. – Тошкент: Ўзбекистон ислом академияси, 2020. – Б. 10-14.

² Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси. – Тошкент: ЎМЭ, 2017. – Б. 447-476.

³ Сувонкулов И. Сўфи Оллоёр / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2018. – Б. 407-418.

⁴ Хўжамшукурова Г. Қирқ қиз ёҳуд аёллар академияси // Талабалар дунёси. – Тошкент, 2009. №7 (09). – Б. 6.

асргача халқ томонидан Қирққиз қалъаси манзили Шаҳри Сомон деб ҳам аталган¹.

О. Муродовнинг ёзишича, Ўрта Осиё халқларида қадимдан “Қирққизлар” га илтижо қилиб, мадад сўраш одати мавжуд бўлган. Бу одат кейинчалик фолбин аёлларда сақланиб қолган. Элшунос олима О. Сухарева томонидан ёзиб олинган матнда фолбин аёлни чилтон покиза, яъни қирқта бокира хур қизларга мурожаати ҳам келтирилган².

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Қирққизлар билан боғлиқ ривоятларда қирқ рақами сакрал рамзий аҳамиятга эга бўлган рақам сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, қирқ рақамини эъзозлаш туркий халқларда қадим замонлардан бошланганини деярли барча олимлар тасдиқлашади. Бу рақам исломдан олдинги урф-одатларга бориб тақалсада, вақтлар ўтиши билан мазкур “сеҳрли” рақам ислом қоидаларига ҳам сингиб, турли маросимлар мана шу рақам атрофида амалга оширилаётган бўлди³.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Ширинобод қишлоғидаги бир тепалик устида Бибиширин зиёратгоҳи жойлашган. Ривоят қилинишича, Бибиширин Омонхонада абадий қўним топган соҳибкаромат авлиё Ҳазрат Султон Валий ҳазратларининг туғишган сингиллари Бибирайхон бўлади. Бибиширин бибимиз ўз замонасида ҳақ муомаласи ва маърифат бобида беназир инсон бўлганлиги қайд этилади⁴.

Тадқиқотчи М. Зарипова Омонхона ва Бибиширин мавзесидаги қариялар билан қилган суҳбатига асосланиб айтишича, Омонхонадаги шифобахш сув, авлоддаги Бошчашма Ҳазрат Султон Валий кароматлари ила содир бўлганини таъкидлайди. Ҳазратнинг дуоларини олиш учун Бойсунга ташриф буюрган Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур билан Дилоркамда Санги

¹ Древняя и средневековая культура Сурхандарьи // Отв. ред. Э.Д. Ртвеладзе, Ш.П.Идаев. Сборник научных статей, посвященных археологическим исследованиям в Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001. – 127 с.

² Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 115.

³ Бухоро аёллари. Абдуллаева З.М., Қосимова Н.Қ. ва бошқ. – Бухоро, 1997. – 108 б.

⁴ Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Т: Akademnashr, 2011. – Б. 378.

Султондаги учрашуви у кишининг ўз даврида катта нуфузга эга эканига далолат қилади. Бибиширин макбараси катта қабристон четида қад кўтарган¹. Демак, Бибиширин момо ҳам Амир Темур даврида яшаган авлиё Ҳазрат Султон Валиининг синглиси бўлиб, халқ орасида юксак маънавият, илм бобида тенгсиз бўлган, шу сабаб маҳаллий аёллар орасида ҳурмат қозонган.

Айтиш мумкинки, воҳада Юрчи кўрғонининг Дўстлик қишлоғида Биби Сарпуш зиёратгоҳи ҳам хотин-қизлар номи билан боғлиқ². Зиёратгоҳ тарихи ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Маҳаллий аҳоли вакилининг айтишича, қабрнинг ўнг томонида зиндон бўлган (XII-XIII асрлар), у ердаги махбусларга қиз таом, нон олиб келиб турган ва бу сирни сақлаган, шу сабаб унга Биби Сарпуш (сир сақловчи) деб ном қўйишган, уни Қоракўз ҳам деб аташган. Ота-онаси мусулмон бўлмаса-да қиз ислом динини қабул қилган. Шу сабаб аҳоли орасида ҳурмат қозонган. Вафотидан кейин қизни шу ерга дафн этишган. Кейинчалик бу ер маҳаллий аҳолининг катта қабристонига айланган³. Ҳозирги кунда бу жой зиёратга келувчи аёлларни мардлик, жасурлик, эътиқод ва иродаси мустаҳкам, сир сақловчи, вафодор аёл сифатида эзгуликка чорлайди.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳ феноменида шайх образи алоҳида ўрин эгаллайди. Қадамжоларда зиёратчиларга хизмат кўрсатадиган кишиларни шайхлар, хизматчилар ва қоровуллар ташкил этади. Улар келувчи зиёратчиларнинг хизматида бўлиш баробарида шу жойда хоки ётган шахс ҳақида маълумот берадилар⁴. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Шайх – мазор, қадамжо каби зиёратгоҳлар мутасаддиси, авлиёларга, Худо йўлига аталган назр-ниёзларни қабул қилувчи руҳоний”, деб изоҳлаб ўтилган⁵.

¹ Зарипова М. Муқаддас зиёратгоҳлар-халқимиз маънавиятининг белгиси // “Бойсун бахори” – миллий маънавиятимиз дурдонаси (Халқаро илмий анжуманга бағишланган мақолалар тўплами). – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 157-158.

² Дала таджикотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи кўрғони Дўстлик қишлоғи. 2020 йил 27 август, 3-дафтар.

³ Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи кўрғони Дўстлик қишлоғи. – 2020 йил 27 август, 3-дафтар.

⁴ Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 266.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 392.

Мозор шайхлари тўғрисида Б.Х. Кармышева уларнинг жамиятдаги ўрни ва даромадлари улар кўриқлаётган зиёратгоҳнинг машхурлиги ва вақфининг келтираётган фойдаси билан боғлиқ бўлганлигини айтиб ўтади. Оддий шайхлар ва унинг оила вакиллари зиммасига зиёратчиларга тунаб қолиш учун жой бериш, хўжалик анжомлари ва қурбонлик қилинган ҳайвонлар гўштини қайнатиш учун ўтин тайёрлаш, мазорни, жумладан, диний маросимлар учун таҳоратхона ва таом пишириладиган, қурбонлик келтирадиган жойни ва масжидни тоза сақлаш сингари хизмат кўрсатиш вазифаси кирганлигини қайд этади¹.

Муқаддас зиёратгоҳларга эгаллик қилиш ва ундаги шайхлик вазифасини эгаллаш бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу ваколотга эришишда шайхлик ҳуқуқи куйидаги категорияларга: сайидлар, хўжалар, сўфийлик тариқати намояндлари ҳисобланувчи эшонлар авлоди, сўфий пирлар қўл остида хизмат қилган мадраса муаллимлари махдумлар², охундлар, мазорларда хизмат қилиши туфайли шайхлик ҳуқуқини қўлга киритган оддий табақага мансуб оилалар каби гуруҳларга бўлинган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир зиёратгоҳга шайхлик қилиш ҳуқуқи дастлаб унинг авлодларига, улар бўлмаса, мазорга хизмат қилаётган оилаларнинг авлодларига берилган ва ушбу ҳолат авлоддан авлодга ўтиб келган. Баъзан улар тушда шайхлик қилиш учун мазордаги авлиёдан рухсат берилганини асос қилиб шайхлик ҳуқуқига эга бўлганлар³.

Зиёратгоҳларда яна бир муҳим жиҳат кўзга ташланадики, зиёратгоҳлар олдида чиллахоналар бўлиб, у ерда суфийлар қирқ кун Аллоҳ учун тоибодатда бўлишган. Масалан, Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий зиёратгоҳи макбараси чиллахонаси бўлиб, қадимдан халифалар, муллалар, қорилар, баъзида зиёратга келган кишилар кечаси билан ибодат қилишган

¹ Кармышева Б.Х. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухарского ханства в конце XIX – начале XX века // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – М.: Наука, 1985. – С. 101.

² Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. 2001. №2. – С. 128-131; Ўша муаллиф. "Народный" суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. – Ташкент, ИФЕАК – 2004. – С. 1-11.

³ Абдулахатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 60.

ва ҳозирги кунга қадар мазкур чиллаҳона объект сифатида сақланиб қолмоқда¹.

Тадқиқот давомида олиб борилган сўровнома ва интервью шундай хулосалар қилишга асос яратиб бердики, зиёратгоҳларда фаолият юритаётган раҳнамолар, табақалар ва оқимларнинг ислом тарихидан хабардор бўлиши, диний мадраса, масжид билан бевосита боғланиши ҳамда мукаммал ҳолисона диний билимни ўзлаштирилиши долзарб масаладир. Чунки муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида фикр юритаётган раҳнамолар миллат маърифатини, давлат таълимини ва у билан боғлиқ инсон омилини чуқурроқ тушуниши ва ҳар бир нарсага тарихий ҳолисона нуқтаи назаридан қараши зарур, деб ҳисоблайдилар.

Шайхлик қилиш учун куйидаги талаблар кўйилиб у даволаш қобилиятига эга бўлиш, мазор аввалги шайхининг руҳсати, ўша кишининг дастлабки диний билимлари (намоз ўқиш, Қуръон оятларини билиши сингари) етарлилиги, зиёратчилар билан мулоқот қилишга қодир бўлиши лозим, деб қаралган². Аммо баъзи ҳолатларда авлиёлар ҳақида ҳаддан зиёд бўрттирилган маълумотлар бериб, тарихий маълумотларни бузиш ҳолатлари ҳам учрайди. Аҳоли орасидаги ўз насабларини улуғ шахслар номлари билан боғлайдиганлар ҳам кўпинча бўрттирилган маълумотлар тўқилишига сабаб бўлган³.

Маълумки, муқаддас мазорларнинг машҳурлиги унга дафн этилган авлиёларнинг қароматлари билан белгиланган⁴. Агар авлиёлар ҳаёти мобайнида кўплаб қароматлар кўрсатган бўлса, демек, унинг қабрига зиёратга келувчилар ҳам кўпроқ бўлади, деб қаралган.

Кишилар турмушдаги шахсий мусибат ва омадсизлик, айниқса, бефарзандлик, яқин кишиларининг бахтсизлиги,

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Яхтийўл маҳалласи. 2020 йил 20 август.

² Шайхлар макоми ҳақида батафсил: Маллицкий. Н. Ишаны и суфизм // Туркестанские ведомости. 1898. – С. 71-72; Исмоилов Л.Э. О некоторых важных моментах в биографии Мавераннахрского суфийского шейха XVI в. // Вестник Омского университета. Серия «Исторические науки». – 2019. №2 (22). – С. 12-16; Сулаев И.Х. Шейхи и общины мюридов в советском Дагестане (20-30-е гг.) // Вестник института ИАЭ. – 2010. №1. – С. 43-55.

³ Сулаев И.Х. Шейхи и общины мюридов в советском Дагестане (20-30-е гг.) // Вестник института ИАЭ. – 2010. №1. – С. 43-55.

⁴ Кныш А.Д. Суфизм // Ислам. Историографические очерки. – Москва, 1991. – С.153.

хаётдан зерикиш, касаллик ёки ўлимдан хавфсираш, ёлғизлик ҳис-туйғуси ва шу каби бошқа социал-психологик омиллар инсонларни диний ҳиссиётларга берилиш натижасида муқаддас зиёратгоҳларга бориши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу сабабдан мазорлардаги дин пешволари, шайхлар зиёратчиларнинг эмоционал ҳолатидан фойдаланиб, уларнинг ҳиссий туйғуларига таъсир қилишга интиладилар ва бу ўринда муқаддас жойлар ва уларда дафн этилган авлиёлар билан боғлиқ ривоятларнинг роли муҳим аҳамият касб этиш баробарида, уларнинг турли урф-одат ва маросимларга бўлган эътиборини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, зиёратгоҳларнинг кишилар турмушидаги ўрнини янада муҳим бўлишини таъминлайди¹.

Зиёрат маросимларида бажариладиган урф-одатлар билан боғлиқ қарашлар кўп асрлик тарихга эгадир. Улар узоқ тарихий давр паллаларида шаклланиб, у ёки бу этнос яшаган географик муҳит, хўжалик турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари, анъанавий маданияти, этник қатламлари ва бошқа бир қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Этнолог олим А. Ашировнинг фикрича, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётий тадбир ҳисобланади². Зиёратгоҳларда бажариладиган удумлар узоқ вақтлардан бери амал қилиниб келаётгани маълум. Бу аввало зиёратчиларнинг руҳий ҳолатида яққол намоён бўлади.

Зиёратгоҳлар вилоятда қадимдан мавжуд бўлиб, аҳоли у ерга чин ихлос ва турли ниятларда боришади. Муқаддас жойларга зиёратчилар чоршанба ва жума кунлари келганлар. Айниқса, аёлларнинг зиёратгоҳга айнан чоршанба куни келиши, ушбу кун билан боғлиқ қадимги қарашлардан келиб чиққан. Ота-боболаримизнинг эътиқодий тасаввурига кўра, якшанба, душанба, пайшанба ва жума кунлари бахтли кунлар бўлиб, сешанба, чоршанба ва шанба кунлари бахтсиз кунлар саналади. Чоршанба

¹ Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. – Тошкент: Институт истории АН РУз, 2008. – С. 12.

² Аширов А. Анъанавий никоҳ туйи маросимлари урф-одатларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида) // O'zbekiston tarixi, – 2003. 2-сон. – Б. 38-39.

куни ўсимлик ва сувларга жон ато қилинган экан, озиқ-овқат, кийим-кечак орқали киши баданига кириб олган ёмон руҳларни чоршанба куни қувиш кўпроқ фойда келтиради¹.

Аҳолининг фикрича, зиёратгоҳлар муқаддас жойлар бўлиб, у ерга борган зиёратчилар ниятларини худодан чин кўнгилдан сўрасалар, ниятларига етадилар². Ўша ерда ётган майитнинг ҳақкига дуо-фотиҳа қилиш савобдир. Зиёратга бориб майитнинг ҳақкига қурбонлиқлар қилиш мумкин эмас. Фақат Аллоҳ йўлига садақа ва эҳсон қилиш лозим. Кўпроқ аёлларни зиёратга бориши, руҳий таскинга муҳтожлиги, қайси зиёратга эътибор кучлилиги ёки давлат бошлиқларининг қайси зиёратгоҳларга ташрифи кузатилганлиги айтилди.

Зиёратгоҳда ўтирадиган маҳаллий қорилар, зиёратгоҳга келиб тавоф қилиш, у ерда жонлиқлар сўйиш, мушкулқушодлар ўтказиш, дарахтларга ип боғлаш, тошларни чайиб ичиш, тупроқларидан суриш мумкин бўлмаса-да, бу ҳолатлар удумга айланганини таъкидлашади³.

Қумқўрғон туманида яшовчи Ҳусанов Олломурод аканинг айтишича, зиёратгоҳга бориш ҳам фарз, ҳам қарзидир. У бошига бир мушкул иш тушганида чин ихлос билан Термиз отани зиёрат қилган, эртаси куни ушбу мушкулотдан фориғ бўлган⁴. Р. Пардаев фикрича, зиёратгоҳга одамлар нима ниятлари бўлса, шуни Худодан сўраб келишади, у ерни тавоф қилиш, турли амалларни бажариш зиёратчиларнинг ота-боболаридан қолиб кетган удумдир. Улар бу ҳатти-ҳаракатларидан ўзларини енгил ҳис этиб, шу жойда ётган кишининг руҳлари қўллайди, деб ҳисоблашади⁵. Зиёратчиларнинг макбара ва қабрларни тавоф қилиши анъана бўлиб қолган. Улар бу ерга келиб, маънавий покланади. Ўзларини қушдай енгил сезади, зиёратчи хаёлида энди ишлари ижобий самара беради. Кўп зиёратчилар қариндошлари шу ерга қўйилгани учун қабрларини зиёрат қилишга келади.

¹ Саримсоков Б. Ўзбек маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 154.

² Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз тумани Ҳаким Термизий зиёратгоҳи. 2019 йил 11 август.

³ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 185-197.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани. 2019 йил июль.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Узун тумани Оқ остона қишлоғи. 2019 йил 29 ноябрь.

Воҳа зиёратгоҳларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳар бир зиёратгоҳ нафақат орзу ва ниятларнинг ушалиш учун ибодат маскани, балки фарзанд, бахт, турли касалликлардан фориғ бўлиш учун алоҳида таснифланганини кўриш мумкин.

Масалан, Термиз туманидаги Кокилдор ота (XII аср) зиёратгоҳига асосан, Худодан фарзанд сўраб, яра-чақаларига шифо тилаб, шу билан бирга, болаларига кокил қўйганлар келишади. Улар кокиллари шу ерда олдиришади, аллома ҳаққига Қуръон тиловат қилдиришади, садақа ташлашади¹. Шу сабабли ушбу зиёратгоҳга асосан, кокилли гўдакларни етаклаб келаётганларни кўриш мумкин. Муқаддас мазорларга зиёратга келувчи ҳар бир киши ўзи билан қурби етганича “ислик” олиб келган. Хусусан, бефарзанд аёл мазорга келгач, шайх аёлдан зиёратга келиш мақсадини сўрагач, аввалги тилаб берган болаларидан қолган кокилни биттасини бера туриб, “кейинги келишингизда, иккита қилиб олиб келасиз”, деб айтган. Бу билан ўша аёлни фарзанд кўриб, фарзандининг ҳам кокилини олиб келишига ишора бўлган.

Хабар берувчининг сўзларига кўра, кокил қўйишнинг маъноси шундан иборатки, Ҳазрати Алининг фарзандлари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн кокилли туғилишган экан. Шу сабабдан, ҳар бир фарзанд кўриш орзусидаги аёл “Менинг ҳам фарзандим Ҳазрати Алининг фарзандларига ўхшаган бўлсин” деб фарзанд кўрса, кокил қўяр экан. Бизнингча, кокил қўйиш Ҳазрати Али билан боғлиқ бўлса керак. Чунки Алининг лақабларидан бири Ҳайдар бўлиб, бу исм арслон ва жасур маъноларини англатса, эркак болаларда орқага ўриб қўйиладиган бир тутам соч ҳам ҳайдар деб аталган².

Шунингдек, Хожа Алоуддин Аттор қабри ёнида беш панжасининг изи бор. Зиёратга келган кишининг панжалари шу панжа изига тўғри келса, у киши ниятига етиши мумкинлигига ишонишади³. Олтинсой тумани Хўжасоат жамоа хўжалигида жойлашган Саъд ибн Абу Ваққос номи билан боғлиқ зиёратгоҳ

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз тумани Кокилдор ота маҳалласи. 2019 йил 3 август.

² Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1991. – 567 б.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Денов тумани Номозгоҳ маҳалласи кишлоғи. 2019 йил 27 июль.

бўлиб, бу ерга асосан, тушида қўрққанлар, жинга чалинганлар, асаб касалига йўлиққанлар, боласи сақлаб қолинишини хоҳлаганлар, яъни тезда чала туғадиган аёллар, жисмоний заиф кишилар Худодан гуноҳларини кечишини сўраб, дилларини пок қилиш учун келадилар. Қабрдаги беш панжа белгиси эса, кимки мени зиёрат қилса, Худо тилагини беради, деган маънони англатиши таъкидланади¹.

Ангор туманидаги Хайробод тепалигида жойлашган Саъд ибн Абу Вакқос зиёратгоҳи² атрофида чиллахона бўлиб, у ерга фарзандлари чакалоқлик пайтида чилла бўлганлар, баданларига сўғал ва яра тошганлар келишади. Ҳозирги кунда чиллахонанинг йигирма иккита зинапоysi бўлиб, зиёратчилар ният қилишиб, у ерга тушиб чиқадилар. Қўлларига, баданларига яра-чақа, сўғал чиққан кишилар тупроқларидан суришади, ундан уйларига ҳам олиб кетадилар. Олган тупроқлари учун садақа пули ҳам қолдирадилар.

Бундан ташқари, ушбу зиёратгоҳда одамлар фарзанд, бахт, турли касалликлардан тузалишни сўраб, Худога тоат-ибодат қилишади. Бу жойга ҳафтанинг чоршанба, якшанба кунлари 130–140 нафар зиёратчи келишади. Улар Ҳайит кунлари ва чоршанба кунларида жонлиқлар сўйиб, Худо йўлига садақа қилишади. Бахти очилмаган қизлар Худодан бахт сўраб, мушкулкушодлар ўтказишади³.

Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғидаги Сўфи Оллоёр (XVII–XVIII асрлар) зиёратгоҳи араб давлатлари, республикамиз ва вилоятимизда таниқли ҳисобланиб, аммо республика ва вилоятда бу зиёратгоҳни билмайдиганлар ҳам йўқ эмас. У жойга Швейцария, Арабистон, Афғонистон давлатлари, республикамизнинг турли вилоятлари, вилоят туманлари, асосан, Шўрчи, Денов, Олтинсой, Сариосиё, Узун туманлари одамлари ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари кўп келишади. Зиёратчилар ҳафтада 200–300 кишини ташкил қилади. Улар учун дам олиш жойлари

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Хўжасоат қишлоғи. 2019 йил 28 июль.

² Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Ангор тумани Хайробод тепа қишлоғи. 2019 йил 26 июнь.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Ангор тумани Хайробод тепа қишлоғи. 2019 йил 26 июнь.

яратилган, бўлиб, зиёратчилар бу ерга Худодан нима тилаклари бўлса, сўраб келишади, жонлиқлар сўйиб, садақа қилишади, Сўфи Оллоёр ҳаққига Қуръон тиловат қилдиришади, мушкул-кушодлар ўтказишади.

Бу зиёратгоҳда хоки ётган Сўфи Оллоёрнинг ҳозиргача ҳассалари, ўзлари тўшаб ўтирган кигизлари, чироғи, кўзалари, лаҳад тахталари ҳам сақланиб турибди. Зиёратгоҳларнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, уларда ривоятлар сақланиб қолган, яъни Сўфи Оллоёрнинг ҳассаси теккан жойдан сув чиққан эмиш. Катта Вахшувор аҳолиси шу табаррук сувдан истеъмол қилишади. Уларнинг бири Қорабулоқ, иккинчиси Қўтирбулоқ деб аталади. Қўтирбулоқнинг суви тери касалликларига дармон бўлиб, булоқ суви бир йилда олти ой чиқади, олти ой курийди¹. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, фақатгина Сўфи Оллоёрнинг авлодлари қабрлари устида қирқбўғин, қоратиканак ўтлари ўсади. Бошқа қабрларда бундай ўтлар учрамайди. Асосан, бу жойга бефарзандлар келишади. Валий ҳаққиларига Қуръон тиловат қилдиришади².

Хўжайпок зиёратгоҳидан шифобахш сув чиқади. Аниқланишича, сув таркибида фосфор, олтингугурт, туз, хлорид, сульфид, азот, темир ва бошқа моддалар бор. Бу сув асосан, бош, оёқ, бел оғриқлари, кўкрак қафасининг қисилиши, турли яралар, тошма, тери, асаб касалликларига дармондир³.

Олтинсой туманида саҳоба Хўжа Ҳасан Илғорийнинг шарафига қилинган қадамжо аҳоли орасида Бўри Халифа бобо номи билан машҳур бўлиб айтишларича, бу киши яраларнинг пири бўлган экан. Зиёратчилар яралари яхши бўлиб кетиши учун қабр тупроқларидан суртадилар⁴. У ердаги биринчи қабр Хўжа Ҳасан Илғорийнинг қабри бўлиб, олдида кичкина эшикча бор. Унинг остига тупроқ солинган. Зиёратчилар ўша тупроқдан олиб, яраларига малҳам қиладилар⁵. Кимки қўрққан бўлса ёки боласига

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вохшувор қишлоғи. 2021 йил 17 июнь.

² Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вахшувор қишлоғи. 2021 йил 17 июнь.

³ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 15–16.

⁴ Дала тадқиқотлари. Хўжа Ҳасан Илғорий зиёратгоҳи. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Яккатут қишлоғи. 2019 йил 26 июль.

⁵ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 23–24.

чилла тушган бўлса, шу ерга зиёратга келиб, Қуръон оятларидан ўқиса, Худодан ният сўраса етар экан. Фарзанд кўриш истагида бўлганлар ҳам шу ерга зиёратга келишади. Бундан ташқари, бу зиёратгоҳга турли яралар, тери касалликлари, пеллар, без тушиш ва бошқа яралар билан касалланган беморлар Худодан чин кўнгилдан ихлос билан касалларига шифо сўрасалар, тузалиб кетар экан¹.

Узун туманидаги Оқ остона бобо зиёратгоҳининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерга асосан, бахти очилмаган қизлар, иши юришмаган кишилар, бундан ташқари, Худодан фарзанд сўраб келишади. Қизлар супурги олиб мақбара атрофини супуришади. Туркий халқларнинг эртақ ва ривоятларида подшоҳ саройининг остонасини супуриш маликага совчиликка келганликларини аңлатган бўлса, муқаддас мазорларда супуриш авлиёлардан мадад сўрашни билдиради².

Шеробод туманидаги Абу Исо Термизий зиёратгоҳига Худодан ишларининг барорини, фарзанд, бахт, соғлиқ, касалларни тузатиш учун келишади. Ҳафтанинг чоршанба куни зиёрат куни ҳисобланади, бошқа кунларда ҳам зиёратчилар келиб туришади. Улар бу ерда мушкулкушодлар ўтказишади, Худо йўлига жонлиқлар сўйишади, аллома ҳаққига Қуръон тиловат қилдиришади³.

Бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, аксарият кишилар зиёратгоҳларга бориш, у ерни кадрлаш, майитлар ҳаққига дуо-фотиҳа қилиш савоб, деб ҳисоблайди. Зиёрат қилиш, қабристонга бориш охиратни эслатишини, кишиларнинг кибр-ҳавога берилиб кетишига йўл қўймаслигини, уларнинг Аллоҳдан кўрқишига ва ноҳўя ишлар қилмаслигига имкон яратишини таъкидлайдилар⁴. У ерга чин ихлос билан Худодан ниятларини сўраб борганлар мақсадларига етади. Аллоҳ йўлига эҳсон қилса, савоб топади.

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Яқкатут қишлоғи. 2019 йил 26 июль.

² Басилов В.Н. Легенда: верить или не верить? // Советская этнография. – Москва, 1974. №1. – С. 164.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Буг қишлоғи. 2019 йил 26 июль.

⁴ Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрат одоби. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2005. – 80 б.; Қалтис саволларга ҳолис жавоблар. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2001. – Б. 30.

Азиз-авлиёларнинг мазорларини ва қабристонларни зиёрат қилиш ислом динида савоб иш саналади¹.

Аждодларимиз ўзларининг ҳаёт тажрибаларида муносиб ҳурматга сазовор бўлган шахсларнинг номларини абадийлаштиришга, амалга оширган ишларини келажак авлодга намуна сифатида қолдиришга ҳаракат қилган. Муносиб шахсларнинг меросини ва тарихини ўрганиш, пировард натижада улар дафн этилган қабристонларни обод қилиш, диний-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш, уларнинг дунёвий ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади.

Зиёратгоҳларда жонлиқ сўйиш масаласида кўпчилик жонлиқ гўштини тарқатиб, унинг савобини ўзи суйган азиз-авлиёлар руҳига ва хонадонидан ўтганларнинг руҳига ҳадя этиши мумкин, деб ҳисоблайди. Сўйилган молларни азиз-авлиёга аташ ҳаромдир². Масалан, Термиз отага аташ ва бошқалар. Зиёратгоҳларда қурбонлик маросими ўтказишда қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Қурбонлик араб тилида Худога яқин-лашиш, яъни унинг раҳмат-шафқатига сазовор булиш учун Худо йўлига жонлиқ сўйишни англатган³. Хабар берувчининг сўзларига кўра, ҳар бир қурби етган одам зиёратга келса, товук ёки хўроз, қўй, эчки “жонлиқ” ни қурбонлик қилган. Ўша жонлиқ гўштининг бир қисмини шу ерда пишириб тановул қилишган. Қолганини пиширмай, яъни “хомталаш” қилиб шу зиёратгоҳларга эҳсон қилган⁴.

Мушкулкушод маросими аёллар томонидан ўтказиладиган амаллардан ҳисобланади⁵. Унда бу маросимни ўтказишни ният қилган аёл етти дона кулча нон, етти хил мевани дастурхон устига қўйиб, уйига аёлларни таклиф этади. Мазкур маросимнинг элементларини супра устига тош қўйилиб, чироқ ёкилади ва тоғорага ун солиб, усти ёпиб қўйилади. Мевалар етти қисмга

¹ Ҳожи Абдуллоҳ Абдуррозик. Зиёрат одоблари. Мўъминлар мулокоти ва дўстлик одоблари. – Тошкент: Мовороуннахр, 2005. – Б. 15-18.

² Ислам энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 295.

³ Ҳамроқулов Ж. Қурбонлик фазилати // Ислам нури. – 2013 йил 19 (492)-сон. – Б. 2.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз тумани Алишер Навоий қишлоғи. 2019 йил 30 июль.

⁵ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фаъ, 1993. – Б. 188-190.

бўлиб, кулча нонлар билан бирга келган кишиларга тақсимлаб кўйилади. Мушкулкушод ўтказаётган аёл кўйлагининг этагига мевалардан солиб, ҳовлини айланиб келади, Худодан ниятларини сўрайди. Кейин тоғорадаги унни очиб кўришади, гўёки унга Худо қандайдир белгилар, йўллар кўрсатгандай кўринади, уларнинг кўзи билан қараганда унда чизикчалар пайдо бўлади. Шундан кейин ҳамма аёллар мушқули осон бўлиши учун аёл номига дуо ўқиб, ниятлари амалга ошсин, мушқуллари енгил бўлсин, дея ният қиладилар¹. Албатта, ислом динида бундай ҳаракатлар бидъат деб баҳолансада, аҳоли урф-одатларида у ўз шаклларини сақлаб қолганини кўришимиз мумкин.

Муқаддас жойлардаги дарахт ва ўсимликларнинг муқаддас саналашини маҳаллий аҳоли ўртасида асрлар мобайнида шаклланиб келган ва унинг илдизлари исломдан олдинги диний қарашлар билан боғлиқ². Энг муҳими, муқаддас зиёратгоҳлар воҳанинг дарё, ариқ, булоқ, кон, ҳунармандчилик, дехқончилик, чорвачилик, дарахт, турли доривор ўсимликлар ўсадиган ҳудудларда шаклланиши, асосан, географик ҳолат билан боғлиқдир.

Шунингдек, муқаддас зиёратгоҳлар шаклланишида географик муҳит алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўтмиш аجدодларимиз улуғ аллома ва авлиёларнинг образини талқин қилишда ҳудуд иқлимига, табиат экологиясига, ернинг баланд жойлашишига, у ернинг турли дарахтлар ва доривор ўсимликлар билан боғлиқлигига алоҳида эътибор берган³.

Тадқиқотчи Н. Турсунов Сурхондарё воҳаси этнографиясини тадқиқ қилган ҳолда, ҳудудда анимистик тасаввурлар билан боғланган авлиё, анбиё, муқаддас жойлар, табиат кучлари ва аждодлар руҳига сиғиниш кенг тарқалганини қайд этади ва буни тотемизм, фетишизм, анимизм каби ибтидоий дин билан боғлиқ расм-русумлар деб баҳолайди. Уларга ғайритабиий ғорлар ва қоялар, шифобахш булоқлар ва дарахтлар ҳам зиёратгоҳга айлантирилгани, Анжирота, Мурчбобо, Чинорота каби муқаддас

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз тумани Ҳаким Термизий зиёратгоҳи. 2019 йил 29 июль.

² Pitrovsky M.B. Islam - belief and a way of life // Islam. Short directory. – М., 1983. – pp. 45.

³ Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С. 626-627.

дарахтлар, Бойсун ва Сайрободдаги “муқаддас” балиқли булоқлари киритилади¹.

Этнографик тадқиқот натижаларига кўра, воҳада ҳайвонлар култи билан боғлиқ бир нечта зиёратгоҳларни учратиш мумкин. Жумладан, Олтинсой тумани “Оқ олтин” маҳалласига қарашли Миршоди қишлоғидаги Хўжайгор ёки Авлиё ота зиёратгоҳи, овчилик билан шуғулланган кароматгўй авлиё деб номланган Кийик ота зиёратгоҳини кўриш мумкин². Шунингдек, Олтинсой туманида Хўжа Ҳасан Илғорий номи билан барпо этилган “Каптархона” номи билан танилган зиёратгоҳ ҳам бунга мисол бўлиб, ундаги иккита тут дарахти кўрққан ва боласига чилла тушганлар учун илоҳийлаштириган³. Кутурган ит қопса ёки тирнаса, маҳаллий аҳоли дарҳол “Ғалаба” маҳалласи худудида жойлашган – Кўппак ота зиёратгоҳига ташрифдан ёрдам кутишади.

Зиёратгоҳларга хос яна бир нарса шундаки, унинг худудида тоғ-табиат култи борлиги билан ажралиб туради, жумладан, Сангардак тоғидаги зиёратгоҳ⁴, Хўжаи Илғор⁵, тоғнинг юз метр тепалигидан оқ сув оқиб тушадиган Шарра мозор⁶, тоғ остида Хўжаи Хўбон (яхшилар Хўжаси)⁷ зиёратгоҳлари бор. Гўзал табиат объектлари билан боғлиқ муқаддас жойларнинг кўплиги Сурхон замини зиёратгоҳларининг ўзига хослигини кўрсатади. Шунингдек, булоқлар сув билан боғлиқ кулът махсус эслатиб ўтишни талаб этади. Улар ҳаёт экологияси асосини ташкил этади. Хурсандтоғ тепасидаги муз қатламларида жойлашган Чош қишлоғида Хўжаи Пирях (Қари муз хўжаси)⁸, Хонжица

¹ Турсунов Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. – Т.: Yangi nashr, 2015. – Б. 120-121.

² Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 29–30.

³ Дала тадқиқотлари. Зиёратгоҳ ховлисида қўйилган маълумотдан. 2020 йил 28 август.

⁴ Пославская О. Туристскими тропами Узбекистана (Пути в природу). – Тошкент: Узбекистан, 1985. – С. 151-154.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 3 август.

⁶ Дала тадқиқотлари. Шарра мозор зиёратгоҳи. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 3 август.

⁷ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи. 2019 йил 5 август. 4-дафтар.

⁸ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Чош қишлоғи. 2019 йил 6 август.

маҳалласидаги Хонжиза қишлоғида Хурсанд тоғидан оқадиган дарёнинг бўйида Чашми дивонаҳо (Девоналар булоғи), «Кўк тераклар булоғи»¹, Десурх қишлоғидаги Қизилсой бўйида «Оби сурхон», Чашмаи Соро², Найҳо тоғининг тагида «Шайхлар булоғи» деб аталувчи³ зиёратгоҳлари жойлашган. Мазкур зиёратгоҳларнинг булоқлари шифобахш сув чиқадиган булоқ бўлиб, муқаддас саналадиган ҳовуздаги балиқлар ейилмайди ва баъзи ҳолатларда аҳоли ҳовуздан турли мақсадларда (нийат қилиб) сув ичади.

Зиёратгоҳларда сув култи унинг даволовчи шифобахш хусусиятга эгаллиги билан ҳам изоҳланади. Масалан, Бойсун туманидаги Сиддиқ саҳоба қадамжоси ҳамда Омонхона қишлоғи Қамари Азиз қадамжоси, Ҳазрат Султон Валий зиёратгоҳи шифобахш сувларининг нафақат ихлос билан ичишдаги балки тиббий фойдалари тўғрисида фан ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради⁴. Қамари Азиз қадамжосидаги Омонхона шифобахш булоқ суви Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н. А. Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш институтида таҳлил қилиб кўрилганда сувнинг санитария-бактериологик кўрсаткичларга тўлиқ жавоб бериши аниқланди. Мазкур шифобахш сув таркибида кўплаб фойдали микроэлементлар мавжуд бўлгани сабабли сурункали гепатит, холицистит, ошқозон ичак, қандли диабет каби кўплаб касалликларга даволовчи хусусияти мавжудлиги исботланди⁵.

Зиёратгоҳларда дарахтлар култи ҳам алоҳида феноменни ташкил этиб, аксарият зиёратгоҳларда дарахтга ният қилиб ип ёки мато боғлаб кўйилади. Латта боғлаш орқали зиёратчи муқаддас жойга нисбатан умид ва ишончини намойиш этган. Унинг истаги рўёбга чиққач, иккинчи марта келиб боғлаган латтасини ечган ва мазорга атаб қурбонлик қилган. Масалан,

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сарносиё тумани Хонжиза қишлоғи. 2019 йил 5 август. 4-дафтар.

² Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сарносиё тумани Нилу қишлоғи. 2019 йил 5 август. 4-дафтар.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сарносиё тумани Десурх қишлоғи. 2019 йил 6 август. 4-дафтар.

⁴ Алланов Т., Алланов О. Омонхона мўъжизалар манзили. – Т.: Тафаккур, 2013. – Б. 11-19.

⁵ Тошқулов О. Бойсун мўъжизалари. – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 126-128.

Олтинсой туманидаги Хўжасоат қишлоғида жойлашган Курбон Соат зиёратгоҳидаги қадимий азим тут дарахти¹, шунингдек, Хонжиза маҳалласи Мозори Тўқ зиёратгоҳи атрофида дўлана дарахти мавжуд бўлиб² ташриф буюрувчилар томонидан дарахт шохларига турли матолар ва рўмоллар илинади³.

Умуман, юртимизда мавжуд муқаддас зиёратгоҳлар, мақбаралар, қадамжолардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдиэларига эга. Уларни илмийлик асосида чуқур ўрганиш юртимиз маънавий ҳаётининг юксалишига, халқ орасидаги айрим салбий одатларга барҳам берилишига, шу билан бирга, ижобий хислат ва урф-одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёқараш, алломаларимиз меросига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Хусусан, жамиятимизда баркамол, дунёқараш кенг, нафақат илм-фан, балки одоб-ахлоқда ибрат олинадиган шахсни тарбиялашда беназир алломаларнинг илмий-маънавий мероси билан ёшларни таништиришнинг аҳамият жуда катта. Инсон шахси уни амалга оширган ижобий ишлари билан боғлиқ манбаларни ўрганиш, дунёвий ва диний илмларга қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотга эга бўлиш, таниқли шахсларнинг жамият ва инсоният тафаккури юксалишидаги фаолиятини тарғиб қилиш билан боғлиқ. Шу маънода, Сурхон воҳасида илмий салоҳият, диний билимларни тарғиб этган инсонлар номи билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи муқаддас зиёратгоҳлар, унда дафн этилган зотларнинг кароматларини кўрсатиш орқали халқимиз маънавиятини янада бойитиш мумкин бўлади.

Зиёратгоҳлар ва мазорларга ташриф халқ руҳиятида ифодаланган бўлиб, уларда асрлардан асрларга ўтиб келаётган афсона ва ривоятлар, турли ҳикматли ҳикоятлар халқ оғзаки бадиий ижодида сақланиб қолган. Авлиёларнинг руҳларини ёд этиш, уларга дуо ўқиш, орқали инсон ўз қалбини поклаши, ҳаёт тарзини ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштириши мумкин

¹ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 27.

² Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани Хонжиза қишлоғи. 2019 йил 5 август.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани. 2019 йил 5 август.

бўлади. Чунки бундай шахсларнинг ҳаёт йўли, сўзлари ва эзгу амаллари халқимизга ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб қолади.

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР:

1. Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжолари маҳаллий аҳолининг маънавий тарбиявий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, бу ҳудуддаги зиёратгоҳларнинг аксариятини саҳобалар номи билан боғлиқ масканлар ҳамда саййидлар насаби улуғланганлигини кўриш мумкин. Воҳанинг ўзига хос ва бошқа ҳудудлардан ажралиб турадиган хусусияти бу ерда ислом дини уамолари ва саҳобалар номи билан боғлиқ рамзий қабрларнинг кўплиги билан изоҳланади. Буни фан нуқтаи назаридан аҳолининг диний қарашларга ишонч юқори бўлганлиги аниқлаш мумкин. Айтиш мумкинки, вилоятнинг тоғ ва чўл ҳудудларида шаҳарга нисбатан диний ва маданий соҳадаги ўзгаришлар секин кечган. Зиёратгоҳлар ҳам кўпинча аҳоли зич жойлашган ерларда шаклланиб, зиёратчиларнинг серкатновлиги боис уларнинг обод бўлиши осон кечган. Бошқа томондан, бундай қадамжолар атрофида масжидлар бунёд этилганлиги, у ерда ибодат қилиш имкониятини яратган бўлса, аксарият қадамжоларнинг тоғ, табиат билан уйғунлашганлиги у ерда маҳаллий аҳолининг ташрифи ва зиёрат саёҳат имкониятларини мавжудлиги билан изоҳланади. Бунга биз Термиз шаҳри ва унинг атрофида ҳамда Сариосиё туманида жойлашган қадамжоларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Тадқиқотга жалб этилган ва аниқланган Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳларини характериға кўра умумий таснифини қуйидагилар ташкил этади: Курьонда зикр этилган пайғамбарлар билан боғлиқ: Зу-л-Кифл пайғамбар, Хидиршо (Хизр) пайғамбар; Саҳобалар билан боғлиқ: Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурахмон ибн Авф, Аҳтам саҳоба, Хўжа Ҳасан Илғорий, Абу Хурайра; машхур мутасаввифлар номи билан боғлиқ: Хожа Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид; буюк алломалар: Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий, Варроқ Термизий, Сомон Ашур Кокилдор, Хожа Самандар Термизий; Саййидлар номи билан боғлиқ: Султон Содот; маҳаллий авлиёлар номи билан боғлиқлари: Хўжа Рўшнои, Қорахон Эшонбобо, Такия ота, Мурч

бобо, Хўжаи Хубон, Хўжаи Пирях, Хўжаи Мурид, Хўжамқара, Хўжаи Хисор, Хўжаи Асмин, Каримкул домла, Музрабод ота, Хўжаи Муком ота, Қирқчилтон ота, Чўлпон ота, Хўжаи Кўшқарон, Саййид Жамол ва Саййид Камол, Хўжаи Пок, Хўжаиғар ёки Авлиё ота, Ҳазрати Султон Валий, Яккатут бобо, Кийик ота, Шакарли ота, Ҳайдаркул хожи бобо, Масжид ота, Кўппак ота, Кўктош Вали, Боғи шайхо; аёллар номи билан боғлиқ Биби Зайнаб, Қирққиз, Чашмаи Сора; Шаҳидлар номи билан боғлиқ Чашмаи Бибиҳур-Бибинур мазороти, Мазори тўқ, Ҳовуз мазороти, Писта мазороти, Шоҳидон мазороти, Шарра мазор; Этник номлар билан боғлиқ Чилдўхтарон, Бобо Така, Бектепа, Улуғсой, Хидиршо, Курбонсоат, Дарвозаҳо, Кўтир булок, Чашмисафидоро, Чашмаи Девонотҳо зиёратгоҳлар мавжуд.

2. Воҳа архитектурасининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳудуд ўздан олдинги меъморчилик анъаналарини ўзлаштириб, маҳаллий қурилиш услублари билан аралашган ва натижада бетакрор ижод намуналари яратилган. Бунда Султон Содот, Ҳаким Термизий ва Қирққиз мақбараси Термиз архитектура меъморчилик ёдгорликларининг энг саралари сирасига киради. Рамзий қабр устига мақбаралар қурилиши XV-XVIII асрларни ўз ичига олиб, сағана ва жомеъ масжидлар қурилиши XIX-XX асрга тегишли бўлиб, ўрта асрларга хос анъанавий услубда таъмирланган. Кейинги йилларда бундай мақбара бевосита маҳаллий аҳолининг маблағлари ҳисобига таъмирланган ва қурилган ҳисобланади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, қабр устига мақбаралар барпо этилиши V-XVIII асрларда бошланиб, сағана ва жомеъ масжидлар қурилиши XIX-XX асрларга тегишли бўлиб, кейинги йилларда бундай мақбара бевосита маҳаллий аҳолининг маблағлари ҳисобига таъмирлаб қурилган ҳисобланади. Масжидлар ҳашаматли тўртбурчакли, эллин маданияти устунлари ила тўрт томонга кетадиган, кенг равоқлари қалқонсимон, қанотларга ўрнатилган гумбазлар билан ажратилган. Ҳашамдор гумбазли мақбара ёки қабр устига барпо этилган сағаналар қишлоқларда жуда кам учрайди. Асосан айвонли масжидлар кўпроқ мавжуд. Рамзий қабрлар билан боғлиқ яна бир ҳолатни кузатиш мумкинки, қабр жойлашган манзилда аҳолининг шу зиёратгоҳга ҳурмати ва ишончи билан бир қабр

атрофида юзлаб қабрларни вужудга келгани ва қабристонга айланганини кузатиш мумкин.

3. Воҳа зиёратгоҳларининг аксарияти табиат кўйнида жойлашган ва табиат ҳодисалари (тоғ, дарахт, сой, сув) номи билан боғлиқ. Шунинг учун мазкур зиёратгоҳларда фақат оддий қабрларни кўриш мумкин, бундай манзилларга аҳоли турли касалликлардан фориг бўлишда ҳам ниятларини (турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, муродлари ҳосил бўлиши) амалга оширишда ташриф буюрадилар ҳамда дам олиш маскани вазифасини ҳам ўтайди. Шу билан бирга, ҳозирда унут бўлиб кетаётган урф-одатлар кўриниши, айнан зиёратгоҳларда янги анъаналар билан уйғунлашган ҳолда давом этиб келмоқда. Бунда асосан аёлларнинг иштироки кўп кузатилади. Бу воҳанинг республиканинг бошқа ҳудудлари қадамжоларидан ўзига хос хусусиятларидан бири эканини кўрсатади. Зиёратгоҳларни сақланиб қолиниши маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Зиёратгоҳ ёнидаги сувларни муқаддас ҳисоблашиб, уни авлиё ёки пир каромати деб муқаддас баҳолайдилар. Зиёратгоҳ ёнида масжид, борлиги у ернинг маънавий маскан бўлгани, зиёратгоҳ жойлашган ҳудудларнинг табиат билан уйғунлиги, тоғ, сув ва тоза ҳавонинг мажудлиги айнан воҳада экотуризмни ривожлантириш учун асос бўлади. Бунинг учун нафақат табиат, балки у билан боғлиқ қадамжоларнинг ҳам мавжудлиги ҳудудий туристик манзилларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳозирда унутилиб бораётган урф-одатлар айнан зиёратгоҳларда янги анъаналар билан уйғунлашган ҳолда давом этаётганини кузатиш мумкин. Мана шу сабабдан зиёратгоҳлар этнографлар, фольклоршунослар, психолог, социолог ҳамда тиббиёт ходимлари учун тадқиқот объектини ўтайди. Демак, зиёратгоҳларнинг сақланиб қолиниши маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этади.

IV БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДИДАГИ ЗИЁРАТГОҲЛАР ТИКЛАНИШИНИНГ МАЪНАВИЙ АҲАМИЯТИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ЎРНИ

4.1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий худудларидаги зиёратгоҳлар тикланишининг маънавий аҳамияти

Мустақил Ўзбекистон ўзига хос бўлган тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги шароитда жамият маънавиятини юксалтириш, миллий ва диний кадриятларни тиклашга эришиш муҳим вазифалардан бири саналади. Шу маънода, азалий анъаналарга асосланган миллий мафкура мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ислом тинчлик, иймон, эҳсон, поклик ватанпарварлик дини эканлиги истиклол йилларининг илк кунлариданоқ алоҳида таъкидланди¹. У халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланаётганлиги, жамиятимизни яхшилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир. Юсак маданиятни эса, чуқур ички маънавиятга эга бўлган халқ яратади. Ана шу халқгина буюк яратувчанлик қудратига эга бўлади. Шу жиҳатдан, аждодларимиз томонидан яратилган улкан бебаҳо миллий кадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг биринчи президенти бошчилигида бу соҳада муҳим ўзгаришлар амалга оширилиб, бирон бир жамиятни одамлар онгида ўз миллий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истикболини тасаввур этиб бўлмаслиги таъкидланди².

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 274.; Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. – Б. 160; Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент: Маънавият, 2015, – Б. 65.

² Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – T.: O'zbekiston, 1997. – B. 137.

Зиёратгоҳлар ва у билан боғлиқ алломалар номи миллий маданий-кадриятларнинг бир бўлаги сифатида изоҳланади. Миллий-маданий кадриятлар аслида муайян халққа, миллатга, унинг аждоду авлодларига тааллуқли бўлган қимматбаҳо моддий ва маънавий бойликларни ўз ичига олиб, шу халқ яратган тарих, маданият ёдгорликлари, авлоддан авлодга ўтиб, ривожланаётган мероси, аждодлардан қолган илмий, фалсафий, маданий, бадиий асарлар, анъана, маросим ва бошқа кадриятларни жамлайди¹.

Жамиятда миллий кадриятларни тиклаш, нафақат тарихий меросни сақлаш ва келажак авлодга етказиш, балки, ўз навбатида, миллий ўзлиқни англашга, миллий ҳис-туйғу ва ифтихорни ривожлантиришга самарали таъсир этади. Жумладан, ёшлар аждодлар илмий меросини қанчалик яхши билсалар, бундан маънавий, айниқса, илмий озуқа олсалар ундан фахрланадилар ва тақлид қиладилар. Ёш авлодни бундай тарих билан таништириш, уларни келажак сари муҳим қадамлар қўйишига, шунингдек, ўз аждодларига муносиб фарзанд бўлиб, вояга етишларида муҳим роль ўйнайди.

Бунда, халқимизнинг залворли тарихий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган авждодларга муносиб авлод бўлиш учун уларнинг ҳаёт йўлларини ўргатиш, қилган амаллари, илму ирфонларидан баҳраманд қилиш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда, нафақат ёшларни, умуман аҳолини маданий-маърифий ҳаётида асосий феноменлардан бири бўлган зиёрат туризми имкониятларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, жаҳонда туризмнинг тан олинган 3 та халқаро туризм, миллий туризм, ички туризм гуруҳи мавжуд бўлиб², унинг тематикаси жиҳатдан бир қанча турлари тарихий обидалар ва тарихни ўрганишга қаратилган туризм, зиёрат туризми, этнографик туризм, экологик туризм, таълим олиш, спорт ва бошқа дам олиш билан боғлиқ туризмни ташкил этади³.

¹ Ўтанова З. Миллий диний кадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти // Истиклол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши (Андижон). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 28-30.

² Dağdeviren A., Özdemir H., Göker G. Ilgaz İlçesinin Turizm Potansiyeli (Tourism Potential of Ilgaz District) // Journal of Tourism and Gastronomy Studies, 5-4 (2017). – Pp. 504-533

³ Пардаев М.К., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – Б. 6-7.

Жаҳон туризмнинг бир қисми бўлган зиёрат туризми халқаро миқёсда кенг фойдаланилиб келинади. Зиёрат туризми объектлари деганда, мамлакат ичида одамлар диққатини тортадиган тарихий обидалар, буюк шахслар қадамжолари каби тарихий, маънавий ва маърифий аҳамиятга молик объектларни ўз ичида бирлаштиради. Зиёрат туризми республикамизда қадимдан ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида мустамлака ва Совет давлати ҳукмронлиги даврида, зиёратгоҳларга ташриф таъқиб остига олинган эди, алломаларнинг қабрлари харобага айлан-тирилган, совет йилларида улардан омборхона, сакловхона сифатида фойдаланилганини тарихий жараёнлар кўрсатади¹.

Халқаро ҳисоботларда, сўнгги йилларда 250 млн.дан ортиқ кишилар айнан зиёрат мақсадида турли зиёратгоҳ ва ўзлари учун муқаддас ҳисобланган жойларга бориб, туристик дам олаётгани келтирилади. Жаҳон мамлакатлари ҳудудлари 11 та зиёратгоҳ минтақаларига бўлиб ўрганилса, Марказий Осиё минтақаси ислом дини макро минтақаси ҳисобланади². Шу маънода, Марказий Осиё мамлакатлари орасида қадимий шаҳарлари, бой тарихи билан ажралиб турадиган Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш учун барча ресурслар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудуди тарихий жараёнларда жаҳон цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаси билан алоҳида мавқега эга³. Шу жиҳатдан, ушбу ўлкадан етишиб чиққан буюк алломалар, қадимий тарих, илмий ва маънавий меросни воҳа номи билан жаҳонга танитиш, ундан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш лозимки, туризм тинчликни таъминлашнинг муҳим омили, халқаро ҳамкорликнинг ахлоқий ва интеллектуал асоси сифатида қаралади. Шу муносабат билан зиёрат ва туризм муҳим муаммоларни, хусусан халқларнинг маданиятлараро алоқаси

¹ Болтабоев С. Чоризм ҳукмронлиги даврида ислом. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган, 2005. – Б. 43-44.

² Ғуломов С. Тошкент иқтисодий районида диний туризмни ривожлантиришнинг баъзи бир масалалари // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010. – С. 122-124.

³ Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. Vol.02, Issue: 02, Feb 2021. – Pp. 89-99.

шароитида жамиятдаги ижтимоий кескинлик муаммосини хал қилиш воситасига ҳам айланиши мумкин¹. Жаҳон туризмга бағишланган Манила конференциясида (1980) туризмнинг халқаро ижтимоий кескинликни юмшатиш, бутун дунё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро тушунишни ривожлантиришдаги имкониятлари алоҳида қайд этилганлиги бежиз эмас².

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда дин масалалари ва зиёрат туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига асосий эътибор мустақилликка эришгандан кейин бошланди. Гарчи 1990 йилда муҳаддислик илмининг йирик намояндаларидан бири, ислом оламида машҳур бўлган Абу Исо Термизийнинг 1200 йиллиги нишонланган бўлса-да, алломанинг асарлари ва маънавий меросидан халқ беҳабар эди. Олимнинг қабри жойлашган ҳудуд ҳам етарлича обод этилмади. 1991 йилдан кейин, айнан истиқлол йилларида Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди. Виждон эркинлиги масаласининг давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабати масаласида мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилди. Бу – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши бўлди³. Қуръони Карим ва ҳадислар нашрини амалга ошириш, ислом олимларининг бой илмий меросини ўрганишга йўл очиб берди. Абдухолик Ғиждувоний, Имом Бухорий, Имом Мотури-дий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абул Муъийн Насафий каби юзлаб пир, авлиё даражасидаги шахсларнинг таълимоти ўрганилди⁴.

Ўзбекистон ҳукумати мусулмонларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ислом дунёсининг муқаддас ёдгорликларини,

¹ Фрышко О.А. Глобальный этический кодекс туризма в системе дополнительной профессиональной подготовки студентов туристских вузов // Вестник Московского университета МВД России. Педагогические и психологические науки. – 2010, №9. – С. 26-30.

² Manila declaration on world tourism // News from the Manila Conference – First Published June 1, 1980, Vol.: 6 iss. 2, – pp.152-158. <https://doi.org/10.1177/034003528000600215>

³ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида // Ўзбекистоннинг янги Қонунилари. 19-сон. – Тошкент: Адолат, 1998. – Б. 224-234.

⁴ Хўжамуродов И. Ислои миллийлик қадрият (Ислои ва ўзбек халқи миллий ўзлигини англашнинг шаклланиши). – Тошкент: Фан, 1993. – 122 б.

тарихий обидаларини диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказди. Янги масжидлар очилди, Қуръони карим ва ҳадислар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Республикамизда Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам сифатида нишонланиб, дам олиш куни, деб эълон қилинди¹. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита (1992) ташкил этилди. Ўзбекистон халқаро ислом академияси (2018), 1995 йилда халқаро ислом тадқиқотлари маркази (1995), Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси (1998)², Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Термизий (2017)³ ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2020)⁴ ташкил этилди.

Мамлакатимизда зиёрат туризми соҳаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиб, унга эътибор иқтисодий сиёсат даражасида қўтарилган. Соҳа ривожини учун зарурий-ташқиллий, ҳуқуқий механизм вужудга келтирилиб, ҳукумат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу борадаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Жумладан, 1992 йил 27 июлда “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги фармонга имзо чекди ва айнан шу йилнинг 20 октябрида ВМнинг 424-сонли қарори асосида Дастур қабул қилинди бу миллий туризмни ташкил қилиш учун асос бўлди⁵.

1993 йил Ўзбекистон 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилоти (ВТО)га аъзо бўлди⁶. 1994 йил БМТ ва ЮНЕСКО кўмагида Жаҳон туризм ташкилотининг Ипак йўли,

¹ Ҳасанов А. Диний бағрикенглик. Ўзбекистон анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси // Маънавий ва диний етқлик давр талаби. Тўпл 3.Исломов ва бошқ. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 80-81.

² Ўзбекистонда дунёвий ва диний кадрятлар уйғунлиги. – Тошкент: ТИУ нашриёт бирлашмаси, 2009. – Б. 14-18.; Ислам ва ҳозирги замон / Ўқув қўлланма. Маъсул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Тошкент: ТИУ нашриёт матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 3-5.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги № ПК-2774 «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/3113645>

⁴ Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/4945427>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПФ-447 сонли “Ўзбектуризм”МКнинг ташкил топиши тўғрисида”ги фармони // Халқ со’зи. 1992 йил 27 июль.

⁶ Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеяси Бали шаҳрида (Индонезия) бўлиб ўтган мажлис, 1993-йил, X сессия. Манба: Основополагающие документы ЮНВТО. Том I. – Февраль, 2016. – С. 19-21.

деб номланган халқаро семинар ўтказилди¹. 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон президентининг “Ўзбекистон Республикасини Буюк Ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги УП-1162 фармони имзоланди². Бундай фармон ва қонунлар замирида, ҳудудимиздаги зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар билан машҳур бўлган Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларни туризм салоҳиятини ошириш вазифаси кўзда тутилган эди.

1996 йил 25 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигида маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 335-сонли, 1997 йилда Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режа, ўз навбатида, зиёрат туризмни ҳам қамраб олган эди³.

Таъкидлаш ўринлики, Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг ички туризмни тиклаш ва халқаро туризмни ривожлантиришга эътибори 1996 йил октябрда туркий тилли давлат бошлиқларининг Тошкент шаҳрида ўтказилган 4 учрашувида кўриб ўтилди. Унда Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримов томонидан “Буюк Ипак йўлини тиклаш, маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш дастурини биргаликда ишлаб чиқиш, мақсадли сайёҳат йўналишларини кенгайтириш ва сайёҳликнинг тегишли инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги таклифлар илгари сурилди⁴. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 8 августда “Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил

¹ Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2 - Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – Pp. 99-102.

² Рустамов Р.А. Ўзбекистонда туризм фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш муаммолари // Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.1. – Ташкент, DP Patent press, 2009. – Б. 67-70.

³ Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қаранг: <https://lex.uz/docs/5356705?query=Фан.%20таълим%20ва&exact=1>

⁴ Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – Т.: O'zbekiston, 1997. – Б. 303-309.

этишни такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди¹. Шунингдек, 1998 йил 15 апрелда қабул қилинган ва 2005 йилгача бўлган даврда “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ВМ қарори туризмнинг келажак истиқболини белгилашда катта аҳамият касб этиб, ушбу фармон мамлакатимизда миллий туризмни ривожлантиришнинг аниқ чора тадбирларини белгилаб берди.

Юқоридаги тадбирлар асосида, мустақиллик йилларида, муқаддас қадамжоларда ётган авлиё ва алломаларнинг фаолиятига бағишлаб, ЮНЕСКО раҳбарлигида халқаро аҳамиятга эга бўлган саналар ташкил этилиши билан бир қаторда, илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифа сифатида белгиланди. Бунинг натижасида, Термизнинг 2500 йиллик, Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Қаршининг 2700 йиллик ёши нишонланди².

Ўзбек халқи миллий маънавияти, тарихининг бир қисми бўлган муқаддас зиёратгоҳлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган машҳур кишиларнинг номлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг беқиёс меросини аҳоли орасида тарғиб этиш ҳозирги кунда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Республикада етти мингдан ортиқ ёдгорликлар бўлиб, шу жумладан, уларнинг 2500 тасини архитектура ёдгорликлари ташкил этади, уларнинг 2700 дан зиёди археология ва мингдан ортиқ маҳобатли санъат ёдгорликлари давлат ҳимоясига олинган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан 2008 йил 7 августдаги 938-сонли қарорида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида амалга оширилаётган ишлар нақадар муҳим эканлигини кўрсатди³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 346-сонли “Туристтик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш” тўғрисидаги қарори // *Xalq so'zi*. 1998 йил 9 август.

² Юсупова К.Н. Туризм – маънавият ва маданият тарғиботчиси // *Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.1. – Тошкент: DP Patent press, 2009. – Б. 108-114.*

³ *Bag'rikenglik – barqarorlik va taraqqiyot omili / Mas'ul muharrir – A.Achildiev. – T.: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 2007. – Б. 11-32.*

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида¹ Хивадаги Ичанқалъа кўриқхонасида (1990) ҳамда Бухоронинг тарихий марказида (1993) жойлашган ёдгорликлар, Шахрисабз шаҳридаги Темур ва Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари (2001) ва Самарқанд шаҳри марказидаги тарихий ёдгорликлар (2002) Халқаро Жаҳон Маданий Мероси Қўмитасига 13 та машҳур ёдгорликлар сифатида рўйхатга олинди. Сурхондарёдаги Оқ остона бобо, Ҳаким Термизий меъморий мажмуалари, Қирққиз саройи ҳамда республикадаги Араб ота, Ишратхона, Мирсаид Баҳром мақбаралари, Баҳоуддин, Чор Бакр, Шайх Мухтор Валий мажмуалари, шунингдек, Работи Малик, Жарқўрғон ва Вобкент миноралари, жаҳон моддий ёдгорликлари руйхатиغا киритилиши учун аризалар тақдим этилди².

Айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди тарихий жараёнларда иштирок этган бўлса ҳам, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида жами 1321 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шундан 1043 та археология, 210 та архитектура, 43 та монументал, 35 та диққатга сазовор жойлар мавжуд³. Биргина Сурхондарёда 561 та маданий меросга оид тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ёш даври палеолит босқичидан, то XX асргача бўлган даврни қамраб олади. Улардан 44 таси археологик, 36 таси архитектура ва муқаддас қадамжолар, 39 таси монументал ва санъат, 42 таси диққатга сазовор туристик жойларни ташкил этади⁴.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарёдаги зиёратгоҳларнинг республика ва дунё миқёсидаги нуфузи юқори бўлиб, улар мусулмон оламида машҳур

¹ Қаранг: Ҳашимов М. ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Тар. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 11–13.

² Мансуров Р. Меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 3 (23). – Б. 4–5.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалар тўғрисида маълумот // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. 2021 йил 14 март.

⁴ Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. Vol:02, Issue:02, Feb 2021. – Pp. 89-99.

бўлган алломалар номи билан боғлиқ ҳамда тарихий-маърифий жихатдан муҳим бўлган объектларни ўз ичига олади.

а) *Муслмон оламида машҳур зиёратгоҳлар* – Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий (Сурхондарё), Абул Муъийн Насафий (Қашқадарё);

б) *Дунё тарихий ёдгорликлари рўйхатида бўлган зиёратгоҳлар* Дор-ус-саодат, Дор ут-тиловат мажмуаси, Гумбази Саййидон мақбараси, Жаҳонгир мақбараси, Амир Темур ер ости даҳмаси (Қашқадарё), Султон Содот мақбаралар мажмуи, Қирққиз нағаси (Сурхондарё);

в) *Республика бўйича машҳур зиёратгоҳлар* – Кўк Гумбаз масжиди, Ҳазрати Султон мақбараси, Султон Мир Ҳайдар ёдгорлик мажмуаси, Тоҳир ва Зухра мажмуаси, Лангар ота масжиди, Лангар ота мақбараси, Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси, Кўктош ота мақбараси, Дурсунбобо мақбараси, Катта Лангар ота мақбараси, Кичик Лангар ота мақбараси (Қашқадарё), Кокилдор ота хонақоси, Мурчбобо сағанаси, Хожа Самандар Термизий, Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид зиёратгоҳлари (Сурхондарё);

г) *Вилоят бўйича машҳур зиёратгоҳлар* – Зул-Кифл орол пайғамбар, Хўжа Рўшноий, Абдурахмон ибн Авф, Атоулло Саъд Ваққос, Такия ота, Ҳазрат Султон Валий Омонхона, Хўжаипок, Хўжа Хожа Алоуддин Аттор, Шарра мазор, Оқ остона бобо мақбараси (Сурхондарё); Абу Убайда ибн Жаррох, Етти туғ ота мақбараси, Мурад Бахши ота мақбараси, Мусофир ота мақбараси, Мири Жанди мақбараси, Ўғлонжон ота мақбараси, атоулла Саид Ваққос мақбараси, Худоёр ота мақбараси, Неъматуллоҳ Валий мақбараси, Ҳазрати Башир мақбараси, Хожаги Имканагий ёдгорлиги (Қашқадарё);

д) *Маҳаллий-худудий зиёратгоҳлар* – Саъд ибн Абу Ваққос, Музработ ота, Ахтам саҳоба, Хўжамукон ота зиёратгоҳи, Қирқчилтон ота зиёратгоҳи, Кўктошвали, Чўлпон ота зиёратгоҳи, Бобатака зиёратгоҳи, Хўжақўшқарон мақбараси, Саййид Камол ва Саййид Жамол ака-укалар қабристони, Шакарли ота зиёратгоҳи, Бектепа зиёратгоҳи, Улуғсой зиёратгоҳи, Ҳайдарқул хожи бобо, Хидиршо зиёратгоҳи, Қурбон Соат зиёратгоҳи, Хўжа Муҳаммад Мавлоно Муҳаммад Зоҳид, Масжид ота зиёратгоҳи, Сўфи Оллоёр қадамжоси, Хўжайгор ёки Авлиёота зиёратгоҳи,

Кийик ота зиёратгоҳи, Биби Зайнаб зиёратгоҳи, Яккатут бобо зиёратгоҳи, Хўжа Ҳасан Илғорий ёки Каптархона зиёратгоҳи, Қорахон Эшон бобо зиёратгоҳи, Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи, Хўжаи ҳисор, Ҳазрати Султон зиёратгоҳи, Кўппак ота, Хўжа Илғор, Хўжаи хубон, Каримкул домла, Хўжаи пириях зиёратгоҳи, Чашми девонаҳо, Чашми сафидоро, Боғишайхо, Шахидон мазороти, Писта мазороти, Ҳовуз мазороти, Хўжанкара зиёратгоҳи, Қўтирбулоқ, Чашмаи Бибиҳур – Бибинур мазороти, Чашмаи соро, Мазори тўқ (Тўқ доно мазори), Хўжаимурид, Дарвозаҳо, Хўжаи Асмин (Сурхондарё); Саидо Насафий мақбараси, Авлиё Ғойиб ота мақбараси, Исохон ота мақбараси, Мири Жанда масжиди, Ҳазрат Хўжабоши Абулайзота мақбараси, Хўжа Муҳаммад Аъзам масжиди, Қўмчўп ота мақбараси, Абдуллоғ ибн Муборак Марвазий мақбараси, Кўктош ота зиёратгоҳи, Мушкул ота мақбараси, Нишон ота зиёратгоҳи, Арслонбоб мақбараси, Қайрағоч ота мақбараси, Оқ туяли ота зиёратгоҳи, Хўжаилғор мақбараси (Қашқадарё);

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистоннинг жанубий воҳасида жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларда дафн этилган аждодларимиз ўзларининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, илму маърифатга бағишлаган умрлари, илмий мероси билан жаҳон маънавияти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Уларнинг маънавий мероси, ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий тарбиялашда чексиз имкониятлар яратади. Юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг қадамжоларига илмий-тадқиқот экспедицияларини ташкил этиш, халқаро республика ва вилоят миқёсида илмий-амалий конференциялар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Шу маънода, республикада мавжуд тарихий ёдгорликлар ва диний аҳамиятга эга бўлган обидаларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, тиклаш масаласида бир қанча тадбирлар амалга оширилгани муҳим ҳисобланади. Жумладан, Маданият ишлари Вазирлиги қошида Ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси томонидан 1992 йилда Маданий меросни асраш қонуни ишлаб чиқилди¹ ва ЎзНИПИ институти ва меъмор таъмирлаш Мастер уюшмасига таъмирлаш ва тиклаш ишлари юклатилди². 1993 йил

¹ ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 61-иш, 162-варақ.

² ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 9-иш, 14-варақ.

5 январда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек номлари билан боғлиқ меъморий ёдгорликлар таъмири бўйича ҳамда Жаҳонгир мақбарасини қолдиқларини гидрогеологик шароитини ўрганиш, уни муҳофаза этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди¹. Шунинг асносида, Ўзбекис-тонда Мирзо Улуғбек юбилейининг ўтказилиш муносабати билан 1993 йил 1 октябрда юбилей объектларини таъмирлаш мақсадида Шаҳрисабз шаҳридаги ёдгорликларни ўрганишга доир экспедиция уюштирилди ва моддий маблағ ажратилди². Хусусан, Шаҳрисабз шаҳри тарихий архитектура ёдгорликлари учун ажратилган маблағ 106,4 млн сўмни ташкил этган ва таъмирлаш ишлари Шамсиддин Кулол мақбарасида, Кўк Гумбаз масжиди, Дор-ул тиловат, Гумбази Саййидон мақбараси таъмирига сарфланган³.

Амир Темур ва Темурийлар тарихи билан боғлиқ ёдгорликлар ҳозирги кунда нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсида зиёрат объектлари сифатида фойдаланилиб келинади. 1996 йилда Амир Темур юбилейининг халқаро миқёсида ўтказилиши муносабати билан Шаҳрисабз шаҳридаги Темурийлар даври ёдгорликларини таъмирлаш амалга оширилган бўлса, 1996 йилда ЎЗР ФА Археология институти ва Амир Темур моддий маданият тарихи музейи илмий ходимлари ҳамкорликда олиб борилган археологик қазилма ишларида Дор-ул Саодат мақбараси худудидан ҳаммом супа тошлари топилган⁴.

Шунингдек, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан 2004 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 452-сонли қарори асосида шаҳардаги тарихий ёдгорликлар мажмуаларида таъмирлаш ишлари олиб борилди⁵. 2005 йилда археолог Р.Х. Сулаймонов томонидан илмий экспедиция ташкил этилиб, Қашқадарёнинг шарқий худудида археологик тадқиқотлар ўтказилди⁶.

¹ ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 58-иш, 18-варак.

² ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 61-иш, 6-варак.

³ ЎЗР ВМ ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими мудири Ю.Шодиметов. ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 60-иш, 35-варак.

⁴ ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 234-иш, 7-варак.

⁵ ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 220-иш, 10-варак.

⁶ 2005 йил Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур моддий маданият тарихи музейи хисоботидан. ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 234-иш, 7-варак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 июндаги қарорига асосан 2015 йилда Тошкентдан Қаршигача тезюрар поездда “Насаф” йўли ва 2016 йил 25 август куни мазкур поезднинг Тошкент-Бухоро йўналишларидаги “Шарқ” йўли ишга тушди. Бу эса, туристларни пойтахтдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига келиб-кетишларида қулайлик яратди. Янги очилган замонавий темир йўл маршрутларнинг фойдаланишга топширилиши халқаро туристларнинг республика бўйлаб ҳаракатланишлари осонлашди.

Сурхондарё вилоятида ҳам мустақиллик йилларида тарихий ва диний аҳамиятга эга бўлган меъморий иншоотларда таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилди. Хусусан, археологик тадқиқот ишлари Эски Термиз ва Шеробод худудларида ҳам олиб борилиб, уни дунё бўйича етакчи олим Като Кюдзо бошчилигидаги экспедиция амалга оширилди¹. 2005 йил ёз-куз мавсумида Шеробод тумани Тўпор қишлоғида Термиз археологик музейи ходимлари ва ТерДУ билан ҳамкорликда “Қайрағоч ота” ёдгорлигида археологик қазилма ишлари амалга оширилиб, бинонинг тўлиқ пишиқ ғиштдан барпо бўлганлиги, мақбара биносида ярим сферик шаклдаги гумбаз мавжуд бўлганлиги аниқланди².

2010 йилда ўтказилган археологик тадқиқот натижаларига бағишланган ҳисобот сессияси йиғилиши А.Бобоҳўжаев раҳбарлигида Ҳаким Термизий ансамблида олиб борилди³.

Албатта, бундай тадбирлар бир томондан алломалар, авлиёлар номи билан боғлиқ тарихни кенг оммага таништириш мақсади қўйилган бўлса, бошқа томондан улар дафн этилган қабрларни таъмирлаш, қайта тиклаш ҳамда ободонлаштириш ишлари билан маънавий кадриятларни эъзозлаш соҳасидаги ибратли ишлар сифатида ёшларга ўрнак бўлишига хизмат қилиб қолади.

Истиклол йилларида республикада рамазон ойларида ва турли тадбирларда зиёратгоҳларга ташриф уюштириш, азиз авлиёларнинг ётган жойларини обод қилиш ва уларнинг илм-фандаги

¹ Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. – Vol: 02 Issue:02, Feb 2021. – Pp. 89-99.

² ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 228-иш, 23-24 варақлар.

³ O‘zbekiston arxeologiyasi / Археология Узбекистана. – 2011, 1(2)-сон. – Б. 147-148.

фаолиятлари билан ёшларни, оммани таништириш иши кенг миқёсида давлат даражасида амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида совет давридан фарқ қилган ҳолда халқнинг маънавияти, ўзлиги қайтиши билан мазкур зиёратгоҳлар нафақат туризм, балки тарихий-маданий мерос объектига айлантирилиб, уларнинг ҳар бири давлат рўйхатига олинди. Масалан, 1992-1993 йилларда Шаҳрисабз тумани Мўминобод қишлоғида Саъд ибн Абу Ваққос номи билан боғлиқ рамзий қадамжол¹, 1993 йилда Қумқўрғон туманидаги Хожа Самандар Термизий зиёратгоҳи², 1994 йилда Мири Жанди ота мажмуасида³, 1995-1996 йилларда Шаҳрисабздаги Темурийлар даври ёдгорликларида таъмирлаш ва экспедиция ишлари олиб борилди⁴. Олтинсой тумани Кичик Вахшувор қишлоғидаги Мавлоно Муҳаммад Зоҳид зиёратгоҳида⁵, 1999 йилда Хонжиза қабристони ёнида жойлашган етти асрлар муқаддам бўлган катта қишлоқ масжиди маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан қайта қурилган⁶. Саййид Жамол ва Саййид Камол Термизийларнинг қабри хароба ҳолда, оддий пахса девордан лой сувоқ қабр бўлган бўлса, 2000 йилларда катта қабристон чеккасида таъмирлаш ишлари олиб борилган, 2015 йилда эса, устига учта ўқсимон гумбаз қурилган. Мақбаранинг кириш жойига дарвоза қўйилиб, 300 кишилик масжид барпо этилган⁷. Узун туманидаги Оқ остона бобо зиёратгоҳида 2001-2002 йилларда олиб борилган археологик қазилмалар чоғида, мақбара ичида бир неча қабрлар ўрганилган. Қазилмалар давомида, мақбаранинг олд томонидаги

¹ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 19 март.

² Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Хўжа қишлоғи. 2021 йил, 16 июнь.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани бош имом хатиби. – 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

⁴ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 18 август.

⁵ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Кичик Вахшувор қишлоғи. 201 йил, 17 июнь.

⁶ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи. – 2020 йил 27 июль.

⁷ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Хўжа қишлоғи 2020 йил 21 август, 3-дафтар.

девор якинида еттита қабр борлиги аниқланган¹. 2000 йилда Абу Убай ибн Жарроҳ зиёратгоҳи қайтадан таъмирланиб, атрофи обод этилган ва қабр устига мақбара қурилган². 2014-2016 йилларда Эски Нишонда яшовчи Саидкулов Нуриддинхон эшон ўз маблағи ҳисобидан Жунайд Бағдодий номи билан боғлиқ рамзий зиёратгоҳ, 2 хонали мақбара қурдирилган³.

Ушбу тадбирлар натижасида республикамиздаги, шу жумладан, Сурхон воҳасидаги Ҳаким Термизий меъморий мажмуаси, Султон Содот мажмуи, Кокилдор ота хонақоси, Қирққиз каби ёдгорликлар ва мажмуалар ҳолати сақлаб қолинди. 2001 йил август ойида Кокилдор отанинг хоки Султон Содот қабристонига олиб бориб, дафн этилди⁴. Жумладан, 1990 йилда Абу Исо Термизий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланиши муносабати билан Шеробод тумани Чўмичли МФЙ Яхтийўл қишлоғида жойлашган аллома номи билан боғлиқ мақбара қисман таъмирланди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан 2001-2002 йилларда биринчи Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Эски Термиздаги Ҳаким Термизий, Термиз туманидаги Қирққиз, Султон Содот, Кокилдор ота зиёратгоҳлари қайтадан таъмирланди⁵.

2006 йилнинг июнь-сентябрь ойларида Термиз археология музейи ва Термиз давлат университети олимлари томонидан кенг кўламли археологик қазув, назорат ишлари амалга оширилди ва бу борада, хулосалар ҳам берилди. Ҳаким Термизий мақбараси шарқий ва шимолий-шарқий томонларида тош қатламга ўйиб ишланган ғорсимон иншоотларни ўрганиш мақсадида 10 та ғорсимон бино қолдиқлари топилган бўлиб, Ҳаким Термизий ва унинг шогирдлари сўфийлик фаолиятларида фойдаланганлар. Ҳаким Термизий мақбарасининг меъморий тузилиши ойдинлаштирилди, уни хом ғиштдан қурилгани ва X аср бошларига оид

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Узун тумани Оқ Остона қишлоғи. 2020 йил, 16 август.

² Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2020 йил 18 август.

³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Нишон тумани. 2019 йил 30 август. 4-дафтар.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Термиз тумани Кокилдор ота қишлоғи. 2019 йил 25 июль.

⁵ Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. 2021 йил 20 август.

эканлиги аниқланди. Иккинчи археологик тадқиқот натижаларига кўра, мақбаранинг иккинчи қурилиш даври Х аср ўрталарига, учинчи қурилиш даври ХІ аср охири ва тўртинчи қурилиш даври Амир Темури хукмронлиги даврига, бешинчи қурилиш даври Халил Султон хукмронлигининг илк босқичи, олтинчи қурилиш даври ХVІ асрга, 7 қурилиш даври ХVІІ-ХVІІІ асрларга тўғри келади. Археология музейи фондида бу мақбара атрофидан 448 дона сопол буюмлар топилган¹.

2008-2010 йилларда мажмуада Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бюджетдан ажратилган маблағ эвазига, ҳамда Республика темир йўл компанияси ҳомийлигида Республика Бош Вазири Ш.М.Мирзиёев бошчилигида зиёратгоҳда катта ободонлаштириш ва қайта реставрация ишлари олиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 октябрдаги “Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2009 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан, Термиз туманидаги Ҳаким Термизий зиёратгоҳида кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Археологик ёдгорликларни сақлаш бўлими томонидан бюджет маблағи ҳисобидан қайта таъмирланган. Зиёратгоҳ ҳудуди 10 гектар бўлиб, у ерда Термизийлар тарихи музейи, зиёратчилар учун 200 ўринли ошхона мавжуд. Зиёратгоҳ ҳудуди 2,06 га бўлиб, у ерда 300-425 ўринли масжид, 25 кишилик эркаклар, 20 кишилик аёллар таҳоратхоналари, 5 та зиёратчилар учун устунли айвонлар, 5 та савдо маиший хизмат нуқталари, кушхона ва бошқа маъмурият бинолари қурилган, атрофи девор билан ўралиб, 4 та кириш дарвозаси ўрнатилган². Мажмуа ҳудудига охириги 10 йил давомида 39 хилдаги манзарали дарахтлар ва гуллар экилган. Ҳаким Термизий ёдгорлик

¹ Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX-XX аср бошлари). – Т.: Фан, 2010. – Б. 15-16.

² Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Чағатой қишлоғида яшовчи, 1953 йилда туғилган Йўлдошов Абдулла Исмоилович билан бўлган суҳбат, Абу Исо Термизий ёдгорлик мажмуаси ҳисобчиси. – 2019 йил 7 август. 4-дафтар.

мажмуаси алоҳида нодавлат, нотижорат давлат ташкилоти бўлиб, ўзини ўзи таъминлайди¹.

Шунингдек, Термиз туманида жойлашган Қирққиз (IX-XIV асрлар) архитектура ёдгорлиги 2001-2002 йилларда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан давлат бюджети ҳисобидан таъмирланган. 2018 йил Қирққиз маданий мерос объекти Республика бюджетидан 254 миллион сўм маблағга қайта реставрация қилинган².

Қизирик тумани Такия қишлоғи четида жойлашган Такия ота мақбараси (тах. XII аср) 1996-1997 йилларда маҳаллий аҳоли томонидан мақбара таъмирланган. Зиёратгоҳга боришда йўлнинг ўнг томонида 1990-1991 йилда халқ томонидан ҳашар йўли билан қурилган 400 ўринли масжид бор. 2014 йилда туман ҳокими О.Т. Алимардонов ташаббуси билан ҳамда маҳаллий ҳомийлар ёрдамида мажмуа устидаги 5 та гумбаз қайтадан қурилган, ташқаридаги иккита қабр ҳам ичкарига олиниб, икки хонали мақбара битта катта хонага айлантирилган. 2015 йилда йўқолиб кетган чиллахона очилиб, янгидан тикланган. Зиёратгоҳ яқинида 114 ўринли масжид қурилган, унга вилоят ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳомийлик қилинган³.

Айтиш лозимки, мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси меъморий ёдгорликлардаги ноёб санъат намуналарини қайта тиклаш ва консервация қилиш ишлари билан мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда⁴. Бошқарма томонидан илмий-тадқиқот ишлар асосида айрим ёдгорликларни консервациялаш ва тиклаш билан бутун бошли меъморий мажмуа тарихан шаклланган қадимги шаҳар марказларини тиклаш ишлари амалга оширилди.

¹ Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида яшовчи, 1956 йилда туғилган Чориев Абдирахим ака билан бўлган суҳбат. Ҳақим Термизий ёдгорлик мажмуаси директори. – 2019 йил 11 июл, 2-дафтар.

² Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри. 2021 йил 21 июнь.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Қизирик тумани Такия қишлоғи. – 2019 йил 20 август, 3-дафтар.

⁴ Эшонбобоев Ў. Истиклол туфайли сайқалланган муқаддас қадамжолар // Истиклол йиллари: миллий-диний кадрларнинг халққа қайтиши (Фарғона). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 87-91.

Мазкур тадбирлар аҳолининг, жумладан ёшларнинг маънавий-маърифий дунёкарашини кенгайтиришда, жаҳон тараққиётининг қадимий бешиги ҳисобланган она заминимиздан етишиб чиққан алломаларнинг бебаҳо меросини тиклаш, ўрганиш ва буни халққа тўла-тўқис етказишда аҳамияти каттадир. Бу ўринда, ислом динининг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётдаги ўрни истиклол шарофати билан қарор топган экан, унинг маънавий баркамол инсон тарбиясидаги ўрнини алоҳида таъкидламоқ лозим. Аждодларимиз маданиятининг таркибий қисми бўлган ислом таълимотини ўрганиш ва унинг баркамол ёш авлод маънавий тарбиясига хизмат қиладиган жиҳатларини кенг тарғиб этиш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлмоғи лозимдир.

Айтиш ўринлики, буюк аломаларимиз миллий қадриятларининг олий белгиси сифатида, ватан-парварликни ифода этишда ажойиб намуналар кўрсатган¹. Фарғонийлар, хоразмийлар, бухорийлар қаторида Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида термизийлар, насафийлар, кешийлар ўзларининг тахаллусларини шу юрт номи билан боғлаганлиги ҳам бир ибратдир. Шу билан бирга, Абу Исо Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан Насаф ва Термиз олимларининг асарлари ўрганилиб, нафақат Ўзбекистонга, балки бутун дунё олимларига аждодларимизнинг қилган ишлари тақдим этилди².

Ўзбеклар маънавият соҳасида дорилфунун яратган халқдир. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланиши ва ўз навбатида фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди³. Жумладан, Сурхон воҳасидан мусулмон оламида машҳур бўлган олти муҳаддислардан

¹ Эшонбобоев Ў. Истиклол туфайли сайқалланган муқаддас қадамжолар // Истиклол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Фарғона). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 87-91.

² Наврўзова Г. Мустақилликнинг улугъ неъматлари // Истиклол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 68-70.

³ Қаримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 7.

бирининг табаррук қабри бор¹. Ҳадисшунос олим Абу Исо Термизийнинг келтирган ҳикматлар мажмуаси инсонлар, жамиятни улуғ ғояга, фаровон ва ҳар томонлама адолатли жамият қуриш, етук баркамол инсонни тарбиялашга, олийжаноб мақсадлар сари етаклашга хизмат қилиб келмоқда.

Абу Исо Термизийнинг тарбиявий қарашлари акс этган ҳадисларнинг асосий мазмун-моҳиятини илм олиш, турмуш тарзини шакллантиришга, ўзаро муносабатларни тартибга солишга, иймон ва эътиқодни юксалтиришга, диний, шаръий масалаларни тушунишга, табиат, атроф-муҳит, жисмоний ривожланиш масалалари ташкил этади. Шунингдек, ҳадислар исломий манба сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, маънавий кадриятларимизни тиклашда кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик каби умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир ва ҳозирги шароитимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда бугунги кун саволларига жавоб топишга ёрдам беради. Шу маънода, олимнинг мазкур асари инсонларни ислом дини тартиблари орқали ахлоқий поклик ҳамда баркамоллик фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади². Абу Исо Термизийнинг ҳадисларидан олинган сабоқ инсоний камолот, қалб ва руҳ тараққиёти учун озуқа олиб, ҳар хил ақидалар, мазҳаб, секталар домига тушмаслигига ишонч бўлади³.

Абу Исо Термизий ўз тарбиявий қарашларида инсоннинг хулқи, одоби, турмуши, никоҳ муаммоларини аниқ кўрсатиб⁴, юзага келиши мумкин бўлган масалаларни тушунтиришга ва

¹ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Яхтийўл маҳалласи. 2019 йил 25 июль.

² Султонов Н. Термизий ўғитлари ва миллат тарбияси // Истиклол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 65-68.

³ Бозоров О. Умуминсоний кадриятлар ва исломий ахлоқ // Истиклол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 46-47.

⁴ Уватов У. Ал Ҳаким ат-Термизий ва унинг асарлари ҳақида // Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Термиз, Фан. 2001. – Б. 36-40.

ечишга ҳаракат қилади¹. Унинг Термизийнинг ҳадислари мазмун ва моҳияти жиҳатидан диний қадриятлар ғоясини ифодаловчи тизимни вужудга келтирган.

Шунингдек, Хожа Саманар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асари ҳам давлат бошлиқларини адолат ва ҳақиқатга чорлаган китобгина бўлиб қолмай, ўз даври барча ижтимоий табақаларини тарбиялаш учун зарур бўлган одоб қомусидир. Муаллифнинг фикрига кўра, ижтимоий адолат ҳамда эътиқод туйғусини шакллантиришнинг биринчи босқичи, қаноатлилиқни ўргатиш орқали ҳосил бўлади². Шарқ мумтоз адабиётида ниҳоятда кўплаб бадиий талқинларга мавзу бўлган бу асар инсон тарбияси, унинг руҳий-маънавий комилликка интилиши ҳақида эканлиги билан ҳамма даврлар учун аҳамиятли бўлиб қоладиган манбалардан биридир³.

Айтиш мумкинки, воҳа зиёратгоҳларининг аксариятини тасаввуф вакиллари, ислом таълимоти билан шуғулланган алломаларнинг қабрлари ташкил этади. Тасаввуфий-фалсафий ғоялар гуманистик характерга эга бўлиб, комил инсон ахлоқини тарбиялашда бемисл хизмат кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, дунё ва охират, замон ва макон, инсон моҳияти, инсоний камолот мезонлари, шартлари, комил инсон ҳақидаги тасаввурларимиз, билимларимизни кенгайтиришга, нафсни тийиш, маънавий юксалишимизда ибрат ва даъват бўлиб хизмат қилади⁴.

Қашқадарё сўфийлик мактабининг асосчиси Абу Туроб Нахшабий, мутаффақир олим ва шоир Сўфи Оллоёр, Ҳазрати

¹ Қодиров Қ.Б. Имом ат-Термизий асарларида тарбия масалалари // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. 1-сон. – Б. 93-96.; Наврўзова Г. Ҳаким Термизий ва Бохоуддин Накшбанд // Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Термиз, Фан, 2001. – Б. 12-14.

² Мирзаев И. Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асарида маънавий комиллик масаласи // Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Самарқанд). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 41-43.

³ Хожа Самандар Термизий ва унинг “Дастур ул мулуки” // Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Термиз, Фан, 2001. – Б. 18-19.

⁴ Комилов Н. Янги ҳаёт топган таълимот // Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Фарғона). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 79-81.

Ҳожагий ибн Дарвеш Муҳаммад Имканагий, Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Баширлар ижодининг туб моҳиятини ҳам исломий илмлар ташкил этади, унинг асарлари ислом руҳида ёзилгандир¹. Айтиш мумкинки, алломаларнинг асарларида келтирилган фикрлар ва қарашлар халқимизнинг ҳаёт тарзи, тафаккури ўсишига, яхшилик ва ёмонлик, ёшларнинг одамийлик сифатлари билан тарбияланишларида хизмат қилади.

Умуман, жамиятда дин, диний тасаввурлар билан бирга, дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам ёнма-ён яшаб келган ҳозирги Ўзбекистон жанубий ҳудудларида мавжуд бўлган зиёратгоҳлар тарихи инсоният дунёсининг, маданий ҳаётининг, ахлоқий тартиб-қоидаларининг бойлигини ва хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қилади. Маънавий-ахлоқий ҳаётимизда диний илмларнинг ўрни катта бўлиб, у умуминсоний, ахлоқий кадриятларни сингдиришга хизмат қилади. Шу маънода, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида мустақиллик йилларида қайта тикланган зиёратгоҳ ва қадамжолар миллий урф-одатларимиз, кадриятларимиз, динимизнинг бир бўлаги сифатида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай зиёратгоҳларда дафн этилган шахслар номи, фаолияти, илму ирфони, қилган амалларини ёшлар, маҳаллий аҳолига таништириш миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, тил, тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, кадриятларга ҳурмат ва итоаткорлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқаларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини халқаро туризм рўйхатида кўшилиши, халқлар ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларнинг мустаҳкамланишига, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшила-нишига, дунёда тинчлик барқарор бўлишига омил бўлади.

¹ Сувоноклов И. Сўфи Оллоёр ижодида ҳадислар талқини // Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятини туган ўрни мавзуидаги халқаро конференция материаллари. – Самарқанд: Фан, 1998. – Б. 107-109.; Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017. – Б. 251-266.

4.2. Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантиришда жанубий ҳудудлардаги маданий-маърифий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни ўрганишнинг аҳамияти

Сўнгги йилларда ижтимоий муносабатларнинг тубдан янгиланиши миллий ва ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги таъсирларни ўзгартирибгина қолмай, балки илк нишонлари пайдо бўлаётган кадрятлар, йўналишлар, тушунчалар учун манба бўлмоқда. Хусусан, маънавият соҳасида миллий мафкурамизни шакллантириш, ёшларни маданий меросимиз, бой анъаналаримиз ва умуминсоний кадрятларимизга ҳурмат, улуғ юртимиз ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласининг дастлабки ўринда туриши Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб беради. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан ёшлар тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш юзасидан, “динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш”¹ вазифасининг кун тартибига қўйилиши тадқиқотчилар олдида янги илмий изланишларни бошлаб берди.

Маълумки, Ўзбекистонда 7-8 мингдан ортиқ тарихий обидалар мавжуд бўлиб, 200 дан ортиғи ЮНЕСКО рўйхатида, ислом маданияти обидаларини асраб-авайлаш ва тарихий обидаларга бой давлат сифатида Ўзбекистон 9-ўринни эгаллаб турибди². Маданий тарихий аҳамиятга эга бўлган объектлардан 545 таси архитектура, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат ва 5500 дан ортиғини археологик объектлар ташкил этади³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқ 2017 йил 10 сентябрь.

// <https://president.uz/uz/lists/view/1063> <https://president.uz/uz/lists/view/1018>

² Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2. – Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – Pp. 99-102.

³ Джалилов О.З. Проблемы и перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане (1991-2010 гг.) автореф. Дисс. канд ист.наук. – Ташкент, 2011. – Б. 4.

Зиёратгоҳларга ташриф туризм соҳаси билан боғлиқ бўлиб, бу соҳа XXI асрда дунё миқёсида энг устувор фойда келтирувчи соҳага айланган. Ҳозир у автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди¹. Туризм соҳасини ривожлантириш миллий ва минтақавий иқтисодиётни мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи олим С.Рўзиев Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришни босқичларга бўлиб, биринчи босқич, 1992 йил Ўзбектуризмнинг ташкил этилиши, 1993-1999 йиллар иккинчи босқич туризм тўғрисидаги қонун қабул қилиниши, 2000 йилдан учинчи босқич бошланганини, бунда зиёрат туризми ҳам алоҳида ўрин эгаллашини қайд этиб ўтади². Мазкур босқичларга тўртинчи босқич сифатида 2017 йилдан кейинги туризм соҳасида кенг миқёсидаги давлат эътиборини киритиш мумкин.

Ўзбекистон жаҳон туризм ташкилотининг Ипак йўли лойиҳасининг асосий бўғини бўлиб, бу лойиҳа бўйича туристларнинг ихтиёрига таклиф этилаётган турларнинг аксарият қисми Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Ўзбекистонда асосан маданий туризм бошқа турларга қараганда кўпроқ ривожланган. Маданий туризм деганда, асосан инсонлар томонидан ўзга халқлар маданияти ва урф-одатларига бўлган қизиқиш асосида амалга ошириладиган туризм саёҳати тушунилади. Туризм йўналиши бугунги кунда жаҳон давлатларида устувор соҳага айланган вақтда мамлакатимизда табиий, маънавий, маданий, моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризми салоҳиятини ривожлантириш, у ерга маҳаллий аҳоли билан бирга, хорижий туристларни ҳам жалб қилиш давлат истиқболини белгилайди. Шу жиҳатдан,

¹ Dağdeviren A., Özdemir H., Göker G. Ilgaz İlçesinin Turizm Potansiyeli (Tourism Potential of Ilgaz District) // Journal of Tourism and Gastronomy Studies, 5-4 (2017). – Pp. 504-533; Файзиёва Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане // Экономический Вестник Узбекистана. – 2004, №3. – С. 61.

² Рўзиев С.С. Ўзбекистонда маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. Автореф. икт. фан. номз. – Тошкент, 2009. – Б. 11-12.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида кўп марта масаланинг турли жиҳатларига эътибор қаратдилар¹.

Шу боис, мустақиллик йилларида мазкур тармоқни юксалтириш учун кўпгина ишлар амалга оширилди. Бироқ, шунга қарамадан, туризм минтакаларда яхши ривожланмаган ва мавжуд имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмапти. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда туризми юксалтириш учун туристик объектларнинг минтакалардаги имкониятларини тадқиқ этиш, жумладан, тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, қадамжолар, зиёратгоҳлар, табиий ландшафт ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланиш йўллари илмий асосда ўрганиш ва тегишли амалий тавсияларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга².

Республикада зиёрат туризмини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларнинг ҳам ўрни бор. Вилоятдаги тарихий, архитектура, ва археологик обидалар, қадамжолар ҳамда ўзига хос маданий ва этнографик анъаналар минтақа туризм ҳазинаси ҳисобланади. Ўзбекистон туризми моддий-техник базасининг 87% Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларига тўғри келсада, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида ҳам туристларни жалб этиш мумкин бўлган кўплаб маданий зиёрат туризм жойлари мавжуд.

Тадқиқотчи О.Жалиловнинг фикрича, Ўзбекистонда махсус туризмнинг диний ва тарихий аҳамиятидан келиб чиқиб, ривожлантиришнинг учта йўналиши таклиф этилади. Биринчиси, бу

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Ўша муаллиф. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 123 б.; Ўша муаллиф. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.; Ўша муаллиф. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

² Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhondaryo region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. – Vol: 02 Iss.02, Feb 2021. – Pp. 89-99; Усманов М.Р. Ўзбекистонда туризми ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Автореф. геогр. фан. номз. – Тошкент, 2003. – Б. 1-2.

Қорақалпоғистон, Навоий, Каттақурғон, Кармана, Ходжайли, Беруний шаҳарларида туризмнинг моддий-техник базасини шакллантириш бўлса, иккинчи йўналиш Қарши – Термиз ҳудудларда тарихий археологик туризмни ривожлантириш, бунда курорт дам олиш турлари билан чамбарчас боғлаш таклиф этилади. Унинг фикрича келаётган туристларнинг 5-10% мазкур ҳудудларга ташриф буюриш истагини билдиришади ва бунинг учун Қарши, Шаҳрисабз, Термиз – Денов шаҳарларининг моддий-техник, туристик базасини мустаҳкамлаш назарда тутилади¹. Бундан ташқари, бу ҳудудларда экологик туризмни ривожлантириш ҳам муҳим ҳисобланади².

Таъкидлаш ўринлики, Янги Ўзбекистонни барпо этишда икки жиҳатга эътибор берилмоқда, биринчиси, бу тарихимиз, жумладан, миллий давлатчилигимиз эволюцияси билан боғлиқ ҳақиқатни тиклаш, она тили мақомини барқарор қилиш, халқимиз учун энг азиз анъаналар ва урф-одатларга қайта ҳаёт бағишлашни назарда тутати³. Иккинчи жиҳат, Имом Бухорий, Термизий, Насафий, Нақшбандий, Мотуридий каби исломий илмлар ривожига ҳисса қўшган алломалар номини тиклаш, уларнинг умумбашарий аҳамиятга молик илмий-фалсафий меросини ўрганишни йўлга қўйиш орқали асл маънавий қиёфамизнинг “эгилган” қаддини ростланиши билан баҳолаш мумкин⁴.

Ўзбекистон замини ислом цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида бутун дунё саёҳларини чорлаб келмоқда. Бунда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар сифатида Халқаро туризмни ривожлантириш давлат

¹ Джалилова О. Основные направления развития туризма в Республики Узбекистан // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010. – Б. 149-151.

² Атабекова С.Ф. Экологический туризм как новый вид туризма // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010. – Б. 160-162.; Мухитдинов З.А. Туризм и экология: проблемы и перспективы развития // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010. – Б. 174-177.

³ Мирзиёев Ш.М. Окқўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондараё вилояти) // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.; Ўша муаллиф. Ҳар қандай синовларни енгилга қодир халқ // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 303-336.

⁴ Истиклол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Тошкент). – Тошкент, 2001. – Б. 5.

қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Вақф хайрия жамият фонди, Ташқи ишлар вазирлиги, вилоят ҳокимликларининг туризм бошқармаси, ISESCO (Таълим, илм-фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти), UNWTO (Бугунжаҳон туристик ташкилоти) зиёрат масалалари билан ҳамкорликда шуғулланади¹.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Зиёрат туризми бўйича мамлакатимизнинг салоҳияти жуда юкори² бўлиб, мазкур йўналишда зарур қулайликлар яратиш мақсадида, Дин ишлари бўйича қўмита таркибида “Зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш бўлими” ташкил этилди, айрим мусулмон мамлакатлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди.

Айтиш мумкинки, сўнги йилларда саёҳлик саноатини ривожлантириш, юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, ўтган давр мобайнида соҳани тартибга солиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев бошчилигида мазкур соҳанинг қўллаб-қувватланиши юзасидан фармон ва қарорлар, хусусан унинг таркибида зиёрат туризмини жадал ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди³.

Жумладан, 2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида туб бурилиш даврини бошлаб берган ПҚ-2666-

¹ Гаибназарова З.Т. Перспективы развития туристического потенциала Узбекистана // Научные исследования экономического факультета. Электронный журнал. – 2019. Том 10. Выпуск 1. – С. 94-104.

² Туризм – мамлакатимиз иқтисодийнинг эртанги куни. <https://president.uz/uz/1516;> Мирзиёев Ш.М. Оққўнғил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти) // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.; Ўша муаллиф. Ҳар қандай синовларни енгилга кодир халқ // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 303-336.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. ЎзР Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

сонли “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ва “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди¹. Мазкур фармонда туризм салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий туризмга кўшимча тарзда зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш турларини ижти-мой ишлаб чиқариш фаолиятига татбиқ этиш назарда тутилди². Ушбу Фармон асосида, Ўзбекистонда туризмга оид давлат сиёсатини юритувчи “Ўзбектуризм” миллий компанияси тугатилиб, унинг ўрнига Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил қилинди. Мазкур фармонда Исроил, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан, 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам “Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ўрта муддатли истикболда “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси”га асосан, аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилди”⁴. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бошчилигидаги ҳукумат туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4861-сонли фармони. 2016 йил 2 декабрь. <https://www.lex.uz/docs/3548467>

² Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент, 2017 йил 3-сон. – Б. 11.

³ Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари. Электрон манба: www.tsue.uz. – С. 368-374.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 Тошкент шаҳри 2017 йил 7 февраль // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

эканлиги, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ушбу тармокни янада такомиллаштириш зарурлиги таъқидланди. Буни даврнинг ўзи тақозо этаётгани айтилди¹.

2017 йилдаги 16 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди². Унга асосан, кўнгилочар боғлар, маданият объектлари (миллий музейлар, галереялар), туристик ҳудудлар ва кластерлар ташкил этиш, тижорат банклари кредитлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағларини жалб қилиш ҳисобига туризм соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳа билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш учун давлат кўмагини олиш бўйича таклиф ва буюртмаларни кўриб чиқиш вазифалари тегишли ташкилот ва идораларга юклатилди. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида етук ва замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Президент Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 июндаги қарори билан Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм халқаро университети ташкил этилди³.

2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларида, “Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакат бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш” кўзда тутилган⁴. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризмни янада ривожлантириш масалалари” бўйича махсус йиғилиши // Халқ сўзи. 2017 йил 4 октябрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3217-сонли қарори. 2016 йил 16 август. www.Lex.uz

³ Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 июнь 131-сон.

⁴ Қонунлар ва фармонлар мазмун моҳияти ҳақида батафсил: <https://lex.uz/docs/4474527>. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 31-сон. 782-модда.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятида ташрифлари вақтида, Шаҳрисабз шаҳрини фестиваллар шаҳрига айлантириш бўйича берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Шаҳрисабз шаҳри ва унга яқин ҳудудларда бўлиб ўтадиган фестиваллар рўйхати шакллантирилди ва йил мобайнида турли фестивал, семинар, конференциялар ташкил этилди¹.

Бу ерда масаланинг яна бир муҳим жиҳати шу бўлдики, 2018 йилда 21-23 февраль кунлари Ш.Мирзиёв ташаббуси билан ислом маданиятини пойтахти сифатида намоён бўлиб келган Бухорода туризм форуми ўтказилиб, зиёрат туризми декларацияси халқаро миқёсида имзоланди². Бу тадбирдан кўзланган мақсад республикамиз ҳудудларида зиёрат туризмини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, бу соҳага тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш, Ўзбекистонни дунёдаги энг катта зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш ва ҳалол жаҳон стандартларини жорий қилишни белгилаган эди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонга келаётган хорижий фуқароларнинг сони йилдан йилга юқори суратлар билан ўсиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Статистик маълумотларга кўра, 2016 йил Ўзбекистон Республикасига 2,027 млн киши ташриф буюрган бўлса, 2017 йил Ўзбекистонда зиёрат туризмини ташкил этиш ва ривожлантириш учун дастлаб Малайзия, Индонезия ва Сингапур мамлакатларидан республикамиз муқаддас қадамжоларга зиёрат туризм йўналишида сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишлар фаоллаштирилиб, визасиз режим жорий қилинди ва қўшимча чартер рейслар ташкил этилди³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалар тўғрисида маълумот. – Тошкент, 2021 йил май.

² Ўзбекистонни зиёрат туризмининг марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисида Бухоро декларацияси имзоланди // Халқ сўзи. 2019 йил 22 февраль.

³ Сайфудинов Ш.С. Халқаро туризм: тажриба ва амалиёт. – Тошкент: ТДИУ, 2017. – Б. 39-45.

Шунингдек, 2018 йил 16-апрелдаги “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №709-сонли фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ушбу фонд олдида юртимиздаги тарихий, меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг диний-маърифий асарларини чоп этиш, юртимиздаги қадамжо ва зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги нуфузини янада ошириш, зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат вазифа кўйилди¹.

Ҳозирги кунда “Вақф” хайрия фондига текин фойдаланиш шартномаси асосида Республика бўйича 189 та қадамжо ва зиёратгоҳлар бириктирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 августдаги 708-Ф-сонли Фармойиши иловасида “Вақф” хайрия жамоат фондига берилган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар текин фойдаланиш шартномаси асосида бириктирилган². 2018 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Адлия вазирлигига жўнатилган хатида “Вақф” хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни текин фойдаланиш шартномаси асосида “Дор-ут тиловат” объекти “Вақф” хайрия жамоат фонди ихтиёрига берилди³.

Айтиш мумкинки, 2016-2018 йиллар давомида, бу соҳада қабул қилинган қонунларнинг ижросини Қашқадарё вилояти рақамларида кузатсак, ҳудудда 1043 та археологик, 208 та меъморий, 27 та диққатга сазовор жой, 43 та монументал жами 1321 та

¹ Мирзиёев Ш.М. Оққўнғил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти) // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.; Ўша муаллиф. Ҳар қандай синовларни энгишга қодир халқ // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 303-336.

² Вақф хайрия жамият фонди ихтиёридаги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари зиёратгоҳ ва қадамжолар рўйхати иловада берилди.

³ Ўзбекистонда диний бағрикенглик // Тараққиёт стратегияси маркази. 2020 йил 15 июль.

моддий-маданий мерос объектлари сифатида 50 та жойлаштириш воситалари (2646 ўрин), 100 тадан ортиқ миллий ва европа таомлари тайёрлайдиган ресторан ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, 18 та туроператорлик субъектлари фаолият ташкил этилди. Шу билан бирга, 17 та туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари, 43 та ҳамроҳ-гаржимон сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида вилоятга жами 1,4 млн туристлар ташриф буюрган бўлиб, шундан 62,7 минг нафари хорижий сайёҳларни ташкил этади. Хорижлик сайёҳлар сони икки баробарга ошган. Сайёҳларнинг асосий қисмини Европа (46,4% - Италия, Франция, Германия, Испания, Буюк Британия), қўшни мамлакатлар 27,4%, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари 12,6% фуқаролари ташкил этади¹.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 августдаги 708-ф-сонли фармойишига асосан² вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2018 йилнинг 11 ойида 183 млрд.сўмлик 54 та лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 810 ўринга эга бўлган 11 та жойлаштириш воситалари, 21 та ресторанлар ва кафелар, 4 та туроператорлик субъектлари ташкил қилинди. 13 та туристик классдаги автобус ва микроавтобуслар, 4 та электромобиллар олиб келинди. Автотранспорт воситалари, сигвейлар ва велосипедларни ижарага бериш йўлга қўйилди³. Бу соҳадаги энг муҳим қадам 2018 йилда Тошкент шаҳридан Шаҳрисабз шаҳригача тез юрар (Афросиёб) поезде қатнови йўлга қўйилди. Қарши халқаро аэропортини “Очиқ осмон” тизимида ишлаши учун самарали ишлар амалга оширилди⁴.

Вилоят ва Шаҳрисабз шаҳрининг туристик хариталари, туристик буклет, флаер ва китобчалар ишлаб чиқилиб, ахборот марказлари орқали бепул тарқатилиши йўлга қўйилди. Саёҳларни жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш

¹ Қашқадарё вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида тезислар // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 19 март.

² Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2019 йил 18 январь конун ҳужжатлари тўплами.

³ Қашқадарё вилояти маданий Мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 18 июнь.

⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри ва тумани. 2021 йил 17 июль.

мақсадида 2018 йилнинг ўзида Амир Темур таваллудини хар йили анъанавий шаклда нишонлаб бориш таъминланди¹.

2018 йил 6-10 сентябр кунлари Шахрисабз шаҳрида “Халқаро мақом санъати анжумани” ташкил этилди. Анжуман доирасида ҳунармандлар фестивали, фольклор гуруҳлар конкурслари юқори даражада ўтказилди². Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида, Қашқадарё вилояти Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан 8-9 февраль кунлари етакчи туроператорлар, оммавий ахборот воситалари ва блогерларни Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳияти билан таништириш мақсадида "Info-Tour" ташкил этилди³.

Агар мазкур тадбирларнинг натижаларини Сурхондарё вилоятида кузатадиган бўлсак, вилоятда жами 561 та моддий-маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинди⁴, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 28 октябрдаги №08-1-76 сонли “Буюк муҳаддис Абу Исо Термизийнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришга доир чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори халқимиз, миллатимиз тарихи ва тараққиётига ҳисса қўшган ўтмиш алломаларимизнинг муқаддас руҳларини шод этиб, аллома, фузалолар томонидан яратилган илму фан ютуқлари натижаларини кенгроқ ўрганиш ва ҳаётда фойдаланиш учун муҳим ижобий дастур бўлди. Мазкур дастур асосида, мақбара ҳудуди ободонлаштирилди ва унинг ҳудудида замонавий жомеъ масжиди қурилди. Вилоятда 2017 йилда таъмирланган объектлар рўйхатида зиёратгоҳ сифатида Денов туманидаги Саид Оталиқ архитектура ёдгорлиги Республика бюджетидан 533 млн 500

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳри. 2021 йил 17 июль.

² Қашқадарё вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришнинг устувор вазибалари тўғрисида тезислар. – Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси маълумоти. 2021 йил 18 июнь.

³ Халқ so‘zi газетаси. – 2019 йил 31 август, 179-сон.

⁴ Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 21 июнь.

минг сўм маблағ ажратилиб, таъмирланди. 2018 йилда эса, вилоятда таъмирланган объектлар сифатида Термиз шаҳридаги Қирққиз архитектура ёдгорлиги (294 млн сўм маблағ), Жарқўрғон туманидаги Жарқўрғон минораси архитектура ёдгорлиги (98 млн сўм маблағ)ни айтиш мумкин. Шунингдек, Олтинсой туманидаги “Муҳаммад Зоҳид” зиёратгоҳи учун (800 млн сўм) ажратилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилган¹. Маданий мерос бошқармасининг бюджет маблағлари ҳисобидан Хожа Алоуддин Аттор ва Мавлоно Муҳаммад Зоҳид макбаралари янгидан қуриб битказилди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон Қарори ижроси юзасидан вилоятда 10 та маданий мерос объектларига сайёҳлар ва маҳаллий аҳолининг кириб-чиқишини электрон ҳисобга олиш учун турникет, ушбу объектларга олиб борувчи йўл кўрсаткичларини ўрнатиш режалаштирилган. Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маблағлари ҳисобидан манзилли режа асосида 343 та объектга муҳофаза белгиси ўрнатилди. “Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар орасида машҳур музейлар ва моддий-маданий мерос объектларида ташриф буюрувчилар учун 150 та моддий ва археология объектларига йўл кўрсаткич (инглиз, рус ва бошқа тилларда) ўрнатиш ва бепул “Wi-Fi” ҳудудларини ташкил этиш” ишлари амалга оширилди. Маданий қийматга эга бўлган Сурхондарё вилоятидаги 561 та маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилди³.

Туризм инфратузилмасида туристнинг хавфсизлиги, энг муҳим жиҳатдир. Мамлакатимизда туристик салоҳиятни юксалтириш, уларга қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил

¹ Сурхондарё вилоятида жойлашган маданий мерос объектларида олиб борилган таъмирлаш ишлари тўғрисида // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.

² Асророва Л. Хожа Муҳаммад Зоҳид. – Тошкент: Ўзб халқаро Ислоҳ академияси, 2020. – Б. 12-13.; Ўша муаллиф. Алоуддин Аттор шахсияти // Имом Бухорий сабоқлари. – 2020, 3-сон. – Б. 44-46.

³ Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.

23 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, туристлар оқими юқори бўлган Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида 2018 йил 1 январдан, Сурхондарёда 2019 йил март ойидан хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил қилинди¹. Ушбу бошқарма хорижий давлат ва халқаро ташкилотлардан ташриф буюрадиган делегацияларни кутиб олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишлари белгилаб қўйилди².

2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб, юртимизнинг азиз жойларини зиёрат қилиш учун Индонезия, Малайзия ва Туркия фуқароларига визасиз режим киритилди. Айнан зиёратчи туристлар учун “Pilgrim visa” жорий қилинди. У Ўзбекистонга зиёрат қилиш, маданий-тарихий ва диний-маънавий мерос ҳамда анъаналаримизни ўрганиш учун келганларга икки ой муддатга берилади³.

2019 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича энг асосий вазифалар ва йўналишларни белгилаб берган “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди⁴ ва унинг асосида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси эълон қилинди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا асосан, туризм соҳасида бир қатор янгиликлар амалга оши-

¹ Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари туристларга нисбатан жиноят содир этилишига йўл қўймаган // uza.uz. 2019 йил 12 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизimini жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229 –сонли қарори. 2019 йил 6 март. www.lex.uz

³ Туризм-ривожланишнинг янги тармоғи // Правда востока портали. 2019 йил 29 апрель.

⁴ Халқ сўзи газетаси. – 2019 йил 8 январь, 3-сон.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

рилди¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли Қарорининг 33-бандида “ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига кири-тилган ҳудудларнинг (объектларнинг) шаҳар-созлик нормалари ва қоидалари талаблари махсус ваколатли орган билан келишиши белгилаб қўйилди. Шу жиҳатдан, “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди². 2019 йилнинг 1 февралдан 76 мамлакат фуқаролари 30 кунлик муддатга Ўзбекистонга визасиз кириши мумкин бўлади³.

2019 йилда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар сифатида Шаҳрисабз шаҳрида Республика бўйлаб фаолият олиб бораётган санъат вакиллари орасида “Мақом анжумани” ҳамда турли янги замонавий кўринишдаги фестивалларни ташкил этган ҳолда Шаҳрисабз шаҳрини Фестиваллар шаҳрига айлантириш, Китоб туманидаги Хўжа Икконагий зиёратгоҳи, Миришкор тумани Женов қишлоғидаги Исоқ Ота мажмуаси, Ғузор тумани Ғузор шаҳридаги “Мусофир Ота” зиёратгоҳини ва туризм объектларига олиб борувчи жами 83 км йўл ва йўлбўйи инфратузилма Инвестиция дастурига киритилди.

Туризм салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йилларда қиймати 299,3 млрд.сўм

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли фармони. 2019 йил 13 август. www.Lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида қарори. <https://lex.uz/docs/4262171>

³ Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда Зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари. Электрон манба: www.tsue.uz. – С. 368-374.

ўзлаштириш ҳисобига 72 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳамда 944 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилди. Жумладан, 15 та меҳмонхона, 40 та меҳмон уйлари, ўтов уйлар ва дам олиш уйларини ташкил этиш лойиҳалари, 4 та аҳоли дам олиш масканларини барпо этиш лойиҳалари; транспорт инфратузилма соҳасини ривожлантириш бўйича 7 та туризм тоифасидаги транспорт воситаларини харид қилиш; йўл бўйи инфратузилма объектларини барпо этиш лойиҳалари бўйича меҳмонхона, автотураргоҳ, савдо расталари барпо этиш лойиҳалари амалга оширилди¹.

Вилоятга 2019 йилда 95 та хорижий давлатлардан 144,2 минг нафардан ортик хорижий туристлар ташриф буюриб, 2018 йилга нисбатан 1,7 бараварга ошган. Ички сайёҳлар сони ўтган 2019 йилда 1 млн. 650 минг нафарни ташкил қилиб, 2018 йилга 150 минг нафарга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13-14 декабрь кунларида Қашқадарё вилоятида ташрифлари вақтида Шаҳрисабз шаҳрини фестиваллар шаҳрига айлантириш бўйича берган таклифларига асосан йил давомида 15 га яқин Халқаро фестиваллар ўтказиш режалаштирилган. 16-22 май кунлари “Sevimli” ва “BBC” телевидениялари ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 198-сонли Қарорида кўрсатилган Варганза, Ҳазрати Башир, Фелон, Сувтушар кишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари, Китоб кенглик станцияси, “Сийпантош” ёдгорлиги ва унинг атрофидаги туристик масканлар ҳақида кўрсатувлар суратга олинди².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 631-сонли қарорига асосан 2019 йилда Қашқадарё вилоятида хозирги кунга қадар жами 41 та меҳмон уйлари

¹ Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 18 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалар тўғрисида маълумот // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 19 март.

ташқил этилган бўлиб, Улардан Қарши шаҳрида 4 та, Шаҳрисабз шаҳрида 33 та, Китоб туманида 2 та, Шаҳрисабз туманида 1 та ҳамда Чирочқи туманида 1 та меҳмон уйлари фаолият олиб бормоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташқил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли Қарорининг 12-иловасига мувофиқ, 2020 йил 1 мартга қадар 561 та объектларни муҳофаза қилиш ва сақлаш шартномасини тузиш ҳамда уларга жамоатчи инспекторларни бириктириш белгиланган бўлиб, бугунги кунда Сурхондарё вилояти “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 404 та жамоатчи инспекторлар бириктирилди. Шуниндек, Ангор туманида 21 та маданий мерос объектлари, Бойсун туманида 71 та, Денов туманида 91 та, Жарқўрғон туманида 23 та, Қизириқ туманида 21 та, Қумқўрғон туманида 7 та, Олтинсой туманида 44 та, Музрабод туманида 11 та, Сариосиё туманида 33 та, Шеробод туманида 99 та, Термиз туманида 44 та, Узун туманида 29 та, Шўрчи туманида 61 та, Термиз шаҳрида 9 та маданий мерос объектлари рўйхати тузилди².

2019 йил август кунлари Термиз шаҳрида “Ўзбекистон – цивилизациялар чоррахаси” халқаро археология сайёҳлик форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир “Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизациялар чоррахаси: империялар, динлар ва маданиятлар” мавзусидаги маданий мерос ҳафталиги доирасида ташқил этилиб, унда 80 дан ортиқ давлатлардан олимлар қатнашди³.

¹ Назаров М.И., Жумаев Х.Х. Қашқадарё вилоятининг сайёҳлик йўналишлари географияси // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ, 2019. – Б. 134-138.

² Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар ҳисоботи. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.

³ Тўраев Қ.Т. Сурхондарё вилоятида ўзга (исломдан ташқари) дин вакиллари учун зиёрат туризмни ривожлантириш истикболлари // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ, 2019. – Б. 220-222.

Сурхондарё вилоятини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номзод объектлар (Хаким Термизий, Зурмала, Султон Содот, Қирққиз саройи, Кокилдор ота ҳонақоси, Фаёзтепа ва Қоратепа буддизм иншооти, Зараутсой қоятош расмлари, Жарқўрғон минора, Оқ остона бобо) рўйхати шакллантирилиб, Маданият вазирлигига юборилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чоратadbирлар тўғрисида” ги ПК-4095 сонли Қарорига кўра, вилоятдаги 8 та туристик объектлар- Жарқўрғон минораси, Шерободдаги Хўжаикон туз ғори, Узун туманидаги Оқ остона бобо мақбараси, Олтинсой туманидаги Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжаипок зиёратгоҳларига олиб борувчи 59 км йўллар таъмирланди.

2020 йилда мазкур соҳада коронавирус пандемияси бўлишига қарамай, воҳадаги Маданий мерос ва туризмни ривожлантириш бўлимлари томонидан муҳим тадбирлар амалга оширилди. Қашқадарёда 2020 йил 8 ой давомида 7100 нафар хорижий сайёҳлар, 48 000 нафардан ортиқ маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрди. Бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан анчайин паст кўрсаткичдир². Қашқадарё вилояти тарихида илк бор инглиз тилидаги “Inside Kashkadarya” журнали Amazon.com орқали АҚШ ва дунёнинг бошқа давлатларида сотувга қўйилди. Вилоятнинг туристик, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётини ёритишга мўлжалланган журналнинг илк сони Қашқадарёнинг туризм салоҳиятига бағишланди³. Бунда воҳанинг зиёрат, эко, этно ва экстремал туризм йўналишлари кенг очиб берилди.

2020 йилда Қамаши тумани М-39 халқаро магистралда лойиҳа қиймати 6 млрд. сўмлик “Arsh” меҳмонхона комплекси ва йўл бўйи инфратузилма объектлари ишга туширилди. Қарши

¹ Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.

² Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар// Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 18 июль.

³ Inside Kashkadarya: Social and Cultural Magazine Kindle Edition, October 20, 2020 by Asror Allayarov (Author) <https://www.amazon.com/Inside-Kashkadarya-Social-Cultural-Magazine-ebook/dp/B08LMSWZ1P>

шаҳрида лойиҳа қиймати 10 млрд. сўмлик янги "Буюк қарвон" меҳмонхонаси иш бошлади. Қарши тумани Қовчин қишлоғидаги Абул Муъин Насафий мажмуасида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, кутубхона ва Насафийлар музейи ташкил қилинди¹. "Одина" масжиди, "Лангар ота" зиёратгоҳларида капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. "Абу Муъин Насафий", "Қусам Шайх" зиёратгоҳларида йўл кўрсатгичлар ўрнатилди². Қарши халқаро аэропорти чартер рейсларни қабул қилишни бошлади.

Бу йилларда Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги ПҚ-4667 сонли ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 2020-2022 йилларда Сурхондарё вилояти Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги 222-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 22 май куни 294-сон билан Денов туманидаги "Хожа Алоуддин Аттор" жамғармаси ташкил этилиб, гувоҳнома олинди. Бугунги кунда меъморий обидани таъмирлаш бўйича топосёмка тайёрланиб, лойиҳа ишлари олиб борилиб, ҳомийлик асосида таъмирланди³.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят филиалига бириктирилган зиёратгоҳ ва қадамжоларда 2019-2020 йиллар мобайнида Тақия ота зиёратгоҳида 260 млн. сўм, "Мавлоно Муҳаммад Зоҳид" зиёратгоҳи 800 млн. сўм, "Шайх Аттор Валий" зиёратгоҳи 850 млн., "Султон Санжар Мозий" зиёратгоҳи 350 млн. сўм, "Оқ остона бобо" зиёратгоҳи 500 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, "Тақия ота" "Мавлоно Муҳаммад Зоҳид", "Шайх Аттор Валий",

¹ Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 18 июль.

² Дала тадқиқотлари. – Қарши шаҳри, 2021 йил 19 август. 4-дафтар.

³ Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 18 июль.

“Султон Санжар Мозий” ва “Оқ остона бобо” зиёратгоҳида кўшимча иморатлар барпо этилди¹.

2021 йилда ҳам халқаро миқёсда пандемия даврини бошидан ўтказган бўлса-да, Ўзбекистонда мазкур соҳани жаҳон андозалари асосида ривожлантириш иши давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралда “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони қабул қилинган². 2021 йил 24 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор бўйича вилоятда ички ва зиёрат туризмни таъмирлаш мақсадида рўйхат шакллантирилиб, туризм бошқармасига тақдим этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 мартда “Моддий-маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сонли Қарори қабул қилинган. Ушбу қарор бўйича барча моддий ва археология мероси ёдгорликлари оператив бошқаруви билан Маданият бошқармасига ва Музей кўриқхонасига топширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Туризм ва спорт вазирлиги фаолияти ташкил этилди³.

2021 йил мазкур соҳада белгиланган вазифаларга кўра 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш белгиланди. Шу жумладан, мамлакатнинг зиёрат туризми салоҳияти имкониятдан фойдаланган ҳолда 700 минг зиёратчини

¹ 2019-2020-йиллар мобайнида Сурхондарё вилоят зиёратгоҳ ва кадамжоларда қилинган таъмирлаш ишлар ҳақида қисқача ҳисобот // Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурдаги “Вақф” хайрия жамоат фонди маълумоти. – Тошкент, 2021 йил апрель.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 феврал кунда “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони <https://lex.uz/docs/5315060>

³ Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони <https://www.lex.uz/docs/5356603>

жалб қилиш ва ушбу йўналишда 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш бўйича вазифалар қўйилди¹.

Шундан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ва хорижий зиёратчи сайёҳлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, республиканинг зиёрат туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган Фармон лойиҳаси ишлаб чиқилди. Зиёрат туризми бўйича 2021 йилда 5 мингга яқин авиақатновларни йўлга қўйиб, камида 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва 130 млн долларлик хизматлар экспортини таъминлаш зарурлиги айtilди².

Шунингдек, мазкур соҳа билан боғлиқ иқтисодиёт тармоғида коронавирус пандемияси тарқалиши оқибатида, соҳадаги тадбиркорлик субъектларига 2020 йилда тақдим этилган имтиёз ва имкониятларни 2021 йилда уларни жадал қайта тикланишлари учун қулай муҳитни яратиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги (2020 йил 29 декабрь) белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятдаги моддий-маданий мерос объектларини қайта хатловдан ўтказиш учун Ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди ва вилоят ҳокимининг 2021 йил 25 январдаги 06-06/208-сонли Қарори билан вилоят бўйича маданий мерос ёдгорликларида қайта хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ушбу хатлов натижасида, шаҳар ва туманларда маданий мерос ёдгорликлари ўрганилмоқда³.

¹ Зиёрат туризминини ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида жадал кадам // Ўзбектуризм расмий саҳифаси. 2020 йил 28 декабрь. <https://uzbektourism.uz/news/view?id=1527>

² Аҳмадалиев Ю., Исмоилов О. Экологик ва зиёрат туризми объектларини динийҳуқуқий муҳофаза қилиш усуллари // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ, 2019. – Б. 31-34; Қаюмов А.А., Қаюмова И.К. Туризмни халқаро микёсда ва Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ, 2019. – Б. 90-94.

³ Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.

Ўрганишлар натижасида ёдгорликларнинг аксарият қисми аянчли аҳволда эканлиги аниқланди ва далолатномалар тузилди. Ноқонуний эгалланган, объектларда қурилиш ишлари олиб борган фуқароларга огоҳлантириш хатлари бериш жараёнида уларнинг огоҳлантириш хатларини олишдан бош тортиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Жумладан, Ангор туманида 21 та, Жарқўрғон туманида 23 та, Қизирик туманида 7 та, Қумқўрғон туманида 7 та, Музрабод туманида 11 та, Термиз туманида 31 та, Термиз шаҳрида 22 та маданий мерос объектлари қониқарли ҳолатда бўлган, деб баҳоланди. Бойсун туманида 74 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, хатлов жараёнида 39 та объект кўрилди, 39 та объектдан 5 тасида ноқонуний ҳолатлар кузатилиб, 1 та объект қабристонга айлантирилгани аниқланди, 16 та объект топилмади. Олтинсой туманида 41 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, 41 та объект хатлов жараёнидан ўтказилди, 7 та объектда ноқонуний ҳолатлар кузатилган бўлса, 1 та объект қабристонга айлантирилганлиги аниқланди¹. Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли тартибда ҳужжатлар тайёрланиб муаммоларнинг ечими юзасидан вазифалар белгиланди.

Умуман, юртимизда мавжуд зиёратгоҳ, мақбара, қадамжолар халқимизнинг диний ва миллий қадриятлардан бири саналади. Бугунги кунда ватанимиз тупроғида хоки ётган шахслар ҳаёти, фаолияти, зиёратгоҳлар тарихи, у ердаги урф-одатларни ўрганиш, маънавий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, республика, вилоят, туман миқёсидаги зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, у ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб этиш, зиёрат туризмини ривожлантириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлган зиёрат туризми жаҳон миқёсида Ўзбекистон ҳудуди шундай тарихий қадриятлар макони бўлганлигини, ўлкада ижтимоий-иқтисодий ислохотларни руёбга чиқараётган халқимиз учун буюк келажак барпо этишда, бугунги дунёни янги кўз билан кўриш, уни янгича тафаккур билан идрок этиш жараёнларида, улуғ аждодлар мероси билан танишиши лозимлигини англатади. Бугун йўқотилган

¹ Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.

барча кадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, анъаналарни тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан Янги Ўзбекистонни жаҳон халқлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлигимиз, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамиша баланд тутишга ва халқаро миқёсида ўз ўрнимизга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этади.

4.3. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги зиёратгоҳлар асосида зиёрат туризмини ривожлантириш йўл харитаси

Туризм соҳаси сўнгги йилларда давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишига таъсир қиладиган барқарор молия манбаи бўлиб, унинг кенгайиши нафақат ички миллий муносабатларни сақланишида, балки халқаро муносабатларда давлатнинг, халқнинг маданий тарихини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисобига кўра, туризмда сайёҳлар сонининг йиллик ўсиши сезиларли даражада турли давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳиссасининг кўпайишига олиб келади ва бу бугунги кунда туризмнинг иқтисодиётдаги улуши муҳим эканлигини кўрсатади¹. Жаҳон мамлакатлари ҳисоб-китобларига кўра, 2017 йилда ер юзида мусулмон зиёратчилари сони 131 миллионга етиб, бу соҳадаги даромад 142 миллион долларни ташкил қилган. 2020 йилда зиёратчиларининг сони 160 миллионга етиши, 2026 йилга бориб, зиёрат туризми индустрияси ортидан келадиган фойда 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда².

Айтиш жоизки, сайёҳликнинг ана шундай имкониятларидан келиб чиқиб, республикамызда халқаро туризм бозорини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талаби асосида шакллантириш ва шу орқали иқтисодиётни янада юксалтириш имкониятларига

¹ Usmanova Surayyo. Ziyarah Tourism as a New Linkage for Tourism Development in Uzbekistan // New Voices from Uzbekistan / ed. Marlene Laruelle, – Central Asia-Azerbaijan Fellowship Program, 2019. – pp. 31-39.

² Ўзбекистон зиёрат туризмида йирик мақомга эришиши мумкин // Халқ сўзи. 117(7347)-сон. 2019 йил 11 июнь.

эга бўламиз. Халқаро туризм бозорида, кучли рақобат кураши шароитида кўзланган мақсадга эришиш учун энг аввало аниқ йўналиш, доимий равишда изланиш, фаолиятни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида катта туристик салоҳиятга эга. Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий жойлар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат қаторида туради¹. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз шаҳарларида жойлашган моддий ва номоддий материал объектлари дунё тарихий ва маданий мероси БМТнинг ЮНЕСКО рўйхатида киритилган. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда тарихий, маданий, меъморий, археологик аҳамиятга эга бўлган туристларни жалб қилиш мумкин бўлган объектлардан 4000 дан зиёд тарихий ва меъморий обидалар², туристик объект сифатида қамраб олингани 140 та деб кўрсатилади³.

Ўзбекистонда туризмнинг барча соҳасини ривожлантириш имкониятлари юқорилиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Зиёрат туризми йўналишлари маҳаллий аҳоли учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда 2019 йил якуни бўйича туризмнинг барча соҳаси доирасида хизмат кўрсатишдан 1,3 миллиард доллар маблағ тушган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 30 фоизга кўп⁴. Шунингдек, туризм 110 минг кишига етадиган аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. 2023 йилга келиб тўғридан-тўғри соҳада туризм 145 минг кишини қамраб олиши режалаштирилган⁵.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Қишлоқ ҳаёти газетаси. № 153-154 (8861)-сон. – 2017 йил 23 декабрь

² Аскархўжаев С.М., Аскархўжаев М.Б. Ўзбекистонда туризм ва кичик бизнесни ривожлантиришда меъморий обидалардан фойдаланишга доир айрим мулоҳазалар // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010. – Б. 42-45.

³ Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане // Экономический Вестник Узбекистана. – 2004, №3. – С. 61.

⁴ Salimov M., Ulug'murodova F. O'zbekiston iqtisodiyoti rivojlanishida turizmning ahamiyati // Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences, VOL.1, ISS.2, 2021 March. – Pp.118-122.

⁵ Нарзиев М., Ермаков А., Бабакулов А. Современное состояние и тенденции развития индустрии туризма и гостеприимства в Узбекистане // Научный журнал. – СЕРВИС PLUS. Том 9, 2015. №2. – С. 35-44.

Юртимизда туризмни такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган истиқболли ислохотлар хорижий сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан бирга, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг муносиб ўринга эга бўлишида туристик бозор ҳам муҳим аҳамият касб этади¹. Жаҳон туризм ташкilotи прогнозларига кўра, 2030 йилга келиб, саёҳат қилувчилар сони 1.5 млрд кишидан ортиқ бўлиб, тушадиган даромад ҳажми 5.0 трлн доллар бўлиши кутилмоқда². Бу кўрсаткичлар, ўз навбатида, юртимизда туристларнинг сони ошишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Ўзбекистонда зиёрат қилинадиган жойларга саёҳатчиларни жалб қилиш ва туризмнинг бу турини ривожлантириш учун мамлакатимизда зиёрат туризмини нафақат ички, балки халқаро даражада ривожлантиришда ҳар бир вилоятлардаги ва ҳар бир туманлардаги зиёратгоҳларнинг рўйхатини, манзилини ва зиёрат қилиш хусусиятлари ҳақидаги ахборот маълумотларни пухта ишлаб чиқиши талаб қилинади.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида ислом дунёсида тан олинган аллома-ларнинг мақбаралари, табаррук қадамжолар кўп. Бугунги кунда жаҳонда туризм йўналиши устувор соҳага айланган бир даврда, жанубий воҳадаги табиий, маънавий, маданий ва моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризми салоҳиятини ривожлантириш, у ерга маҳаллий аҳоли билан бирга, хорижий туристларни ҳам жалб қилиш давлатимиз истиқболлини белгилайди. Мазкур ҳудудларда зиёрат туризмни ривожлантиришда ички, миллий, минтақавий ва маҳаллий сайёҳликнинг аҳамияти катта. Аммо мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узоқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан туризмга оид ҳужжатлар қабул қилингани давлати-мизнинг туризм ривожига юксак эътиборидан далолат бўлди.

¹ Salimov M., Ulug'murodova F. O'zbekiston iqtisodiyoti rivojlanishida turizmning ahamiyati // Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences, VOL.1, ISS.2, – 2021 March. – Pp. 118-122.

² Dağdeviren A., Özdemir H., Göker G. Ilgaz İlçesinin Turizm Potansiyeli (Tourism Potential of Ilgaz District) // Journal of Tourism and Gastronomy Studies, 5-4 (2017). – Pp. 504-533

Республикамизга кириб келаётган чет эллик туристларнинг 76 фоизи Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Тошкентга ташриф буюришга қизиқса, қолган 24 фоизи Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига саёҳат қилишади. Ўзбекистонда сўнгги 2020 йилда пандемия шароитида хорижий давлатлардан туристик мақсадда ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони 1,5 миллион кишини ташкил этади¹.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (1985) томонидан қабул қилинган туризм этика кодексига кўра, туристик сиёсат шундай тарзда олиб борилиш керакки, у ташриф буюрувчилар жой аҳолисини ҳаёт тарзини яхшилашга ва уларнинг талабларига мос тушиши керак². Бир хорижий турист 20 кишини иш билан таъминлайди³. Шу маънода, Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантириш 54 мингдан ортиқ кўшимча иш ўринлари яратилишига олиб келишини ҳисобга олиш зарур⁴. Зиёрат туризмнинг ўзига хос талаблари ҳам бор. Шунини инобатга олиб, тегишли қулайликлар, масалан, ибодат амалларини бажариш учун масжид, макбараларни таъмирлаш, меҳмонхоналар, овқатланиш жойларида ҳалол бренди муҳим аҳамият касб этади⁵.

Тадқиқотчи М.Усманов минтақа туризмни ривожлантириш учун аввало, сайёҳлик фирмаларига дастлабки имтиёзли сармояларни ажратиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бунинг учун хорижий ҳамкорларни топиш, дунё мамлакатларида ўтказиладиган сайёҳлик ярмаркаларида қатнашиш, миллий анъаналарни намоён этувчи маҳалла ва чойхоналарни қадимий

¹ Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2 – Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – Pp. 99-102.

² Атабекова С.Ф. Место и роль туризма в социально-экономическом развитии стран // Актуальные проблемы туризма – 2011. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.3. – Ташкент, Office print, 2011. – Б. 53-57.

³ Икрамов М., Мурзина П. К вопросу туризма в Узбекистане // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010. – Б. 13-16.

⁴ Юлдашева С., Йўлдошева Ф. Ўзбекистонда туризм индустрияси моддий асосларини кенгайтиришнинг айрим муаммолари // Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.1. – Ташкент, DP Patent Press, 2009. – Б. 200-201.

⁵ Kodirov D., Mavlonova U., Kodirov T. Halal Tourism in Central Asia: Developing Service Systems in Uzbekistan // Journal of Halal Service Research JHSR. Vol. 1, Iss.2, 2020. – Pp. 35-45.

меъморчилик усулларини аниқлаш ва уларни туристик маршрутларга киритиш, объектларга боровчи йўлларни таъмирлашни талаб қилишини таъкидлаб ўтади¹.

Бир йилда 350 минг нафар саёҳатчилар ташриф буюрган Қашқадарё вилоятида туризм салоҳиятининг янада ошириш мақсадида Ҳазрати Башир зиёратгоҳига (Китоб тумани Башир қишлоғи) йўл белгиларини ўрнатиш, Ҳазрати Башир мақбарасига чиқиб тушиш учун эскалатор ўрнатиш, шу ҳудудда умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил қилиш орқали ташриф буюрувчилар сонини 350 минг нафардан 600 минг нафарга, яъни 1,75 бараварга оширишни назарда тутди. Шунингдек, Башир қишлоғига боришдаги Варганза ва Қоплатун қишлоқларидаги ёрларни ҳамда Ҳазрати Баширнинг отаси Хўжа Хасан ота мақбарасини боғлаган ҳолда янги туристик маршрут очиш орқали саёҳатчилар сонини янада ошириб, саёҳатчиларни бу ҳудудда қолиш кунларини 2-3 кунга кўпайтириш мумкин².

Агар бу таҳлилларни Қамаш туманидаги Лангар ота зиёратгоҳи мисолида кўрсак, бир йилда 400 минг нафар маҳаллий ва 20 минг нафар хорижий саёҳатчилар ташриф буюради. Ушбу зиёратгоҳ Қамаш тумани марказидан 25-30 км масофада жойлашган бўлиб, 3 км. йўл таъмирталаб, йўл бўйи инфраструктуралари деярли мавжуд эмас, хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаган. Ушбу Лангар ота зиёратгоҳига бориш йўлини таъмирлаш, кўрсатиш белгиларини ўрнатиш, тадбиркорларга ерни аукцион савдоларисиз бериш орқали хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш, зиёратгоҳ атрофида хунармандчилик билан шуғулланувчи тадбиркорларга дўконлар қилиб бериш орқали саёҳатчилар сонини 400 минг нафардан 600 минг нафарга, яъни 1,5 бараварга ошириш мумкин. Хунармандчилик савдо дўконларини ташкил қилиш орқали 17 та янги иш ўринларини ташкил қилиш имкони мавжуд. Ҳозирги кунда вилоят ҳокимли-

¹ Усманов М.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтакавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Автореф. геогр. фан. номз. – Тошкент, 2003. – Б. 18-19.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти туризм бош бошқармаси бўлими. 2019 йил 21 август.

гининг ташаббуси билан йўлни таъмирлаш ва зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари бошланган¹.

Мазкур соҳадаги ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, маънавиятнинг тарихий илдизларидан далолат берувчи обидалар диққатга сазовор объект сифатида туристик маршрутга киритилмаган. Бу жойларга фақат шу яқин жойда яшовчи маҳаллий аҳоли зиёратга боради. Бунинг учун шу жойларнинг тарихини аниқлаш, китоблар, йўл кўрсаткичлар нашр қилиш ва аҳоли орасида реклама қилиш орқали бу жойларда туризм салоҳиятини ривожлантириш мумкин бўлади. Қуйида Қашқадарё вилоятида жойлашган зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларнинг йўналиши бўйича йўл кўрсаткич таклиф этилади:

Қашқадарё вилояти². Қашқадарё вилояти. Қарши шаҳри йўналиши бўйлаб – Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи (Қарши шаҳар, Гулшан маҳалласи, Жайхун кўчаси), – Шайх Али мақбараси (Қарши шаҳри, Шайх Али маҳалласи Косон ўйли кўчаси);

Қарши тумани – Абул Муъийн Насафий зиёратгоҳи (Қарши тумани Қовчин қишлоғи), – Етти туғ ота мақбараси (Қарши тумани Патрон қишлоғи), – Ҳазрати Султон мақбараси (Қарши тумани Бишкент қишлоғи), – Шайх Шибли зиёратгоҳи (Қарши тумани Шилви қишлоғи), – Хўжа Шамсиддин Халвоний қадамжоси (Қарши тумани Қовчин қишлоғи), – Ҳазрати Салмонхон мақбараси (Қарши тумани Лағмон қишлоғи), – Хўжа Ҳофиз Шерозий қадамжоси (Қарши тумани Нукработ қишлоғи);

Косон тумани бўйлаб – Қусам шайх зиёратгоҳи (Косон тумани, Пудина қишлоғи), – Исҳоқ ота ва Мусохон мақбараси (Косон тумани Каманди қишлоғи), – Авлиё Ғойиб ота қадамжоси (Косон тумани Пўлати қишлоғи Месит маҳалласи), – Оллоёр Эшон қадамжоси (Косон тумани, Бўлмас қишлоғи), – Абдурахмон Халифа мақбараси (Косон тумани, Пўлоти қишлоғи);

¹ Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар. – Қарши шаҳри, 2021 йил 21 июль.

² Мазкур йўналиш вилоятнинг асосий туристик хизматлар бошланиш нуқтаси деб белгиланди, чунки марказга Тошкент Қарши йўналишида аэропорт ва темир йўллар етиб келади.

Касби тумани – Саййидо Насафий мақбараси (Касби тумани Майманок қишлоғи), – Султон Мир Ҳайдар ёдгорлик мажмуи (Касби тумани Касби қишлоғи), – Мурод бахш зиёратгоҳи (Касби тумани Майманок қишлоғи), – Назир Мерган мақбараси (Касби тумани Беруний қишлоғи), – Фазли мақбараси (Касби тумани Пахтакор қишлоғи);

Ғузур тумани – Мири Жанди зиёратгоҳи (Ғузур тумани Мардтепа қишлоғи), – Мусофир ота зиёратгоҳи (Ғузур тумани Амир Темур маҳалласи), – Ҳазрат Хўжабоши Абдулайзота мақбараси (Ғузур тумани Чуқур қишлоғи), – Ҳазрати Қумчўп ота зиёратгоҳи (Ғузур тумани Соғбон қишлоғи), – Тоҳир-Зухра мажмуаси (Ғузур тумани Дўнг Қовчин (ҳозирда Тоҳир-Зухра қишлоғи);

Дехқонобод тумани – Хўжаипок ота зиёратгоҳи (Дехқонобод тумани Хўжаипок қишлоғи), – Хўжаи-ипакконсой (чашмалари) зиёратгоҳи (Дехқонобод тумани Қорадахна қишлоғи);

Миришкор тумани – Исҳоқ ота зиёратгоҳи (Миришкор тумани Женов қишлоғи);

Нишон тумани – Жунайд Бағдодий рамзий зиёратгоҳи (Нишон тумани Откудук қишлоғи), – Абу Туроб Нахшабий зиёратгоҳи (Аввалги номи ҳалқ орасида Шаҳид ота ёки Чилламосор зиёратгоҳи (Нишон тумани собиқ қарри Нишон мавзеси);

Муборак тумани – Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий зиёратгоҳи (Муборак тумани Хўжа Муборак қишлоғи);

Қамаши тумани – Катта Лангар ота зиёратгоҳи (Қамаши тумани Лангар қишлоғи), – Ўғлонжон ота мақбараси (Қамаши тумани Пасттол қишлоғи), – Лангар ота масжиди (Қамаши тумани Лангар қишлоғи), – Кўктош ота зиёратгоҳи (Қамаши тумани Пасттол қишлоғи), – Хўжа масиҳ зиёратгоҳи (Қамаши тумани Лангар қишлоғи), – Мушкул ота зиёратгоҳи (Қамаши тумани Бердоли қишлоғи) – Катта Лангар ота мақбараси (Қамаши тумани Лангар қишлоғи);

Чироқчи тумани – Кўктош ота мақбараси (Чироқчи тумани Кишмиштепа қишлоғи), – Дурсунбобо мақбараси (Чироқчи тумани Дурсун қишлоғи), – Худоёр ота мақбараси (Чироқчи тумани Худоёрбек қишлоғи), – Кичик Лангар ота мақбараси (Чироқчи тумани Лангар қишлоғи), – Қайрағоч ота мақбараси

(Чироқчи тумани Лолабулоқ қишлоғи), – Кўктўнли зиёратгоҳи (Чироқчи тумани Қаҳрамон қишлоғи), – Оқ туяли зиёратгоҳи (Чироқчи тумани Зарбдор қишлоғи), – Эски Лангар масжиди (Чироқчи тумани Эски Лангар қишлоғи), – Сийпантош ота ёдгорлиги (Чироқчи тумани Эски Лангар қишлоғи);

Яккабоғ тумани – Имом Абу Юсуф зиёратгоҳи (Яккабоғ тумани Имом Ёқуб қишлоғи), – Хўжа Илғор зиёратгоҳи (Яккабоғ тумани Хўжа Илғор қишлоғи), – Тезоб ота мақбараси (Яккабоғ тумани Хўжа Илғор қишлоғи), – Дархон момо зиёратгоҳи (Яккабоғ тумани Дархон қишлоғи), – Махмуджон авлиё мақбараси (Яккабоғ тумани Турон қишлоғи), – Шоди Шайх Валий мақбараси (Яккабоғ тумани Хусин қишлоғи), – Саховат ота мақбараси (Яккабоғ тумани Тўртбулоқ қишлоғи), – Хўжабузрук ота мақбараси (Яккабоғ тумани Жийда қишлоғи);

Китоб тумани – Хожаги Имконаги хоноқоси (Китоб тумани Хўжа Илмкон қишлоғи), – Ҳазрати Башир зиёратгоҳи (Китоб тумани Ҳазрати Башир қишлоғи), – Неъматуллоҳ Валий зиёратгоҳи (Китоб тумани Муғул қишлоғи), – Ҳазрат Султон зиёратгоҳи (Китоб тумани Ҳазрати Султон тоғидаги Шут қишлоғи), – Оқ сув зиёратгоҳи (Китоб тумани Хўжаиспароз қишлоғи);

Шаҳрисабз шаҳри – Дор-ут тиловат мажмуаси, – Кўк Гумбаз масжиди, – Гумбази Саййидон мақбараси, – Амир Темур ер ости даҳмаси, – Жаҳонгир мақбараси (Шаҳрисабз тарихий маркази, Ипак йўли кўчаси);

Шаҳрисабз тумани – Саъд ибн Абу Ваққос мақбараси (Шаҳрисабз тумани Мўминобод қишлоғи), – Нишонота зиёратгоҳи (Шаҳрисабз тумани Вардон қишлоғи), – Арслонбоб мақбараси (Чоршанбу қишлоғи);

Таъкидлаш жоизки, ички ва ташқи сайёҳликни кенг йўлга қўйиш, республикада туризм соҳасини модернизациялаш, соҳани барқарор ривожлантириш, туризм марказлари ҳисобланган ҳудудларда туристик, маиший ва алоқа-ахборот инфратузилмаларини кенг йўлга қўйиш, маҳаллий ва хорижий меҳмонларга халқаро стандартларга мувофиқ хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада белгиланган тадбирларни амалга ошириш, юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш, биринчи навбатда, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг мавқеини мустаҳкамлайди,

хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар ва ишончли ҳамкорлик эшикларини очади, мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичлари барқарорлигига, аҳоли даромадлари, бандлиги ва тадбиркорлиги каби кўрсаткичларнинг яхшиланишига омил бўлиб, хизматлар соҳасининг янада такомиллашувига сабаб бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, зиёрат туризми фаолиятини кенгайтиришда зиёрат объектларнинг йўл маршрутини тузиш аҳамиятли ҳисобланиб, бу Республика туризм йўналишининг кенгайтишига хизмат қилади. Шу маънода, Сурхон воҳаси зиёратгоҳлари йўл харитасида қуйидаги объектларни кўришимиз мумкин бўлади.

Сурхондарё вилояти бўйлаб – Термиз шаҳри: Мурчбобо зиёратгоҳи Термиз шаҳри, Собир Термизий кўчаси 16 уй);

Термиз тумани – Ҳаким Термизий мақбараси (Термиз тумани Термизий қишлоғи), – Султон-Содот мақбаралар мажмуи (Термиз тумани Пахтакор қишлоғи), – Қирққиз қаъласи (Термиз тумани Қирққиз қишлоғи), – Кокилдор ота мақбараси (Термиз тумани Кокилдор ота қишлоғи), – Зу-л-Кифл мақбараси (Термиз-Афғонистон чегара ҳудуди);

Ангор тумани – Хўжа Рўшноий мақбараси (Ангор тумани Занг қишлоғи Термиз-Ангор трасса йўли бўйида), – Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи (Ангор тумани Ҳайрободртепа қишлоғи), – Абдурахмон ибн Авф зиёратгоҳи (Ангор тумани Таллимарон қишлоғи);

Шеробод тумани – Абу Исо Термизий мақбараси (Шеробод тумани Яхтийўл қишлоғи), – Атоулло Саид Ваққос мақбараси (Шеробод тумани Сеплон қишлоғи), – Ахтам саҳоба мақбараси, – Сулаймон ота зиёратгоҳи, – Қирқчилтон ота зиёратгоҳи (Шеробод тумани Чағатой қишлоғи), – Хўжа улканота (Шеробод тумани Хўжа улканота қишлоғи), – Хўжанқоота (Шеробод тумани Хўжанқоота қишлоғи);

Қизириқ тумани – Такия ота зиёратгоҳи (Қизириқ тумани Такия ота қишлоғи);

Музробод тумани – Музробод ота зиёратгоҳи (Музробод тумани Музробод қишлоғи);

Бойсун тумани – Ҳазрат Султон Валий зиёратгоҳи, – Қамари Азиз- Омонхона зиёратгоҳи, – Сиддиқ Саҳоба (Бойсун тумани

Омонхона кишлоғи), – Бибиширин зиёратгоҳи (Бойсун тумани Ширинобод кишлоғи), – Хўжа Қўчқор ота зиёратгоҳи (Бойсун тумани Паданг кишлоғи), – Хўжамайхона (Бойсун тумани Дарбанд кишлоғи), – Жийдали ота зиёратгоҳи (Бойсун тумани Кофрун кишлоғи), – Қирқ-Қиз тош ёдгорлиғи (Бойсун тумани Мочай кишлоғи), – Хожа Сурх Пуш (Қизил Айзон) зиёратгоҳи (Бойсун тумани Сариосиё кишлоғи), – Паҳлавон Аҳмад Замчи ёки Ходаи Дод зиёратгоҳи (Бойсун тумани Қўрғонча кишлоғи), – Бобосоҳиб (Соҳиб зода) – Саримозор зиёратгоҳи (Бойсун тумани Саримозор кишлоғи), – Уштур Санг ота зиёратгоҳи (Бойсун тумани Сувсиз тоғи ёнбағрида);

Жарқўрғон тумани – Хожа Самандар Термизий зиёратгоҳи (Жарқўрғон тумани Хўжа кишлоғи), – Хўжа Абдулварроқ Термизий зиёратгоҳи (Жарқўрғон тумани Ҳайитобод кишлоғи);

Қумқўрғон тумани – Саййид Камолиддин ва Саййид Жамолиддин Термизийлар зиёратгоҳи (Қумқўрғон тумани Хўжа кишлоғи), – Саййид Носиф Термизий (Мирсаид Шариф Журжоний) зиёратгоҳи (Қумқўрғон тумани Нурли диёр кишлоғи);

Бандихон тумани – Шакарли ота, Бектепа, Улуғсой зиёратгоҳлари;

Шўрчи тумани – Ҳожи бобо зиёратгоҳи (Шўрчи тумани Оқкамар кишлоғи), – Ҳайдаркул Ҳожи бобо зиёратгоҳи (Шўрчи тумани Озод кишлоғи), – Толли ота зиёратгоҳи (Шўрчи тумани Толли кишлоғи), – Савжирон бобо зиёратгоҳи (Шўрчи тумани Тошмат Бердиев кишлоғи), – Қорашайх зиёратгоҳи (Шўрчи тумани Офтобмакон кишлоғи), – Бўтабўзар зиёратгоҳи (Шўрчи тумани Ялти кишлоғи);

Олтинсой тумани – Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Катта Вахшувор кишлоғи), – Хожа Муҳаммад Зоҳид зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Кичик Вахшувор кишлоғи), – Масжид ота – Сўфи Оллоёр қадамжоси (Олтинсой тумани Паттакесар кишлоғи), – Хўжаи пок зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Хўжаи пок кишлоғи), – Хидиршо зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Хидиршо кишлоғи), – Қурбон Соат зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Хўжасоат кишлоғи), – Хўжайгор ёки Авлиё ота зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Миршоди кишлоғи), – Кийик ота зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Миршоди кишлоғи), – Биби Зайнаб

зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Биби Зайнаб кишлоғи), – Хўжа Ҳасан Илғорий ёки Каптархона зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Жиянбобо кишлоғи), – Қорахон Эшон бобо зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Қарлиқ кишлоғи), – Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Хўжасоат кишлоғи), – Хўжаи Ҳисор зиёратгоҳи (Олтинсой тумани Хўжаибарку тоғи Ушр кишлоғи);

Денов тумани – Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳи (Денов тумани Номозгоҳ кишлоғи), – Хайдаркул Ҳожи бобо зиёратгоҳи (Денов тумани Номозгоҳ кишлоғи), – Султон Санжар Мозий зиёратгоҳи (Денов тумани Остона кишлоғи), – Абул-Ҳасан Харақоний зиёратгоҳи (Денов тумани Қорахон кишлоғи), – Биби Сарпуш зиёратгоҳи (Денов тумани Юрчи кўрғони), – Қорахон бобо зиёратгоҳи (Денов шаҳри Жомий маҳалласи Муродбағш кўчаси), – Денов ота (Хўжа Рўшноий) қадамжоси (Денов шаҳри Баҳористон маҳалласи Сайлгоҳ кўчаси).

Сариосиё тумани – Хожаи Дод зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Исоқи кишлоғи), – Каримкул домла зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хуфор кишлоғи), – Хўжамқара зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хуфор тоғи Хуфор кишлоғи), – Домла Нодир Муҳаммад Самарқандий, – Эшони Сафар Халифа, – Сўфи Ҳисорий Хондизағий, – Домла Айниддин, – Муҳаммад Юсуф Маъюсий зиёратгоҳлари (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Хонжиза кишлоғи Домулло Нодир қабристони), – Хўжаи пирях зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хурсанд тоғи Чош кишлоғи), – Хўжаимурид зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Дебодом кишлоғи), – Хўжаиаспбон зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Куйи сафет (оқ тоғ) этаги Хўжаиастмин кишлоғи), – Хўжаитунд зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Хонжиза кишлоғи), – Чашмаи Девоноҳо зиёратгоҳи, – Кўк тераклар булоғи (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Хонжиза кишлоғи), – Оби Сурхон зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Десурх кишлоғи), – Шайхлар булоғи (Сариосиё тумани Найхо тоғи тагида), – Кўтирбулоқ зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Қорақиз адирлиги Нилу кишлоғи), – Чашмаи Бибихур-Бибинур зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Нилу кишлоғи), – Чашмаи Соро зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Нилу кишлоғи), – Дарвозаҳо зиёратгоҳи (Сариосиё тумани

Хонжиза тоғи Дебодом кишлоғи), – Қирқ-қиз (Чил духтарон) зиёратгоҳи,

– Шакарсеб (Шакар олма булоғи (Сариосиё тумани Оқ тоғ этаги Хўжаастмин кишлоғи), – Шоҳидон мазороти (Шаҳидлар мазори) (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Хонжиза кишлоғи), – Писта мазороти (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Нилу кишлоғи), – Мирзо Боборахим Машраб ва Сўфи Оллоёр кадамжоси (Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Нилу кишлоғи), – Сангардак тоғида-Хўжаи Илғор зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Сангардак тоғи тепаси Сангардак кишлоғи), – Хўжаихубон зиёратгоҳи (Сариосиё тумани Сангардак тоғи Хубон кишлоғи), – Шарромозор дам олиш худуди (Сариосиё тумани Сангардак тоғи Сангардак кишлоғи);

Узун тумани – Оқ остона бобо (Абу Хурайра) зиёратгоҳи (Узун тумани Оқ остона бобо кишлоғи).

Юқорида айтиб ўтилганидек, зиёрат туризми мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янада оширишда, миллионлаб мусулмонларнинг буюк алломалар ва мутафаккирлар ўтган муқаддас заминимизга ташриф буюришида, бизда мавжуд исломий меросни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур соҳада “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан турли йўналишдаги йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Хайрия тадбирлари, вақф мулкларини тасарруф қилиш ишлари билан бир қаторда “Вақф” хайрия жамоат фонди Ўзбекистонда зиёрат туризми соҳасини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшишда фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, Фонд раҳбарияти сайёҳлар учун зарур инфратузилмани яратишда, зиёратгоҳларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, масжидлар қуриш, мавжуд масжидларни қайта таъмирлашга аҳамият қаратмоқда¹. Бунинг натижасида, нафақат юртимиз аҳолиси учун, балки мусулмон мамлакатлардан ташриф буюраётган сайёҳлар учун ҳам кулай шароитлар яратилади.

Туризм, давлатларни ўзаро яқинлаштирибгина қолмай, балки халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учун, халқаро туризм индустриясини тўғри

¹ Вақф хайрия жамоат фонди жамғармаси ҳисобот маълумотномасидан. Тошкент шаҳри, 2020 йил май.

ташқил этиш ва бошқариш зарурати сезилмоқда. Зиёрат туризмнинг барқарор ривожланиши, бошқа элементларни ҳисобга олишни талаб қилади, масалан, ташриф буюрувчилар сонини баҳолаш ва йирик тадбирлар билан боғлиқ зиёратчилар ҳамда сайёҳлар оқимини бошқариш; диний мерос объектларини сақлаш ва аҳамиятини ошириш; зиёрат туризм йўналишларини ихтисослаштирилган ҳолда ўқитиш, таъминлаш ва сертифицикатлаш; зиёрат туризм маршрутларида одамларнинг хавфсизлиги ва гигиена талабларини таъминлаш; зиёрат туристик саёҳатларни тайёрлаш ва ўтказишда янги ахборот технологиялари ҳамда коммуникацияларидан самарали фойдаланиш; зиёрат туризм билан боғлиқ янги маҳсулотлар ва хизматларнинг рекламаси ҳамда маркетингни тўғри йўлга қўйиш талаб этилади¹.

Тадқиқотчи олим Ш.С. Сайфутдинов томонидан Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш учун Ўзбекистонга диний мажмуаларни зиёрат қилиш учун ташриф буюриши мумкин бўлган ва ислом дини устун бўлган мамлакатларни аниқлаш ҳамда ушбу мамлакатлар билан туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш; мамлакатлар ўртасида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида экспертлардан иборат ишчи гуруҳларини ташқил этиш ва учрашувлар ўтказиш; икки томонлама меморандум имзолаш; ислом давлатлари учун Ўзбекистон зиёратгоҳларини ёритиб берувчи махсус ахборот ресурсларини тайёрлаш ва зиёратгоҳлар бўйича нашрлар чоп эттириш; Ўзбекистондаги диний уламолар ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган музейлар ташқил этишни таклиф қилади².

Тадқиқотчи С.Усманова, Ўзбекистонда зиёратгоҳларга ташриф буюрадиган сайёҳлар учун ислом дини бўйича билимга эга бўлган ва араб ҳамда инглиз тилини билладиган гид-таржимонларни тайёрлаш; Ўзбекистонда ислом дунёсида машҳур бўлган диний уламолар ва уларнинг зиёратгоҳлари рўйхатини тузиш; Ўзбекистон бўйлаб зиёратгоҳларни ўзида мужассам-

¹ Usmanova Surayyo. Ziyarah Tourism as a New Linkage for Tourism Development in Uzbekistan // New Voices from Uzbekistan ed. Marlene Laruelle, – Central Asia-Azerbaijan Fellowship Program, 2019. – pp. 31-39.

² Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий механизми www.tsue.uz. – С. 368-374.

лаштирган ягона туризм маршрутни ишлаб чиқиш; Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Сурхондарё минтақаларининг ҳар бирида алоҳида зиёратгоҳлар харитасини ва туризм маршрутини ишлаб чиқиш; мусулмон мамлакатларидан ташриф буюрган сайёҳларни жалб қиладиган зиёратгоҳларни давлат томонидан таъмирлаш; мусулмон халқлари учун «KhaIaI Food» каби гастрономия турларини ташкил этиш; масжидларда ва зийратгоҳларда зиёрат туризми бўйича келган аёл сайёҳлар учун махсус алоҳида ибодат жойларни ташкил этиш; зиёратгоҳларда инфратузилмани ривожлантириш; хориждан келадиган зиёратчиларни жалб қилиш учун махсус чегирмалар асосида зиёрат туризм маршрутлари ишлаб чиқиш; оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ва Зиёрат туризм бўйича келадиган сайёҳлар учун виза олиш жараёнларини соддалаштириш; сайёҳлар учун аэропортларда алоҳида йўлаклар ташкил этиш ва улар учун давлатлар ўртасида махсус авиарейсларни ташкил этиш; зиёрат туризми билан шуғулланадиган туризм корхоналари учун бир қатор молиявий ёрдам ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқишни тақлиф этади¹.

Шу жиҳатдан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 2020-2022 йилларда соҳани ривожлантириш йўналишлари ва аниқ вазифалар ишлаб чиқилиб, унга кўра, биргина Қашқадарё вилояти 2022 йил якунига қадар 125,8 млрд.сўмлик 38 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу маблағларнинг 46,4 млрд.сўм ташаббускорлар ва 79,4 млрд.сўми банк кредити ҳисобига тўғри келади. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш орқали 435 та янги иш ўринлари яратилади². Туризм инфратузилмасида сайёҳлар ташриф буюрадиган гавжум жойлар, хусусан умумий овқатланиш шаҳобчалари, бозорлар, шохбекат, йўл бўйи хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, истироҳат боғлари ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларидаги 40 тадан ортик

¹ Usmanova S. Ziyarah Tourism as a New Linkage for Tourism Development in Uzbekistan // New Voices from Uzbekistan ed. Marlene Laruelle, – Central Asia-Azerbaijan Fellowship Program, 2019. – pp. 31-39.

² Қашқадарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар. – Қарши шаҳри, 2021 йил апрель.

санитария-гигиена шаҳобчалари ҳолатини тубдан яхшилашни назарда тутди.

Мамлакатимизнинг ислом тамаддуни маркази сифатидаги имиджини оммалаштириш бўйича Дубай (БАА), Алания (Туркия), (Қозон) Россия, Жакарта (Индонезия), Сингапур шаҳарларида ўтказилган кўргазма ва конференцияларда, шунингдек “ТРТ Аваз” (Туркия), “Транс7”, “НетТВ”, “ССТВ” (Индонезия), “Ал Ҳижрах” (Малайзия), “Ҳалал Трип” (Сингапур) ва бошқа хорижий медиа-платформалар орқали тарғибот ишлари олиб борилиши муҳим ҳисобланади¹.

Етук исломшунос уламолар (Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Абу Мансур Мотрудий, Маҳмуд Замахшарий ва б.) ҳаёти ва ижоди, шунингдек, мамлакатдаги зиёрат объектлари тўғрисида мақолаларни “Википедия” электрон энциклопедияси ва бошқа электрон платформаларга жойлаштирилади. Имом Термизий ҳаёти ва мероси, хусусан “Шамоили ан-Набавия” асари ҳақида махсус кўрсатувлар ташкил этиш, юртимизнинг зиёратгоҳ ва қадамжолари, турли динлар меросини акс эттирувчи видео роликлар тайёрлаш ва уларни авиа, жумладан хорижий авиакомпаниялар ва поезд бортлари медиатекасига киритиш чоралари амалга оширилиши лозим бўлади.

Шунингдек, Термиздаги Имом Термизий мажмуасида “Шамоили Муҳаммадия” халқаро сийрат мусобақаси, “Ипак йўли руҳияти” халқаро илмий-маърифий конференцияси, Қарши шаҳрида “Абул Муъийн Насафий” Марказий Осиё уламолари анжумани, Термиз шаҳрида “Термизий уламоларнинг ислом тамад-дуни ва жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси” мавзусида анжуман, дунё бўйлаб ўтказиладиган Қуръон ҳофизлари ва Ҳадис мусобақалари ғолиблари ўртасида гранд-финални Ўзбекистонда ташкил этиш ва зиёрат объектлари ёдгорликлари, тарихий мерос дурдоналари тўғрисида фото (видео) кўргазмалар ташкил этиш ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш, шу жумладан, ижтимоий медиа (Фасебоок, Твиттер, Тик-ток,

¹ Alimardonova Z.M. Modern concept of Tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. Vol.02, Iss.02, – Feb 2021. – Pp. 89-99.

Инстаграм) платформалари орқали тарғиботга қаратилган лойиҳалар, тадбирлар амалга ошириш лозим бўлади¹.

Шу билан бирга, республика ҳудудидаги йирик зиёрат объектларига олиб борувчи йўналишли автотранспорт қатнов тизимини ҳамда аҳолини бошқа ҳудудга саёхат қилишларини ташкиллаштириш учун транспорт қатновларини йўлга қўйиш, бундан ташқари, мамлакатимизда жойлашган ислом маданияти ва тарихи билан боғлиқ маданий мерос объектлари Ислом ҳамкорлик ташкилотининг “Ислом маданий мероси” рўйхатига киритиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Президентимизнинг Туризмни ривожлантириш концепцияси (2019 йил 5 январь) асосида 2025 йилга бориб, туризмнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2,3 фоиздан (2017) 5 фоизга, хорижлик сайёҳлар сонини эса 9-10 миллион нафарга, жумладан узоқ хорижий мамлакатлардан келувчи туристлар сонини 2 миллионгача ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, туризм экспорти ҳажмини 950 миллион АҚШ долларидан 2,2 миллиард АҚШ долларигача ошириш кутилмоқда. Жойлашув воситалари сонини 850 тадан 3000 тагача чиқариш режалаштирилган. Туроператорлар сони ҳам 980 тадан деярли икки бараварга ошиши кўзда тутилган².

Тадқиқотчи С.Усмонова, Ўзбекистон Республикасида мусулмонларга йўналтирилган туризм шароитларини яратиш юзасидан махсус Низом қабул қилинишини тавсия қилиб, Марказий Осиё минтақасида ушбу соҳадаги ҳамкорликни (зиёрат туризмини) ривожлантириш учун ИХТ билан ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро англашув меморандумини имзолаш, Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш учун ШХТга аъзо давлатлар ўртасида визасиз режим тўғрисида махсус битим тузиш, аъзо давлатлар сайёҳлик операторлари ассоциацияси иттифоқи ва унинг институционал-ҳуқуқий базасини муҳокамалар орқали ишлаб чиқиш, аъзо давлатлар ўртасида туризмнинг

¹ Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 июнь.

² Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда Зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий механизмлари www.tsue.uz. – С. 368-374.

истикболли турларини, шу жумладан, ривожлантириш учун махсус йўл харитасини қабул қилиш тавсия этилган¹.

Шунингдек, Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ҳуқуқий ва институционал асосларини ишлаб чиқиш орқали “Сайёҳлик тўғрисида” ги қонунга “Исломий зиёрат туризми” ёки зиёрат атамаларини киритишни ўз ичига олади. Республикамиз элчихоналари ҳузурида Ислом туризмини ривожлантириш марказларини ташкил этиш², диний характердаги ёдгорлик обидалар ҳудудида цехлар ташкил этиб, уни ривожлантириш, архитектура қиёфасининг бузилишга йўл қўймаслик таклифлари³ берилади.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун йўналишлар томоша ва тарихий ўрганадиган объектлар кўлами жуда кенг. Аждодларимиз ҳоқи ётган зиёратгоҳлар тарихи, моддий ва маънавий ҳаётимизда тугган ўрни, у ерда хизмат қилаётган шахслар фаолиятини ўрганиш, зиёратчиларга шарт-шароит яратиб бериш, зиёратгоҳларга маҳаллий аҳоли ва хорижий туристларни жалб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Зиёрат ва туризм уларнинг кўлами, шакллари, бошқариш усуллари ва мерос объектлари ва уларнинг атрофига таъсирини аниқлаш учун тегишли тадқиқотларни талаб қилади. Шунингдек, зиёрат туризм соҳасидаги муваффақиятли амалиётлар тўғрисида кўрсатмалар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотчи Б.Бердиёровнинг айтишига кўра, Ўзбекистонга хусусий йўналиш ва туристик ташриф буюрувчилар камида 10% сайёҳатларнинг экологик жиҳатлари билан қизиқадилар. Унинг фикрича, экотуризм бу табиий, маданий ва ижтимоий қадриятлар билан мослашган ҳамда табиий муҳитда ўзаро уйғунлашувни тарғиб қиладиган ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини

¹ Usmanova S. Ziyarah Tourism as a New Linkage for Tourism Development in Uzbekistan // New Voices from Uzbekistan ed. Marlene Laruelle, – Central Asia-Azerbaijan Fellowship Program, 2019. – pp. 31-39.

² Kodirov D., Mavlonova U., Kodirov T. Halal Tourism in Central Asia: Developing Service Systems in Uzbekistan // Journal of Halal Service Research, – Vol.1, Iss.2, 2020. – Pp. 35-45.

³ Асқархўжаев С.М., Асқархўжаев М.Б. Ўзбекистонда туризм ва кичик бизнесни ривожлантиришда меъморий обидалардан фойдаланишга доир айрим мулоҳазалар // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Ташкент, 2010. – Б. 42-45.

ўрганишга хизмат қиладиган туризмнинг алоҳида соҳасидир. Марказий Осиё табиат қўйнига қилинадиган туристик сайёҳатлар учун ўзига хос “Макка” бўлиб қолиши мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси давлатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари харитасига мувофиқ, бутун мамлакатимиз ҳудуди 14 экотуристлик районга ажратилган. Ҳар бир экотуристлик районга экотуристлик ҳудуд деб қараш мумкин. Улар жумласига Устюрт, Орол ва Оролбуйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдарқўл, Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон, Фарғона, Туркистон, Қашқадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристлик районлари киритилган.

Ч.Хусанов экскурсия ва тарихий туризм сифатида Ўзбекистон шаҳарлари Бухоро, Самарқанд билан бирга, Шаҳрисабзни ҳам киритади. Археологик туризм йўналишида Термиз, Қува, Хоразм йўналишини белгилаш келтирилиб, бу билан туристик археологик қазилмаларда иштирок этиш ва бундай сайёҳат билимлар орттиришга хизмат қилишини айтади².

Агар бундай имкониятларни экотуристлик йўналишда воҳа зиёратгоҳ ва қадамжолари мисолида кўрсатадиган бўлсак, масалан, Сурхондарёда Чашми девоноҳо (Девоналар булоғи), “Кўк тераклар булоғи”, “Оби Сурхон”, “Шайхлар булоғи”, Кўтирбулоқ зиёратгоҳи, Чашмаи Соро зиёратгоҳи, Дарвозаҳо зиёратгоҳи, Шакарсеб (Шакар олма) булоғи³, Сангардак тоғида “Шаррамосор” деб аталувчи зиёратгоҳларни киритиш мумкин.

Худди шундай Қашқадарё воҳасида ҳам экотуристлик ҳамда даволовчи хусусият сифатида қараладиган зиёратгоҳлар мавжуд. Масалан, Китоб тумани Ҳазрати Башир зиёратгоҳи, Муғул қишлоғи яқинида олти бурчакли Нёматуллоҳ Валий мақбара зиёратгоҳи, Хўжа Асфароз қишлоғидаги Оқ сув дарёси (200 метр тепаликда) “Оқ сув” зиёратгоҳи номи билан машҳур бўлиб, халқ

¹ Бердиёров Б.С. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмат бозоридаги ўрни. Автореф. дисс. икт. фан. номз. – Самарқанд, 2010. – Б. 11-13.

² Хусанов Ч.К. Особенности развития туризма в национальной экономической модели (на основе материалов Республики Узбекистан) Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Ташкент, 2006. – С. 18-19.

³ Дала тадқиқотлари. – Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Чош, Хўжасмин, Хонжиза, Десурх, Дебодом, Нилу, Кенгузар қишлоқлари. 2020 йил 15-16 август. 2-дафтар.

уни Шайх Шамсиддин каромати деб ҳисоблайди¹. Дехқонобод тумани Хўжаипок ота², Даҳна зиёратгоҳи, Катта Лангар ота зиёратгоҳ худудларидаги эко табиат инфратузилмаларидан фойдаланиш мумкин.

Миллий туристик мажмуаларнинг ривожланиши иқтисодий бюджетнинг таъминланишига, ички иқтисодиётнинг янада ўсишига ва аҳоли даромадларининг кенгайишига олиб келади. Билим таълимий, маърифий туризм – бу инсонларнинг маданият, тарих, урф-одатлар ҳақидаги билимларининг кенгайишига хизмат қилади³. Шу билан бирга, аҳолининг маънавий маърифий ҳаётида ҳам муҳим рол уйнайди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг жанубий худудларида зиёрат туризмни ривожлантириш давлат сиёсати даржасидаги муҳим масала бўлиб қолади.

Умуман, сўнгги йилларда туризм дунё маданиятларини ўрганиш, меъморий ёдгорликлардан илҳомланиш, турли халқлар маданияти билан танишиш, улардан завқланиш, муқаддас зиёратгоҳларни кўриш, уни тарихи билан танишиш, улардан рухланиш, инсонларнинг маданий-маърифий билимларини ошишига ҳамда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларининг зиёрат туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Муқаддас жойларга сиғиниш ва зиёрат қилиш сўнгги йилларда исломликни фаоллаштирмақда. Маскур жараёнлар тушуниш учун уларнинг ўтмишини ўрганиш асосида тадқиқотчилар томонидан Марказий Осиёдаги фундаментализм, ваххобийлик, экстремизм ва терроризмнинг минатақада кенгайишини ўрганишга ёрдам беради⁴.

Туризмни ривожлантиришда кадрлар масаласи ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бунда Термиз давлат университети туризм факультетларини ташкил этиш, бу соҳада кадрлар тайёрлаш,

¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани 2019 йил 21 август. 3-дафтар.

² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Хўжаипок ота қишлоғи. 2019 йил 28 август. 4-дафтар.

³ Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов управления региональным туризмом. Автореф. доктор. экон наук. – Ташкент, 2011. – С. 12.

⁴ Tastanbekov M.M., Dinashva L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage Of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia - Social and Behavioral Sciences 89 (2013) 667-675.

воҳага марказдан борувчи магистрал ва темир йўл имкониятларини яна бир марта кўриб чиқиш, чет эл аэропортларидан тўғридан тўғри рейсларни амалга ошириш зарур бўлади. Бу ҳудуддаги туристик инфраструктура ривожланишига, аҳолининг турмуш даражаси ошишига ва барча соҳаларни паралел равишда ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Туризмни ривожлантириш учун йўналишлар томоша ва тарихий ўрганадиган объектлар кўлами жуда кенг. Бунда туристик ҳордиқ чиқариш саёҳат, илмий экспедициягача бўлган жараёнларни ташкил қилади. Бугунги кунда туризмни ривожлантириш жаҳон давлатларида фаол масалага айланган бир пайтда, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё воҳасида ислом дунёсида машҳур бўлган алломаларнинг қабрларини обод этиб, туристик зиёратгоҳ жойлари сифатида шакллантириш, бу жойларга нафақат вилоят миқёсида маҳаллий зиёратчиларни, балки хорижлик туристларни ҳам жалб қилиш, давлатимиз қадим тарихи, маънавияти, маданияти, гўзал табиатини хорижга кўрсатиш орқали иқти-содиёт ривожига улкан ҳисса қўшиш имкони яратилади.

IV БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР:

1. Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида нуфузга эга бўлган Ўзбекистон ҳудуди ислом оламида машҳур бўлган Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Абул Муъийн Насафий, Муборак Марвазий каби буюк сиймолари яратган маънавий мерос диний ва дунёвий илмларнинг ўзаро алоқадорликда тараққий этишига имкон берган бўлса, динни умуминсоний қадрият сифатида ўргатиш диний бағрикенглик асосида аҳолининг маънавий маърифий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, бугунги дунёда глобал мавзуга айланиб бораётган терроризмга қарши курашда ҳам ислом динининг асл мазмун моҳиятини тушунтиришда алломалар ижодини нашр қилиш, зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш муҳим ҳисобланади. Мустабид тузум даврида топталган тарихнинг мустақиллик шарофати билан тикланиши буюк келажагимизга катта омил бўлган улуғ алломаларимизнинг, хусусан воҳада етишиб чиққан олиму фузалоларнинг китоблари, рисоалари нашр қилиниши, уларнинг қабрлари ободонлаштирилиши ва зиёрат-

гоҳларга айлантирилиши халқимизнинг маънавияти ва маърифати баркамол бўлиши учун самарали хизмат қилиб келмоқда. Бу борада, зиёрат туризмнинг аҳамияти катта бўлиб, туризмнинг ривожланиши нафақат даромад келтирувчи, балки ижтимоий-маънавий соҳа деб ҳам қараш лозим. Яъни Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини халқаро туризм рўйхатига қўшилиши, халқлар ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларнинг мустаҳкамланишига, турли миллатларнинг дўстлашишига, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига, дунёда тинчлик барқарор бўлишига омил бўлади.

Мустақиллик йилларида воҳада олиб борилган археологик, этнографик тадқиқотлар, муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш, илмий экспедициялар уюштириш, олимларнинг асарларини илмий таҳлил қилиш, маҳаллий аҳоли маънавиятининг юксалишига хизмат қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари миллатларо алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, халқаро туристик бозорга интеграциялашиш, Ўзбекистоннинг маданий, тарихий, маънавий меросини жаҳон андозалари даражасига етказишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Бунда Қашқадарё ва Сурхондарёда зиёрат туризми ривожлантириш учун мақсадли хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, зиёратгоҳларда ибодат қилувчилар учун барча шароитларни яратиш, ҳалол бренди остидаги тур фирма маҳсулотларини такомиллаштириш, имкониятлардан келиб чиқиб воҳа зиёратгоҳларини халқаро миқёсдаги зиёрат туристик объектлари рўйхатига киритиш, бунинг учун халқаро конференция ва анжуманлар ташкил этиш, республика миқёсида ички туризмни ривожлантиришда ҳудуд имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Туризмни ривожлантиришда кадрлар масаласи ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бунда Термиз давлат университети ва Қарши давлат университетларида “Туризм” факультетларини ташкил этиш, йўл имкониятларини яна бир марта кўриб чиқиш, чет эл аэропортларидан тўғридан тўғри рейсларни амалга ошириш, уларнинг келиш имкониятларини кўриш зарур бўлади.

Юқоридаги кўрсаткичлар ва тақлифларни инобатга олган ҳолда, туристларнинг сони кескин ошиши орқали ҳудуддаги

туристик инфраструктура ривожланишига, аҳолининг турмуш даражаси ошишига ва барча соҳаларни паралел равишда ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

3. Туризм соҳасида улкан имкониятлар бўлишига қарамай, Ўзбекистоннинг туризм инфратузилмаси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси глобаллашув ва кескин рақобат шароитида замонавий талабларга мос келмаслигини Президентимиз танқид қилиб уларга тегишли вазифалар белгиланган эди. Бугунги кунда буларнинг самарасини кўряпмиз. Ўзбекистонда туризмга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу асосда, зиёрат туризми, маданий туризм, тиббий туризм, гастрономик туризм, ёшлар туризми, экотуризм, этник туризм, спорт туризми ва бошқа туризм турлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Мазкур жойлардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдизларига эга. Уларни илмийлик асосида чуқур ўрганиш юртимиз маънавий ҳаётининг юксалишига, халқ орасидаги айрим салбий одатларга барҳам берилишига, шу билан бирга, ижобий хислат ва урф-одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёқараш, алломаларимиз меросига нисбатан меҳр-муҳаббат хис-туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Туризмни ривожлантириш учун мамлакатимиз салоҳияти бекиёс бўлиб, ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, туризм индустриясини қарор топтириш мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган асосий соҳалардан бирига айланиши табиий. Мамлакатимиз туристик салоҳияти шу қадар юксак ва ранг-барангки, ундан фақат шу мақсад учун оқилона фойдаланиш лозим. Зиёрат туризм статистикаси аниқланиши, тўпланиши ва халқаро миқёсида келишилиши керак. Ва ниҳоят, зиёрат саёҳат соҳасидаги ривожланиш тадқиқотчилар ва ўқитувчилар ҳамда туризм бўйича мутахассислар учун талаб ва таклиф таҳлилларини ўтказиш учун тадқиқот марказлари тармоғини ташкил этишни талаб қилади.

ХУЛОСА

“Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётида зиёратгоҳлар аҳамияти ва диний маданий тарихининг мазмунини очиб беришда Ч.Глок ва Р.Старк томонидан ишлаб чиқилган назариялар асосида, диннинг жамиятдаги аҳамияти, диний ибодат бу инсоннинг ўзига хос руҳий ҳолати бўлиб у жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқлиги аниқланди. Марказий Осиё зиёратгоҳлари классификацияси асносида Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти зиёратгоҳлари (ислом уламолари, алломалар, саҳобалар, пайғамбарлар, тарихий шахслар номи билан аталувчи, рамзий қабрлар, номаълум бўлган, ривоят, афсона номи билан аталган зиёратгоҳлар, даволовчи, табиат ҳодисалари номи билан боғлиқ муқаддас кадамжолар) таснифланди;

2. Мавзунинг манбашунослигига доир ЎзМА ҳужжатлари (ҳисобот, қарор, буйруқларни, жой номи архитектураси билан боғлиқ ҳисоботлар) ва қўлёзма манбалар таснифланиб, Жанубий Ўзбекистон зиёратгоҳлари тўғрисидаги маълумотлар шарқшунос, географ олимларнинг этнографик, тарихий асарлар ва турли кўринишдаги манбалардаги (архив ҳужжатлари, эсдаликлар, газета мақолалари, ҳисоботлар, шахсий хотиралар, суҳбатлар) асосидаги маълумотлар аниқланди. Муаммонинг тарихшунослигига оид рус, хориж, ўзбек тилида ёзилган 20 дан ортиқ диссертация иши, 100 га яқин рисола, этнография, тарихга оид 300 дан ортиқ адабиётлар таҳлил қилиниб, ундаги Жанубий Ўзбекистон зиёратгоҳларига доир фикрлар ёритилди. Зиёратгоҳларнинг айнан жанубий ҳудудлардаги ҳолати юзасидан комплекс таҳлил олиб борилмаганлиги исботланди;

3. Қашқадарё воҳасида ўрта асрлар даврига тегишли зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши Амир Темур ва Темурийлар даври билан боғлиқ бўлиб, айнан соҳибқироннинг ўзи авлиё ва пир

устозларга нисбатан хурмат мақсадида уларнинг қабрларини сағана, мақбараларга айлантирган. Маҳаллий аҳоли томонидан XVI-XIX асрларда яшаган тарихий шахслар, ислом оламида шайх, хўжа, саид макоми билан авлиё даражасига кўтарилган шахслар номи билан боғлиқ қабрларни зиёрат маскани сифатида улуғланган. Қабрлар орасида афсона, мифлар билан боғлиқ рамзий қабрлар ҳам аниқланиб, уларда бу тарихий шахснинг шу ерда туғилганлиги ёки айнан шу ерда бўлганлигини изоҳловчи фактлар билан кўрсатилган;

4. Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари архитектура-меъморий услублари ислом маданиятининг намуналарини бирлаштирган ёдгорликлар эканлиги, зиёратгоҳларида қурилган мақбарлар тузилиши ва кўриниши темурийлар даври меъморчилик услуби анъаналарини такрорлайди. Зиёратгоҳлар қурилишининг ўзига хос жиҳати у ерда мақбара сағаналар билан бирга, албатта зиёратгоҳлар ёнида ибодат учун масжид ҳам бунёд этилган. Бу бевосита ўрта асрлар даври қурилиши ва безак ишларининг ислом анъаналари билан симбиозини кўрсатади.

5. Сурхондарё воҳасидаги зиёратгоҳларнинг аксариятини авлиё даражасига кўтарилган саҳобалар номи билан боғлиқ масканларни ҳамда саййидлар насаби улуғланганлигини кўриш мумкин. Аксарият муқаддас қадамжолар тоғ, табиат билан уйғунлашганлиги у ерда маҳаллий аҳолининг ташрифи ва зиёрат сайёҳат имкониятларини мавжудлиги билан изоҳланади. Бунга Термиз шаҳри ва унинг атрофида ҳамда Олтинсой туманида жойлашган қадамжоларни мисол қилиб келтириш мумкин. Воҳанинг ўзига хос ва бошқа ҳудудлардан ажралиб турадиган хусусияти бу ерда ислом дини уламолари ва саҳобалар номи билан боғлиқ рамзий қабрларнинг кўплиги билан изоҳланади. Зиёратгоҳларнинг аксарияти диний шахс (персона) номи билан боғлиқ бўлиб, бу ерда термизийлар номи билан илм аҳли етишиб чиққанлиги ўлканинг зиёрат масканлари ҳудудий умумий топонимик бирлик асосида шаклланган ўзига хосликни кўрсатади.

6. Воҳа архитектурасининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳудуд ўзидан олдинги меъморчилик анъаналарини ўзлаштириб, маҳаллий қурилиш услублари билан аралашган ва натижада бетакрор ижод намуналари яратилган. Меъморий ёдгорликлари

Ўз хусусияга кўра иккига бўлиш мумкин, яъни асосий ёдгорлик зиёратгоҳлар ҳисобланган Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Содот, Қирқкиз мажмуаси IX-XII асрларга қурилган ўз даврининг меъморий обидалари саналади. Рамзий қабр устига мақбаралар қурилиши XV-XVIII асрларни ўз ичига олиб, сағана ва жомеъ масжидлар қурилиши XIX-XX асрга тегишли бўлиб ўрта асрларга хос анъанавий услубда таъмирланган. Кейинги йилларда бундай мақбара бевосита маҳаллий аҳолининг маблағлари ҳисобига таъмирланган ва қурилган ҳисобланади.

7. Воҳа зиёратгоҳларининг аксарияти табиат қўйнида жойлашган ва табиат ходисалари (тоғ, дарахт, сой, сув) номи билан боғлиқ ўзига хос шифобахшлик хусусияти кўзга ташланади. Авлиёлар ва булоқ номлари билан боғлиқ қадамжоларга маълум касалликларга шифо топишни, ёки орзу умидларини амалга оширишларида (турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, умид) ташрифни зиёратгоҳни аҳоли орасида тизимлашганини кўрсатади. Бошқа томондан, зиёратгоҳ жойлашган ҳудудларнинг табиат билан уйғунлиги, тоғ, сув ва тоза ҳавонинг мажудлиги айнан воҳада экотуризмни ривожлантириш учун асос бўлади. Бунинг учун нафақат табиат балки у билан боғлиқ қадамжоларнинг ҳам мавжудлиги ҳудудий туристик манзилларни ривожлантиришга хизмат қилади.

8. Маънавий-ахлоқий ҳаётимизда диний илмларнинг ўрни катта бўлиб, у умуминсоний ахлоқий қадриятларни сингдиришга хизмат қилади. Жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида нуфузга эга бўлган Ўзбекистон ҳудуди ислом оламида машҳур бўлган Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Абул Муъийн Насафий, Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий каби буюк сиймолари яратган маънавий меросни ёшлар, маҳаллий аҳолига таништириш миллий ўз-ўзини англаш, тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизими, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқаларни шакллантиришга хизмат қилади. Воҳаларда зиёрат туризмни ривожлантириш учун мақсадли хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, зиёратгоҳларини халқаро миқёсдаги зиёрат туристик объектлари рўйхатига киритиш, Термиз давлат университети ва Қарши давлат университетларида туризм факультетларини ташкил этиш, чет эл

аэропортларидан тўғридан-тўғри рейсларни амалга ошириш, уларнинг келиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур бўлади. Бу ҳудуддаги туристик инфраструктура ривожланишига, аҳолининг турмуш даражаси ошишига ва барча соҳаларни паралел равишда ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

Юртимизда мавжуд зиёратгоҳ, макбара, қадамжолар халқимизнинг диний ва миллий кадриятлардан бири саналади. Муносиб шахсларнинг меросини ва тарихини ўрганиш, пиروвард натижада улар дафн этилган қабристонларни обод қилиш, диний-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш, уларнинг дунёвий ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади. Зеро, бундай шахсларнинг ҳаёт йўли, сўзлари ва эзгу амаллари халқимизга ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб қолади.

Тадқиқотда таҳлил этилган масалалардан келиб чиққан хулосалар асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

– буюк шахсларнинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихини кенг оммага таништириш, мазкур зиёратгоҳларни нафақат республика балки жаҳон туризм аҳамиятидаги зиёратгоҳлар руyxатига қўшиш;

– ислом уламолари ҳаётини илмий ўрганиш, авлиё даражасидаги шахсларнинг қилган ишлари, алоҳида аҳамиятга эга бўлган хислатлари ва фаолиятларининг энг муҳим жиҳатларини рисола тарзида нашр қилиш ва уларни мактаб дарсликларининг тарбиявий томонларига жалб этиш;

– зиёратгоҳларнинг аксарияти илмий реставрация ва таъмирлаш ишларига муҳтож бўлиб, уларни илмий ўрганиш ва кенг омма билан таништириш фан вакиллари, тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир;

– диний культ билан боғлиқ масалаларни бугунги кун нуктаи назаридан ислом уламолари томонидан кўриб чиқилиши ва бу йўналишда аҳолига тушунтириш ишлари олиб борилиши бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади;

– Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида туристик зиёратгоҳ жойлари сифатида шакллантириш, бу жойларга нафақат вилоят миқёсида маҳаллий зиёратчиларни, балки хорижлик туристларни ҳам жалб қилиш, бу орқали воҳа иқтисодиёт ривожига улкан ҳисса қўшиш имкони яратилади;

– зиёрат туризм соҳасидаги муваффақиятли амалиётлар тўғрисида кўрсатмалар, ислом мамлакатлари билан ўзаро соҳадаги кўп томонлама келишувларни амалга ошириш;

– ички туризмни ривожлантиришда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси зиёратгоҳларининг маданий-маърифий аҳамиятидан келиб чиқиб, авлиё, тарихий шахслар номи билан боғлиқ кичик рисола, китоб ва йўл магистралларда йўл кўрсатгичларни ташкил қилиш ва бошқалар.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида // Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 19-сон. – Тошкент: Адолат, 1998.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги № ПҚ-2774 «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/3113645>

1.3. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/4945427>

1.4. Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеяси Бали шаҳрида (Индонезия) бўлиб ўтган мажлис, 1993-йил, X сессия. Основополагающие документы ЮНВТО. Том I. – Февраль, 2016.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 31-сон. 782-модда.

1.6. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент, 2017 йил 3-сон.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 Тошкент шаҳри 2017 йил 7 февраль // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3217-сонли қарори. 2016 йил 16 август. www.lex.uz

1.9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

1.10. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafofiatlari. – T.: O'zbekiston, 1997.

1.11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

1.12. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

1.13. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. // Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

1.14. Мирзиёев Ш.М. Оққўнғил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти) // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

1.15. Мирзиёев Ш.М. Ҳар қандай синовларни енгшига қодир халқ // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

1.16. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

II. Архив ҳужжатлари, ҳисобот ва маълумотномалар

- 2.1. ЎзМА, Фонд–34 ТАССР Маориф Халқ комиссарлиги;
- 2.1.1 ЎзМА, Фонд–394 Санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис);
- 2.1.2 ЎзМА, фонд –2761 Республиканское правление общества охраны памятников истории и культуры;
- 2.1.3 ЎзМА, фонд–2296 Главное управление по охране паямтников и изобразительного искусства Министерство культуры УзССР (1957-1976);

2.1.4.ЎзМА, М-7 Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги;

2.1.5.ЎзМА, М-38 Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги;

2.1.6.ЎзМА, М-35 Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству.

2.2.ЎЗР Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти архиви.

2.3.“Вақф” хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилоят филиали томонидан давлат муҳофазасига олинган объектлар руйхати.

2.4.Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий меърос департаменти Қашқадарё вилояти бошқармаси.

2.5.Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий меърос департаменти Сурхондарё вилояти бошқармаси.

2.6.Ўзбекистон мусулмонлари идораси маълумотномаси.

III. Араб ва форс тилидаги манба ва адабиётлар

3.1.Абду-л-Карим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома) / Тарж.: Абдулғафур Раззоқ, Комилжон Раҳимов. – Тошкент: Нилои nashr, 2017.

3.2.Абдурахим Ҳисорий. Тухфатул Ансоб. ЎЗР ФАШИ Асосий қўлёзма №5432.

3.3.Абдурахмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафахот ул-унс. – Душанбе: Адиб, 1990.

3.4.Абдуссалом ал-Ушрий. Абдурахмон ибн Авф. – Қоҳира: Нахдат Миср, 2000.

3.5.Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳамадоний Ибн Факих. Китоб ул булдон.-Лейден: Брилл.

3.6.Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ул-умам ва-л-мулк.-Байрут: "Дор ул-кутуб ул-илмий", 1407/1986. V. Биринчи нашр. III.

3.7.Абулаббос Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир Балазурий. Футух ул-булдон. – Байрут: Муассасат ул-маъорий, 1407/1987.

3.8.Абу Заҳра М. Та’рих ал-мазоҳиб ал-исломия. – Қоҳира, 1993. 1–2-ж.

3.9. Абу Исо ат-Тирмизий. Сунан ат-Тирмизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. 5-ж. 607-ҳадис.

3.10. Абу Исо Муҳаммад ибн Абу Исо Термизий. Сунан ат-Тирмизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997.

3.11. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Форисий Истахрий Кархий. Китоб масолик ул-мамолик. Лейден: Брилл, 1870.

3.12. Абу Саъд Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ал-Ансоб (6 жилдди). – Ж. 1 / Муҳаммад Абд ал-Қодир Ато хошиялари билан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1419/1998.

3.13. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент.

3.14. Ас-Самъоний А. Насабнома (Ал-Ансоб). – Бухоро, 2003.

3.15. Афиф Абдулфаттоҳ Таббора. Ма ал-анбиё фи-л-Қуръон ал-карим. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1991.

3.16. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муъийн ал-фуқаро. Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). – Тошкент: Янги асравлоди, 2009.

3.17. Аш-Шайх Комил Муҳаммад Муҳаммад Авайда. Ал-Ҳаким ат-Тирмизий. – Байрут, 1993.

3.18. Бадавий А. Мазоҳиб ал-исломийин / 2-нашр. – Байрут, 1979.

3.19. Бобур З. М. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 2018.

3.20. Доктор Шавқий Абу Халил. Атлас ал-Қуръон. – Дамашқ, 2001.

3.21. Жомий А. Нафаҳот ал-унс. – Тошкент, 1915.

3.22. Жомий Абдурахмон. Нафаҳот ул-унс мин хазарот ил-қудс. Қоҳира: Азҳари шариф, 1409/1989.

3.23. Зайдон Ж. Та'рих ат-тамаддун ал-исломий. 1–2-ж. – Қоҳира, 1995.

3.24. Заррин-Куб А. Арзиш-и мирос-и суфия. – Техрон, 1965.

3.25. Ибн Асқалоний. ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1995. 3-ж.

- 3.26. Ибн ал-Асир. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. 2-ж.
- 3.27. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Издание Н. Велихановой. – Баку, 1986.
- 3.28. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр. – Тошкент, 2011.
- 3.29. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. 3-ж. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1995.
- 3.30. Ислои. Энциклопедия /А–Ҳ. 2017.
- 3.31. Қуръони карим 21: 85–86. 38: 48.
- 3.32. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Введение перевод примечания, указатели Б. А. Ахмедова. – Тошкент: Фан, 1977.
- 3.33. Муборак З. Ат-Тасаввуф ал-исломий фи-л-адаб ва-л-ахлоқ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1995.
- 3.34. Муҳаммад Абдурахмон ал-Муборакфурий. Тухфат ал-Аҳвазий би-шарҳ Жоми ат-Термизий. Зухд боби. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990. 7-ж.
- 3.35. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Рус тилига И. И. Срезневский томонидан қилинган Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалиги” таржимасининг 1881 йилдаги нашридан Маъсул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муал. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Тошкент: O‘zbekiston, 2010.
- 3.36. Самарқандские документы XV–XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистана). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д. Чехович. – М.: Наука, 1974.
- 3.37. Самарқандий А. Матлаи саъдайн мажмаи баҳрайн. II жилд 1-қисм, 1405-1429 йиллар воқеалари /Форс тилидан таржима А. Ўринбоев. – Тошкент, 2008.
- 3.38. Сейди Али Раис. Миръот ул-мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). Тарж. Ш.Зуннунов, сўзбоши С.Азимжонов. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1963.

3.39. Тазкират ал-аулия, или Рассказы о святых. Пер. Ольги Васильевой. Автор: Фарид ад-дин Аттар. – Москва: САМПО, 2005.

3.40. Темур тузуклари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедовники. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.

3.41. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. 2-ж. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996.

3.42. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А. Мадраимов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт матбаа ижодий уйи, 2017.

3.43. Фахриддин Али ас-Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт / Таржима муаллифи Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Нашрга тайёрловчи М.Ҳасанов, Б.Умрзоқов – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004.

3.44. Фосих Аҳмад Хавофий. Мужмали Фосихий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997.

3.45. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма. Форс тожик тилидан таржима Ж.Эсонов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

3.46. Ҳофиз Абру ЎзФА ШИ, №5361,4 а-бет, А. Ўринбоев таржимаси.

3.47. Ҳофиз Абру. Ашкол ал-ақолим. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. № 5361.

3.48. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом (‘‘Шарафномаи шоҳий’’). Биринчи китоб; Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. – Тошкент: Шарқ, 1999.

3.49. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 2 ж. – Тошкент: Фан, 1969.

3.50. Шавқий Абу Халил. Атлас ал-Қуръон. – Дамашк, 2001.

3.51. Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Банно Башшорий Мақдисий. Аҳсан ут-тақосим фий маърифати-л-ақолим. М. Ж. Де Гве нашри

асосида. – Қоҳира: Мактабат ул-мадбулий, 1411/1991. Учинчи нашр.

IV. Рисола, адабиёт ва илмий мақолалар

4.1. 101 улуғ саҳобий (Моти); диний-маърифий тўплам. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018.

4.2. Абашин С. «Народный» суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. – Ташкент, ИФЕАК. 2004.

4.3. Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане // Центральная Азии и Кавказ. – 1999, №1(2).

4.4. Абашин С. Национализмы в Средней Азии: в поисках идентичности. – СПб.: Алетейя, 2007.

4.5. Абашин С.Н. Власть и фотография: визуальная репрезентация в имперской рамке // Неприкосновенный запас. – 2012, 4(84).

4.6. Абашин С.Н. Занги-ата // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 3. – Москва, 2001.

4.7. Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. – 2001. № 2.

4.8. Абашин С.Н., Бобровников В.О. Соблазны культа святых (вместо предисловия) // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе/Сост. С.Н. Абашин, В.О. Бобровников. – М., 2003.

4.9. Абашин С.А., Бобровников В.О. Подвижники ислама: культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – Москва, Вост. Лит. 2003.

4.10. Абдужаббор Ҳожи Соатов. Лангар ота табаррук манзилгоҳи ёхуд Идрок шамчироғи. – Тошкент: Фан ва технология, 2010.

4.11. Абдулазизов С. Ҳақиқат дар бораи мазорҳо. – Душанбе: Ирфон, 1970.

4.12. Абдулахатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Тошкент: Шарқ, 2005.

- 4.13. Абдулқодир Абдул Раҳим. Ўзбекистон дурдоналари. “Бадъул амолий” шарҳи. – Тошкент: Шарқ, 2016.
- 4.14. Абдуллаев А. Ҳақим ат-Термизий ҳаёти, ижоди ва таълимоти // Ал Ҳақим Термизий ва унинг даври мавзусидаги халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. – Термиз, 2004.
- 4.15. Абдуллаев Р. Ал Ҳақим ат-Термизий (Аллома ҳаётномаси) // *Moziydan sado*, 2001, 4(12)-сон.
- 4.16. Абдуллаев Ҳ. Насаф ва кеш алломалари (Электрон қўлланма) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006, 4-сон.
- 4.17. Абдуллоҳ Саъад. Насафлик алломалар (“Ўрта Осиё олимлари” каталогидан) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006, 3-сон.
- 4.18. Абдурасулов Р., Ремпел Л. Неизвестные памятники бассейна Кашкадарьи // Искусство зодчих Узбекистана. – Тошкент: АН РУз, 1962.
- 4.19. Абдурахмон Қоя. Ислоҳ ахлоқи. – Тошкент: Мовороуннахр, 1997.
- 4.20. Аблоқулов Х. Самарқанд зиёратгоҳлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2009, 2-сон.
- 4.21. Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.
- 4.22. Абриев Р. Ўзбекистонда тоат ибодат билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2015, 4-сон.
- 4.23. Абриев Х. Амир Темур ва темурийлар даври меъморий обидалари бунёд этилиши ҳамда таъмирланиши тарихидан // *Imom Buxoriy saboqlari*. 2018, 1-сон.
- 4.24. Абу Исо Муҳаммад Термизий. Сунани Термизий (ҳадис тўплами) / Тарж.: Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Адолат, 1999.
- 4.25. Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамлими ас-Салғоний. Ал-Ансоб. Таржималар: Ҳожи Абдулғофур Раззоқ Бухорий, К. Раҳимов. – Бухоро нашриёти, 2002.

- 4.26. Абул Мухсин Мухаммад Бакир. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи. 1993.
- 4.27. Агзамходжаев С. Ёшларга ислом маърифатининг таъсири // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. Тўпл. 3. Исломов ва бошқ. – Тошкент: Тошкент ислом университети 2009.
- 4.28. Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Очерки социально-экономической и политической истории. – Ташкент, 1959.
- 4.29. Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машхур сиймолари. – Тошкент, 2014.
- 4.30. Айни С. Бухара. Воспоминания. – М., 1960. – 61 с.
- 4.31. Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016.
- 4.32. Акбаров Р., Шамсиддинов Н. Етти туғ ота шажараси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2015.
- 4.33. Акимов О.Ф. ал-Кадирия. Каландария. Ал-Кубра. Кубравия. Накшбанд. Накшбандийа // Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.
- 4.34. Алексеев А.К. Сведения «Тарих-и мулла-зада» о правилах совершения зийрата // Лавровский сборник. Материалы XXXIV и 234 XXXV Среднеазиатско-Кавказских чтений 2010–2011 гг.: этнология, история, археология, культурология / отв. ред. Ю. Ю. Карпов, М. Е. Резван. – СПб., 2011.
- 4.35. Алескеров Ю. Самарканд страницы истории. – Ташкент, 1967.
- 4.36. Алиев Б., Холиқов З. Термиз ва Чағониён тарихий манбаларда // *Moziydan sado*. – 2001, 4(12)-сон.
- 4.37. Алиев М. Ислам и его обряды. – Тошкент: Кзыл Узбекистан и Узбекистон сурхи, 1956.
- 4.38. Алимов Усмонхон. Ўтганларни ёд этиш инсоний бурч // Ислам нури. 2013 йил 9 май.
- 4.39. Алланов Т., Алланов О. Омонхона мўжизалар манзили. – Тошкент: Тафаккур, 2013.
- 4.40. Амонов М.У. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддия тариқати билан боғлиқ

меъморий ва эпитафик маълумотлар // Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi – 2020. 11-сон.

4.41. Ананьев А.Г. Ширабадская долина. – Спб, 1914.

4.42. Андреев М.С. Женская богиня “госпожа вторник”, покровительница пряж // Религиозные верования народов СССР. – М.-Л., 1931. Т. 1.

4.43. Аннаев Т. Ал-Хахим Ат-Термизий. – Тошкент: Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1998.

4.44. Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения северного Тохаристана. – Тошкент: Фан, 1988.

4.45. Аннаев Т.Ж. Ал-Хахим ат-Термизий. – Тошкент: Мерос, 1998.

4.46. Арапов А. В., Булатов М. С, Туйчиева Ю. Г. Забытый "язык" символов. Ак-Астана баба // Мозийдан садо. – Ташкент, 2000. № 2/(14).

4.47. Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1917–1936). Сборник документов. – М., 2010. Вып.2.

4.48. Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (По материалам Восточного отдела ОГПУ. 1926 г.) Сборник документов. Вып.1. – М., 2010.

4.49. Арендаренко А.Г. Досуги в Туркестане 1874-1889. – Спб, 1889.

